

ШОНАЗАРОВ ЖАМШИД ШУҲРАТОВИЧ

ДАВЛАТ  
ХИЗМАТЧИСИНИНГ  
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ  
ҚИЁФАСИ

*Монография*



**ШОНАЗАРОВ ЖАМШИД ШУҲРАТОВИЧ**

**ДАВЛАТ  
ХИЗМАТЧИСИНИНГ  
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ  
ҚИЁФАСИ**

**МОНОГРАФИЯ**

**ҚАРШИ  
«INTELLEKT» НАШРИЁТИ  
2023**

УДК: 665:5263

ББК: 50.478

Ш-65

Шоназаров Жамшид Шухратович.

Давлат хизматчиснинг маънавий-ахлоқий  
қиёфаси/Монография.

–Қарши. «Intellect» нашриёти, 2023. –223 бет.

Мазкур монография давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг бошқарув фаолияти ва ижтимоий-сиёсий муносабатлари билан боғлиқ бўлган маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириб бориш ва бу соҳада юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ечимини ўрганишга ва таҳлил этишга бағишланади. Мазкур тадқиқотда бугун тобора глобаллашиб бораётган ҳар томонлама рақобатбардош ўта зиддиятли замонда давлат ва жамият бошқарувини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳар томонлама мукамал ва самарали ташкил этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланиб қолмоқда. Мазкур вазифалар ечимини топиш ва амалиётга тадбиқ этишга қаратилган илмий таҳлиллар сиёсат ва ахлоқ фалсафаси нуқтаи назаридан талқин этилган.

Ушбу тадқиқот натижаларидан давлат хизматчилари, сиёсий партия раҳбарлари, давлат бошқаруви йўналишида изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

**Масъул муҳаррир:**

**Т.АЛИМАРДОНОВ**

сиёсий фанлар доктори, профессор.

**Тақризчилар:**

**С.ЧОРИЕВ** – Фалсафа фанлари доктори, профессор.

**Ю.МАНЗАРОВ** – Тарих фанлари номзоди, доцент .

*Ушбу Монография Шаҳрисабз давлат педагогика институти  
Илмий Кенжашининг 2.05.2023-йилдаги 8-сонли баённомаси  
билан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9910-9870-2-1

© Ж.Ш.Шоназаров, 2023

© «Intellect» nashriyoti, 2023

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон ўз тараққиёти ривожда жамиятнинг бир сифат босқичидан иккинчи бир янги сифат босқичига ўтиш даврида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланишнинг улкан ва мураккаб жараёнларини босиб ўтмоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш асослари мустаҳкамланиб боргани сари ижтимоий адолат, ҳуқуқий тенглик, инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш бирламчи концептуал вазифа сифатида олинди. Бу инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, адолатли, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш тўғрисидаги орзу-умидларини руёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган зарурат ва вазифадир. Ушбу вазифа негизида давлат бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида давлат хизматчиларининг маънавий ва ахлоқий қиёфасини замон талабларига мослаштириб боришга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Ушбу мураккаб давр синовлари, сабоқлар ва тажрибалар билан боғлиқ ислохотлар мамлакатимиз учун жаҳон ҳамжамиятида кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бу имкониятлар замонавий ва рақобатбардош кадрлар салоҳияти, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари билан амалда таъминланади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “...бугун биз яшаётган жамиятда янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак.”<sup>1</sup>, деб таъкидлаганлари юртимизда амалга оширилаётган ва жамиятнинг ҳар бир қатламига кириб бораётган кенг миқёсли ўзгаришларнинг мақсадли самарадорлигини таъминлашда, мамлакат тарққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб

---

<sup>1</sup> Шавкаи Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва муррабийлар кунига бағиланган тантанали маросимда “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” мавзусида сўзлаган нутқи. 2020 йил. 30 сентябрь.

этувчи давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яратиш, уларнинг дунёқараши, маънавияти, иқтидори ва салоҳиятини янада юксалтириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини мукамал ўрганишга қаратилган вазифалар кўламини очиб беради.

Айни пайтда ўз эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил тарзда ёндоша оладиган, айни чоғда шахсий манфаатларини миллат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол замонавий давлат хизматчиларини тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди. Булар аввало, аҳолининг интеллектуал салоҳияти имкониятларини очиш орқали уларнинг фикр эркинликларини таъминлаш, миллатнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини кучайтириш асосида демократик тамойиллар ривожини миллий кадриятлар асосида уйғунлаштириш, давлат хизматчиси бошқарув фаолиятига ижобий таъсир этувчи сиёсий институтлар фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аммо бундай устувор вазифалар, шубҳасиз, бир зумда амалга ошадиган жараён эмас. Шу жиҳатдан, мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувини модернизация қилиш ва эркинлаштириш, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий тизимни янгилаш вазифаси негизида давлат хизматчиларининг сиёсий тафаккурини, ҳуқуқий онги ва маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириб бориш зарурий талабларга айланмоқда. Айни дамда, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва сиёсий ислохотлар тизимини қаътийлаштириш жараёнида давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий ахлоқий асосларини тадқиқ этиб бориш ахлоқ фалсафаси ва сиёсий фанлар олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугун жамиятимизнинг сиёсий тизими демократик тамойиллар асосида янгилашмоқда. Мамлакатимизда янги демократик тузумнинг асослари яратилмоқда. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва

жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди. Бундай иштирок эса жамоатчилик назоратисиз, унинг воситасида давлат хизматчисининг маънавий-ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришнинг илмий услубларини жорий этмасдан туриб амалга ошмайди. Биз муаммонинг айнан ана шу жиҳатини тадқиқ этишга жазм этдик. Шу нуқтаи назардан тадқиқот мавзусининг долзарблигини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

**биринчидан,** Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш асосларини янада мустаҳкамлаб бориш жараёнида замонавий давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий асосларини сиёсий қадриятлар тизгинида шакллантириб бориш давлат ва жамият бошқаруви баркамоллигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Зеро, давлатчилик тараққиёти ва жамият ривожланиши, унинг бир сифат босқичдан иккинчи бир янги сифат босқичига мувофақиятли ўтиши бевосита бошқарув жараёнида давлат хизматчиларининг сиёсий онги, ахлоқий билими ва маънавий дунёқараши билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам давлатчилик бошқарув сиёсатида маънавий ахлоқий билимларнинг зарурий эканлигини эътироф этган ҳолда мавзуга доир масалаларни тадқиқ қилиш мақсадида Шарқ ва Ғарб сисёсатчи файласуф мутафаккирларининг илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилиб бориш илмий муаммолар сирасига киради;

**иккинчидан,** мамлакатда бошқарув жараёнлари билан боғлиқ тарзда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, ижтимоий муносабатлар ва аҳоли турмуш тарзининг ўзгариши, давлат хизматчиларининг онги ва тафаккурида маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Шу жиҳатдан ҳам халқимиз яратган хайрли анъаналар ва қадриятларга нисбатан миллий мерос назари билан қараш, давлатчилик бошқарувида Шарқона анъаналардан андоза сифатида кенг фойдаланиш ва маънавиятимизнинг очилмаган қирраларини янада такомиллаштириб бориш ҳамда миллий бошқарув меросимизни

ривожланиш босқичларини мукамал ва ижодий ўрганиш зарурлигини илмий асослаш;

**учинчидан,** бозор иқтисодига асосланган демократик давлат тамойилида сиёсий жиҳатдан ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатиб келмоқдаки, аввало, ҳар қандай сиёсий тизим инсон манфаатларига ҳамда унинг камолотига хизмат қилгандагина тараққиётга юз тутади. Давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчисиининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириб бориш, унинг ахлоқий маданиятга таянган сиёсатининг юксалиб бориши давлатчилик тараққиётида сиёсий барқарорликни юзага келтиради. Жумладан, миллат онги ва тафаккурини ўзгартириш, уларни фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидан халос этиш орқали давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ижтимоий-ахлоқий мезонларни ишлаб чиқиш давлат хизматчиси маънавий-ахлоқий қиёфасини яратишда зарурий аҳамият касб этади;

**тўртинчидан,** бугунги ривожланган дунёда миллий ва халқаро майдондаги сиёсий муносабатлар шуни кўрсатмоқдаки, давлатлар ўртасидаги сиёсий мувозанат, энг аввало, миллий менталитетга ва умуминсоний ахлоқий-маънавий қадриятлар асосида шакллантирилмоқда. Зеро, халқаро майдонда сиёсий қадриятларнинг ахлоқий маданиятга бўйсунishi ва бунга нисбатан ҳурматнинг устуворлиги мамлакатлар ва халқлар ўртасида мавжуд дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси диалектик алоқадорлигининг ахлоқий хусусиятлари ва такомиллашиб бориш босқичларини қиёсий таҳлил қилиб бориш илмий муаммолар сирасига киради.

**Бешинчидан,** мамлакатда бошқарув жараёнларининг демократлашуви шароитида амалга оширилаётган янгиланишлар билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг амалда ўз ижросини топиши мақсадида фуқароларда, аввало, мавжуд ҳуқуқ ва қонун нормаларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш муҳим. Айнан давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида демократик талаблар қонунчилик мезонлари ва унга бўйсунishi, адолат, ахлоқ,

инсонийлик, бурч, виждон каби фазилатлар устуворлигини ҳаётий заруратга айлантириб бориш зарурий аҳамият касб эатиб боради. Зеро, давлат, давлатчилик бошқарувида давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида миллий менталитетнинг устувор бўлиш асослари билан боғлиқ муаммоларни ижтимоий-сиёсий фанлар наздида илмий ўрганиш ва тадқиқ этиб бориш доимий долзарб мавзулардан ҳисобланади;

**олтинчидан**, давлатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаб бориш, сиёсий-ҳуқуқий тизимни ислоҳ этиш ва бу борада давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий сифатларини такомиллаштириб бориш ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Албатта, бундай муаммолар сирасига ўз навбатида давлат хизматчисининг бошқарув фаолиятида масъулиятли вазифасини адо этишидаги ёки бурчига содиқ қолишида ахлоққа бўйсунмаслиги, ахлоқий этикетлардан чекинишлиги ёки уни умуман идрок этмаслиги (савияси етмаслиги), бурч-масъулият тўйғуларини ҳис қила олмаслиги каби ғайриахлоқий иллатлар борган сари илдиз отиб бормоқда. Давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг ахлоқий этикет қоидаларига бўйсунishi халқаро ҳамжамият талаблари асосида шакллантирилиб;

**еттинчидан**, кейинги йилларда давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий асосларини яратиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини ўрганишга бағишланган кўплаб сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий асарлар чоп этилди. Аммо, бошқарув механизмларининг амалга ошуви муносабатида бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси диалектик алоқадорлигининг ахлоқий хусусиятлари меъёрлари, мувофиқлик даражалари ва ўзаро мувозанатлари билан боғлиқ жараёнлар фалсафий фанлар нуқтаи назаридан етарлича ўрганилмаганлигини эътироф этиш мумкин. Шу мақсадда, давлат хизматчисининг ахлоқий онги ва маданиятини, билим ва кўникмасини янада такомиллаштириш механизмларининг маънавий-ахлоқий асосларини ишлаб чиқиш ва таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади;



**саккизинчидан,** миллий ва халқаро муносабатларда давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий талқинини яратиш орқали давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида юксак ахлоқий меъёрлар ва қадриятларни ўзида сингдирган миллий менталитетнинг устувор бўлиш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Зеро, бошқарувда миллий ва халқаро тажрибалар уйғунлигини таъминлаш, тажрибаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши бугунги замонавий сиёсатнинг талабидир. Қолаверса, ушбу талаб ва истак асосида мукаммал тажрибалар уйғунлигини ўзида акс эттирган, юксак ахлоқий маданиятга эга бўлган давлат хизматчиларининг янги авлодини тарбиялаш давлатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади;

**тўққизинчидан,** Ўзбекистонда бошқарув маданияти ва давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий қиёфасининг миллий концепциясини яратиш биз қурмоқчи бўлган янги жамият, янги Ўзбекистоннинг бирламчи мақсади бўлиб ҳисобланади. Албатта, ушбу концепцияни ишлаб чиқишда ўзоқ тарихга эга бўлган ўзбек давлатчилигида ўзини оқлаган ва жаҳон сиёсий тарихида муносиб мавқеини сақлаб қолган бошқарув модели асосларини мукаммал ўрганиш биз учун ҳамيشа долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда миллий бошқарувимиз негизида маънавий-маданий меросимиз асосида давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий ахлоқий асосларини ўрганиш, унинг ижтимоий-ахлоқий аҳамиятини таҳлил этиш ва уни бевосита миллат тафаккурига сингдиришга алоҳида эътибор берилди. Маълумки, давлат бошқарувида бошқарувнинг ахлоқий асосларини таъминлаш, адолат ва ахлоқ мезонларига таянган – янги давлат, янги жамият қуриш ва фалсафий жиҳатдан эркинлик, эзгулик, адолат мезонларига дахлдор бўлган қарашлар қадимдан Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари асарларида ривожлантирилиб келинган. Хусусан, бундай қарашлар ва таълимотлар бизнинг уч минг йиллик тарихимиздан далолат берувчи Зардуштийлик диний таълимотида ва унинг асосий манбаси бўлган “Авесто”да кўришимиз мумкин. Кейинчалик ислом дини ва

мафкураси негизида ижод қилган Шарқ мутафаккирларининг илмий меросларига назар ташлайдиган бўлсак, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Хожа Самандар Термизий “Дастур ул-мулк”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг<sup>1</sup> асарларида ҳамда ижтимоий-ахлоқий қарашларида давлат бошқаруви, раҳбар маънавияти, эзгулик ва адолат мезонларинининг фалсафий асослари ривожлантирилиб, бизга илмий мерос сифатида етиб келган. Улар яратган асарларида ҳукмдорнинг икки хил талқини намоён бўлиб, ҳукмдор давлат бошқарувида ўзининг ахлоқий комиллиги билан жамият ва давлат тараққиётига ёки аксинча, ноахлоқий фазилатларга эга бўлиши билан жамият ва давлат тараққиётининг заволига хизмат қилиши мумкинлиги очиб берилади.

Аждодларимизнинг ижтимоий-ахлоқий тафаккур ривожига эътибор берадиган бўлсак инсон манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ижтимоий адолат такомилидан ислоҳ қилишга доир маданий меросимиз бунёдкор ғоялар сифатида шакллантирилганлигини кузатамиз. Бундай ижтимоий ривожланиш тадрижий яъни, кишилиқ жамиятида инсоннинг маънавий юксалиши билан боғлиқ бўлиб келган. Айни маънода, Ўрта Осиё халқларининг тарихий тараққиётида XVIII аср охири ва XX аср бошларида узоқ йиллик руҳий таназзулдан сўнг маънавий қадриятларнинг янги тўлқини пайдо бўлган. Бу жараён адабий, бадиий, диний кўринишда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий воқелигида инъикос этган. Ана шу тарихий даврга хос ижтимоий-сиёсий жараёнларни англаш миллий

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Тошкент.: “Халқ мероси”, 1993; Термизий Хожа Самандар. Дастур ул мулк: подшоҳларга қўлланма. Таржима, сўз боши, изоҳлар муаллифи Ж.Эсонов. -Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1997; Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя”. -Тошкент: “Адолат”, 2000. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент: “Фан”, 1971; Низомулмулк. Сиёсатнома. -Тошкент: “Адолат”, 2004; Темур. Темур тузуклари. -Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1996; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. -Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1983; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Тошкент: “Юлдузча”, 1989;

давлатчилик тарихидаги диний, ахлоқий, ижтимоий муаммолар тарихи ва моҳияти ҳақида маълум даражада хулоса қилиш имкониятини беради. Буни Огаҳий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий, Бедил, Бердақ, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Завқий, Мулла Олим Маҳдум Хожи, Заки Валидий сингари мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида кузатиш мумкин. Бу қарашлар миллат тарихида давлат ва жамият бошқаруви жараёнида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада таъмин этилганлигини, ижтимоий ихтилофларнинг келиб чиқиши ҳамда юртни мустамлакачилик ҳолатига олиб келган сабабларни аниқлашда, ундан тўғри сабоқ ва хулосалар чиқаришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Ғарб халқлари хусусан, антик давр мутафаккирлари ҳам бу борада улкан меросга эга. Давлатчилик мезонларининг шаклланиш асносида ҳамда бошқарув тамойилларининг ривожланиши муносабатида давлат хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини яратиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганишга қаратилган илмий изланишлар, назариялар, турли адабиётлар, қадимги юнон мутафаккирлари Сукрот, Арасту, Афлотун ва бошқа олимлар<sup>1</sup> томонидан ўрганилган.

Бу соҳада амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** – ривожланган хорижий мамлакатларда тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари ҳисобланади. Уларга Филипп Ардан, Г.Женевьев, С.Паркинсон, М.К.Рустомжи, Й.Хенце, Й.Метцнер, О.Сусуму, Р.Инглхарт, П.Де Брюйн каби олимлар асарларини келтириш мумкин.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Аристотель. Политика. Ахлоқий Кабир / Маҳкам Маҳмуд таржимаси ва шарҳлари. - Тошкент: "Янги аср авлоди", 2004; Платон. Собрание сочинений. -Т. 1. Общ. Ред. А.Ф. Лосеева и др; Авт. Вступит. Статьи А.Ф.Лосев; Примеч. А.А.Тахо-Годи; Пер. с древнегреч. -М.: "Мысль", 1990.

<sup>2</sup> Женевьев Г. Организация административной власти Франции. – Москва, 1994; Ардан Филипп. Франция: государственная система. – Москва, 1994. – 261 с.; Хентце Й., Метцнер Й. Теория управления кадрами в рыночной экономике. – Москва: "Международные отношения", 1998. – 210 с.; Обара Сусуму. О системе прохождения службы в государственных и общественных учреждениях Японии (Система назначения на должности: с момента принятия на службу и до ухода в отставку. Материалы лекции в АГОС при Президенте РУз. Сентябрь, 1999. – 142 с.; Паркинсон

Шунингдек, *иккинчи гуруҳга* мансуб бўлган МДХ олимлари В.А.Красильшчиков, М.М.Федорова, Я.М.Бергер, Г.Л.Купряшин, М.В.Братерский, С.А.Ланцов, М.Гвоздева, Е.Васильева ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.<sup>1</sup> Уларнинг илмий тадқиқотлари, мақолаларида давлат ва жамият бошқаруви масалаларида давлат хизматчиларининг маънавий ахлоқий имижини яратиш ва ижтимоий мавқеини таъминлаш муаммолари:

**биринчидан**, ижтимоий-фалсафий концептуал-назарий ғоя;

**иккинчидан**, ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан тасдиқланган инсон ҳуқуқи ва бошқарув фаолиятни кенгайтиришга қаратилган назарий йўналиш;

**учинчидан**, “раҳбар маънавияти”, “раҳбар имижини”, “раҳбар ахлоқи”, “давлат хизматчиси”, “шахс ва жамият” тушунчаларини рационал идрок этиш орқали комилликка йўналтириш;

**тўртинчидан**, демократик кадриятларга умуминсоний моҳият бериш асосида кишилик жамиятидан зўравонлик, адолатсизлик, тенгсизлик иллатларини бартараф этиш каби илмий-назарий асосларни шакллантиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий давлатчилик бошқарув тарихини тадқиқ этиш борасида давлат хизматчиларининг бошқарув жараёнидаги маънавий ахлоқий қиёфасини яратиш ҳамда бошқарувда таъсир доирасини ўрганишга қаратилган, айти

---

С.Н., Рустомджи К. Искусство управления. – Москва, Форм-пресс, 2001. – 272 с.; Инглхарт Р. Пост модерн: меняющиеся ценности и изменяющиеся общества // Полис. – 1997. – №4. – 7-29 с.; Брюйн П.Де. Управление по результатам в государственном секторе. – Москва: ИКСИ, 2005. – 192 с.

<sup>1</sup> Красильшчиков В.А. Модернизация и Россия на пороге XXI века // Вопросы философии. 1993. № 7. – 144 с.; Федорова М.М. Традиционализм как антимодернизм // Полис. 1996. №2. – 144 с.; Бергер Я.М. Модернизация и традиция в современном Китае. // Полис. 1995. №5. – 60 с.; Купряшин Г.Л. Политическая модернизация. – Москва: Общество «Знание» РСФСР, 1991. – 9 с.; Братерский М.В. Теория модернизации: обзор американских концепций // США: экономика, политика, идеология. 1990. №9. – 26-29 с.; Ланцов С.А. Российский исторический опыт в свете концепций политической модернизации. // Полис. 2001. №3. – 93 с.; Гвоздева М., Васильева Е. Трансформация государственной службы в условиях административной реформы: социологический анализ. Диссертация на соискание ученой степени доктора социологических наук. – Санкт-Петербург: 2015. – 32 с.

пайтда халқимиз тарихи билан боғлиқ бўлган фожиалар оқибатидан сабоқ чиқаришга мойил бўлган асарлар яратилдики, улар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ўзликни англаш туйғуси, диний, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни ижтимоий турмушимизнинг барча жабҳаларига сингдиришда назарий дастур бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Айни маънода, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг барча фундаметал асарларида миллий давлатчилигимиз бошқарувида, кадрлар салоҳиятини шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида мақсад қилиб олганлиги билан изоҳланади. Зеро, давлатимиз раҳбарининг барча ислохотлар мезонини эркинлик, адолат, тенглик, инсонпарварлик каби қадриятлар ташкил этишини алоҳида уқтириб келиниши бежиз эмас.

Сўнги йилларида давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, мустақиллик ғояси ва мафкураси билан фикр юритадиган давлат хизматчиларининг янги авлодини шакллантириш муҳим омил сифатидаги аҳамиятини таъминлашга қаратилган муаммолар ечимини ўрганишга доир ихтисосликлар бўйича бир қанча докторлик ва номзодлик диссертация ишлари ҳимоя қилинган.<sup>1</sup> Аммо, бу илмий ишларда давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятида маънавий ахлоқий қиёфасини яратиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини топиш масаласи уларнинг вазифасига киритилмаган. Мавжуд муаммолар ушбу мавзунини танлашда тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва юксак ахлоқий маданиятга, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган давлат

---

<sup>1</sup>Қуранбоев Қ. Ўзбекистонда янги раҳбар кадрлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2007. – 164 б.; Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. – Тошкент, Академия, 2007. – 262 б.; Аҳмедов Х. «Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоийсиёсий масалалари». Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, ДЖҚА, 2008. – 46 б. Атамуратов М. Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. 2018. – 43 б.

хизматчиларининг янги авлодини шакллантиришга нисбатан янгича муносабат, айниқса, мустақилликдан кейин ривожлана бошлади. Бу нарса республикамиз олимларидан – Ш.Пахрутдинов, А.Бегматов, М.Қуронов, И.Эргашев, Т.Жўраев, А.Холбеков, Д.Рахимова, М.Бекмуродов, Б.Мирбобоев, А.Рахманов, О.Хусанов, Қ.Қуронбоев, Ф.Равшанов, Т.Алимарданов, Ж.Юсубов Қ.Назаров, И.Эргашев, М.Жакбаров, С.Отамуродов, И.Соифназаров, А.Қодиров, Ф.Мусаев<sup>1</sup>, каби олимларимиз томонидан Ўзбекистонда замонавий давлат хизматчиларини тайёрлаш, уларнинг бошқарув фаолиятида маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга доир қатор илмий монографиялар, мақолалар ва публицистик асарлар яратилди. Биз ушбу олимлар томонидан олиб борилган изланишлар ва яратилган асарларни мазкур тадқиқотимизга доир олиб борилган изланишларнинг *учинчи гуруҳига* киритишимиз мумкин бўлади. Уларнинг тадқиқотларида:

**биринчидан**, муаммони моҳиятига кириб бориш, чуқур илмий-назарий ўрганишга интилиш;

**иккинчидан**, муаммонинг миллий ва умуминсоний қирраларини топиш, уларни миллат яратган қадриятлар билан уйғунлаштириш;

---

<sup>1</sup>Бегматов А. Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг технологик тизими. Раҳбар ва ходим (тўплам). –Тошкент, Академия, 1998. – 124 б; Рахимова Д., Бекмуродов М. Лидерлик ва ташкилот маданияти. –Тошкент, Академия, 2002. – 104 б.; Назаров Қ., Эргашев И. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 2007. – 776 б.; Пахрутдинов Ш. Жамоат минбари. Фуқаролик жамияти. 2007 йил, 1-сон. – 32 б.; Рахманов А. Давлат қурилиши ва бошқаруви. – Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 45,24 б.т. 2007. – 575 б; Холбеков А. Касбларнинг касби ёхуд раҳбар кадрларни ўқитиш ва касбий маҳоратини ошириш муаммолари. Жамият ва бошқарув. 2006, 2-сон. – 16-20 б.; Мирбобоев Б., Хусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. – Тошкент, Академия, 2005. – 144 б.; Т.Алимарданов. “Ўчмас шараф” Ш.Рашидов ҳаёти ва фаолияти тарих кўзгусида. –Тошкент, Янги аср авлоди, 2017. – 38 б. Жакбаров. М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002; Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. -Тошкент: “Академия”, 2005; Соифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. -Тошкент: “Шарқ”, 2001; Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Тошкент.: “ТДЮИ” нашриёти, 2005. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.

**учинчидан,** мамлакатимиздаги ижтимоий воқеъликни назардан қочирмаган ҳолда ўз вақтида таҳлил қилиш устун туради.

Аммо, уларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш жараёнида замонавий давлат хизматчиларининг муносиб авлодини шакллантиришга муаммолар таҳлили фарқли йўналишларда тадқиқ этилади. Шу жиҳатдан ҳам улар тадқиқотларида гоҳо баҳсли, ҳатто зиддиятли жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу табиий ҳолдир. Чунки, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, бошқарув жараёнларида давлат хизматчиларининг фаолият даражалари маълум бир жараёнда ёки даврда ўзига нисбатан янги таҳлилларга эҳтиёж сезади. омонларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди.

# **I-БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

## **1.1. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ТУШУНЧАСИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАЛСАФАСИ**

Ўзбекистон ўз ривожланишининг янги босқичи сари илдам кўтарилиб борар экан, мамлакат тараққиётининг асосий механизми бўлган ва ушбу ривожланишнинг сиёсий кафолати сифатида баҳоланган давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш бугунги куннинг зарурий талабларидан бирига айланиб қолмоқда. Албатта, давлат бошқаруви сиёсий тизимини янада самарали, рақобатдош давлат хизматчилари билан бойитиш, энг муҳими уларнинг маънавий ахлоқий қиёфасини яратиб бориш мамлакат сиёсий истиқболини белгилаб беради.

Давлат ва жамият бошқарувининг шаклланиш тарихи, давлат хизматчиси тушунчасининг мазмун моҳияти, такомиллашиб бориши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг таҳлили узоқ тарихга эга. Кишилар азал азалдан давлатчилик бошқаруви, унинг хусусиятлари, жамиятдаги ижтимоий муносабатларга баҳо бериб борганлар ва унга нисбатан ўзларининг ижтимоий-сиёсий ва назарий муносабатларини билдириб келганлар. Замонлар ўтиши, жамият ривожини давомида бу борадаги муаммолар кўпайган, уларни ҳал қилишнинг аҳамияти ортаверган. Ушбу мавзуга оид бир қатор ижтимоий-сиёсий таълимотлар яратилган, уларнинг марказий қисмини ташкил қилган. Кўпгина фалсафий оқимлар ва мутафаккирлар ҳам бу мавзунини четлаб ўтмаганлар.

Мавзунинг сиёсий-фалсафий ва тарихий таҳлиliga бағишланган Ғарб ва Европа, Россия ва собиқ иттифоқнинг минтақамиздан бошқа ҳудудларида яшайдиган олим ва мутахассисларига тегишли илмий тадқиқотларда, бу таҳлил асосан, Европа олимларининг мероси, давлат ва жамият бошқаруви, унинг тарихий шаклланиши муаммоларини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисида боради. Бунда



Сукрот, Платон, Аристотель, Гераклит, Демокрит, Ж.Ж.Руссо, А.Сен-Симон, Ш.Фурье, Р.Оуэн, И.Кант, В.Ф.Гегель, М.Шелер, Н.Гартман, В.Виндельбанд, Г.Риккерт, У.Жеймс, Ж.Дьюи, Н.Бердяев, П.Сорокин, Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, К.Поппер ва бошқаларнинг номлари тилга олинади. Биз ҳам ушбу мутафаккир, олим ва файласуфларнинг қарашлари, хулосалари ва мулоҳазаларидан мавзунинг моҳиятини ёритиш жараёнида ижодий фойдаландик, шунинг асносида улар яратган баъзи асарларга мурожаат қилдик. Уларнинг фандаги ўрни, асарларининг аҳамияти катта, «софизм», «платонизм», «кантчилик», «гегельчилик», «прагматизм», «позитивизм», «индустриал жамият», «постиндустриал жамият» каби оқим ва таълимотлар ана шу олим ҳамда файласуфларнинг номи билан боғланган. Юқоридаги олимларнинг давлат ва жамият бошқаруви тврихий илдизларини ўрганишга қўшган ҳиссаси хилма-хил, ушбу соҳада аҳамиятга молик хизматлари кўп ва биз уларнинг замонавий жамиятда давлат хизматчисининг маънавий ахлоқий қиёфасини яратиш учун хизмат қиладиган ахлоқий таълимотларини инкор этмасдан, аксинча, улардан унумли фойдаланишни мақсад қилдик.

Қўйида биз юртимизнинг ўтмиш тарихида давлатчилик бошқарув муаммоси қандай амалий аҳамият касб этганлиги ва илм аҳли томонидан қай тарихи ёритилганлигини қисқача таҳлил қиламиз. Биз учун бунда энг асосий мақсад – тарихий тадқиқот эмас, балки масаланинг давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг маънавий ахлоқий қиёфасини яратиш билан уйғун ҳолда қўйилиши ва илмий таҳлил қилинишидир. Бу борада мавзунини таҳлил ва тадқиқ қилишга интилиш ноҳолислик тарзида эмас, аксинча, авлод ва аجدодларимиз томонидан яратилган давлатчилик бошқарувига оид ахлоқий қадриятлар тарихини жаҳон бошқарув маданиятининг таркибий қисми ва цивилизациямиз маданиятининг ажралмас бўлаги сифатида холисона ўрганишга ҳаракат қилишдир.

Эътибор қиладиган бўлсак, давлат бошқаруви, давлат хизматчиси фаолиятига дахлдор бўлган маънавий-ахлоқий мезон ва тушунчалар ижтимоий-тарихий воқеялик бўлиб, узок тарихий

ривожланиш жараёнида шаклланган ҳамда мукамаллашиб борганлиги гувоҳи бўламиз. Уни турли мамлакат халклари турлича идрок этган ва талқин қилган. Шарқда давлат ва жамият бошқарувини таҳлил қилиш ва уни идора этишда кўпроқ жамоавийликка таяниш ўзига хос ахлоқий қадрият сифатида ҳаёт тажрибаси ва синовларидан ўтиб келган. Уни жамият бошқарувининг турли эҳтиёжлари ва заруриятлари билан боғлиқ холда ҳам тушуниш мумкин. Тарихан давлат бошқарувининг ҳозирги замонавий талқини мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғояси билан узвий боғлиқ. Шундай экан, профессор Ф. Мусаев давлат бошқарувининг жамиятдаги ижтимоий фаолиятини ва унга оид таҳлилларни бир тизимга келтириб, шундай фикр билдиради: “Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш институтлари, моҳиятан, инсон эрки ва ҳуқуқларини руёбга чиқишига хизмат қилади. Кўпчилик тадқиқотчилар инсон кадр-қиммати қудратли давлат ва қудратли миллатнинг, гуллаб-яшнаётган цивилизациянинг кадр-қимматидан устун эканлигини эътироф этадилар. Чунки, уларнинг фикрича, инсоннинг кадр-қиммати унинг эркидадир.”<sup>1</sup> Шу жиҳатдан ҳам давлат бошқарувида ҳукмдор томонидан ахлоқий қадриятларни англаш туйғуси, ҳукмдорнинг жамият олдидаги масъулиятини ҳис этиш, идрок этиш талаблари билан ҳамохангдир. Бундай масъулият ҳукмдорнинг инсон сифатида давлат бошқарувида ахлоқий қадриятларга нисбатан зарурат сифатида эҳтиёж сезишига даъват этади, унга ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқурроқ идрок этиш масъулиятини юклайди. Зеро, муаммонинг моҳиятига чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, Шарқ ҳам, Ғарб ҳам буни алоҳида инобатга олади. Фақат Ғарб бошқарув жараёнларига нисбатан кўпроқ алоҳида шахс ғоясига таяниб унга устувор қоида сифатида қарайди ва шу мезон асосида баҳо беради. Ҳаётий тажриба, юзага келган ижтимоий муносабатлар ва қарашлардан келиб чиқсак, бироқ, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги умумий жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Бу Шарқ

---

<sup>1</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. -173-б.

учун ҳам, Ғарб учун ҳам ўзига хос ижобий натижалар бераётгани бугун барчамизга маълум. Оила, давлат ва жамият қурилиши соҳалари, раҳбар ва ходим, давлат ҳокимияти ва турли жамоат бирлашмалари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий муносабатларда раҳбар ўзини қандай тутиши, ўз функционал вазифаларини қандай англаши, қандай фаолиятда бўлиши муҳимдир.

Қадимги Юнон мутафаккирлари назарида давлат ва жамиятнинг келиб чиқиши ва пайдо бўлиши кишиларнинг ўзаро мақсад, эҳтиёж ва манфаатлар асосида ахлоқий бирлашувининг натижаси, деб эътироф этилади. Шунингдек, давлат ва жамият бошқаруви мавжуд сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини (жамият тузумининг собитлигини) ифодаловчи адолат тамойили сифатида эътироф этилган ва ўша тузумнинг ахлоқий меъёри сифатида тушунилган. Масалан, Афлотун фикрича, адолат ҳар бир одамнинг жамиятда тутган ўрни (социал статуси)га мувофиқ ўз вазифаларини ўзи истаган қайтй равишда бажаришидан иборат.<sup>1</sup> Демак, Афлотун назарида адолат ҳар бир шахснинг жамият ҳаётидаги ўрнини, ўзига хос касбини белгилаб бериш принципи сифатида жамият яхлитлигини таъминловчи ва уни мустаҳкамловчи омил ҳисобланади. Шунга кўра, адолат қулдорлик жамиятида турли табақаларо меҳнат тақсимотининг ифодаси сифатида намоён бўлади, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни абадийлаштириш ва уларни ғоявий жихатдан асослаш вазифасини бажаради. Афлотуннинг шогирди Арасту таълимотида эса, адолат ғояси тенгликка асосланади. Аммо, бу тенглик ҳамма жамият аъзолари учун эмас, балки тенглар (яъни зодагон фуқаролар) учундир, кўпсонли қуллар бундан истиснодир. Юнон донишманди ахлоқий фазилатларни ҳам ҳар бир табақа вакилига хос шарҳлайди. Масалан, ҳукмрон доира вакиллари учун шижоат яхши фазилатдир, лекин қуллар учун итоат яхши фазилатдир, шижоат уларга хос фазилат эмас. Тенгсизлар тоифасига кўпсонли қуллардан ташқари аёллар,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Асмус Ф. Послесловие. В кн. «Платон». Сочинения в 3-х томах. – М.: 1971. – С. 599-600.

деҳқонлар ва ҳунармандлар ҳам кирган. Ўйлашимизча, бундай қарашлар ва ҳолатлар ўша давр демократиясини қайсидир маънода чекланганлигини, ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини тўлалигича намоён эта олмаётганлигини кўрсатади.

Арасту таълимотида ахлоқий фазилатлар ҳам тўралар (аъёнлар)га ва авом аҳли (қора халқ)га хос икки турга ажратиб қаралган. Унинг фикрича, битта фазилат, масалан, адолат ёки олижаноблик бир вақтда ҳам қулларга, ҳам зодагонларга хос бўлиши асло мумкин эмас. Қул ҳам, унинг хўжайини ҳам муайян фазилат сохиби бўлиши мумкин, «аммо бу фазилат (ахлоқий сифат) аслида ҳукмрон шахслар ўз насли бўйича итоат қилувчилар (фуқаро)дан қандай фарқ этса, шундай фарқланади»<sup>1</sup>, - деб ёзади Арасту. Чунки қул билан унинг хўжайини ўртасидаги фарқ уларнинг руҳий ҳолати (психикаси)нинг бир бирига ўхшамаслигидадир: қул мустақил фикр қилишга қодир одам эмасдир (жонзоддир). Шу боисдан ҳар иккаласининг ўзига хос фазилатлари мавжуд: хўжайинга хос ахлоқий сифатлар (олижаноблик, адолатлик, шижоат..) унинг хизматкорига (қулга) хос фазилатлардан бошқачадир.<sup>2</sup>

Умуман, Афлотун ва Арастунинг талқинида давлат бошқаруви-га хос бўлган адолат тушунчаси айрим шахсларга хос ахлоқий фазилатнинг ифодаси эмас. Уларнинг фикрича, адолат аристократларга хос қадрият бўлиб, қуллар эса бундай имтиёздан мосуво бўлганлар. Албатта, бу фикрлар ўша даврнинг ҳукмрон сиёсий вазиятидан келиб чиққан ҳолда айтилган бўлиши ҳам ажаб эмас. Шунингдек, жамият ҳаётининг муайян томонларига берилган баҳо ҳам эмас, балки қулдорлик жамияти асосларини сақлаш ва ҳимоя қилиш учун хизмат қилувчи ахлоқий меъёр вазифасини бажаради..

Юнон мутафаккирлари ижтимоий сиёсий қарашларининг меросхўри сифатида Эпикур ҳам давлат бошқарувида адолатни устувор ғоя сифатида эътироф этиб, унинг мазмунига бошқа файласуфларга нисбатан анча рационал (мантиқан тўғри) ёндашади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Аристотель. Политика. - М.: 1971. - С. 36.

<sup>2</sup> Қаранг: Аристотель. Политика - М.: 1971. -С. 34.

Унинг фикрича, давлатни бошқариш одамларнинг ўзаро фойдали нарсалар ҳақида тузилган ахдномасининг ифодасидир, яъни ўзаро келишувнинг ифодасидир (юримдик асосдир). Адолатнинг мақсади эса, одамларнинг бир-бирига зарар етказмаслигини таъминлашдан иборатдир. Давлатчиликда бошқарувнинг вужудга келиши кишиларнинг ўзаро ахднома (келишув) тузиши билан боғлиқ эканлиги туфайли, бу тушунча тарихий шарт-шароитларнинг маҳсули сифатида тобора ўзгариб туриши қайд қилинади.<sup>1</sup> Эпикур таълимотида давлат бошқарувиға нисбатан тарихий ёндашув кўзга ташланади: вазият ўзгариши билан инсонлар манфаати учун зарарли бўлган ишлар ахлоқсиз бошқарув маъносида шарҳланади.

Аслида қулдорлик жамиятида эркинлик ва адолат тушунчалари ахлоқий меъёрлар сифатида бир хил тушунчани, мазмун моҳиятни ифодалаган сўзлар сифатида фойдаланишган. Худди шунингдек, Европадаги Уйғониш даврида ҳам давлат бошқарувида сиёсатнинг ахлоқий қадрияларни идрок этмаслиги кўзга ташланади. Масалан, сиёсий бошқарув, Макиавелли фикрича, инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, мазлумларга шафқат ва раҳмдиллик кўрсатиш, виждон талаби ила олиб бориш эмас, балки шохнинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлида унинг фаолиятини асослаб бериш учун бир восита ҳисобланади. У инсонни ишонч ва ҳурматга арзимайдиган махлук, инсон моҳиятига кўра разил ва мунофикдир, шунинг учун ҳам унга нисбатан қўлланилган фирибгарлик ва зўравонлик чоралари ҳақлидир, деб ҳисоблайди. Шундай мулоҳазаларга асосланиб, Макиавелли подшоҳга қўйидагиларни тавсия этади: «Умуман шу нарсани яхши билиб олиш керакки, одамларни ёки сўз билан алдаш керак, ёки уларни кириб ўлдириш керак. Чунки улар сендан етган майда зарбалар (аламлар) учун қасос олишни ўйлайдилар, лекин оғир зарба берсанг, сени ҳеч нарса қилолмайдилар».<sup>2</sup> Демак, Макиавелли таълимотида эркинлик ғояси соф прагматик характерга эга бўлиб, ҳукмдорнинг яқиндан кўзланган амалий ишлари ва сиёсий мақсадларини рўёбга чиқариш

<sup>1</sup> Қаранг: Материалист Древней Греции. - М.: 1955. - С. 217-218.

<sup>2</sup> Макиавелли Н. Ҳукмдор // Жаҳон адабиёти. - Тошкент.: 2002. - № 9. - Б. 133.

учун бир воситадир, шунингдек, бу фикрлар давр нуқтаи назаридан ўзига хос тарзда айтилган фикрдир.

Мамлакат сиёсий тизимини ишончли мустаҳкамлаш, энг аввало, оддий аҳоли орасида адолат тўйғусини шакллантириш, қолаверса, нафақат шакллантириш, балки, чуқур сингдириш муаммосини ўйлаб куриш фикримизча, давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан ўлчанади. Қолаверса, давлат хизматчиси тушунчасида ахлоқий кадриятларнинг тўла қонли акс этиши ва унинг амалиёт билан уйғун эканлиги давлат бошқарувида ахлоқий сиёсат устуворлигини таъминлайди. Хўш, аслида давлат хизматчиси деганда кимни тушунишимиз керак? Унинг мазмуни ва моҳияти нимадан иборат? – деган, табиий савол туғилади. Давлат хизмати моҳиятини ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан олдин, инсонлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти турлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш лозим. Баъзи бир юридик адабиётлар таҳлилларида келтирилишича, инсонлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари йўлида турли (давлат, нодавлат) ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатлари доирасида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар сифатида таърифлаб ўтилган.

Ҳуқуқшунос олим Д.Н.Бахрахнинг фикрича: «Инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири – бу хизматдир. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-ҳуқуқий институт, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Хизмат – бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат.»<sup>1</sup> Хизматчи ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатларга киришади. Бундай муносабатларнинг мазмунини хизмат тури ҳамда хизмат олиб борилаётган ташкилотнинг хусусиятлари белгилаб беради.

---

<sup>1</sup>Бахрах Д. Н. Административное право. – М.,1993.

Хизмат муносабатлари давлат-хизмат муносабатларига ёки жамоат бирлашмаларида ва бошқа нодавлат, хусусий, тижорат ташкилотларида амалга ошириладиган хизмат муносабатларига бўлиниши мумкин.

Хуқуқшунос олим Ю.М.Козлов, барча хизматлар ичида давлат хизматининг тутган ўрнига тўхталиб, уни давлат органларида амалга ошириладиган ҳамда ишчиларининг меҳнатидан мазмуни ва шакли жиҳатидан фарқ қиладиган ҳар қандай фаолият сифатида таърифлайди. Давлат хизматига бундай ёндашиш меҳнат фаолиятининг икки шаклига асосланади: биринчидан, бевосита моддий бойликларни, товарларни яратиш (ишларни бажариш); иккинчидан, бошқарувни, раҳбарликни, контрол ва назоратни амалга ошириш. Юридик адабиётларнинг таҳлили, давлат хизмати тушунчасига бир неча маъноларда ёндашишни тақазо этади:

**биринчидан, ижтимоий маънода.** Давлат хизмати ижтимоий категория бўлиб, давлат ташкилотида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш;

**иккинчидан, сиёсий маънода.** Давлат хизмати давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фаолият бўлиб, давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча мавжуд сиёсий куч орқали эришади, жамиятдаги мувозанатни таъминлайди;

**учинчидан, ҳуқуқий маънода** – давлат-хизмат муносабатларини ҳуқуқий ўрнатиш бўлиб, бу орали мансаб мажбуриятлари, хизматчиларнинг ваколатлари, давлат органларининг компетенцияси бажарилиши таъминланади. Давлат хизмати мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, уни ўрганиш давлат хизматининг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишни талаб қилади. Бу институт давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат бўлиб, у орқали хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга белгиланадиган чекловлар, жавобгарлик ҳамда давлат хизматини ўташ, хизмат муносабатларининг юзага келиши ва бекор бўлиши тартибга солинади;

**тўртинчидан, ташкилий маънода.** Давлат хизмати давлат аппаратининг ташкилий-функционал элементлари билан алоқада бўлади. У қуйидаги элементлардан ташкил топган тизим сифатида намоён бўлади: давлат аппарати фаолиятининг ташкилий ва процессуал асосларини ташкил этиш; лавозимларнинг тузилиши ва ҳуқуқий кўриниши; ходимларни аниқлаш, баҳолаш. Давлат хизмати давлатни, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлайди ва фуқаролик жамиятининг бир меъёردа фаолият юритишини таъминлайди.

В.М.Манохин томонидан давлат хизматига берилган тушунчани кўпгина юридик адабиётларда учратиш мумкин. Жумладан, унинг фикрича, давлат хизмати – бу давлат органларини ва бошқа ташкилотларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади, далаат органлари ва ташкилотларининг фаолияти эса давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилади.<sup>1</sup> Б.М.Лазарев эса, юқоридаги таърифга нисбатан ўзининг қуйидаги фикрларини билдиради: **биринчидан**, мазкур таърифда давлат хизмати давлат хизматчиси атамаси билан белгиланган; **иккинчидан**, давлат хизматчилари нафақат давлат функцияларини, балки бошқа фаолият турини ҳам амалга оширадидлар; **учинчидан**, давлат хизмати ҳамда уни ташкил этиш ва тартибга солишга қаратилган фаолият умумлаштирилган. Давлат хизмати – бу давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига давлат органида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятидир.<sup>2</sup>

Юридик адабиётлар ва бошқа манбаларда давлат хизмати тушунчасининг кенг ва тор доирада кўриб чиқилганлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан, А.П.Алехин ва Ю.М.Козлов давлат хизмати тушунчасига тўхталиб, кенг маънода давлат хизматининг давлат хизматчилари томонидан давлат органлари, муассасалари ва корхоналарида, тор маънода эса, фақатгина давлат органларида

---

<sup>1</sup> Манохин В.М. Государственная служба. Москва, 1966, с.5

<sup>2</sup> Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993, с.5-6.



амалга оширилишини кўрсатиб ўтадилар.<sup>1</sup> Давлат хизмати тушунчаси, албатта, қонун доирасида аниқ белгилаб берилган бўлиши лозим. Чунки, ҳар бир давлатда унинг хусусиятларидан (давлат ва маъмурий ҳудудий тузилиши, қонунчилиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви ва ҳ.к.лардан) келиб чиқадиган ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Юқорида мазмуни ёритиб берилган давлат хизматининг асосий элементларига асосланиб, давлат хизматига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **давлат хизмати – бу давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳокимият-ваколатларининг амалга оширилишига қаратилган касбий фаолиятдир.** Ушбу таърифда давлат хизмати тушунчасини ёритиб берувчи барча элементлар ўз ифодасини топган.

Шарқда давлат ва жамият бошқарувини, умуман сиёсий муносабатларни ахлоқий қадриятларга бўйсунганини тасаввуф таълимотида яққол кўришимиз мумкин. Аслида, тасаввуфнинг моҳияти, инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиҳнинг Худога етишишидир. Маълумки, тасаввуф фалсафаси Ўрта Осиё ҳудудига ислом дини кириб келиши ва унинг келажакда ривожланиб, такомиллашиб бориши натижасида юзага келди. Буюк тасаввуфчилар Иброҳим Ибн Адҳам, Абу Йазид Бистомий, Мансур ал-Халлож, Абу Бакр ибн Муса ал-Фарғоний, ас-Суламий, Абу Саид ибн Абул-хайр ал-Мехоний, Бобо Кўҳий, Бобо Тоҳир, ал-Қушайрий, Ансорий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румийлар ўрта асрларда Туркистон, Хуросон ва Эронда етишиб чиққанлар. Бундан ташқари, бу даврда араблардан етишиб чиққан Зуннун Мисрий, Ҳасан ал Басрий, Тустарий, Маккий, Жунайд, Мухосибий, Сари Сақатий, Ҳарроз, Қассоб, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий ва бошқа мутафаккирлар орифчилик ва тасаввуф маданиятини ривожлантирганлар, унинг мажозий фалсафаси, бадият, дарвешлик амалиёти, анъаналарини, қадриятларини шакллантирганлар. Бу мутафаккирларнинг бадий асарларида,

---

<sup>1</sup>Алехин А.П., Козлов Ю.М., Кармолицкий А.А. Административное право Российской Федерации. Москва, Зерцало, 1996

дарवेशона фаолиятларида жамиятдаги ижтимоий ҳаёт тарзини давр нуқтаи назаридан очиб беришга, таҳлил қилишга имкон қадар ҳаракат қилганлар. Яъниким, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, эркинлик, эркин фикрлилик ва шахс эркинлигига оид қарашлар, концепциялар тасаввуф таълимотида ўзининг батафсил аҳамиятини топган ҳамда ижтимоий ҳаёт муносабатларида кенг маънода амалий жиҳатдан ёритилган.

Тасаввуфнинг халқ ва миллат орасидаги энг катта ютуғи шунда эдики, у аввал бошиданок, бойишга интилиш, адолатсизлик, зўравонлик каби ижтимоий иллатларни қораловчи, инсонларнинг Худо олдидаги тенглигини, камбағал фақирларга, йўқсилларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисидаги демократик характердаги ақидаларга эга эканлиги бўлди. Бу эса, тасаввуф ва у билан боғлиқ маданиятга яққол ифодаланган умуминсоний эркинлик йўналишини берар эди. Шунинг учун ҳам тасаввуф кенг халқ оммаси орасида, қўйи табақалар орасида кенг ва чуқур ижтимоий заминга эга эди. Тасаввуф шариатдан ташқарида фаолият олиб боролмас эди. Шариат унинг ички ва ташқи назоратчиси ҳисобланар эди. Шариат исломгагина даҳлдор бўлгани учун у ҳуқуқ-қонунчиликнигина эмас, балки диний, ахлоқий ва маросимчиликни ҳам ўз доирасига олган ҳамда ўз назорати остида тутган. Шунингдек, у ижтимоий, шахсий ҳаётнинг ҳамма майда-чуйдаларига ўта синчковлик, талабчанлик билан ёндошган. Шариат, инсон эркинликка эга бўлиши, никоҳ, оила, ажралиш, жамият ҳаёти, мол-мулкка эгалик, умуман ҳуқуқ, хусусан жинойт ҳуқуқи, давлат хазинаси, солиқлар, мерос, молиявий тартиблар, тижорат ва ҳоказолар ҳақидаги қонун-қоидаларни ўз ичига олган. Шариат ҳуқуқий масалалар билан бирга ахлоқий ва хилма-хил диний, ҳаётий муносабатларни, маросим, урф-одатларни ҳам ўз ичига олган. Қуръон, сунна, ижмоъ, қиёс шариат манбалари деб топилган.

Кўриниб турибдики, шариатда мулкчилик, мерос ҳуқуқи, жинойт ҳуқуқ, фақиҳлар, яъни, (қоидашунослар) фикҳшунослар фаолияти, онт (қасам) ичиш тартиби, шакллари, вақфларга доир дастурлар 4 та мустақил ҳуқуқ мазҳаблари – ханафия, моликия,

шофеъия ва ҳанбалия ҳуқуқ-тартиботи негизида ишлаб чиқилган. Бу эса, давр нуқтаи назаридан демократик тамойилларининг маълум бир андозаларига шахснинг эркинликлари, ҳуқуқ ва манфаатларига эришилганидан, далолат бериб турибди.

Ўрта Осиё халқлари ислом дини ва унинг ғоялари шарофати билан маънавий-ахлоқий ва илмий-маърифий тараққиётда оламшумул ютуқларга эришдилар, жаҳон маданияти ҳамда цивилизациясининг равнақига муносиб ҳисса қўшдилар. Ўз навбатида ислом дини ва илоҳиятини Ўрта Осиёлик улуғ алломаларнинг ижодий фаолияти, араб-мусулмон маданияти, илм-фан ва фалсафанинг оламшумул-тарихий ютуқларини Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Исо ат-Термизий сингари буюк муҳаддислар, Бурхониддин Марғиноний сингари машхур фикҳшунослар, Абу Наср Форобий, Мусо ал-Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино сингари ўнлаб олим ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий меъросисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Давлат бошқарувининг ахлоқий кадриятларга суяниши унинг қудрати ва равнақининг кафолатига айланган. Тарихда бундай *давлатлардан* кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Муаммонинг фалсафий-тарихий таҳлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, дostonларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний ахлоқий кадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Спитамен, Алпомиш, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги дostonларда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидоийлик руҳи бадий тасвирланган. «Бу дostonларни қадимги юнонларнинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари билан қиёслаш мумкин».<sup>1</sup>

Аждодларимизнинг қадимги китоби Авесто диний-фалсафий меросимизнинг энг ёрқин намунаси, қадимги халқларимизнинг давлат ва жамият бошқарувига оид ахлоқий кадриятлари ёритиб берилган асардир. Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби

---

<sup>1</sup> Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 6-бет.

бўлганлигидан, унда бу диннинг ахлоқий кадриятлар тизими ўз ифодасини топган. Шу билан бирга китобда умуминсоний кадриятларга, уларнинг инсон маънавияти ва амалий фаолияти учун аҳамиятига катта ўрин берилган. Асарда яхшилик, баркамоллик, ҳурфикрлилик, инсонпарварлик каби хислатлар Ахурамазда қиёфаси орқали кўрсатилган. Мазкур бебаҳо маънавий меросимизни аждоқларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қарашлар йиғиндиси, дейиш мумкин. Муҳтарам биринчи Президентимиз И.А.Каримов: «Авесто»да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади,<sup>1</sup> деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, “Авесто”да илгари сурилган ғоялар, бугун миллий ғоямизнинг бош йўналиши - адолатпарвар, демократик давлат барпо этиш вазифалари билан ҳамоҳанг эканлигини кузатамиз. Шунингдек, “Авесто”нинг асосий мазмун моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам, келажак замон учун ҳам беҳад идрокли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, не чоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани муҳим эътиборга лойиқдир.

Давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий тенглик, адолат мезони ва ахлоқий кадриятлар устуворлигини таъминлаш мавзуси «Моний даври» (милоднинг III-IV асри, асосчиси Моний 216-276 йилларда яшаган) фалсафий-илоҳий таълимотида ҳам яққол ифодаланган. Моний фикрича икки дунё «зулмат ва зиё дунёси»

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. -Тошкент: “ Маънавият”, 2008. -32-бет.

мавжуд, биринчисида адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм суради, иккинчиси адабий, емирилмайдиган, доимий ахлоқий қадриятлар дунёсидир. Маълумки, Шарқда миллий ахлоқий қадриятларга, айниқса, давлат ҳукмдорининг ахлоқий фазилатларига алоҳида эътибор қаратилган ва бу борада улкан назарий мерос ҳам яратилган. Аммо, масаланинг мураккаблиги шундаки, ахлоқий қадриятларни давлатнинг сиёсий фаолияти билан уйғунлаштиришга ҳар доим ҳам эришилавермаган. Ахлоқий қадриятларга асосланмаган давлат бошқарув сиёсати ҳукмдорларни турли зиддиятлар гирдобига тортиб келган, эл-юрт пароканда бўлган, ўзаро хунрезликлар ва низолар авжига чиққан.<sup>1</sup> Мана шунадай бир шароитда жамиятдан зуғум ва зўравонлик илдизларини суғуриб ташлаш VI асрда яшаган Маздак (51 йилда қатл қилинган) таълимотида ҳам кўзга ташланиб туради. Марказий Осиёда давлат ва жамият бошқарувида ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлаш тўғрисидаги қарашлар ривожда VIII-XII асрлар катта аҳамиятга эга. Бу даврда араб истилоси амалга оширилган, ислом расмий ҳукмрон динга айланган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда муайян тинчлик ҳукм сураётган эди. Алоҳида эътироф этиш керакки, ислом дини ва мафқураси остида Қуръонда белгилаб қўйилган шариат қоидалари ва ижмоъга таянган ҳолда давлатни идора этиш, мазлумларнинг ҳақини ҳимоя қилиш, ислом мафқурасига йўғрилган адолат, инсонпарварлик ва ҳалоллик асосида давлатни бошқариш ўша давр бошқарув сиёсати учун ниҳоятда катта таъсир кўрсатган. Бу таъсирнинг аҳамиятини турлича баҳолаш, таҳлил қилиш мумкин, аммо унинг ўтмишда ҳам муайян қадрга эга эканлигини инкор қилишнинг асло имкони йўқ.

Ислом дини мафқураси остида Шарқ давлатчилигининг халқимиз руҳиятига хос ва мос тажрибаларининг сақлаб қолинганлиги мақсадга мувофиқдир. Ушбу тажрибаларни мукамал ўрганиш барча бошқарув тизимида етакчи мавқега эга бўлган ходим - вазир фаолияти ва вазирлик мансаби мисолида мавзуни етарлича

---

<sup>1</sup> Т.Алимардонов. Амир Темур давлат бошқарувининг фалсафий-ахлоқий асослари. – Т.: 2007.-Б. -6.

тахлил қилиш имконини беради. Вазирлик хизмати ҳозирги дунё давлатчилигининг муҳим бўғини бўлган давлат хизматчиларининг тарихий кўриниши бўлиб ҳисобланади. Аммо, у бизда жуда қадим замонлардан бери ижроия ҳокимиятининг энг мақбул шакли бўлиб келган. Доно ва тадбиркор вазирларнинг иш тажрибаси, сиёсатдонлиги, маънавий-ахлоқий сифатлари ҳозир ҳам бизга ибрат бўлмоқда. Вазир қадимий давлатчилигимизда юқори мавқени эгаллаган масъулиятли мансаблардан, яъни давлат аркони, устунларидан бири бўлиб, у мамлакатни идора қилиш, унинг ички тартиби, осойишталигини сақлаш, зарур ижтимоий масалаларни ҳал этишда подшога ёрдам берувчи катта обрў эътиборга молик амалдор шахс ҳисобланган. Имом Ғаззолий фикрича, яхши вазир – *«подшоҳнинг яқин ёрдамчиси, сирдошидир ва мамлакатнинг ички ва ташқи ишлари ҳамда вилоятлар ва хазинанинг ободонлиги вазирдандир, подшоҳликнинг зебу зийнати, қудрат ва шуқуҳи унга боғлиқ...»*<sup>1</sup> Таъкидлаш лозимки, давлат бошқаруви ривожига асос бўлиб хизмат қилган ахлоқий кадриятларнинг бошқарув тизимига жорий этилиши ва унинг самарали натижаларга олиб келган сиёсий хусусиятлари давлат хизматчиларининг тарихий шаклланиши бўлмиш вазирлар фаолияти, вазирлик ишининг масъулияти хусусида аждодларимиз томонидан яратилган кўплаб тарихий манбаларда сўз боради. Чунончи, «Шоҳнома» (Фирдавсий), «Кутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб), «Дастур ул-мулук» (Имом Ғаззолий), «Китоб ул-вузаро» (Хилол), «Иршод» (Ёқут), «Китоб уддиёрат» (Шабуштий), «Сиёсатнома» (Низомул-мулк), «Қобуснома» (Кайковус), «Дастур ул-вузаро» (Хондамир), «Ахлоқи Муҳсиний», «Анвори Суҳайлий» (Кошифий) каби асарлар шундай манбаларсирасига киради.

Маълумки, вазир сўзи арабча «визр» сўзидан олинган бўлиб, «визр» юк, оғирлик деган маъноларни англатади. («Вазара» - юкни кўтариб юрмоқ, катта вазифани зиммага олмоқдир). «Визр» сўзи гуноҳ маъносини ҳам билдиради. Шу икки маънони назарда тутган

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Ғаззолий. Насиҳат ул-мулук. Душанбе. Ирфон, 1993, -Б 86.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-кулуб» асарида бундай ёзган эди: «Вазир» «визр»дан муштакдур ва бу феъл анинг зотиға ал-ҳақ ва аляқдур» («вазир» сўзи «визр»дан келиб чиққандир ва бу феъл (яъни юк кўтариш, гуноҳли бўлиш) унинг табиатига энг тўғри ва энг лойиқ таърифдир).<sup>1</sup> Шундай қилиб, вазир давлат юкини кўтариб, подшога кўмаклашадиган мансаб эгаси бўлган. Вазир подшонинг бевосита ёзув-чизув, ҳисоб-китоблари, амалий ишларини юргизувчи подшо амру фармонларини ҳаётга татбиқ этувчи юқори мансабдор шахс ҳисобланган. У давлат қудратини ошириши, хазина тўплаши, қирим-чиқимларни назорат қилиши лозим эди. Подшо вазирликка ўзининг энг ишончли, содиқ одамларини тайинлаган. Вазир подшонинг ҳам ишонган яқин одами, ҳам донишманд маслаҳатгўйи, ҳам давлат ишларини юргазадиган, амалиётчи тадбиркор киши бўлиши лозим бўлган. Алишер Навоий энг оқил ва энг яхши вазир сифатида Сулаймон подшонинг доно вазири Осафни тилга олиб ўтади. Дарҳақиқат, Осафнинг донолиги, заковати ҳақида ҳикоят ва ривоятлар жуда кўп тарқалган. Умуман, Шарқда номи оламга таралган машҳур вазирлар кўп бўлган. Чунончи, Миср фиръавнлари вазири Ҳомон, Эрон шоҳи Хусрав Нўширавон вазири Бузургмеҳр, аббосийлар вазири Жаъфар Бармакий (асли Балхдан, Бағдодга кўчиб борган бармакийларнинг бир неча авлоди вазирлик билан шуғулланган), сомонийлар вазири Балъамий, ғазнавийлар вазири Маймандий, салжуқийлар вазири Низо - улмулк одил, доно ва салоҳиятли давлат арбоблари сифатида шуҳрат қозонганлар, уларнинг ишлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатилган. Шуниси аниқки, вазирлик вазифалари ва шу билан боғлиқ Девон тузиш тартиби (канцелярия) бирданига шаклланган эмас. Чамаси, дастлаб вазирлар кўпроқ подшонинг маҳрами ва маслаҳатчиси сифатида намоён бўлган. Осаф, Ҳомон, Бузургмеҳр, асосан, маслаҳат бериш, ҳикматли, доно фикрлар баён этиб, подшога насиҳат қилиш билан машғул бўладилар. Улар давлат ишларига, сиёсатга аралашсалар

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. XIII жилд. -Т.: Гафур Гулом номидаги —Адабиёт ва санъат|| нашриёти. 1966. -Б. 13.

ҳам, аммо доимий равишда муайян вазифани адо этиб турмаганлар. Масалан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида тасвирланишича, Бузургмеҳр (Фирдавсий Бузражмеҳр деб атайди) оташпарастрлар руҳонийсининг шогирди бўлган. У «Авесто» китобини пухта ўрганиб, уни тўлиқ тафсир этади ва бу илмни ҳаётга татбиқ қила оладиган заковатли одам бўлиб етишади. Аммо бора-бора вазир сиймосида ҳикмат, илму дониш эгаси бўлиш билан бирга амалиётчилик, сиёсий фаолият ҳам кўшилиб кетган. Чунки, катта давлатларни бошқаришда подшо (халифа, хон, султон) ёнида заковатли, тадбиркор, ҳаётнинг икир-чикирларигача англайдиган донишманд одамларнинг бўлиши зарур ҳисобланган.

Вазир ишини назорат қилиш, шубҳасиз, давлат бошлиғи – подшога тегишли бўлган. Вазирлар мунтазам равишда подшо ёки халифага ҳисоб бериб турганлар. Шунинг учун подшо ҳамда вазир муносабати давлат ривожи учун муҳим аҳамиятга эга эди. Подшо ўз аъёнлари наздида ҳам, халқ наздида ҳам вазирнинг кадр-қиммати ва иззат-обрўсини жойига қўйиши ва айна вақтда, каттиққўллик билан ундан иш талаб қилиши лозим эди. Амир Темур, маълумки, барча давлат хизматчиларини, жумладан, вазирларни ҳам «хавфу ражо» (қўрқув ва умидворлик) орасида сақлаб юрган. Ушбу мавзуга оид таҳлиллар шу асрда яратилган Кайковуснинг «Қобуснома» ва Муҳаммад Ғаззолийнинг «Насиҳат ул-мулук» (Подшоларга насиҳат) номли асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Инсоният тарихининг турли даврларида илғор олимлар жамиятнинг сиёсий ҳаётида бўлаётган воқеаларга ўз муносабатларини у ёки бу даражада билдирганлар ва бу масаладаги ўз қарашларини турли шаклларда ифодалаб келганлар. Бу борада Марказий Осиё халқлари илм–фан, маданият, маънавият, адабиёт, дин ва бошқа жабҳалар каби ижтимоий–сиёсий ҳуқуқий тафаккур борасида, яъни давлат ва жамият қурилиши, тарихи тўғрисидаги таълимотлари билан инсоният тарихи хазинасига бебаҳо ҳисса қўшганлар. Хусусан, бу борадаги изланишлар VII-XV асрларда энг юқори чўққига кўтарилган. Жаҳон илмининг буюк мутафаккирлари бўлмиш туронзамин фарзандлари Абу наср Форобий, Юсуф Хос



Ҳожиб, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Бурхониддин Марғилоний, Воиз Кошифий каби алломаларнинг адолат тўғрисидаги машҳур асарлари вужудга келади. Бу ютуқлар бгун биз барпо этаётган янги Ўзбекистон миллий давлатчилигимизучун бебаҳо хазина ролини ўйнамоқда. Форобий мулоҳазаларига кўра ҳақиқий давлат уч нарса – фозил жамият, адолатли тузум ва одил раҳбар асосида ташкил топади ва бу давлатнинг идорасида давлатнинг учала асоси ўз ўрни ва вақти билан тенг иштирок этади. Ана шу асосларнинг ўзаро мувофиқлиги, мақсадга кўра бир йўналишдалиги ҳамда вазифа жиҳатидан аниқ ва ҳақиқатга қаратилган хаттиҳаракати ҳақиқий давлатнинг юксак тараққиётини таъминлайди. Форобий жамият мавжуд бўлган жойда бошқарув албатта мавжуд бўлишини, жумладан фозил жамият ҳам бошқарув тизимига эга бўлишини таъкидлайди. Унинг таъбирича фозил жамиятда халқ бошқарувчи куч бўлади, аммо унинг иродасининг жамиятнинг ҳамма ерида, ҳар бир табақасида мувофиқлик касб этишини, ўсиб, ривожланиб ва қатъи табиийлашган қоидали йўналишга айланиб боришини адолатли бошқарув тизими таъминлайди. Бошқарув тизими зиммасида жамиятни бузилишлар, оғишлар ва бошқа турли иллатлардан огоҳлантириш, тўғри йўлни белгилаш, айна вақтда, келажакни башорат қилиб бориш вазифалари ётади. Шундагина жамият, бошқарув тизими ва раҳбар муносабатларида уйғунлик юзага келади, яъни жамиятнинг бошқарилишида барчанинг ўрни мавжуд бўлади. Бошқарув ва раҳбарият турлари, сони қонунчилик ва қонунларнинг сонига мутаносиб бўлади. Чунки, ҳокимият – раҳбарият қонунларга бўйсунди, улардан ҳосил бўлади ва уларга асосланади. Шу туфайли бошқарув қонунларнинг сонига ва ахлоқий жиҳатдан қадрланишига боғлиқ бўлади. Яхши бошқарув яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув ёмон қонунларга, етук бошқарув эса етук қонунларга боғлиқдир.

Ўрта асрлардаги давлат ва жамият бошқарувига оид сиёсий кадриятлар талқинида Амир Темурнинг, умумбашарий кадриятларнинг илмий таҳлилида Улуғбекнинг қарашлари катта ўрин тутди. Подшоҳлар, ҳукмдор ва сиёсий арбобларнинг ахлоқ-одоб талаблари,

давлат ва жамият бошқарувида сиёсат юритиш санъати баён қилинган «Темур тузуклари» да ижтимоий-сиёсий кадриятларга катта аҳамият берилган, асар Шарқда ва Ғарбда машҳур бўлган, кўп марта чоп этилган. Унда сиёсатдоннинг юриш-туриши, сиёсат бобидаги фаолияти, халқ, кўшин, улармолар, аркони-давлат ва бошқаларга муносабати учун асосий мезон бўладиган сиёсий кадриятлар ўша замон нуқтаи назаридан баён қилинган. Темурнинг тарихимиздаги ўрни ва мамлакатни озод қилишдаги хизмати катта. Унинг моҳир давлат арбоби, тажрибали сиёсатдон сифатидаги ўғит ва насиҳатлари кейинги даврнинг сиёсий арбоблари учун қўлланма бўлиб хизмат қилади. Хусайн Воиз Кошифий эса, «Вазирлар агар яхши ҳислатлар соҳиби бўлсалар, салтанат биносининг мустаҳкамлигига ва мамлакат ишларининг интизомига сабабдирлар»,<sup>1</sup> – деб таъриф беради. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Тузуклари»да вазирнинг мансаб даражаси амирлик мансаби билан баробар ва ҳатто баъзан ундан юқорироқ олиниб таърифланади. «Тузуклар»нинг икки боби махсус вазирлик вазифаларини белгилашга бағишланган. Бу бобларнинг бири «Вазир тутуши тузуги», иккинчиси «Вазирнинг хизмат қилиши тузуги» деб номланади.<sup>2</sup> Асарнинг бошқа бобларида ҳам беклар, амирлар, қози, муфти, мухтасиб, садр, қозикалон мансаблари билан бирга вазир ҳақида фикрлар баён этилган.

Юртимизда ўн олтинчи асрнинг иккинчи ярмида юзага келган сиёсий турғунлик ва ихтилофлар ҳақида муҳтарам юртбошимиз фикр юритиб шундай таъкидлайдилар: - “... яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман: минг афсуски, ўн олтинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё заминида ички уруш ва низолар, ҳокимият учун кураш авж олди. Айирмачилик ва маҳаллийчилик кучайди, маърифат ўрнига жаҳолат илдиз отди. Натижада, бир пайтлар гуллаб яшнаган ўлкамизда ижтимоий-сиёсий

---

<sup>1</sup> Хусайн Воиз Кошифий. –Ахлоқи Муҳсиний||. Душанбе, –Адиб|| нашриёти, 1991, - Б151.

<sup>2</sup> Амир Темур. –Темур тузуклари||. Форсчадан Алихон Тўра Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. –Т.:

Ғафур Ғулом номидаги –Адабиёт ва санъат|| нашриёти, 1991, -Б 74-85.

ва иқтисодий инқироз юзага келди, илм-фан ва тафаккур машъали сўна бошлади. Юртимизнинг ўн тўққизинчи асрга келиб қарамликка тушиб қолишида айти шундай салбий ҳолатлар ҳаммамизга яхши аён.”<sup>1</sup>

Туркистон халқларининг бой ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий, маданий тараққиётида XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг биринчи чорагидаги давр ўзининг ниҳоятда сермазмун ва инқилобий суронлиги, ғоявий-назарий ва мафкуравий ҳаракат шакллари билан ажралиб туради. Бу ҳолат ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўналиши эди. Айти чоғда, Туркистон халқлари Чор Россиясининг мустамлака зулмидан қутулиш, миллий давлатчилигини қуриш, ўз миллий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти заминига йўл очишга қатъий киришгандилар. Бу жараёнларнинг етакчи кучи — миллий савдо ва саноат буржуазияси ҳисобланиб, у жуда катта қийинчиликлар билан бўлсада, халқимизнинг туб иқтисодий-сиёсий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қиладиган назарий асос — жадидлар маърифатчилигини шакллантириб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда эди.

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида юртимизда «қадимлар» ва «жадидлар» оқимлари вужудга келди. Ҳаётда рўй бераётган турли ўзгаришларни ўрганиш, умуммиллий қадриятларимизни жаҳон тараққиёти талаблари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш борасида Исмоилбей Гаспирали, М.Бехбудий, Сўфизода, Саидрасул Азизий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби илғор кишилар катта ютуқларга эришди.<sup>2</sup>

Аслида, жадидчилик Туркистонда миллатнинг эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга, халқларни демократик, шунингдек, миллий ватанпарварлик ўйғонишига қаратилган, юксак ижтимоий-сиёсий мавқейликка эга бўлган умуммиллий мафкура эди. Унинг

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва муррабийлар кунига бағиланган тантанали маросимда “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” мавзусида сўзлаган нутқи. 2020 йил. 30 сентябрь.

<sup>2</sup> Қ. Назаров. Қадриятлар фалсафаси. Т.: 2004. –Б. 12.

дастлабки шаклланиш кўртаклари Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат номлари билан боғлиқ бўлиб, улар асослаб берган ғоявий мақсадлар Мунаввар Қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Завқий, Авлоний, Ҳамза, Айний, Тавалло, Ажзий ва бошқаларнинг таълимотида умуммиллий, умумтуркий манфаатларни акс эттира олиш, англаб етишга олиб келувчи мафкура даражасига кўтарилган эди. Жумладан, Беҳбудий, Фитрат, Авлоний<sup>1</sup> ва Мунаввар Қори<sup>2</sup> каби тараққийпарвар зиёлиларнинг асарларида жадидлар миллий ғоясининг асосий бўғини – Туркистондаги барча маҳаллий халқларни бирлаштириш ғояси эканлигини кўриш мумкин. Бу ҳолни Беҳбудий кўйидагича кўрсатган эди. “Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислоҳатга, иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ила уламоимиз бирлашиб, дин ва миллат ривожини учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз.”<sup>3</sup> Айни дамда, жадидлар ғоясининг асосида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида мустамлакачилик сиёсатининг асорати, маънавий-маърифий ва сиёсий қолоқлик ҳамда миллий истиқлолга эришиш орқали давлат ва жамият бошқарувини ислоҳ қилиш ва унинг негизида ахлоқий қалриятлар устуворлигини таъминлашга қаратилган муаммолар кўтарилган эди. Бундай муаммоларнинг ўз даври ва бугунги кун учун ҳам асосли эканлигини ҳамда долзарблигини Тукистон халқининг озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашчи Алихонтўра Соғунийнинг кўйидаги фикрлари тасдиқлайди. “Мустамлака зулми остига тушиб қолишимиз сабабларининг биринчиси – хонликлар вақтида юзага келган иттифоқсизлик шумлигидир. Ҳозирги даврда миллатимиз манфаатини дунё сиёсати даражасида тўла ҳимоя қилиш учун Туркустон халқлари, давлатлари, биринчи навбатда, минтақавий иттифоққа бирлашмоқлари зарур. Шундагина, бу иттифоқнинг

---

<sup>1</sup>Қаранг: Авлоний А. Танланган асарлар. 1, 2 жилдлар. -Тошкент: “Маънавият”. 1998; Беҳбудий. Танланган асарлар. Тошкент: “Маънавият”, 1999; Фитрат. Танланган асарлар. 1,2,3 жилдлар, -Тошкент: 2000;

<sup>2</sup> Қаранг: Абдурашидхонов М. Хотираларим. -Тошкент: “Шарқ”, 2001.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи (2-китоб). -Тошкент: “Шарқ”, 2000. -343-бет.

яратадиган қудратли сиёсий ва иқтисодий салоҳияти дунё сиёсатдонларини ундаги давлатлар манфаатини ҳурмат қилишга мажбур қилиш мумкин. Бўлмаса маълум бир тарихий шароитда қудратсиз давлатлар яна кучли давлатларнинг қурбони бўлади. Туркустон давлатлари бирлашишлари учун табиий асос мавжуд. Бу – тарих. Юрт ва маданият бирлиги, умумий дин ва тил бирлигидур.”<sup>1</sup> Демак, Туркий қавмлари бирлашган, бир-бирларини қўллаб қувватлаган даврларида ушбу минтақада қудратли давлатлар шаклланиб, дунё тамаддунига, сиёсий мувозанатга ижобий таъсир кўрсатганлар. Бу ҳолат, айниқса, Кушонлар, Эфталийлар, Турк ҳоконлиги, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва Темурийлар даврида яққол намоён бўлади. Айнан ушбу даврларда Марказий Осиё халқлари жаҳон сиёсий сахнасида ҳал қилувчи мавқеини эгаллашган. “Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмаслиги, Беҳбудий келган биринчи хулосалардан эди”<sup>2</sup> – дейди Б. Қосимов. Дарҳақиқат, бундай ғоя миллий истиқлолчилик ҳаракатининг асосини ташкил этган. Жадидчилар олиб борган ижтимоий-сиёсий фаолиятларининг асосий мазмун-моҳиятини мамлакатни истиқлолга олиб чиқиш, миллатнинг онги ва тафаккурини бутунлай ўзгартириш, уларни эски қотиб қолган билимлардан халос этиб, янги дунёвий илмлар билан таништириш, демократлаштириш тамойилларини амалда жорий этиш, инсоннинг эркинлиги ва фикр эркинлиги даражасини янада юксалтириш каби илмий-амалий концепциялар ташкил этган. Бу мақсадларга эришишнинг бирдан бир йўли миллатни маърифат сари етаклаш, уни ижтимоий-сиёсий қатламларини тубдан ислоҳ қилиш саналиб, турли хил янги усулдаги мактаблар, нашриётлар, керак бўлса, санъат йўналишида театрчилик йўналишларининг фаолиятини ташкиллаштиришдан иборат эди. Бу аввало, Туркистон халқларининг мустақилликка, истиқлолга эътиқоднинг кучлилиги ва дунё ҳамжамиятига қўшилиш орзусининг юксаклигидан далолат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси (1-китоб). -Тошкент: “Шарқ”, 2003. -13-бет.

<sup>2</sup> Қосимов Б. Миллий ўйғониш. -Тошкент: “Маънавият”, 2002. -8-бет.

эди. Бу борада, жадидлар ўз олдига қўйган мақсадлари йўлида жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, мустақиллик учун кураш олиб борди. Жадидлар Туркистонда республика ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунларни нашр этиш, ҳокимият, бошқарув ва суднинг олий органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиш ва ҳоказоларга жиддий эътибор билан қараганлар. Шу тариқа демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб қўйилган. Унда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши ва конституциявий кафолатланиши масалалари кўзда тутилган. Бу борада Бехбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси”<sup>1</sup> номли дастури бевосита жадидчиларнинг Туркистонда демократик давлат куришнинг назарий асосларини яратишга бўлган интилишлари, деб қараш мумкин.

Мазкур қисмда таҳлил қилинган давлат хизматчиси тушунчасила ахлоқий қадриятларнинг сиёсий фалсафаси тўғрисидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яратиш хусусида яратилган таълимотлар, назариялар ва турли ёндашувлардан хулоса шуки, **биринчидан**, фалсафий таълимотда хусусан, Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий асарлардаги ғояларни ўрганишга эътиборни кучайтириш зарурияти тобора ортиб боради. Бу йўлда турли миллатларнинг, халқларнинг ва давлатларнинг давлатчилик бошқарувига оид сиёсий ютуқларидан кенг фойдаланиш орқали бугунги кунга қадар ривожланиш остонасида турган ижтимоий фалсафий билимлар тизимини шакллантириш ва таҳлил қилиш имкониятлари кенгайиб боради;

**иккинчидан**, давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида ахлоқий қадриятларнинг сиёсий қадриятлар билан уйғунлашиши узоқ давом этадиган мураккаб ва зиддиятли жараёнدير. Зеро, давлат хизматидаги ходимларнинг сиёсий ва ахлоқий маданияти бир-бирига мутаносиб бўлиши кераклиги эътироф этилиб, улар

---

<sup>1</sup> Бехбудий М. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси // Жаҳон адабиёти. - Тошкент: 2009. -146-бет.

фаолиятида ахлоқнинг сиёсийлашиши эмас, балки, сиёсатнинг ахлоққа бўйсунishiга қаратилган таҳлиллар олиб борилди. Шу муносабат билан давлат хизматчилари бошқарув фаолиятида сиёсий кадриятлар билан бир қаторда ахлоқий кадриятларни шакллантириш зарурий ҳолдир. Айни пайтда, давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг объектив ва субъектив омиллари, яъни тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий асослари, хусусан, бу тарихий жараёнда яратилган миллий, диний ва ахлоқий кадриятлар бошқарувда раҳбар ахлоқий маънавияти асосини ташкил этишга қаратилган таҳлиллар илмий асосланди;

**учинчидан,** Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари томонидан яратилган давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш андозаларига оид бўлган таълимотларни, ахлоқ, маънавият ва сиёсат тамойилларига мансуб билимларни умумий бир тизимга келтириш юксак маънавий мерос сифатида эътироф этилади. Ушбу маънавий мерос асосида миллий давлатчилик бошқарув тизимимизни такомиллаштириб бориш ва уни англашга қаратилган маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий билимларнинг шаклланиши ушбу вазифаларни амалга ошириш учун катта илмий амалий аҳамият касб этади;

**тўрттинчидан,** “Давлат хизматчиси” тушунчиси моҳиятини англаш ва унда ахлоқий кадриятларнинг сиёсий фалсафасини талқин этишда Ғарб ва Шарқнинг ўзига хос ёндашувлари мавжуд. Ғарбда “Давлат хизматчиси” тушунчасини ифода этишда, асосан алоҳида олинган шахс фаолияти ва унинг ҳуқуқий мақсадлари назарда тутилади. “Давлат хизматчиси” тушунчаси моҳиятини англаш ва бошқарув маънавиятини шакллантириш Шарқ халқларида ҳамма вақт устувор ахлоқий масалалардан бири бўлиб келган. Шунинг учун Шарқда бошқарувнинг табиатига, унинг келиб чиқиш муаммосига қизиқиш, унинг жамиятдаги ижтимоий-ахлоқий фаолиятига оид билимларининг ривожланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда ушбу мавзу доирасида яратилган асарларни сиёсий-фалсафий фан дарсликлари мазмунига киритиш ва

улар моҳиятини ёшлар дунёқарашига сингдиришни миллий-мафкуравий вазифалардан бири, деб ҳисоблаймиз;

## **1.2. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ НЕГИЗЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШ АҲАМИЯТИ**

Мамлакат маънавий ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳар томонлама ривожлантиришни тезлаштириш вазифаси ҳал қилинаётган ҳозирги босқичда кадрлар сиёсати янги ва чинакам чуқур мазмун касб этади. “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” эзгу тамойилимиз қанчалик кўламдор бўлса, уни амалга оширишда раҳбар ходимларнинг, айниқсв, давлат хизматчиларининг маънавий ахлоқий тамойилларини ретроспектив ўрганиш аҳамияти ҳам шу қадар юқори бўлади.

Бошқарувда маънавий-ахлоқий тамойиллар уйғунлигини таъминлаш давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг таркибий қисми бўлиши билан бир қатор ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Юксак ахлоқий маънавиятга эга бўлиш ҳар қандай замонавий давлат хизматчиси учун нафақат зарур, балки шартдир, чунки, давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида ислохотлар том маънода ўзининг самарали ижросини топиши учун давлат хизматчилари юксак маънавиятга ва ахлоқий маданиятга эга бўлишлари керак. Зеро, бошқарувда раҳбар маънавияти даражаси ходимлар, айниқса, давлат хизматчилари маънавиятини, бошқарув жараёни маданияти, бошқарув техникаси, меҳнат шароитини акс эттирувчи кўрсаткичлар бўйича баҳоланади. Бошқарув маданияти унсурларининг турли-туманлиги бошқарув жараёнида турли-туман меъёрларга, жумладан, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, эстетик меъёрларга риоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Муаммонинг моҳиятига нисбатан чуқурроқ эътибор қиладиган бўлсак, раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришдаги маърифий-маънавий ва ахлоқий асослар бир неча кўринишда намоён бўлади.

Улар:



- ўтмиш маънавий мероси;
- Президент Шавкат Мирзиёев асарлари;
- Миллий истиқлол ғояси;
- Илмий-назарий манбалар.

Биз минглаб йиллар мобайнида давлатчилик бошқаруви хусусида яратилган жуда бой маънавий меросга эгамиз. Айниқса, бу борада Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Абулхолик Ғиждувоний, Абу Мансур Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Тавалло ва Абдулла Қодирий кабиларнинг асарларини мукаммал ўрганиш давлат хизматчилари маънавий-ахлоқий тамойилларини ретроспектив нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ қилиб бориш имконини беради. Чунки, бу буюк аجدодларимиз ва улар томонидан яратилган асарлар 130 йил давом этган мустамлакачилик шароитида унут бўлаёзган тарихий хотирани тиклашдаги аҳамияти каттадир. Зеро, мухтарм биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкилдаганидек: Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.<sup>1</sup>

Давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида инсонийликка хос бўлган фазилатларни ўзида мужассамлаштирганлигида, аввало, унинг содда ва камтаринлиги, бошқаларга ўз тенгидек муносабатда бўлишида, бошқаларнинг билим ва тажрибасига ҳурмат билан қарашида, одамларга қўлидан келганича беминнат ёрдам беришга ҳаракат қилишида, ўзига нисбатан талабчанлигида, камсуқумлиги ва

<sup>1</sup> Президент Ислом Каримовнинг — “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти.” Мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нўтқи. <http://xs.uz/index.php/madaniyat/item/1084-ajdodlari>

бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилмаслигида яққол кўринади. Шунингдек, давлат хизматчиси маънавий ахлоқий қиёфаси мукамал бўлиши учун маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзлаштириб, бойитиб бориши, ўзини ўзи тарбиялашга, назорат қилишга ва бошқара билишга доимо эътибор қаратиб бориши, ўзига ўзи танқидий ёндаша билиши, билимларини бойитиб бориши, ўзида маданиятни ривожлантириб бориши керак.

Бошқарув жараёнида давлат хизматчисининг маънавий ахлоқий тамойиллари аждодлар ибратига асосланиб, қадрият даражасида кадрланадиган, шахс маънавий оламини тартибга солиб турувчи, кўникма даражасига етган ҳиссий билимлар мажмуидир. Раҳбардаги ахлоқий тамойиллар уйғунлиги эса – унинг раҳбарлик фаолият усули ва ривожланиш мезонидир. Раҳбар ўз раҳбарлик салоҳиятини ривожлантириши учун маънавий оламини бойитадиган билимларни, эгаллаши, ташаббускорлик қобилиятини ошириб бориши зарур. Раҳбарнинг маънавий мулкига айланган билим унга хоҳиш-истакларини чегаралай билиш, ўзини ташқи таъзйиқ ва таъсирларидан ҳимоя қилишга восита бўлади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, юксак маънавий ахлоқий жиҳатдан шаклланган раҳбар бўлиш ҳар қандай ижтимоий муҳитда ўзини тута билиш, ўзи раҳбарлик қилаётган жамоада ва кенг жамоатчиликда соғлом меҳнат муҳитини яратишдан ва инсонларга самимий муносабатда бўлишдан қониқиб яшашдир. Юксак ахлоқий маънавияти шаклланган давлат хизматчилари ўзи яшаётган ижтимоий ҳаётда ёмонликка, адолатсизликка, қонун бузилишларига, Ватан манфаатларига зид ҳаракатларга қарши курашишда ирода, шижоат ва фаоллик кўрсата олади. Давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятида маънавий ахлоқий тамойилар билан боғлиқ бўлган ретроспектив таҳлиллар кўйидаги кўринишлар орқали намоён бўлади:

**Биринчидан,** бошқарув жараёнида маънавий ахлоқий қиёфаси нисбатан паст савияда шаклланган давлат хизматчилари. Бундай хизматчи кадрлар оддий ахлоқий фазилатлардан анча маҳрум ва жамиятнинг ахлоқий меъёрларини тушуниб етмайдиган, уларни менсимайдиган раҳбар ходимлардир. Ушбу иллатлар хусусида

профессор Абдулла Бегматов шундай фикр юритади: - “Давлат хизматчисининг ахлоқи нафақат унинг мувофақиятларига, балки давлатнинг обрўсига ҳам таъсир қилади.”<sup>1</sup>

**Иккинчи тоифадаги раҳбарлар** маънавий маданияти, ахлоқий даражаси паст бўлиши билан бирга, жамоат фикри, оила, халқ анъаналари ва бошқа шу каби кадриятлар билан боғлиқ ижтимоий муҳитни тез-тез бузиб турадиган раҳбарлардир. Бундай тоифадаги раҳбарлар ўзининг мустақил фикрига эга бўлмасдан ўзгаларнинг “гиж гижлаш”га қаратилган асоссиз фикрларига қарам бўлиб қолади. Ижтимоий воқеяликни баҳолаш ва англаш идрокдан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Ваҳоланки, алалоқибат раҳбар фаолияти шундай даражага етадики, оддийгина муаммолар ечимни топишда ҳам ҳалиги “гиж гижлаш”га қодир бўлган “ўзга”нинг маҳоратига эҳтиёж сезади.

**Учинчи тоифадаги раҳбарлар** қаторига маънавий ахлоқ тамойил ва меъёрларни ҳаётини зарурат сифатида ички ишонч ва туйғу билан ўзлаштирмасдан, уларни кўр-кўрона қабул қилувчилар киради. Бундай раҳбарлар кўп ўқиб ўрганишади, улар назарий жиҳатдан юқори билимга эга бўлади, амалда эса бу билимларни қўллай олмайди ёки ташкилотчилик қобилияти етишмайди. Бундай раҳбарлар муҳтарм Президентимиз таъбири билан айтганда, “*ўрта бўгин раҳбарлари*” тоифасига киради. Улар фаолиятида ё журъат етишмайди, ёки ташаббускорлик ёки коррупцияга мойиллик юқори бўлади.<sup>2</sup> Бундай тоифадаги давлат хизматчилари мамлакат тарққиётини бутунлай ортга тортишади. Бунинг ягона сабаби улар ўзларининг функционал вазифаларини англаб етмаганликларида ёки эгаллаган мансаб ва лавозимининг моҳиятини идрок этишдаги билимнинг етишмаслиги.

**Тўртинчи тоифадаги давлат хизматчилари** руҳан суст, маънавий маданиятли бўлса-да, адолатсизликни ўтқир ҳиссиёт билан қабул қилади. Уларда ахлоқий билимлар етарли, аммо уларни

---

<sup>1</sup> А.Бегматов. Давлат хизмати одоби. Жамият ва бошқарув. № 3. 2004 й. Б. 8.

<sup>2</sup> Ш. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Парламентига мурожаати. 2020 йил. 27 декабрь.

рўёбга чиқариш учун ташаббускорлик, мустақиллик ва шижоат етишмайди. Бу тоифадаги давлат хизматчилари ўта иродасиз бўлиб, иш фаолиятида юзага келадиган адолатсизликка тўлган тўсиқларни енгиб ўтишга журъат ва шижоат етишмасдан ўзларини ичдан кемиришади. Бунинг оқибатида барча адолатсизликларга тинчгина кўз юмиб, ўзи билан биргаликда жамиятнинг муайян қисмини “хаста”га айлантиради.

**Бешинчи тоифадаги давлат хизматчилари** маънавий маданиятни ва ижтимоий сиёсий билимларни етарли даражада эгаллаган, ташаббускор ва шижоатли бўлади. Бу раҳбарлар чуқур билимга, теран тафаккур ва ўткир мушоҳадага, маънавий ҳиссиётларга бой бўлади. Қолаверса, бошқаларга нисбатан етакчи образ сифатида тасаввур қолдиради ва бошқарувда асосий ричаглар шу тоифадаги давлат хизматчилари зиммасига юклатилади. Бошқалар эса, унинг соясида барча ишларнинг етакчисидек “кўкрак кериб” юришади.

Ушбу таҳлиллар асосида раҳбар кадрлар ва давлат хизматчиларининг ахлоқий маънавиятини шакллантиришда қўйидаги уч кадриятга жиддий эътибор қаратишни лозим, деб топдик.

1. *Маънавият* – мунтазам камол топиб бораётган давлат хизматчиларининг ақлий, руҳий ва ботиний кучидир. У мустақил фикрга ва мустақил дунёқарашга олиб келади. Натижада жамиятда зиёлинамо инсон сифатида шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

2. *Ахлоқ-одоб* – давлат хизматчиснинг ахлоқий, вужудий ва ҳаётий кучидир. У соғлом вужуд ва соғлом ҳаётга олиб келади. Ахлоқ ва одоб давлат хизматчиси фаолиятининг асосий меҳвари ҳисобланиб, унга руҳий куч бериб ахлоқий эътиқодини мустаҳкамлайди.

3. *Маърифат* – давлат хизматчиснинг билими, тажрибаси ва эътиқодидир. У инсон қалбида соғлом тафаккур ва ижтимоий фаолликни вужудга келтиради. Юксак ирода, ташаббускорлик ва илмий эътиқод унинг доимий ҳамроҳига айланади.

Шу сабабли муҳтарам биринчи Президентимиз Ислон Каримов

таъкидлаганларидек, - “Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун Шарқ фалсафаси ҳам бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари, - деб билган”.<sup>1</sup> Раҳбар шахс маънавиятини бу уч қадрият асосида такомиллаштириб бориш қўйидаги самараларни беради.

*Биринчидан*, жамият бошқаруви шароитида раҳбар шахснинг нуфузи ортади;

*Иккинчидан*, фуқаролик жамиятини қуришда раҳбар шахс энг фаол кишига айланади.

*Учинчидан*, ижтимоий тараққиётни юзага келтиришда раҳбар шахснинг таъсири кучаяди.

Янги давлатчиликни барпо этиш йўлида тўпланган тажриба, дунё жамоатчилиги *Тараққиёт стратегиси*, дея эътироф этган ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўли келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгаришлар ва янгиланишлар бугунги кун давлат хизматчиларининг шахсий эътиқоди ва маънавий ахлоқий қиёфасини тубдан ўзгартиришга катта ёрдам берди. Юксак ахлоқий маданият ва маънавиятга эга бўлган давлат хизматчилари янги авлодини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини топиш ва уни амалиётга тадбиқ этиб бориш, аслида жуда мураккаб масала. Бу масала билан олимлар, ушбу соҳа вакиллари ва давлат раҳбарлари мунтазам равишда узоқ вақт, изчиллик билан шуғулланиб келишганлар. Чунки, инсон шахси дарҳол раҳбар бўлиб туғилмайди. Изчил тарбия ва йиғилган доимий тажриба воситасида иқтидорли кишилар раҳбар шахсга айлана боради. Шу маънода украиналик олим А.Г.Ковалёвнинг раҳбар шахс тушунчасига берган таърифларига эътибор қаратишни лозим, деб топдик. Унинг фикрича, раҳбар шахслар қўйидаги уч типга бўлинади:

**1. Салбий типлар.** Улар жамоада ёмон муҳитни юзага

---

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // “Халқ сўзи”, 2000 йил август.

келтиради. Ўзи ҳеч нарса қилмайди, ўзгалардан талаб қилади. Ишлар ўз йўсинида кетаверади ва аслида ишнинг боришида жамоадан кимнингдир ташаббуси бор бўлади. Бундай типдаги раҳбар шахслар жамоани етарли даражада бошқара олмайдилар, натижада ишда орқага кетиш, иш унумдорлиги пасая бошланади.

**2. Ижобий типлар.** Улар жамоадан хушқайфиятни юзага келтирадилар. Бу типдаги раҳбар шахсларнинг бир камчилиги – ўзгаларга нисбатан меъёридан ортиқ даражада талабчан бўлишларидир. Натижада, улар бошқараётган жамоада ноқулай муҳитнинг юзага келиши эҳтимоли бўлади.

**3. Ўртача типлар.** Улар салбий ва ижобий тип ўртасида бўладилар. Бундай типлар жуда қаттиқ ишлайдилар, ўзгалардан ҳам шуни талаб қиладилар. Бироқ бундай раҳбарлик қилиш усули авторитар ҳисобланиб, у ўзгаларга ҳукм ўтказишга олиб келади.<sup>1</sup>

Олимнинг келтирган фикрларидан шуни кўришимиз мумкинки, ҳар учала тип вакилларига берилган таъриф ва тасниф бошқарувда ходим томонидан ўзига нисбатан зарурий мотивларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Салбий, ижобий ва ўртача типда ҳам раҳбар бошқарувга нисбатан ўзининг позитив муносабатини бера олганлигини кўришимиз мумкин. Аслида, ҳар учала типдан кўра ўртача типни олим бизнинг назаримизда, маъқулроқ тип сифатида эътироф этмоқда, айни пайтда ушбу бошқарув услубини сиёсатшунос олим Т.Алимардонов ҳам қўйидаги изоҳлари орқали бошқарувнинг энг яхши ва самарали усулларида бири эканлигини эътироф этиб ўтади. Олимнинг фикрича, “... ҳар бир танланган услуб ўз вазияти ва шароитига мос равишда танланган бошқарув усули бўлиб, бошқарув жараёнида ижобий самара беради. Жумладан, ишни ташкил этишда аниқлиги, бошқаришнинг тезкорлиги, натижавийлиги, жамоани бирлаштира олиш, мақсад сари сафарбар қилиши, қарорлар ижросини таъминлашдаги масъулият ва жавобгарликнинг юқорилиги, вазиятнинг амалий ечимларини

---

<sup>1</sup> Ковалёв А. Влияние личности руководителя и стиля его работы на социально – психологический климат коллектива. // Социально – психологический климат коллектива и личность. – Т.: “Мысль”, 1983. С. 139-140.

танлашда авторитар услуб ижобий самара бериб келмоқда.”<sup>1</sup> Таъкидлаш керакки, бошқарув жараёнида танлаб олинган услубларнинг мавжудлиги, албатта, қониқарди ҳолат. Олим авторитар бошқарув услубининг юқорида таъкидлаб ўтилган ижобий хусусиятларини келтириб ўтиш билан бир қаторда унинг жамоа учун камчиликлар келтириб чиқариш сабабларини ҳам кўрсатиб ўтади. Яъни, “... унинг ўзига хос камчиликларини ҳам қайд этиш мумкин. Яъни, ижрочиларнинг ижодий салоҳиятини, ташаббусини босади, меҳнатга рағбатлантириш даражаси паст, ниҳоятда катта назорат, бошқарувнинг маъмурийлашуви, раҳбарнинг иродаси босими орасида бўлиш, вазифаларнинг ечимини кўрсатмасдан фақат дўқ пўписа қилиш, интизом масалаларига осилиб олиш, қоғозбозликка урғу бериш, ходимларга ишонмаслик, ташмачи кулоқларни кўпайтиришга зўр бериш, ҳар куни қандайдир янги ғояни илгари суриш каби қатор салбий омиллари ҳам мавжуд.”<sup>2</sup>

Ўйлашимизча, ҳар бир бошқарув услубининг ўзига хос мезон ва талаблари мавжуд, ваҳоланки, улар шу талаб ва мезонлардан келиб чиққан ҳолда турли номланади. Шу ва шунга ўхшаш бошқарув кўринишларининг кўплаб таҳлиллари адабиёт ва қўлланмаларда олимлар, тадқиқотчилар томонидан етарлича асослаб берилган. Бизнинг мақсадимиз, бошқарув услубларини таҳлил қилиш эмас, балки, унга муносабат билдириш ва шу орқали давлат хизматчиларининг фаолияти доирасида бошқарувнинг қайси кўринишларидан фойдаланиш маъқулроқ эканлигига аниқлик киритиш. Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароити шуни кўрсатиб бермоқдаки, ходимнинг тўлақонли ишлаши, жамоада соғлом муҳитни қарор топтириш учун ходимларни дримий рағбатлантириб бориш, уларнинг ҳол аҳволидан, саломатлигидан йўл йўлакай бўлсада сўраб туриш, айти талаблардан бири ҳисобланади. Бундай кўриниш асосида иш олиб бориш ходимнинг биринчи навбатда, иш жойига нисбатан меҳрини, касбига бўлган

---

<sup>1</sup> Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ муозанати. –Т.: “Янги аср авлоди”, нашриёти. 2011. 296. Б.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

содиклик ва муҳаббатини оширади, қолаверса, корхонада иш унумдорлигининг таъминланишида, соғлом муҳит юзага келиши учун самарали омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳаётий тажриба ва кузатишлар асосида эътибор қиладиган бўлсак, раҳбарлар бор – улар ходимнинг саломига алик олиш у ёқда турсин, унинг дарду фикрини, ташаббускор ғояларини, таклиф ва тавсияларини ҳам эшитишга сабру тоқати, хоҳиш иродаси етмайди. Ёки, ўзидан ҳам кибрга тўлган, бурнидан остидагини кўрмайдиган чаласавод ёрдамчисига рўбару қилади. Бундай ҳолат ўз навбатида раҳбарлик эътиқоди ва этикасига тўғри келмасдан, қолаверса, бугунги тобора глобаллашиб бораётган рақобатдош жамиятда кадрларнинг қўнимсизлигига, уларнинг бошқа жойга “қочиб” кетишига асосий сабабчи бўлади. Ана шундай иллатларга ботган корхонада иш унумдорлиги борган сари йўқолиб боради, кадрлар қўнимсизлиги юзага келади, натижада уларнинг ўрнини бир гала “ақлли” фаросати калта бўлган, савиясиз кадрлар эгаллайди. Бу зиён нафақат бир корхона ёки жамоа учун, балки, бутун жамият учун сезиларли йўқотиш бўлиб таъсир кўрсатади. Муаммонинг жиддий томони ҳам шундаки, “кадрлар йўқ”, деб дод солишда эмас, балки, асл муаммо уларни шакллантира олишда, тарбиялашда, энг муҳими, уларни ишлата олишда. Бу борада ахлоқий кадриятларнинг ретроспектив таҳлилларига бой бўлган буюк алломаларимиздан ҳисобланмиш Имом Ғаззолий: ўзининг «Кимёи саодат» асарида шундай фикр юпитади: «Хабарда келибдур, «Ҳар ким ёмон кишилар билан вазмин бўлса, у иш садақадур». Абу Дардо розийаллоҳу анҳу айтибдурлар: «Аксарият одамлар бор, ўз обрўйини ёмонларнинг тилидан сақлайдилар. Мен ҳам аларнинг юзига кулиб қарайман. Аммо менинг дилим ул кишига лаънат айтадур»<sup>1</sup>. Одамларнинг ёмонидан кўрқиб, уни айтганини қилгандан кўра, унинг қалбига тил топиб ўз таъсирингизни ўтказиш билан яхши йўлга бошлаган маъқул. Зеро ўта «тўғрилиқ» ҳам қўполикка сабаб бўлиши мумкин.

Биз юқорида Профессор А.Ковалёвнинг раҳбар бошқарув

---

<sup>1</sup> Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат. Адолат; Тошкент, 2005; -322 б.



типлари хусусидаги таҳлилларини келтириб ўтдик. Олим таҳлилларидан шу нарса кўриниб турибдики, у ушбу типларнинг биронтасини ҳам қониқарли, деб топмайди. Лекин, бу ўринда олимнинг раҳбар шахсларнинг ўз қўли остидагиларга (жамоага) нисбатан таъсири масаласига доир кузатишлар диққатга сазовордир. Раҳбар шахслар ўзгаларга турлича таъсир кўрсатишлари билан гуруҳларга ва мавқеяларга ажраладилар. Раҳбаршунослик бўйича етук олимлардан бирининг бу фикрларини бежиз келтираётганимиз йўқ. Чунки, мухтарам биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳам ўз тажрибасидан келиб чиқиб, раҳбар шахсларни қуйидаги тоифаларга бўлиб кўрсатган эдилар:

**Биринчи тоифа** – амал курсисини яхши кўрувчилар, уларни замона шамолига қараб турувчилар деб аташ мумкин.

**Иккинчи тоифа** – кузатиб турувчилар. Бундайлар ким ғолиб бўлса, шу томонга оғадилар.

**Учинчи тоифа** – замон талабларини англаб етган кишилар. Афсуски, бундайлар оз.

Ушбу таҳлиллар орқали биз давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятида ахлоқий тамойилларнинг ретроспектив таҳлиллар уйғунлигини кўришимиз мумкин. Қолаверса, мухтарам биринчи Президентимизнинг раҳбар шахси хусусида келтириб ўтган фикрларига таяниб шуни таъкидлашимиз керакки, бугун раҳбарларнинг ходимларга “қуллуқ” қилиб ишлайдиган, ёки аксинча, ходимларнинг раҳбарларга сертакаллуфлик билан унинг шахсига сиғиниб ишлайдиган замон эмас. Бугун раҳбарлардан фақат ходимларнинг ишини самарали ташкил этиш, жамоадаги ижтимоий муҳитни оқилона йўлга қўйишга қаратилган раҳбарлик бошқарув санъати, ходимлардан эса, фақат савия, савод ва ишига, касбига бўлган муҳаббат ҳамда садоқат талаб этилади.

Айни пайтда раҳбарлар бошқарув соҳасида қанчалик тажрибали ва билимдон бўлсалар уларнинг ахлоқ ва одоб масалалари ҳам доимо муҳокама марказида бўлади. Ходимларнинг ахлоқий юксаклиги замонавий давлат хизматчиларининг бошқарув фаолияти жараёнидаги муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бунга

эришиш учун, аввало, ҳар бир давлат хизматчисининг ижтимоий – ахлоқий тайёргарлиги зарур. Ана шу мақсадда бошқарув одоби тузилади. Унинг моҳияти ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг барча иштирокчиларининг хулқ – атори тамойил ва меъёрларини асослашдадир. Бошқарув одоби маъмурий ва хўжалик фаолиятини сифатли адо этишга йўналтирилган назарий – амалий этика билимлари ва амалий тавсиялар тизимидан иборатдир. Ижтимоий адолат, шахс эркинлиги, касбий покизалик, масъулиятни ҳис қилиш, касбга содиқлик унинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Бошқарув одобида ахлоқий тавсифдаги, шахс хулқ – аторини ўрганиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, бошқарув фаолиятига бўлган ахлоқий талаблар, ишга алоқадор ахлоқий қоидалар ва ишланмалар ҳамда давлат хизматчисининг бошқарув фаолияти доирасидан ташқари хулқи, муомала одоби бўйича маслаҳатлар муҳим ўрин эгаллайди.

Шунинг учун ҳам давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий тамойилларининг ретроспектив негизлари қўйилагилар ҳисобланади:

- *Камтар бўлиш.*
- *Қўл остидагилар билан ҳушмуомала бўлиш.*
- *Одамларга кенг қўламда ўз фойдалилигини намоён этиш учун ҳокимиятга интилиш.*
- *Бошқарув фаолиятида қатнашиш учун ходимларини фаол жалб этиш.*
- *Фойдали танқидни самимий қабул қилиш ва жамоат фикрини ҳурмат қилиш.*
- *Қўл остидагиларга ишонган ҳолда муносабатга мойиллик, уларни ўз ҳамфикрлари деб билиш.*

Ахлоқий баркамоллик раҳбарнинг инсоний сифатлари ва ахлоқий фазилатларидан бири ҳисобланиб, у раҳбарнинг бошқарув фаолиятида ўзини мужассам этади. Шунинг учун ҳам раҳбарлик фазилатлари - бу ахлоқий жиҳатдан яхши шаклланган ижобий сифат ва хусусиятдир. Раҳбар ҳам инсон – ақлли мавжудот: у ёқимли хислат ва фазилатлар эгаси. Одамзод пайдо бўлибдики ҳамиша

инсонийлик қиёфасини, феъл – атворда ўзига ярашадиган хатти–ҳаракатларни, у ёки бу фазилатларни мужассамлаштиришга интиланган. Бугунги кун кишисидаги одоб-ахлоқ, хулқ–атвор қоидалари асрлар давомида таркиб топиб, такомиллашган. Бу фазилатлар ҳар бир инсоннинг зоҳирий ва ботиний хислатларида ўзини тутишида, хатти–ҳаракатларида, муомала маданиятида ўз ифодасини топган. Азалдан Шарқ ҳам Ғарб ҳам диний-фалсафий таълимотларида ахлоқий тушунчалар орқали “Инсоннинг моҳияти нима, у ўзига, бошқаларга бўлган муносабатларида қандай маънавий мезонларга таянади? – деган саволга жавоб топишга интилишган. Ҳусайн Воиз Кошифий айтади: “Гўзал феъл – атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси – яхшилик; иккинчиси – инсофли бўлиш; учинчиси – бошқа одамдан айб қидирмаслик; тўртинчиси – бирор кишида ҳам ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш; бешинчиси – бир одам ўз айбига иқрор бўлиб узр айтса, узрини қабул қилиш; олтинчиси – бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш; еттинчиси – фақат ўз манфаатини кўзламаслик; саккизинчиси – очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш; тўққизинчиси – мухтожларнинг ҳожатини чиқариш; ўнинчиси – мулойим ва тавозели бўлишдир”.<sup>1</sup>

Раҳбар ва давлат хизматчиларининг ахлоқий сифат ва хислатларини белгиловчи мезонлар кўп. Қуйидаги ижобий хислатлар улар орасида алоҳида ўринга эга:

Раҳбарнинг камтар бўлиши – ўз–ўзига талабчанлик, ўз ҳаракатларига, ишига, билимига танқидий қараш, ўзига, куч–қувватига ортиқча баҳо бермасликни талаб қилади. Камтарлик кишиларга бўлган муносабатда намоён бўлади. Инсон одобли бўлса, у кишилар билан шунчалик содда камтарона муомала қилади, ўз ишларига ва ҳаракатларига камтарлик билан баҳо беради. Бошқаларга нисбатан ширинсуҳан бўлади. Камтар инсон бошқалардан ўзини устун қўймайди, ўзига бино қўйиб, сохта шуҳрат кетидан қувмайди, ютуқлардан эсанкирамайди.

Камтаринлик Арастунинг фикрича: “уятсизлик ва тортинчоқ-

---

<sup>1</sup> Шарқ донишмандлари ҳикматлари. Т., Шарқ. 2006. 126-б.

лик ўртасидаги хислатдир. Бу хислат одамларнинг қилмишларида ва гап сўзларида кўринади. Уятсиз, шалоқ одам ҳаммага, ҳар қандай вазиятда ҳар нарсани гапираверади. Тортинчоқ одам эса зарур гапни зарур вақтида айтмайди, зарур ишни бажаришга ҳам журъати етишмайди. Камтарин одам эса, уятсиз одам каби, ҳар вақт, ҳар ерда, ҳар қандай гапни айтавермайди; ва ўта тортинчоқ одам каби, зарур вақтда зарур гапни айтишга журъатсизлик ҳам қилмайди.”<sup>1</sup>

Раҳбарнинг виждонли бўлиши ўз фаолияти, қилган ишлари ва белгилаган мақсадларини руҳий таҳлил эта олиш имкониятини беради. Инсон маънавиятининг кучи, қудрати ҳам, ўз қилмишига ўзи холисона баҳо бера олиш даражаси билан белгиланади. Виждон, Зигмунд Фройд таъбири билан айтганда, - аъло мен, мен устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи бир, юқори даражадаги мен.

Раҳбар бошқарувининг асосий мезони ва куч қудрат манбаи адолатдир. Адолатнинг эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонликдан асосий фарқи шундаки, адолатнинг ўзи бирон-бир қадриятни англамайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Адолат жамиятни тартибга солувчилик хусусиятига эга бўлиб, унда ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Шу боис раҳбар бошқаруви ва унинг хулқи, маънавий етукликнинг энг юксак белгиси адолатлилик, десак янглишмаган бўламиз.

Муҳтарам Презилентимиз таъбири билан айтганда, раҳбар ҳалоллик вакцинаси билан доимий эмланган бўлиши керак. Раҳбарнинг ҳалоллиги корхона ва ташкилотни ўзининг манфаат топадиган “томорқасига”, ундаги ходимларни эса, ўзининг шахсий хизматкорларига айлантирмаслиги билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам ҳалоллик виждон, адолат ва бурч каби ахлоқнинг мезоний тушунчалари билан боғлиқ, инсонинг ўзгача муносабати ўзича муносабатидек соф, покиза бўлишини талаб қиладиган ахлоқий меъёрдир. Раҳбарнинг хушхулқилик фазилатига эга бўлиши,

---

<sup>1</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир. Т., Янги аср авлоди. 128-б.

ходимлар ўртасида унга нисбатан руҳий мотивацияни оширади. Бундай раҳбар инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқида эканлигини, айнан хушхулқилик инсонни улуғликка олиб боришини, ёқимли хулқ эгасидан барча катта - кичик хурсанд бўлишини, бундай хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари, ўзи ҳам доимо хурсанд юришини, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулойимлик қайтишини яхши тушунади.

Таҳлиллар ва кузатишлар шуни тасдиқлайдики, раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан ва ташаббускор ходимлар кўп бўлса, бундай жамоада муҳит ҳам соғлом, ходимларнинг ишчанлик кайфияти ҳам юқори бўлади. Раҳбар маънавияти фаолият самарадорлиги ва жамоанинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб, етакчининг иқтидори жамоа мувофақиятини таъминлайди. Раҳбарларга қўйиладиган қуйидаги ахлоқий мезонлар эса, етук шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади: **Биринчидан**, ҳар бир раҳбар, аввало, кўнгли очик, қалби тоза, ақл-заковат соҳиби, юксак салоҳиятли бўлиши керак. Бошқаларга етакчилик қилишга, биринчи галда, ҳалол ва диёнатли, халқпарвар инсонлар танланмаса, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. **Иккинчидан**, раҳбар ўзини тарбиялаб вояга етказган, ишонч билдириб юқори лавозимга муносиб кўрган халқига ҳалол хизмат қилиши, зиммасидаги улкан масъулиятни доимо чуқур ҳис этиши лозим. У халқ олдида, юрт олдида жавобгар эканлигини унутмаслиги керак. Муҳтарам Президентимизнинг «**Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак**»,<sup>1</sup> деган тамойили барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши зарур. **Учинчидан**, раҳбар қўл остидаги тажрибали, ўз ишининг билимдони бўлган мутахассисларга таяниши, жамоанинг фикрига асосланиб хулоса чиқариши керак. Бугунги раҳбардан барча соҳаларни яхши билиш, иқтисод, ахборот технологиялари, ҳуқуқ, сиёсат ва маънавият илмларидан хабардор

---

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган – энг олий баҳоидир. –Т.: “Ўзбекистон”. 2018 й. 31-бет.

бўлиш, янги инновацион технологияларни ўзлаштириш талаб этилмоқда. Шу боис ҳам у доимо изланиб, ўз билим ва малакасини юксалтириб, янгича тафаккур тарзига эга бўлиши лозим. **Тўртинчидан**, раҳбарнинг иш услуби ва у қабул қилган қарорлар фаолият самарадорлигига хизмат қилиши керак. Раҳбар бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулларидаан воз кечиши, расмиятчиликка берилмаслиги муҳим. Кимларгадир яхши кўриниш, мақтаниш учун қилинган иш кўзбўямачилик бўлиб, фақат салбий оқибатларга олиб келади. **Бешинчидан**, раҳбарнинг барча ишлари очиқ ва ошкора бўлиши лозим. Унинг вақти-вақти билан жамоа олдида ҳисобот бериб туриши раҳбарлик фаолиятига фақат обрў келтириб, атрофдагиларда унга нисбатан ишончни оширади. Бундан ташқари, раҳбар ўз ғояси ва ҳаракат дастурига эга бўлиб, бошқаларни ҳам шу йўлдан бошлаши, ягона мақсад атрофида бирлаштириши муҳим аҳамиятга эга.

Давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятига ахлоқий тамойиллар ретроспектив ёндошувидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, юқоридаги ахлоқий фазилатлар раҳбар фаолиятида доимо ҳамоҳанг ва уйғун бўлиши керак. Буюк қомусий аллома, мутафаккир Абу Райҳон Беруний фикрича, ахлоқийлик раҳбар кишининг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У кишилар билан ўзаро мулоқот, ижтимоий муҳит-жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади. У бошқарув маданиятига доир хислатларга тўғрилиқ, одиллик, ўзини вазмин тутиш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, ширинсуханлик, раҳбарликда адолатлилик, тadbиркорлик кабиларни киритади.<sup>1</sup>

Давлат хизматчиси маънавий-ахлоқий тамойилларининг ретроспектив негизлари ва уларни ўрганиш аҳамиятига қаратилган таҳлилларимиз мавзу юзасидан қўйидаги хулоласаларга келиш чиқиш имконини беради:

**биринчидан**, давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиси маънавий-ахлоқий тамойилларининг ретроспектив негизлари

---

<sup>1</sup> Шарқ донишмандлари ҳикматлари. Т., Шарқ. 2006. 120-б.

ва уларни ўрганиш аҳамияти раҳбар ўз шахсий ҳаётида ҳам бошқаларга намуна ва ибрат бўлиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, турли зарарли одатлардан холи бўлиши зарурияти омилларини юзага келтиради. У ахлоқий тамойилларнинг асосий мезони бўлган раҳбарга хос фазилатлар – нафс балосидан сақланиши, қўл остидагиларни ҳам таъмагирлик ва лоқайдлик каби турли иллатлардан асрашга интилиши кераклига қаратилган таҳлиллар илмий асосланди;

**иккинчидан,** бошқарув жараёнида ҳар қандай раҳбарда ташаббускорлик, қатъият ва талабчанлик бўлмоғи шарт. Талабчанликни зўравонликка, қатъиятни манманликка айлантириш ўта калтабинликдир. Зеро, бундай иллатлар давлат хизматчиси маънавий-ахлоқий тамойилларининг ретроспектив хусусиятларига тўғри келмасдан раҳбарни яхши мутахассис кадрлар ва самимий инсонлардан узоқлаштиради. Раҳбар қўл остидагиларни танишбилиш ва маҳаллийчилик ҳамда шахсий садоқатига қараб танламаслиги лозим. У жамоадаги яхши мутахассисларни кадрлаши, уларнинг хизмат фаолияти давомида орттирган бой амалий тажрибаларидан унумли фойдаланишга интилиши керак;

**учинчидан,** Бугунги кун раҳбарларига шундай касаллик “ўрф” бўлганки, раҳбар турли мақтовлардан боши айланиб, кутилмаганда “доҳий”лик касаллигига чалиниб қоладилар. Боз устига, бундай раҳбарлар атрофида фақат ўз манфаатини ўйловчи “ақлли” “маслаҳатгўйлар”, амалпараст, лаганбардор, оддий одамларга зулм ўтказувчилар тўпланиб қолади. Ифво, тухмат ва ҳасадгўйлик эса, жамоада маънавий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлиб, парокандаликни юзага келтиради. Натижада бундай ҳолат, жамоада адолатсизлик идизларининг кенг маънода палак ёйиш имконини беради. Бошқарувда шу ва шунга ўхшаш иллатларнинг олдини олишга қаратилган муаммоларнинг ечими ахлоқий тамойилларнинг ретроспектив ўрганиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланди.

### 1.3. ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Юртимизда янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш эзгу ғояси асосида илгари сурилаётган мақсад ва вазифалар негизида замонавий давлат хизматчиларини ҳар томонлама мукамал ва миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Энг муҳими, ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жараёнида давлат ва жамият бошқарувига хос бўлган билим, маънавий камолот, ахлоқий бағрикенглик, одамийлик ва олийжаноблик каби маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириб бориш давлат хизматчиларининг ахлоқий ва маънавий салоҳиятларига ҳамда шу мезонларни қай даражада англаб олишларига боғлиқ бўлади.

Эътибор қиладиган бўлсак, бундай салоҳиятга эга бўлишлик давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятларида маънавий-ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлайди. Бинобарин, ҳар бир давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида шахсий ташаббускорлик, муаммоннинг ечимига ижодий ёндашувга қаратилган ахлоқий фазилатларга эга бўлиши ва бунинг учун у, нафақат сиёсат ва бошқарувга оид билимларни, балки, маънавий ахлоқий билимларни ҳам юксак даражада ўзлаштирган бўлиши зарурий аҳамият касб этади. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, “... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур.”<sup>1</sup> Албатта, мамлакат тараққиётида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлашда, янгича фикрлаш ва ишлашга ўрганган, ташаббускор, азму шижоатга тўла

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>



давлат хизматчиларининг янги авлодини тарбиялаш бугунги кунда ва истиқболда биз учун ҳал қилувчи масалага айланиб бормоқда.

Шу жиҳатдан замонавий жамиятда давлат хизматчиларининг маънавий ахлоқий қиёфасини яратишда муҳим мезонлардан бўлган юксак ахлоқий маънавият, масъулият ва маданиятлилик даражаси ҳам муҳим ўрин тутди. Бу нафақат бугунги ўтиш даврининг тақозоси, балки янги Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлай оладиган, унга хизмат қилишга қодир бўлган давлат хизматчиси тушунчасининг мазмунини янгиловчи ва асословчи омил ҳамдир.

Жамият, миллатнинг камчиликлардан ҳоли бўлиши, аввало, раҳбар ходимларнинг, қолаверса, давлат хизматчиларининг замон талабига мос бўла олиши, ўзидаги маънавий-ахлоқий қусур ва камчиликлардан фориғ бўлишидан бошланади. Бу ҳақда немис файласуфи Ницше шундай деган эди: – “Ахлоқийлик аввал қатъи талаб шаклида қўйилади. Унга риоя қилиш шартлиги учун бўйсунга бошлайдилар. Бироз ўтгач бу ихтиёрий одатга айланади ва охири у инстинкт даражасида оддий ва табиий, одамга ҳузур берувчи фазилятга айланади.”<sup>1</sup> Бундай ҳолатнинг жамиятда намоён бўлиши давлат хизматчиларининг касбий одоб масаласи орқали юзага келади. Яъниким, уларнинг ўз касбларига нисбатан қанчалик содиқлик даражаси, касбий одоб ахлоқ қоидаларига нечоғли амал қилиши, касбий маданият, ахлоқий маданият ва шу каби мезонлар билан эътироф этилади. Бу хусусида ахлоқшунос олим А.Шер шундай хулоса юритади: - “...раҳбар қўйи лавозимдагиларга менсимай, қўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотдаги оддий одамлар арз-додига, орзу-истакларига тўраларча қараши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик, нафақат раҳбарлик касбига, балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобнинг касбий ахлоқ деб аталиши ҳам ана шундан. Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, касбий

---

<sup>1</sup> Ницше Ф. Сочинения в 2 т. т. 1. - М., Мысль, 1990. - С. 735.

одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқшуносликнинг майда масалаларидан эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш, касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиш ХХІ аср ахлоқшунослигида муҳим ўрин эгаллажак. Зеро, касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ходиса сифатида баҳоланиши лозим.”<sup>1</sup>

Конфуйий давлат ва жамият бошқарувида нима муҳим? Ахлоқ ва тарбиями? Ёки, ҳуқуқ ва қонунми?! – мавзуси хусусида баҳс юритади. Аслида қадимда кўп айтилганидек, тарбия усмирларга ўзини босишга, қарияларга сабрли бўлишни ўргатади, қашшоқларга қаноат, бойларга зийнат беради. Конфуцийнинг фикрича, агар раҳбар халқни қонун воситасида бошқариб, жазо ёрдамида мамлакатда тартиб сақласа, халқ жазодан қочишга ҳаракат қилади ва бундан уялмайди. Борди-ю раҳбар халқни эзгулик воситасида бошқарса ва тартибни сақласа, у ҳолда халқ уялади ва ўз камчилигини тuzатади. Демак, Конфуций назарида қонунлар кишиларни ахлоқли, итоатли, эзгу амалли қила олмайди, улар одамларда давлат ва жамият қонунларига итоат этмаслик майлини кучайтиради. Бошқарув куч, зўравонлик, таъзйиқ билан эмас, балки, кишилар ахлоқини тuzатадиган, уларни эзгу йўлга чорлайдиган воситалар – “ли” орқали амалга оширилиши даркор. “Амалдор эзгу амалли бўлса халқ ҳам унга эргашади.”<sup>2</sup>

Жамият ва давлатга бир биридан фарқланувчи институт сифатида қараш кейинчалик, Европа ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий таълимотларнинг кенг тарқалиши билан пайдо бўлади. Лекин, Шарқ сиёсий фалсафасида давлат (юқори табақа) ва халқ (қўйи табақа) функционал жиҳатдан бир биридан фарқ қилувчи синфлар сифатида эътироф этилганлигини унутиб бўлмайди. Юқоридагилардан маълум бўладигани, Конфуцийчилик давлат ва жамиятни эзгу амаллар билан ахлоқ, хулқ атворни тўғрилаш орқали адолатли бошқариш тамойилини ифода этади.

---

<sup>1</sup> Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2010 й. 311 бет.

<sup>2</sup> В.Алимасов. Конфуций. Шарқ юлдузи. 2005 й. 2-3 сон. 178-бет.

Исломда юзага келган оқимлар (суънний, шиа ва бошқа мазҳаблар) давлат ва жамиятни бошқаришга турлича ёндошадилар. Суннийликнинг фикрича, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бош субъекти Аллоҳдир. Давлат ва жамият унинг номидан бошқарилади. Халқнинг, жамоанинг ҳуқуқлари давлат арбобини сайлаш ва унинг фаолиятини назорат қилиш. Аждодларимиз яратган асарларида инсон ҳуқуқлари, эрки, орзу ва интилишлари адолатли жамият барпо этишга оид бетакрор ғояларни илгари сурганлар. Улар биз барпо этаётган янги Ўзбекистон давлати учун нафақат тарихий маданий мерос, балки шу билан бирга миллий тараққиётнинг маънавий, ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий дастури бўлиб хизмат қилиши мумкин. Зеро, “...Ўрта Осиё мутафаккирлари илмий кашфиётларининг туб моҳиятини очиш, уларни жаҳон илм фани тарҳидаги ўрни ва ролини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. ...ҳар қандай олим қадимги алломаларнинг ишларини ўрганиши, яхшилаши, такомиллаштириши даркор.<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги давлатчиликка оид қарашларнинг таҳлили унинг космогонияси исломий эканлигини кўрсатади. Асарда адолатли шоҳ, доно йўл боши ва давлат хизматчиларининг сифатлари, давлатга хизмат (Шоҳ) қилиш қоидалари, вазир ва лашкарбошининг вазифалари ҳақида турли фикрлар ахлоқий маслаҳатлар сифатида билдирилади. Айтиш керакки, зарур ижтимоий, сиёсий ва маънавий шароитда, муҳитда, айниқса, комил инсон орқали, идеал жамият, етук давлат барпо этиш мумкин. Баркамол инсонни тарбиялаш, у орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш қанчалик ҳаётий бўлса, комил инсон орқали етук давлатни барпо этиш ҳам шунчалик ҳаётийдир.

Ижтимоий фалсафий ва юридик адабиётларда давлат хизмачисига шундай муносабатда таъриф берилиб, ушбу таърифга давлат бошқарувига оид қарорлар ижросининг бажарилиш мазмуни, бу қарорларга жамият манфаатларининг руёбга чиқаришга таъсир қилиш имкониятлари сифатида қаралади. Бошқарувга нисбатан Ғарб

---

<sup>1</sup> В.Кабулов, А.Файзуллаев, Ш.Назиров. Ал – Хорезмии алгоритм и алгортмизация. Т.: Фан. 2006 г. С. 109.

ва Шарқ ёндашувларига эътибор қиладиган бўлсак, Ғарб демократиясида асосий объект сиёсий институтлар. сиёсий ҳокимиятлар ва сайлов компанияларига қаратилади. Уларда демократияни ҳаракатга келтирувчи куч ва унинг пировард мақсади бўлган инсон, инсон манфаатлари, инсоннинг ички маънавий олами унинг диққат марказида турмайди. Натижада Ғарб демократияси ташқи оламини, ижтимоий сиёсий ҳаётни, институтларни ўзгартиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган ёндашувга айланди. Шарқона демократия эса, дунёни, ижтимоий сиёсий ҳаётни ўзгартиришни, такомиллаштиришни инсондан, унинг ички, маънавий ҳаётини мукаммаллаштиришдан бошлайди. Албатта, биз Шарқ демократиясини Ғарб демократиясига қарши қўйиш фикридан йироқмиз. инсоният барча халқлар, миллатлар ва давлатлар муштарак қадриятлар, ахлоқий меъёрлар атрофида бирлашишга, умумийликка интилаётган ҳозирги шароитда шарқ ва ғарбни бир бирига қарама қарши қўйиш ножоиз. Лекин, шу билан бирга шарқона демократиянинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ҳам мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

Шарқона демократия:

- Субординация, ва иерархик муносабатларда кам тажрибали ва кам билимли тажрибалироқ, билимлироқ кишининг итоат этишида;
- Давлат ва жамиятни бошқаришда аввало, ахлоқий, маънавий меъёрларга риоя этилишида;
- Аждодлар тажрибасига асосланган одатий ҳуқуқларнинг сақланиб қолишида;
- Фикҳда тарихий анъаналар (Қуръони Карим, ҳадислар) ва аналогларга таяниб ҳуқуқий муаммолар эркин ҳал этилганида;
- Подшоҳ (монарх, шоҳ) давлат ва жамият ишларини бошқаришга оид муаммоларни ҳал этишда иштирок этадиган кенгаш (аёнлар кенгаши, вазирлар кенгаши, олиму фозиллар кенгаши,) мавжуд бўлганида;
- Подшоҳнинг нафақат ўз ҳаёти, худди шунингдек, фуқароларнинг турмуши, маънавияти, иймону эътиқоди учун Аллоҳ олдида жавобгарликни теран ҳис этишида;

- Ижтимоий-сиёсий ҳаётни тадрижий ривожлантиришда мойилликда;

- Инсон ва жамият ҳаёти сиёсий мафкуралар тазйиқидан ҳоли тарзда кечиши таъминланганида;

- Инсоннинг маънавий дунёсини, маънавий ҳаётини бойитиш, такомиллаштириш бошқарув ишларидаги асосий вазифа сифатида қаралишида;

- Инсон – жамият – давлат силсиласига уйғунликда қаралганида;

- Жамоа ҳаёти ва унинг манфаатлари устуворлигида намоё бўлади. Масаланинг моҳиятига жиддийроқ эътибор қаратадиган бўлсак, давлат ва жамият бир бирига диалектик боғлиқ ва бир бирини тақозо этади, аммо турли функционал хусусиятларга, мавқеларга эга бўлган субординация ва иерархик поғоналар орқали бошқарилади. Шарқона бошқарув концепциянинг дастлабки кўринишларини Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асарида субординация ва иерархик Ақл (Уғдулмиш) тимсолида намоён бўлади. Ушбу концепцияда шарқона давлатчилик бошқарувига хос бўлган давлат хизматчилари – шоҳ амалдорлар, маслаҳатчилар, элчилар, хизматкорлар, котиблар ва фуқаролардан фарқ қилувчи шахс сифатида тасвирланади. У кучли бир идрок соҳиби, юксак фаросат эгаси, кўнгли эзгуликка тўла, иш юритиш устасидир.<sup>1</sup> “Умуман шоҳлик ишини шоҳлик сифатларига эга бўлган кишиларгина бажара оладилар.”<sup>2</sup> – дейди Юсуф Хос Хожиб. Шоҳ ўзининг “шоҳлик сифатлари” орқали “хушёрлик ва кучли сиёсатдонлик боғичи” ҳисобланади. Демак, шоҳ ўзининг ҳам инсоний, ҳам амалий фазилатлари билан хизматкорлари ва фуқароларидан юқори туради. Айнан мана шу фазилатлари вазирлари, лашкарбошилари, котиблар, хизматкорлар ва фуқароларни унга ҳурмат, иззат, садоқат кўрсатишга, субординация ва иерархик муносабатларга мувофиқ бўйсунтиришга ундайди. Шарққа хос бўлган

---

<sup>1</sup> А.Ёқубов. Қутадғу билигда давлатчилик концепцияси. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1997 й. 32-33 бетлар.

<sup>2</sup> Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Т.: “Фан”. 1971 й. 329-бет.

давлат ва жамият бошқарув ишларини ижро қилишда, аввало, адолат ва ахлоқий маънавий меъёрларга катта эътибор берилган. Иймон-эътиқод, эзгу амал, хушмуомалалик, бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаққига хиёнат қилмаслик, муроса мадора билан жамоа бўлиб яшаш, ўзаро ҳурмат ва иззатда бўлиш, амалдорлар фаолиятини қадрлаш, фармонларга бўйсунуш ва унга ишонч билан қараш, одамларнинг арз додига қулоқ тутиш, покликни, меҳр мурувватни ва беғаразликни улуғлаш каби фазилатлар ана шу меъёрларни белгилаб берган.

“Агар подшоҳ барчадан устун бўлишни хоҳласа, - деб ёзади Низомулмулк, - ўз ахлоқини гўзал фазилат ва хислатлар бойитиши ва ёмон хислатлардан покланмоғи лозим. Ёмон хислатлар – “ҳуқд (нафрат), ҳасад, ғазаб, шаҳват, ҳирс, амл (айб), лаззожлик (эзмалик), ёлғон, бухл (бахиллик), бадфеъллик, зулм, ўзи бўларчилик, шошма-шошарлик, носиполик, енгилтаклик”, гўзал фазилатлар эса, “ҳаё, яхши хулқ, ҳалимлик, кечиримли бўлиш, тавозеъ, саховат, сабр, сидқ, шукр, раҳмат, илм, ақл, адлдир”<sup>1</sup> Албатта, бу фазилатлар фақат подшоҳ ва амладорларга хос бўлиши зарур экан, деб ўйламаслик керак. Шарқ мутафаккирлари, подшоҳдаги эзгу хислатлар унинг фуқароларида ҳам шундай фазилатларни шакллантиради, деб билганлар. Улар подшоҳга, ундаги эзгу маънавий-ахлоқий фазилатларга юқори талаб қуяр эканлар, подшоҳ орқали жамиятда эзгуликни, маънавий баркамолликни шакллантиришни кўзлайдилар. Шунинг учун улар адолат, эзгу амаллар ва маънавий ахлоқий фазилатларни барча – подшоҳ ҳам, фуқаролар ҳам ўзларида шакллантиришлари, уларга интилиб ва амал қилиб яшаши зарур, деган фикрни илгари суриб, бу мақсадларни ижтимоий-ахлоқий масалалар даражасига кутаради.

Таъкидлаш лозимки, илк тараққиёт босқичида анъана ва одатлар барча халқ ва миллатларда ахлоқнинг асосий манбаи бўлган. Ҳатто кейинги, масалан қулдорлик ва феодаллик муносабатлари ҳукмрон бўлган даврда одатлар расман ахлоқий меъёрлар мақомида

---

<sup>1</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: “Адолат”. 1997. 17-бет.

бўлган. Ибтидоий даврларда юзага келган одатлар анъана даражасига кутарилиб жамиятдаги синфий муносабатлар таъсирида ахлоқий меъёрларга айланган. Ўлкамиз халқлари ҳам одатий ахлоқ меъёрларига амал қилиб яшаганлар. Шарқда давлат ва жамиятни бошқариш ва уни идора этишда адолат мезони доимо устувор аҳамият касб этган. Адолатнинг поймол этилиши бошқарув ишларини барбод қилади, фуқароларда норозилик уйғотади. Масалан, Конфуций дейди: “Адолатпеша одамлар лавозимга қўйилса, халқ ҳам подшоҳга итоат этади. Мабодо бадният кишилар лавозимларга қўйилиб, адолатпарвар кишилар сиқиб чиқарилса, халқ ҳам итоат этмайди.”<sup>1</sup> Адолатни қарор топтириш шарқона демократияга кўра жамоа ҳаёти ва манфаатларининг устуворлигини таъминлайди.

Биз олдинги мавзуларда кўрдикки, аждодларимизнинг сиёсий-фалсафий ахлоқий меросида давлат ва жамият бошқарувига оид адолат, ҳақиқат, эзгулик, тўғрилиқ, меҳнат ортидан кун кўриш, бошқа халқлар ва миллатлар, давлатлар билан ахилликда яшаш, ҳукумат ишларига ҳурмат билан қараш, жамиятда қарор топган тартиб қоидаларга ва ахлоқий меъёрларга итоат этиш ҳақида ҳар бир тузум ва ҳар бир давлат учун муҳим фикрлар мавжуд. Уларнинг ижобий моҳиятини инкор қилмаган ҳолда, биз назарда тутаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат негизида бошқача ёндашув, концепция ва тамойил ҳамда ахлоқий меъёрлар ётишини соқит қила олмаймиз. Бугун биз барпо этаётган янги Ўзбекистон давлати учун сиёсий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий мерос ҳамда замонавий давлатда давлат хизматчилари хусусидаги қарашларнинг уйғунлаштирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўз танлаган миллий демократик йўлдан бормоқда. Унда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” эзгу тамойили остида янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш тажрибаси шаклланмоқда. Шу сабабли биз “давлат хизматчиси” иборасини кенг қўллаётган бўлсак-

---

<sup>1</sup> В.Алимасов. Адолат фалсафаси. “Ҳаёт ва қонун” журнали. 4-сон. Т.: 2005. 60-бет.

да, унинг асл моҳияти ҳали на фалсафий адабиётларда, на ижтимоий-сиёсий ва юридик доираларнинг изланишларида ўзининг мукамал, оммабоп ва илмий талқинини топган. “Давлат хизматчиси” атамасининг пайдо бўлиши, сиёсий-фалсафий ва бошқа тадқиқотларда таъкидланганидек, қадимги юнонистонлик файласуфларнинг бу борада яратган таълимотларига бориб тақалади. Сукрот ва Афлотун асарларида фуқаро, давлат, қонун, жамият, давлат бошқаруви, адолат каби тушунчалар муҳокама қилинса-да, “давлат хизматчиси” тушунчаси айна тушунча сифатида ўчрамайди. Масалан, Афлотун назарида илгари сурилган “идеал давлат”ни бошқарувчи ҳукмдор тимсоли эзгуликка интилувчи ва халқ манфаатларини кўзлаган қонунлар чиқарувчи, тарбия кўрган, давлатга одиллик билан ҳокимлик қилувчи киши тушуниланган. Аммо, бу киши ҳатто ҳукмдор бўлиб, ўзи яратган қонунларга бор вужуди билан итоат этган тақдирда ҳам ўз ҳуқуқларини мавжуд тузум, давлат билан бевосита боғлиқликда идрок этади. Давлат, жамият ва фуқаро Афлотун учун ҳам Сукрот учун ҳам уйғундир. Бу уйғунликда фуқаро манфаатлари, ҳуқуқлари эмас, балки давлат ва жамият ҳуқуқлари, манфаатлари устун туради. Арасту давлат ва жамият бошқарувига оид таълимотларида ўрта қатламнинг (синф, табақа) давлат қурилишидаги ўрни хусусидаги фикрлари асос бўлади.

Арасту давлат учун ўрта қатламнинг муҳимлигига эътибор қаратиб: - “Энг муҳим давлат мулоқоти ўрта қатлам орқали амалга оширилганидир, ўрта қатлам кўпчиликини ташкил этган давлат энг маъқулидир, чунки, ўрта қатлам уларнинг (бойлар ва аслзодалар ҳамда қашшоқлар ва йўқсиллар) ҳар иккисидан ҳам алоҳида олинган ҳар биридан ҳам кучлидир.” Ўрта қатламга асосланган давлат энг яхши тузумдир, бундай таянч ички низоларга олиб келмайди. Зеро, ўрта қатлам бор давлатда низоларга олиб келувчи гуруҳ бўлмайди. Арасту ҳукмдор, қонун чиқарувчи ўз атрофига ўрта қатламни жалб қилиши, қонун чиқаришда ўрта қатламнинг иштирокини даркор, деб билади. Ўрта қатлами бор тузум, давлат, жамият барқарор бўлади, низолар пайдо бўлишига, бир қатламнинг бошқа бир қатлам устидан зўравонлик қилишига имкон қолмайди. Ушбу фикрлардан маълум



бўладики, антик даврда давлат, жамият, шахс силсиласи ижтимоий бирликни ташкил этган. “...омма, - деб ёзади Николло Макиавелли – ноқабтий, ноизчил, юмшоқ ва енгилтак ҳукмдорлардан нафратланади.”<sup>1</sup> Бу фикр бевосита давлатга ҳам тааллуқлидар. Мутафаккир фикрича, ўзига берилган давлатни ушлаб қолган эмас, балки, уни ушлаб қололмай, жамиятда ноҳақлик, зўравонлик ва қирғинларга сабаб бўлган ҳукмдаор, давлат аянчлидир. Қолаверса, инсоният тарихи давлатлар фаолияти орқали яратилгандир.

Олиб борилган ва илгари сурилган илмий таҳлиллар натижасида шуни кўришимиз мумкинки, давлат хизматчиси тушунчасининг қачон, қаерда мавжуд бўлганлигидан қаъти назар, унинг ўзига хос қўйидаги умумий ғоялари ва тамойиллари бор, деган хулосага келамиз.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш, бошқарув маданиятини такомиллаштиришга қаратилган зарур ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан етарлича имкониятлар яратилган. Аммо, ушбу имкониятларни улар фаолиятига амалий жиҳатдан жорий этиш ҳар бир давлат хизматчисининг, айниқса, бугунги янги даврда янгича тафаккур ва шижоат билан камол топиб келаётган давлат хизматчиларининг янги авлодининг ҳаёт фалсафасига айлантириб бориш ҳар бир давр учун долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Кейинги йилларда давлат хизмати ва давлат хизматчиси хусусида жуда кўплаб асарлар, мақолалар ва илмий тадқиқотлар яратилди-ки, уларниг базиларида давлат хизматчиси тушунчаси яхлит тушунча сифатида олинган бўлиб, кўпроқ бу тушунчанинг шахсга қаратилган хусусиятлари билан биргаликда унинг ижтимоий-сиёсий ва юридик жиҳатларига юқори савияда эътибор қаратилган. Биз ҳам ушбу таҳлил ва хулосалардан узоқлашмаган ҳолда давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яратишга ва уни имкон даражасида таҳлил ва

---

<sup>1</sup> Н.Макиавелли. Ҳукмдор. 88-бет.

тадқиқ қилишга эътибор қаратамиз.

Аслида, давлат хизматчиси атамаси, тарихан ижтимоий тараққиётнинг ривожланиш босқичларида давлат ва жамият бошқарувининг ўзига хос шакли бўлиб, амалий воқелик сифатида бошқарув механизмининг асосий мезони сифатида намоён бўлади. Давлат ва жамият бошқарувида идеал бошқарувнинг юзага келиши жамиятда қонун устуворлигига, фуқаролар эркинлигига, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан муайян тенглигига асосланади. Давлат хизматчилари (Ҳукмдор, вазир, бек, амир ва ҳк.) ўзларига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни онгли, кўнгилли равишда адо этилиши шарт бўлган бурч сифатида ўз зиммаларига олишади ва оддий аҳоли сингари улар ҳам ўзлари яратган қонунларга итоат этадилар ва бўйсундилар. Жамиятда бундай фазилатнинг кенг маънода илдизотиши давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг ахлоқий жиҳатдан маънан баркамол эканликларидан далолат беради. Жамият ва унда яшовчи халқнинг тараққиёти ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам бўлади.

Тўғри эътироф этиш керакки, ушбу шакллар ҳеч бир мутлоқлик шаклига эга эмас, уларнинг айримлари баҳсли ва ҳатто баъзилари киши билимида шубҳа ва эътироз уйғотади. Масалан, халқнинг давлат ва жамият бошқарув ҳаётининг энг муҳим масалаларини муҳокама этишда қатнашишларини бевосита давлат ва жамиятни бошқаришга тааллуқли дейиш қанчалик асосли? Ахир, бевосита бошқариш вазифасини ижтимоий институт фаолияти учун масъул бўлган субъектлар амалга оширмайдими? Халқ муҳокамасида қабул қилинган қарорлар масъул субъект ўрнини қанчалик боса олади. Бошқа шакллар хусусида ҳам шунга монанд фикрларни баён этиш мумкин. Умуман олганда, халқнинг бевосита бошқаришини тасаввур қилиш қийин, шунинг учун яхшиси, “бевосита бошқариш” ва “билвосита бошқариш”, деган публицистик иборалар ўрнига бошқаришнинг аниқ шаклларига мурожаат этиш маъқул.

Шарқ халқларида шахс маънавияти ва ахлоқи ижтимоий тараққиётнинг асоси сифатида қаралсада, бу қонунларга, адолат меъёрларига итоат этишни инкор этмаган. Масалан, Конфуцийнинг

замондоши Хан Фэйнинг таъкидлашича, “Фақат қонунга итоат этиш, ҳокимиятнинг барқарорлиги ва бошқариш санъати билан жамиятда тартиб ўрнатилади.” Эрамизнинг бошларида юзага келган “Архашастра”да, қонунларга, тартиб қоидаларга итоат этмай, ҳис-тўйғулар билан давлатни бошқариш тахтнинг емирилишига олиб келиши таъкидланади. Демак, маънавий-ахлоқий меъёрлар жамият ҳаёти учун қандай аҳамиятга эга бўлса, қонунлар ҳам шундай аҳамиятга эгадир. Қонунлар янги тартиб-қоидаларни, қарашларни, меъёрларни тезроқ ва кенроқ ижтимоий воқеликка айлантиради, кишилар онгига, ҳаётига уларни тезроқ сингдиради. Қонунлар жамият бошқарув тизиминини модернизациялаш воситасидир. Улар инновацияларни ҳаётга жорий этишни тезлаштиради, янги кадриятларни, шу жумладан, сиёсий-ҳуқуқий тамойилларни ҳам, барча баб-баробар ҳаёт тарзи ва фаолият дастурига айлантиради. Албатта, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, кишида қонунга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш чексиз давом этадиган жараёндир. Аммо, ушбу жараён ҳар бир ижтимоий-тарихий босқичда аҳолининг асосий қисмини вайронкор хатти-ҳаракатлардан, жиноий уюшмаларга қушилиб туришдан ушлаб туриши шарт. Тарихий-маданий анъаналарни, ижтимоий ахлоқ меъёрларини, ўрф-одатларни асрашга ва уларга риоя этишга мойиллик ўзбек халқида қонунлар устуворлиги кўпинча ана шундай норасмий ахлоқий қоидалар орқали таъминланади.

Ғарбда қонунлар тарихий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий меъёрлардан ажратиб қўйилган. Улар гоҳо анъаналарни очикдан-очик рад этади, одамларни ноанъанавий меъёрларга бўйсунушга ундайди. “Замонавий демократия, - деб ёзади, - Ф.Хэйк – кўпинча қонунга ҳурмат кўрсатмайди.”<sup>1</sup> Аммо, бу Ғарб кишилари қонунларнинг зарурлигини рад этади, деган тасаввурни бериши керак эмас, у ўзига ҳамммани баб-баробар итоат этишини талаб қилади. Сиз қонун борлигини унутишингиз мумкин, аммо қонун сизнинг борлигингизни унутмайди. Қонун ўзининг борлигини унутганларни беаёв

---

<sup>1</sup> Хэйк. Ф. Общество свободнх. Лондон. 1990. 76-бет.

жазолайди. Бу қоида Ғарб ва Шарқ учун бирдек тааллуқлидир. Бироқ қонунларга итоат тиш ва уларга хурмат кўрсатиш хусусиятларида халқлар, миллатлар ўртасида ҳар бир халқ ва миллатнинг менталитети, тартиб-қоидалари ва ҳокимиятга муносабати, турмуш тарзи, трансцендентал тасаввурлар билан боғлиқ фарқлар мавжуд.

Маълумки, давлат бошқарув аппаратларининг самарали ишлаши ундаги касбий тайёргарлиги ва маҳоратига, ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажаришга, қонунларни реал ҳаётга жорий этиш кўникмаларига боғлиқдир. Аммо, ҳамма давлат хизмати шунинг учун ҳам давлатга тааллулики, у тармоққа, айниқса, бошлиққа хизмат эмас. Давлат хизмати орқали жамият манфаатлари хизматига йўналтирилган давлат ҳокимияти қарор топади. Бошқа ҳеч бир касбий фаолият бундай хусусиятга эга эмас. Давлат хизматида бутун фаоллик ҳокимият ғояси билан йўғрилган, у давлат ва жамият манфаатларини, инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун давлат хизматини юксак ахлоқли, маҳоратли янгича тафаккурга эга бўлган ҳурфикр давлат хизматчилари адо этсалар, ижро ҳокимияти ўз вазифаларини тўла бажаради. Бу эса, ақлий салоҳият ва касбий сифатларга эга бўлган, фуқаролик бурчларини тўғри англаган, жисмоний соғлом, хулқ атворлари юксак давлат хизматчиларини махсус танловлар асосида давлат хизматига қабул қилишни тақозо этади. Таъкидлаш керакки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ижро ҳокимиятининг бир-бирига боғлиқ иерархик тизими яратилди. Бироқ бошқарув ишларида уюшқоқлик, марказ билан жойлардаги идораларни ягона механизм бўлиб ишлаши ҳали етарлича таъминланмаган. Айниқса, давлат хизматида юзага келган энг хавфли коррупция ҳокимиятга, давлатга нисбатан муносабатларида акс таъсир кўрсатмоқда. Уни бартараф этмасдан туриб ижро ҳокимиятини кучли бошқарув институтига айлантириш мушкул. Чунки, коррупция ижро ҳокимиятининг ичидадир. Муайян бир бошқарув функцияларини бажарувчи мансабдор шахслар, давлат хизматчилари коррупция субъекти ҳисоблангани сабабли, айнан улар одамларда ижро ҳокимиятига ва бу орқали бутун давлатга

нисбатан ишончсизликни юзага келтиради.

Кучли ижро ҳокимиятининг шаклланиши жамият билан бошқарув тизимлари, давлат ҳокимият идоралари ўртасида ўзаро ишончга, уларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Қанчалик кўп бўлим ва кенг инфратузилмага, қанчалар ходимга, ўз фаолиятини кенг кўламда олиб бориш учун зарур қонунларга эга бўлган тақдирда ҳам, ижро ҳокимиятини жамият, халқ қўллаб қувватламаса, бундай институт ўзига юклатилган вазифаларни тўла адо эта олмайди. Демак, ижро ҳокимиятининг кучлилиги унинг жамият, халқ билан ҳамкорлигида намоён бўлади.

Тарихий-маданий анъаналар орқали мустақилликка эришиш ва “мажлиси удамо”ни (яъни, ҳозирги истилоҳдаги парламентаризмни) шакллантиришнинг тарафдорлари жаидлар эди. Жаидлар сиёсий оқим сифатида пайдо бўлган. Тўғри, жаидлар ҳам “қадимийлар” ва “замонавийлар”, яъни консерваторларга ва либерал демократик ғоялар тарафдорларига бўлинган. Шарқшунос олим Закий Валидийнинг эсдалигидан бу ёндашувлар орасидаги фарқни англаб олиш қийин эмас. “Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи” асарида у 1917 йид апрель ойида ўтказилган “Туркистон мусулмонларининг биринчи конгреси” ҳақида бундай деб ёзади: “Конгресда зиёлиларнинг бир қисми (билқисса Чуқаев ва Шоҳинахмедов), қозондвн келган вакиллар (Оренбуршда чиқаётган “Вақит” газетаси муҳаррири Кобир Бекир ва ҳукумат аъзоси сифатида Тошкентга келган Садри Мақсудийларниг) таъсири остида Туркистоннинг бошқарув усули масаласида федерацион қурилиш фикрига муҳолиф бўлдилар. Мунавварқори ва унинг айрим дўстлари ҳам тарадудда қолдилар. Фақат Махмудхўжа Бехбудий билан мен автономия ва федерация фикрини ёқлаб, охиригача бу ишончимизда мустақил турдик.”<sup>1</sup>

Жаидчиликнинг дастлабки даврида унинг тарафдорлари илғор қарашлари рус буржуазияси вакиллари билан яқин эдилар. Улар ҳам ўз вакиллари орқали давлат ишларида қатнашишларини

---

<sup>1</sup> З.В.Туғон. Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи. Истанбул. 1981. 357-бет.

талаб қилганлар. Агар Россия мусулмонларининг 1 қурултойида улар рус буржуазияси билан бирга сиёсий талаб билан чиққан бўлсалар, 2 - қурултойида исломий қарашларни ҳам илгари сурганлар ва кадетлар сифатида давлат думасига вакиллар сайлаганлар. 3 - қурултойида улар Россиядаги бутун мусулмонларни бирлаштириш ғоясини илгари сурадилар ва конституцион монархияни ёқлаб чиқадилар. 1917 йил 23 июлда Фарғона вилояти меҳнаткашлари қурултойида Туркистонда федератив бошқарув асосидаги парламент республикасини тузиш таклиф этилади. Куришиб турибдики, жаидлар ҳаракатида турли ижтимоий-сиёсий ғояларни қўллаб-қувватлашга интилиш кузатилади. Лекин, жаидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида ҳар хил ёндашувлар мавжуд бўлсада, улар Туркистон ўз идора усуллариغا, парламентиغا эга бўлиши, утрок халқ миллий тили ва тарихий маданий тажрибасига асосланиши зарур, деган ғояларни илгари суришга яқдил эдилар.

Узоқ ижтимоий-тарихий жараёнлар давлат ҳокимиятини алоҳида сиёсий институт сифатида шакллантирган бўлсада, у халқдан айри ҳолда, ижтимоий муносабатларга аралаша олмасдан, у ёки бу гуруҳлар, қатламлар ҳаётини йўлга қўймасдан яшай олмасди. Муайян бир даврларда, босқичларда давлат айрим доиралар қўлида институт бўлиб, халқ оммасининг манфаатларидан холи яшаган ва ўша доиралар иродасини ифода этган, уларнинг манфаатларига хизмат қилган бўлиши мумкин. Аммо, бундай ҳол асрлар, минг йиллар давом этиши мумкин эмас. Бобур “мамлакатни кўпчилик билан бошқариб бўлмаслиги, давлат ва мамлакат бирлигини, осойишталикни сақлаш учун ҳамма подшоҳга итоат қилиши кераклигини таъкидлаган”<sup>1</sup> бўлса-да, ўғли Комрон Мирзога йўллаган мактубида бундай деб ёзади: *“ул элдин имтиҳон қилиб, сен эшкинга йўл бериб, вакили мутлақ этуб зофил бўлмагайсен. Кичик ёшлик эрса, алардин кенгаш суруб, маслаҳат тилаб, аларнинг сўзи билан амал қилиб, асло ва мутлақо ҳеч муҳимга иштиғол қилинмагайсан. Андишали беклар илан олийроқ қарочу*

---

<sup>1</sup> О.Хусанбоев. Захриддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Т.: 2005. 43-44 бетлар.

*давлатхоҳларким, ҳамиша муҳим ва маслаҳат ичинда бўла келиб тўралар, аларнинг савол-жавоб ва кенгашларидан чиқсагайсан.*"<sup>1</sup>

“Бобурнома”га мурожаат қилишдан муддао шундаки, давлат халқ орқали фаолият кўрсатган, халқ мудом давлатнинг субстанцияси бўлиб келган. Давлатнинг сиёсий институт сифатида кимларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига ғизмат қилгани бошқа масаладир.

Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз ўзини бошқариш тизими, аввало, умуминсоний демократик кадриятларни, жамиятда юксак инсоний ахлоқни шакллантиришга қаратилгандир. Халқ ҳокимияти институтларининг реал бошқарув функциялари шуларни қарор топтиришга йўналтирилганлиги билан қимматлидир. Куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган давлат институтларида ушбу шартга ҳар доим ҳам амал қилинвермаслиги мумкин. Бу ўринда халқ ҳокимиятчилиги ва ўз ўзини бошқариш улар фаолиятига инсонийлик, инсонпарварлик моҳиятини жалб этиш, уларни умуминсоний, ахлоқий кадриятлар билан бойитади. Шу хусусиятини инобатга олиб, Т.Парсонс “Замонавий жамиятлар тизими” номли асарида демократик ва ахлоқий кадриятлар “модернизациялашаётган жамиятлар” ҳаётига сингиб бормокда, шунинг учун “барча замонавий жамиятлар учун ягона бўлган кадриятлар тизимини яратиш”ни зарур, деб айтади. Тўғри, барча учун бир хил бўлган имкониятларни яратиш, халқлар учун давлат ва жамият бошқарув соҳасида бир хил кадриятларни жорий қилиш, мураккаб, ҳатто ноўрин талабдир. Бошқарув соҳаси инсон омили билан боғлиқ жараёндир. Инсон эса, Н.Бердияев таъбири билан айтганда, “кўп қаватли мавжудотдир”<sup>2</sup> онгли, ижтимоий ҳаётда ўз “мени”ини англаган, қалбида, руҳида яширин куч, салоҳият, иқтидор борлигини тўйган ҳар бир инсон “умумий талаб”ни кўр кўрона қабул қилмайди, у ўзлигини намоён этишга интилади. Ушбу индивидуал хусусиятлар билан умумий белгилар ўртасида муайян тафовутлар, зиддиятлар сақланиб қолиниши табиий ҳолдир. Бироқ ҳар бир онгли инсон яхши биладикки, инсоният субстанционал яхлит мавжудот, миллати, жинси, ирқи ва мақейидан

---

<sup>1</sup> З.М.Бобур. Бобурнома. Т.: “Шарқ”, 2002. 331-382 бетлар.

<sup>2</sup> Н.А.Бердияев. Самопознание. М., ДЭМ. 1990. 134-бет.

қаъти назар, ҳаммага эркин яшаш, оиласини таъминлаш, соғлиқни асраш, жамиятда ўз ўрнини топиш хосдир.

Таъкидлаш лозимки, кўпчиликнинг легитимлиги унинг сон жиҳатдан устунлиги билан белгиланмайди. Бундай ёндашув охир натижада ҳалқ ҳокимиятчилигининг, демократиянинг аксига айланиши мумкин. Масалан, 1917 йили большевиклар давлат тепасига демократия, ҳалқ ҳокимиятчилиги даъватлари билан келган. 1939 йили Гитлер ҳам шу тамойилдан фойдаланган. Бу икки ҳол дунё халқлари бошига чексиз кулфатлар келтирган. Шунинг кўпчиликнинг озчиликдан устун келиши деганда, қарорлар қонуний асосланган ҳолда, очик муҳокам шаклида, коллегиял тарзда қабул қилинишини назарда тутиш лозим. Чунки, қонунларни кўпчилик бўлиб, коллегиял асосда қабул қилиш, моҳиятан, якка шахс бошқарувидан афзалдир, зеро, бир киши кўпчиликка нисбатан кўпроқ адашади. Шу билан бирга, кўпчиликнинг легитимлиги озчиликнинг, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилмаслиги, балки, у билан муросага бориш йўлини излаши даркор. Бу масалада сиёсий маданият муҳим аҳамият касб этади. Айнан сиёсий маданият мамлакатда кечаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тўғри англаш, ҳар бир инсонга ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан, юрт манфаатлари билан уйғунлаштириш имконини беради.

Давлат хизматчиси юксак ахлоқий маданиятга эга бўлиши билан биргаликда давлат ва жамият бошқаруви уни идора этиш кишиларида ахлоқий-маънавий қадриятларни шакллантириш ва уларни камол топтиришга хизмат қилади. Халқ, миллат, жамият ахлоқий ва маънавий қадриятларга интилгани сари, давлат бошқаруви ҳам уларни қарор топтиришни ўз олдиға мақсад қилиб қуяди.

Тарихий жараёнлар ўзгариб боришиға эътибор қаратадиган бўлсак, жамият бир ижтимоий-тарихий босқичдан иккинчисига ўтаётганида кўпчиликда, руҳий тушкунлик, ҳаётдан бешиш, уни бемаъни, деб топиш, идеалларға, келажакка, адолатнинг муқаррарлигига ишончсизлик пайдо бўлишини кўришимиз мумкин. Бу иллатларни бартараф этмасдан янги жамият қуриш амримаҳолдир. Шунинг учун ҳам халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари



бирлаштириш, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулиятни ҳис қилиб яшашига, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва ананьаларимизга муносиб бўлишга эришиш, фазилатли, комил инсонларни тарбиялаш, уларни бунёдкорлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойилликни ҳаёт мезонига айлантириш, миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсадидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг марказида инсон қадри, унинг манфаатларини тўла қондириш мақсади, ундаги давлат ва жамиятни бошқариш ишларида иштирок этишга бўлган интилишларини руёбга чиқариш туради. Мафкуравий изланишларнинг ўзи ҳам инсон унинг ҳаёти ва мақсади, интилишлари доирасидан ташқарида шаклланиши мумкин эмас. Яъни, замонавий жамиятда одам ғоявий мақомининг, ўз маънавий ҳаётининг яратувчиси бўлиши лозим. Шунинг учун инсон қадриятларини сақлаш, унинг ролини идрок этиш, инсонни ривожлантириш мақсадини демократик ислохотлар марказига қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тамойилларга қараб ижтимоий сиёсий тузумнинг қандай қадриятларни ўзининг дастурига, йўналишига идеал қилиб олганлигини англаш мумкин. Инсон онгли ва олий мавжудот ҳисобланса-да, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, умр моҳиятини, мавжудлик учун масъулиятини ҳар доим ҳам тўғри англайвермайди.

Сиёсий ахлоқий фазилатлар давлат ва жамиятни бошқариш ишларига инсонпарварлик, адолатпарварлик бахш этади, инсон эркинлиги тамойилларига риоя этишни одатга айлантиради. Шу тариқа сиёсий ахлоқий қадриятлар ҳокимият фаолиятига, давлат ва жамиятни бошқариш механизмларига сингиб, ҳокимиятнинг халқчиллигини, инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлайди. Замонавий давлат хизматчилари барча фазилатлари билан ўз жамоаларига етакчи, фидойи, намуна ва ўрнак бўла олиши керак. Мустақиллик шароитида бошқарувда янги замонавий давлат хизматчиларини раҳбар кадрларни тайёрлаш иши объектив ҳолатни ҳисобга олган ҳолда илмий ёндошувни талаб қилган ҳолда амалга оширилди. Шу ўринда касб одоби хусусида тўхталиб ўтиш лозим.

Муҳтарам Президентимиз ўз фаолиятларида амалдаги раҳбар ходимларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириш, янгилаш каби масалалар билан тинимсиз шуғулланиб, уларга катта эътиборни қаратгани ушбу фикрларидан ҳам маълум: “Халқнинг дардига бефарқ қарайдиган ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, худбин ва таъмагир раҳбарлар мамлакатимиз равнақига, халқимиз фаровонлигига тўсиқ бўлмоқда. Энди улар билан муроса қилиб бўлмайди.”<sup>1</sup> Юртбошимиз томонидан ўз вақтида зукколик билан пайқалгани сабабли, мавжуд фалаж тоифага кирувчи раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш, тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда.

Давлат хизматидаги ходимларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий маданияти бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Шу муносабат билан мансабдор шахсларда сиёсий ҳислатлар билан бир қаторда, ахлоқий фазилатларни шакллантириш зарурий ҳолдир. Ахлоқий баркамоллик давлат хизматидаги ходимларнинг ишбилармонлик сифатларидан бири ҳисобланади. Жамиятда мутлақ, абадий ва ўзгармас ахлоқ йўқ. Жамиятда мутлақ, абадий ва ўзгармас ахлоқ йўқ. Ахлоқ тарихан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг бу хусусиятлари умумий ахлоқнинг таркибий қисмларидан бири бўлган *касб ахлоқида* ҳам яққол намоён бўлади. Давлат хизматчилари хулқ-атвори билан жамоада бошқа давлат хизматчилари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган. Давлат хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни “2016 йилда ижтимоийқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари” га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда давлат хизматчиларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак. Давлат хизматчилари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.<sup>1</sup>

Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида баён этилган мулоҳаза ва илмий таҳлилларимиздан келиб чиқиб, замонавий жамиятда давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий тенденциялари такомиллашиб боришига оид муаммолар ечимини қўйидаги хулосалар билан изоҳлашга ҳаракат қилдик:

**Биринчидан**, давлат ва жамият бошқарув жараёнида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий, маънавий ва ахлоқий билимларини такомиллаштириб бориш зарурий талаблардан бирига айланиб бормоқда. Зеро, бундай ҳолат мавжуд имтиёзларга эгалик қилиш, шахсий шуҳрат ва бойлик орттиришга мойил бўлган давлат хизматчиларининг табиий равишда жамият бошқарувига кириб келиш олдини олади. Боз устига ҳокимият эркинлик, манфаат учоғи манбаи сифатида раҳбарнинг қўл остидаги одамларга нисбатан ғаразли ниятларни амалга ошириш орқали бошқарув тизимида ғайриахлоқий иллатлари ортиб боришига олиб келади.

**Иккинчидан**, давлатчилик тарихида бошқарувнинг маънавий-ахлоқий кадриятлар билан бойитилиши инсонлар, миллат ва давлат манфаати ҳамда тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бориши тарихий жараёнларда етарлича ўз исботини топган. Бошқарув ва ҳокимиятга интилиш учун бўлган курашлар ва ўзаро муносабатлар

---

<sup>1</sup> Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон [Қарори](http://www.lex.uz). [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

ғайриахлоқий тарзда намоён бўлиб бориши, киши тафаккурида унга кўникиш, мослашишиш. “тирикчилик” манбаи, деб қарашга оид схоластик ёндашувни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчилари касбий фаолиятида ахлоқий ва сиёсий маданиятнинг заифлиги бошқарувнинг ғайриахлоқий тартиблари турғун даражада сақланиб қолишига имкон яратиб беради.

**Учинчиданн,** Жамият бошқарувида турли миллатлар манфаати устуворлиги ва уларнинг бир-бирлари эркинликларига нисбатан салбий таъсири диний ва миллий қадриятларга путур етказди. Натижада, бундай чалкаш ҳаракатлар бошқарув жараёнида ўзаро тарафқашлик, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик каби иллатларнинг шаклланишига, илдиз отишига олиб келади. Давлат ва жамиятни бошқариш жараёнида бундай иллатлардан ҳоли бўлмаслик, халқнинг, миллатнинг мулкани, эркинлигини талон-тарож қилиш ва анархиянинг кучайишига олиб келади. Натижада бундай бошқарув тизими жамиятда маънавий-ахлоқий тенденцияларнинг борган сари йўқолиб кетиши учун замин яратади.

**Тўрттинчидан,** Замонавий жамиятда давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий тенденциялари ўзининг қамровида диний, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини сингдиради. Шунингдек, давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий тенденциялари такомиллашиб бориши миллат камолотида, давлат ва жамият ҳаётини бошқаришга оид истиқболли жараёнларда ушбу омилларга бўйсунди ва уларга зарурият асосида эҳтиёж сезади. Чунки, бундай муносабатлар ва зарурий эҳтиёжлар давлат ва жамият бошқарувида ўзига хос бўлган муҳим аспект бўлиб, миллатнинг миллат сифатида шаклланишини, ахлоқийлигини, маънавий тафаккур тарзини ва маърифатга ташналигини белгилаб беради.

## **II. БОБ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **2.1. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Кишилиқ жамияти ўзининг ривожланиши ва тараққий этиши жараёнида ижтимоий хусусиятдан кўра кўпроқ сиёсий бошқарувга, давлатчилик ва бошқарувга хос бўлган сиёсий кадриятларнинг шаклланиши билан изоҳланади. Шу мазмунда давлатчилик, давлат ва жамият бошқарувига қаратилган воқеликнинг юзага келиши бевосита инсоният тафаккурининг ижтимоий сиёсий маҳсули бўлиб ҳисобланади.

Эътибор қиладиган бўлсак, ҳар қандай давлат, миллат ва халқ ўз жамиятининг тарихий, маданий ва ахлоқий мероси негизлари асосида ривожланади ва тараққий этади. Бундай уйғунлик халқни ўз эркин ривожланиш тараққиётида янги бир сифат босқичидан иккинчи бир сифат босқичига кўтарилиш имконини беради унинг истиқболли омилларини кенгайтиради. Жаҳонда тараққий этган халқлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, ўз эҳтиёжларини тўла қондиришга, фаровон ҳаёт кечиришга эришганлари ва маданий салоҳиятлари юксакликка кўтарилиб боргани сари, уларнинг ўзлигини англашга, айти пайтда, ахлоқий эркинликка интилишлари кучайиб бораверади. Шу сабабдан ҳам давлатчилик бошқарув тараққиёти ва ривожини миллат тафаккурининг маҳсули бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, давлатчилик тараққиётининг юзага келиши, давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг шаклланиш тарихи қандай? Унинг шаклланиш мезони ва асослари қачондан бошланган? Давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг ўтмиш тарихда ва бугунги кундаги таъсир доираси қандай бўлган? Каби саволларимизга ушбу мавзунини ёритишга ажратилган мазкур

параграфимизда таҳлилий фикр ва мантикий мулоҳазаларимиз асосида имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Эътибор қиладиган бўлсак, давлатчиликнинг пайдо бўлиш ибтидоси, давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ бўлган ҳодиса ва таълимотлар узок тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган ва ўзининг такомилга эга бўлиб борган. Шарқда давлат ва жамият бошқаруви, ҳокимиятни идора этишда жамоавийликка таяниш ўзига хос қадрият сифатида ҳаёт тажрибаси ва синовларидан ўтиб келган. Уни инсонларнинг турли эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ҳам тушуниш мумкин. Давлат ва жамият бошқарувининг ҳозирги замонавий талқини мамлакатда “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” эзгу ғояси билан ўзвий боғлиқ. Шундай экан, профессор Ф. Мусаев давлат ва жамият бошқарувидаги ижтимоий-сиёсий фаолиятини ва унга дахлдор таҳлилларни бир тизимга келтириб, шундай фикр билдиради: “Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш институтлари, моҳиятан, инсон эрки ва ҳуқуқларини руёбга чиқишига хизмат қилади. Кўпчилик тадқиқотчилар инсон кадр-қиммати қудратли давлат ва қудратли миллатнинг, гуллаб-яшнаётган цивилизациянинг кадр-қимматидан устун эканлигини эътироф этадилар. Чунки, уларнинг фикрича, инсоннинг кадр-қиммати унинг эркидадир.”<sup>1</sup> Шу жиҳатдан ҳам инсон қадрини англаш ва уни ҳис қилиш туйғуси, давлат ва жамият бошқарув фаолиятида халқ олдидаги масъулиятини ҳис қилиш, идрок этиш талаблари билан ҳамохангдир. Бу ҳиссиёт ҳар бир бошқарув соҳибини адолат яловбардори сифатида ўз вазифаси ва ваколатига нисбатан зарурат сезишга даъват этади, унга мақсад вазифасининг маъно-мазмунини чуқурроқ идрок этиш масъулиятини юклайди.

Ҳокимият бошқарувида ҳукмдорнинг ваколатларини ҳаддан ташқари мутлоқлаштириш салбий оқибатларни келтириб чиқариши табиий ҳол. Бироқ, ваколатларнинг ҳар қандай тарзда эътироф

---

<sup>1</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. -173-б.

этилиши, ҳукмдорнинг хатти-ҳаракати, ҳуқуқлари мутлоқлигини билдирмайди, аксинча, унинг масъулияти олдида ҳар қандай ваколат ва ҳуқуқ ахлоққа бўйсунуш тўйғусини юзага келтиради. Ҳукмдор ўз ваколати ва адолати доирасида жамият, давлат олдидаги масъулияти билан боғлиқ ҳолда эътироф этилади ва тегишли қонун, тартибот, ахлоқий нормалар орқали тартибга солинади.

Эътироф этиш керакки, давлатчилик бошқаруви, уни идора этиш тамойилларида бундай тартибот ва бошқарув қонуниятларининг яратилиши ҳамда қарор топиб бориши инсоният тафаккури ривожланиши билан уйғун ҳолда тараққий этиб борган. Буни узоқ ўтмиш тарих давомида шаклланиб ва такомиллашиб келган давлатчилик ва унинг бошқарувига оид яратилган назариялар, таълимотлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар мисолида тадқиқ этишимиз мумкин. Айнан, Қадимги Шарқ афсоналарида давлат ва жамиятнинг пайдо бўлиши ва уни идора этишга қаратилган дастлабки қарашлар Геродотнинг “Тарих” асарида келтирилган маълумотларда ўз аксин топган. Асарда келтирилишича, Мисрнинг биринчи подшоҳи давридан то Геродот Мисрга ташриф буюрган давр (эрамиздан аввалги V аср) гача бўлган 11340 йил мобайнида юқори мартабали қоҳинлар ва подшоҳларнинг 341 авлоди ўтган ва бу вақт ичида Мисрни одамлар бошқарган. Бу давргача, қоҳинларнинг айтишича “Мисрда худолар ҳукмдорлик қилишган, улар одамлар орасида яшашган, худоларнинг бири уларнинг энг қудратлиси ҳисобланган”. Худоларни дастлабки ҳукмдорлар ва қонун ўрнатувчилар сифатида тасаввур қилиш Қадимги Бобил ва Қадимги Ҳиндистон мифологик дунёқарашига ҳам хос бўлган. Уларнинг диний афсоналарига кўра, худолар ҳукмдорлар ҳокимиятининг манбаи бўлиш билан бирга ердаги ишлар ва кишилар тақдирини ҳал қилишда давом этганлар. Қадимги Хитой афсонасида ҳам ердаги ҳокимиятнинг келиб чиқиши илоҳийлиги илоҳий хусусиятларга эга эканлиги тўғрисида гап боради. Унда айтилишича, Осмоноти олий ҳукмдорнинг (яъни Хитой императорининг) шахси, шахсий салоҳияти ва ички қуввати кўкдаги олий кучлар билан алоқанинг ягона воситасидир. Қолган барча

мансабдорлар ва давлат маъмурия-ти бор-йўғи императорнинг шахсий ҳокимияти кўмакчилари деб ҳисобланган. Бу даврда ўз-ўзидан маълумки, космогоник таълимот-ларнинг ривожланиши кишилар онгида давлат ва жамият бошқару-вига оид полотеистик тафаккурнинг шаклланиши учун етарлича асос бўлган.

Қадимги Бобилда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларга қаратилган билимларнинг ривожланиши Хамураппи қонунлари яратилиши билан изоҳланади. Хамураппи Қонунларида шарҳланган адолат одамларнинг озод кишилар ва қулларга бўлинишини, шунингдек, озод кишилар ҳам ўзаро тенг бўлмаган турли табақаларга бўлинишини назарда тутди. Эътибор берадиган бўлсак, Хамураппи томонидан яратилган ва ишлаб чиқилган дастлабки қонунчиликда жамиятда пайдо бўлаётган дастлабки табақаланиш ва мулкчиликдаги бўлиниш қатламларини кўришимиз мумкин. Қолаверса, хусусий мулкчиликнинг илк шаклари ҳам намоён бўлмоқда. Давлат ва жамият бошқарувида бошқарувни тақсимлашнинг шаклланган дастлабки кўртаклари эди.

Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ривожланиш тенденциясини бевосита Конфуций фалсафаси мисолида кўриш мумкин. Анъанавий дунёқарашга суянган Конфуций давлатчиликнинг патриархал-патерналистик ғоясини илгари сурган. Конфуцийнинг “Олижаноб эрлар” тўғрисидаги қараши жуда муҳим бўлиб, у жамиятнинг идеал ижтимоий-сиёсий қурилишининг асосидир. Давлат унинг талқинида катта бир оиладан ташкил топган бўлиб, жамиятдаги муносабатлар худди яхши оиладагидек катталарга ҳурмат, императорга тавозе руҳида қурилмоғи керак деб ҳисоблаган. Қадимги Хитой афсоналарида **“осмон фарзанди”** саналувчи Императорнинг ҳокимияти отага, бошқарувчи ва бошқарилувчилар муносабатлари эса оилавий муносабатларга тенглаштирилган.

Конфуций яратган таълимоти сиёсий муносабатларни ахлоқий мезонларга таянган эзгулик воситасида тартибга солишни қонун асосида бошқаришга кескин қарши қўяди. Конфуций, агар раҳбар халқни қонун воситасида бошқариб, жазо ёрдамида мамлакатда тартиб сақласа, халқ жазодан қочишга ҳаракат қилади ва бундан



уялмайди. Борди-ю раҳбар халқни эзгулик воситасида бошқарса ва тартибни сақласа, у ҳолда халқ уялади ва ўз камчилигини тузатади, мазмунидаги ахлоқий ғояларга асосланган таълимотини илгари суради.

Буюк донишманднинг давлатни бошқариш ва уни идора этиш борасида илгари сурган ғояларидан кўришимиз мумкинки, давлатда тартиб интизомни таъминлашнинг энг оқилона ва одилона йўли ахлоқий меъёрларнинг устувор бўлиши. Инкор этиш керак эмаски, кишида ҳуқуқий жазони ижро этишдан кўра кўпроқ ахлоқий кадриятлар талаблари асосида жазони ижро этиш мукамаллик туғдиради.

Қадимги Юнон мутафаккирларининг давлат ва жамият бошқарувига оид ижтимоий сиёсий таълимот ва назарияларига эътибор қаратадиган бўлсак, буюк донишманд ва мутафаккир Сукрот (мил.ав. 469-399 й) софистларнинг ашаддий танқидчиси бўлган ҳамда уларнинг қатор ғояларини қабул қилиб, маърифатпарварлик ишларини давом эттирган. Сукрот қонун устуворлиги тарафдори бўлиб, амалий сиёсат соҳасида давлатни биладиган, яъни бошқариш ишига қобилиятли бўлган, бошқариш илмини эгаллаган одамлар амалга ошириши керак, деган фикрни илгари сурган. Ўлимга ҳукм қилинган Сукрот қонунларни бузмаслик, адолатсизликка адолатсиз-лик билан жавоб қайтармаслик тўғрисидаги ўз тамойилларига содиқ қолди. Сукрот назарида адолат мавжуд сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини (жамият тузумининг собитлиги-ни) ифодаловчи тамойил ва ўша тузумнинг ахлоқий меъёри сифатида тушунилган. Сукротнинг шогирди Афлотун фикрича, адолат ҳар бир одамнинг жамиятда тутган ўрни (социал статуси)га мувофиқ ўз вазифаларини ўзи истаган қабтий равишда бажаришидан иборат.<sup>1</sup> Демак, Афлотун назарида адолат ҳар бир шахснинг жамият ҳаётидаги ўрнини, ўзига хос касбини белгилаб бериш принципи сифатида жамият

---

<sup>1</sup> Қаранг: Асмус Ф. Послесловие. В кн. «Платон». Сочинения в 3-х томах. – М.: 1971. – С. 599-600.

яхлитлигини таъминловчи ва уни мустаҳкамловчи ахлоқий омил ҳисобланади. Шунга кўра, адолат қулдорлик жамиятида турли табақалараро меҳнат тақсимотининг ифодаси сифатида намоён бўлади, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабат-ларни абадийлаштириш ва уларни ғоявий жихатдан асослаш вазифасини бажаради.

Афлотун ўзининг “Давлат” асарида жамиятдаги ижтимоий тенгсизликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади ва адолатли идеал давлат куриш ҳақида мулоҳаза юритади. Асар давлатнинг муҳим аҳамиятини ёритиш билан бошланади. У юксак даражадаги ҳамжамият бўлиб, унинг вазифаси буюк фаровонликка эришишдир. Унинг фикрига кўра, давлатни донишманд файласуфлар бошқарадилар, илмий назариялар ишлаб чиқади-лар, дунёни англайдилар ва бошқаларга ўргатадилар. ҳарбийлар жисмоний машқ билан шуғулланадилар, давлатда тартибни сақлайдилар, зарур бўлганда урушда иштирок этадилар. Дехқонлар ва хунармандлар эса оғир жисмоний меҳнат билан банд бўладилар, моддий неъматларни яратадилар, зарур ҳоллардагина чекланган миқдордаги хусусий мулкка эга бўладилар. Бошқарувчи донишманд-лар ва ҳарбийлар хусусий мулкка эга бўлмайдилар. Афлотуннинг идеал давлати — яхшиларнинг адолатли бошқарувидир. Шунга кўра у Суқротнинг “қонуний” ва “адолатли” деган тушунчалар айнан бир нарса деган ғоясига қўшилади. Унинг таъкидлашига кўра, яхшилар бошқарувидаги аристократик давлат тузуми идеал давлатдир. Афлотун ўз лойихаси ғоят мураккаб бўлганига қарамай, уни амалга ошириш мумкинлигига ишонади. У агар идеал давлат қурилган тақдирда ҳам бундай давлат мангу турмаслиги мумкинлигини айтади. Чунки, инсон табиатининг муқаррар бузилиши оқибатида бошқарув шакллари алмашиб туради. Афлотун идеал деб билган аристократик давлат тузумининг ҳалокати ер ва турар-жойларнинг хусусий мулкка айланишига, одамларни озод ва қулларга ажратишга олиб келади, натижада тимократик давлат ўрнатилади. Бундай давлат мутассил урушларга гирифтор бўлади. Урушлар ва тимократик давлатдаги қарама-

қаршиликлар хусусий шахслар қўлида катта миқдордаги бойлик тўпланишига олиб келади. Оқибатда давлат ҳокимиятини олигархия эгаллайди, камбағаллар бошқарувда иштирок этолмай қоладилар. Афлотуннинг уқтиришича, қонун чиқарувчи, биринчидан, ўз қонунларини татбиқ қилишни, иккинчидан, буйруқ беришни уддалаши керак. Агар у яратган қонунини татбиқ қилолмаса ёки унга ўзи амал қилмаса, бу ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди ҳамда унинг сўзлари қўл остидагилар томонидан қабул қилинмайди. Афлотуннинг шогирди Арастунинг нуқтаи назарича, давлат - табиий тараққиётнинг натижасидир. Бу маънода у оила, жамоа сингари дастлабки тузилмаларга ўхшайди. Лекин давлат барча тузилмаларни ўз ичига олувчи олий шаклдаги тузилма ҳисоблаб унинг ғоясига кўра, давлат мураккаб тушунча бўлиб, унинг қандай шаклдалигини аниқлашда кимлар унинг фуқаролари ҳисобланиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу давлатнинг қонун чиқариш ва суд ҳокимиятида қатнашиш имкониятига эга бўлганларгина фуқаро ҳисобланадилар. Арасту ўз сиёсий нуқтаи назаридан келиб чиқиб давлатни тўғри ва нотўғри шаклларда бўлишини ҳам кўрсатади. Тўғри шаклларда бошқарувчилар умумий фойда йўлида ҳаракат қилишади, нотўғри шаклларда эса фақат ўзларининг шахсий манфаатларидан келиб чиқишади. Давлатнинг тўғри шакли сифатида Арасту монархия бошқарувини (подшоҳликни), аристократия ва политияни кўрсатади. Шунга мувофиқ равишда тирания, олигархия ва демократияни у нотўғри ва хато бошқарув шакллари деб ҳисоблайди.

Арасту таълимотида, адолат ғояси тенгликка асосланади. Аммо, бу тенглик ҳамма жамият аъзолари учун эмас, балки тенглар (яъни эркин фуқаролар) учундир, кўпсонли қуллар бундан истиснодир. Юнон донишманди ахлоқий фазилатларни ҳам ҳар бир табақа вакилига хос шарҳлайди. Масалан, ҳукмрон доира вакиллари учун шижоат яхши фазилатдир, лекин қуллар учун итоат яхши фазилатдир, шижоат уларга хос фазилат эмас. Тенгсизлар тоифасига кўпсонли қуллардан ташқари аёллар, деҳқонлар ва хунармандлар ҳам кирган. Ўйлашимизча, бундай қарашлар ва ҳолатлар ўша давр

демок-ратиясини қайсидир маънода чекланганлигини, ўзининг ижтимоий сиёсий фаолиятини тўлалигича намоён эта олмаётганлигини кўрсатади. Шунингдек, Арастунинг қарашларида ҳуқуқ, қонун ва ҳуқуқий давлатчиликнинг заминий ғоялари ўзининг ифодасини топган бўлиб, ҳар қандай ҳуқуқ бу сиёсий ҳуқуқ бўлиб, у табиий ҳуқуқга ва позитив ҳуқуқга ажралади. Ҳар қандай қонунни сиёсий характерли дейиш учун мезон бўлиб, унинг сиёсий адолатга ва ҳуқуқга мувофиқ келиши ҳисобланади. Арасту хусусий мулк, оила ва индивидуал ҳуқуқ манфаатларидан келиб чиқиб, Афлотуннинг идеал давлат тўғрисидаги ҳар икки лойиҳасини ҳам танқид қилади. Унинг таъкидлашича, мулк, хотинлар ва болаларнинг Афлотун таклиф этгандек умумийлиги давлатнинг барҳам топишига олиб келади.

Мутафаккир таълимотида ахлоқий фазилатлар ҳам тўралар (аъёнлар)га ва авом аҳли (қора халқ)га хос икки турга ажратиб қаралган. Унинг фикрича, битта фазилат, масалан, адолат ёки олижаноблик бир вақтда ҳам қулларга, ҳам зодагонларга хос бўлиши асло мумкин эмас. Қул ҳам, унинг хўжайини ҳам муайян фазилат сохиби бўлиши мумкин, «аммо бу фазилат (ахлоқий сифат) аслида ҳукмрон шахслар ўз насли бўйича итоат қилувчилар (фуқаро)дан қандай фарқ этса, шундай фарқланади»<sup>1</sup>, - деб ёзади Арасту. Чунки қул билан унинг хўжайини ўртасидаги фарқ уларнинг руҳий ҳолати (психикаси)нинг бир бирига ўхшамаслигидадир: қул мустақил фикр қилишга қодир одам эмасдир (жонзоддир). Шу боисдан ҳар иккаласининг ўзига хос фазилатлари мавжуд: хўжайинга хос ахлоқий сифатлар (олижаноблик, адолатлик, шижоат..) унинг хизматкорига (қулга) хос фазилатлардан бошқачадир.<sup>2</sup>

Қадимги Рим империясида яшаб ижод қилган буюк сиёсатчи аллома Цицерон давлатни халқнинг умумий иши сифатида баҳолайди. У: “халқ одамларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки манфаатлар умумийлиги ва ҳуқуқ масаласида ўзаро келишувга

---

<sup>1</sup> Қаранг: Аристотель. Политика. - М.: 1971. - С. 36.

<sup>2</sup> Қаранг: Аристотель. Политика - М.: 1971. -С. 34.

эришган кўпчиликнинг йиғиндисидир”, дея таърифлайди. Шу тарзда давлат, Қадимги Юнонистонда шаклланган назарияларида кўзда тутилганидек, фақат ўзининг озод аъзоларининг умумий манфаатлари ифодасигина бўлиб қолмай, айти чоғда бу аъзоларнинг келишилган ҳуқуқий муносабатлари, маълум бир ҳуқуқий тузилма, умумий ҳуқуқ-тартибот сифатида намоён бўлади. Цицерон давлат ҳақидаги бундай тасаввурлари билан кейинчалик майдонга келган кўплаб, назарияларнинг ҳатто “ҳуқуқий давлат” ғоясигача бўлган назарияларнинг ибтидосида туради.

Аслида қулдорлик жамиятида ҳуқуқ ва адолат тушунчалари ахлоқий меъёрлар сифатида бир хил тушунчани, мазмун моҳиятни ифодалаган сўзлар сифатида фойдаланилган. Худди шунингдек, Европадаги Уйғониш даври мутафаккирлари ҳам давлатчиликнинг шаклланиши, давлат ва жамият бошқарувининг такомиллашиб бориш босқичлари хусусида ҳам ўзларининг ижтимоий-сиёсий қарашларини, фикр ва мулоҳазаларини илгари суришган. Хусусан, ўша даврдаги прагматик сиёсатни ўзининг қарашлари мақсадига айлантирган Макиавелли давлат бошқарувида адолат мезонини инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, мазлумларга шафқат ва раҳмдиллик кўрсатиш, виждон талаби ила олиб бориш эмас, балки шохнинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлида унинг фаолиятини асослаб бериш учун бир восита сифатида ҳисоблаган. У инсонни ишонч ва ҳурматга арзимайдиган махлук, инсон моҳиятига кўра разил ва мунофиқдир, шунинг учун ҳам унга нисбатан қўлланилган фирибгарлик ва зўравонлик чоралари ҳақлидир, деб ҳисоблайди. Шундай мулоҳазаларга асосланиб, Макиавелли подшоҳга қўйидагиларни тавсия этади: «Умуман шу нарсани яхши билиб олиш керакки, одамларни ёки сўз билан алдаш керак, ёки уларни қириб ўлдириш керак. Чунки улар сендан етган майда зарбалар (аламлар) учун қасос олишни ўйлайдилар, лекин оғир зарба берсанг, сени ҳеч нарса қилолмайдилар».<sup>1</sup> Демак, Макиавелли қарашларида давлатни бошқариш ғояси соф прагматик характерга

---

<sup>1</sup> Макиавелли Н. Ҳукмдор //Жаҳон адабиёти. -Тошкент.: 2002. -№ 9. -Б. 133.

эга бўлиб, ҳукмдорнинг яқиндан кўзланган амалий ишлари ва сиёсий мақсадларини рўёбга чиқариш учун бир воситадир, шунингдек, бу фикрлар давр нуқтаи назаридан ўзига хос тарзда айтилган фикрдир.

Никколо Макиавеллининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларига эътибор қаратадиган бўлсак, Макиавеллининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари “Ҳукмдор” асарида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу асарда Макиавелли республика бошқарув тизимига ўзининг ҳайрихоҳлигини билдиради. Унинг юқорида номи тилга олинган асари, аввало, ҳукмдорнинг, давлат бошлиғининг умуман тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида. Бироқ муаллиф унда ҳукмдорнинг инсоний жиҳатлари ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали давлат сиёсий бошқарув фаолиятининг қонуниятлари ва ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўз юритади. Асар негизида идеал ҳукмдор эга бўлиши лозим бўлган жиҳатлар, риоя қилиши керак бўлган таклиф ва мулоҳазалар эмас, балки давлат табиатини аниқлаш масаласи ётади.

Макиавелли давлат бошқарувидаги сиёсий муаммоларни ахлоқий нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳал этиш нореал ва ўринсиз эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ҳокимият, сиёсат, сиёсий ҳукмронликни амалга ошириш технологияси бошиданоқ ахлоқ доирасидан ташқарида бўлган ҳодисадир. Никколо Макиавелли қарашларида давлат манфаатлари марказий ўрин тутаяди. У ҳукмдор эга бўлиши лозим бўлган қатор сиёсий усуллар тўғрисидаги фикрларини ўртага ташлайди. ҳукмдор ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш нияти бўлса, у эзгуликни давлат бошқарувининг тамойили сифатида кўрмаслиги лозим. Давлатни сақлаб қолиш мақсадида ҳукмдор ўз сўзидан қайтиши гуноҳ эмас.

Макиавеллининг фикрича, давлатни идора этишда энг муҳими, қандай воситалардан фойдаланишдан қатъи назар, давлат ҳокимиятини ушлаб қолишдир. Бунинг учун давлат ҳокимияти мустаҳкам асосга эга бўлмоғи лозим. Шундай бўлсада, униинг таъбирича, давлат ҳокимияти самарали амалга оширилиши учун фуқаро ҳукмдорга тўлиғича бўйсунishi лозим. Бўйсунishiга эришишнинг икки усули мавжуд: бири - ҳукмдорга муҳаббат уйғотиш; иккинчиси - ундан кўрқиш ҳиссини авж олдириш.

Инсонлар ўз табиатларига кўра яхшиликни билмайдиган, иккиюзламачи, беқарор ва ёлғонга мойилдирлар. ҳукмдор уларни ўз иродасига бўйсундириш учун энг шафқатсиз чораларни ҳам қўллаши мумкин.

Янги даврга келиб Жан Боден ўзининг давлат ҳақидаги қарашларини илгари сура бошлади ва уннинг фикрича, давлат ячейкаси оила саналади. Ўз мақсадларига кўра оила бошлиғи – давлат ҳокимиятининг тимсоли ва инъосидир. Давлатчилик ташкилот сифатида шартнома асосида вужудга келади. Боден ўзининг “Республика тўғрисида олти китоб” асарида давлат табиати, марказий монарх ҳокимиятини мустаҳкамлаш усул ва йўллари тўғрисида атрофлича фикр юритади. Боденнинг ушбу машҳур китоби тўлиғича давлат табиати моҳиятини очишга қаратилгандир. Боден ҳокимиятни амалга ошириш усуллари бўйича барча давлатларни уч тоифага бўлади: **1.** Қонуний, **2.** Отамерос (сеньорал – ўз ҳудудида подшоҳлик ҳуқуқига эга бўлган катта ер эгаси) ва зулм-зўравонликка асосланган **3.** Мустабид давлат. Боден қонуний давлатларга таъриф берар экан, бу каби давлатларда фуқаролар суверен қонунларига, суверен эса табиий ҳуқуқ талабларига риоя этишини айтиб ўтади. Мутафаккир фикрича, отамерос давлатларда суверен қурол кучи ёрдамида инсонлар ва уларнинг мулкига эга бўлади ҳамда уларни оила бошлиғи сифатида бошқаради, мустабид давлатларда эса суверен табиий ҳуқуқларни тан олмайди, эркин фуқароларга қуллар каби муносабатда бўлади, уларнинг мулкига эса ўзининг мулки сифатида қарайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу мавзуни ўрганишда илк буржуа инқилобларининг асосий хусусиятлари ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурада акс этишига алоҳида эътибор билан, табиий ҳуқуқ назариясига умумий тавсиф билан танишиш тавсия этилади. Голландияда илк буржуа инқилоблари давридаги давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотлари, Гуго Гроцийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти, Спинозанинг сиёсий-ҳуқуқий фикрлари, уларнинг асарлари билан беосита танишиш лозимлигини англатади. “Давлат, - Гроций нуқтаи назарига кўра, — эркин инсонларнинг

умумий фойда ва ҳуқуқа риоя қилиш мақсадида тузилган мукамал иттифоқидир”. Ушбу таърифдан ҳам кўриниб турибдики, Гроций давлатнинг келиб чиқиши шартнома асосида амалга ошганлиги тўғрисидаги назариянинг тарафдори бўлган. Мулк умумий бўлган, яъни давлат вужудга келгунга қадар бўлган даврни Гроций “табiiй ҳолат” сифатида тавсифлайди. Унинг таърифлашича, давлатнинг келиб чиқиши илоҳий асосга эга эмас. Давлат инсонларнинг аччиқ тажрибаси мевасидир.

Спиноза Гуго Гроцийдан фарқли ўлароқ давлатни ташкил этиш борасидаги қатор оқилона қарашларни, ғояларни инкор этади ҳамда мавжуд тажриба гувоҳлик бераётганидек, **“барча турдаги давлатлар”** ва бошқарув воситаларининг бош мақсади - инсонларнинг мувофиқлашган турмуш тарзини таъминлаш ҳамда уларни маълум чегараларда ушлаб туриш, деб ҳисоблайди. Инсонлар ҳар доим, ҳар ерда ўзаро мулоқотда бўладилар ва муайян фуқаролик ҳолатида яшайдилар. Бундан Спиноза шундай хулосага келади: “давлатнинг келиб чиқиш сабаблари ва табiiй асосларини ақл (идрок) кўрсатмаларидан эмас, балки инсоннинг умумий табиатидан излаш лозим”. Давлатнинг мақсадлари мавзусини ёритишда Спиноза қуйидагича ўзига хос хулосаларга келади: Давлатнинг пировард мақсади — барчани кўрқувдан халос этиш, хавфсизлигини таъминлашдир. Айниқса, давлатнинг мақсади — чин маънодаги эркинликдир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Спиноза давлатнинг келиб чиқишида шартнома назариясига таянади. Шартномавий назарияга мувофиқ, олий ҳокимият ва тобелар ўртасидаги ўзаро муносабатларда табаалар ўзларига тегишли маълум ҳуқуқлардан олий ҳокимият фойдасига воз кечадилар.

Яна бир янги давр мутафаккири, инглиз файласуфи Томас Гоббс давлатнинг келиб чиқиши мавзусини шартнома назариясига асосланган ҳолда ёритади. Унинг фикрига кўра, жамият аъзолари тинчликка эришиш мақсадида бир-бирлари билан келишувга — муросаи мадорага эришадилар. Ушбу келишув натижасида улар жамият бошқарувини бир кишига ёки маълум бир гуруҳга топширадилар. Бу табiiй ҳолатдан фуқаролик ҳолатига ўтиш



ҳисобланади. Томас Гоббс давлат вазифалари қаторида полиция, муҳофаза қилиш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини ривожлантириш, тарбиявий-маърифий фаолиятни олиб бориш кабиларни санаб ўтади.

Ўша даврнинг етук мутафаккири Жон Локк (1632-1704) ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини “Давлат бошқаруви тўғрисида икки трактат” номли асарида атрофлича ёритиб берган. Жон Локк ўз қарашларида табиий ҳуқуқ, ижтимоий шартнома назарияси, халқ суверенитети, шахснинг даҳлсизлиги, ҳокимиятнинг мувозанатда бўлиши, мустабид тузумга қарши қўзғолон кўтаришнинг қонунийлиги каби ғояларнинг тарафдори бўлган. Локкнинг фикрича, давлатнинг вужудга келиши негизида халқнинг розилиги ётади. Давлатнинг ўзига хос жиҳатлари сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда намоён бўлади. Локк Гоббс қарашларидан фарқли ўлароқ, шахсга тегишли барча табиий ҳуқуқлардан воз кечиш тўғрисида сўз юритмайди. Унинг фикрича, мулкка эгалик, яшаш ҳуқуқи ҳеч бир ҳолатда бошқа бир шахсдан олиниб, иккинчи бир шахсга берилиши мумкин эмас. Давлат жамият аъзолари ҳаёти, соғлиғи, эркинликларини таъминлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя этиш учун зарур бўлган ваколатларнигина олиши мумкин. Энг муҳими – ушбу ваколатлар сиёсий ҳамжамиятга эришиш учун етарли бўлиши лозим. Локк қарашларида хусусий мулкнинг даҳлсизлиги мавзуси устувор аҳамият касб этади.

Франциядаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни ўрганишда, шу даврдаги асосий сиёсий ҳуқуқий фикрлар оқимлари билан танишиб, маърифатпарварлик оқимининг давлат ва жамият бошқаруви ҳақидаги таълимотларга алоҳида эътибор бериш кераклиги инобатга олинади. Вольтер сиёсий қарашларида давлат бошқарувига шаклдан кўра мазмунга кўпроқ аҳамият берган. Монтескье асарлари марказида эса бошқарув шакли ва тамойиллари, ҳокимиятнинг бўлиниши тўғрисидаги назариялар асосий ўринда туради. Унинг ҳуқуқий тадқиқотларининг бош мавзуси – позитив қонунлардир. Руссонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини, француз утопик социализми сиёсий-ҳуқуқий мафкурасининг асосий хусусиятларини билиш

талаб этилади. “Инсонлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар” номли асаридаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Олмон мутафаккири Иммануэль Кантнинг фикрича, давлатчилик охир оқибатда императив талабларга зарурат сезади. Чунки давлатга бўлган эҳтиёж индивид, гуруҳ, жамиятнинг умумий эҳтиёжларидан эмас, балки уларнинг ақлий-амалий хатти-ҳаракатларидан вужудга келган. Бундан шу нарса англашадики, Кант давлатнинг олдида фуқароларни моддий таъминлаш, уларнинг маданий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш меҳнат, соғлиқ, таълим масалаларида қайғуриш мажбурияти йўқ деб билади. Кант давлатнинг фақат ҳуқуққа таяниши, ўз фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқ доирасида амал қилиши ҳақида кўп марта таъкидлаган. Ушбу ҳолатдан чекиниш эса давлатга жуда қимматга тушади. Агар давлат ҳуқуқ ва эркинликларга итоат этмаса, позитив қонунларнинг муҳофазасини таъминламаса, у ўз фуқароси олдида обрў ва ишончини йўқотиб қўйиши мумкин. Инсонлар бундай давлатдан бора-бора бегоналашиб кетадилар.

Шу заминнинг яна бир буюк файласуфи Гегелнинг бутун бир ижодий фаолияти давомида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муаммолар марказий ўринда турган. Бу мавзу унинг “Германия конституцияси”, “Ҳуқуқ фалсафаси», “Тарих фалсафаси” каби асарларида ёритилган. Гегелнинг тасаввурига кўра, давлат онг, эркинлик, ҳуқуқ ғоясини илгари сурувчи тушунча ҳисобланади. «Давлат бу худонинг ердаги амридир» ва у онгга хизмат қилади, дейди Гегель. Гарчи муиуфаккир ёмон, ёвуз давлатлар мавжудлигини тан олса-да, бундай давлатларни у ҳуқуқ фалсафасининг доирасига киритмайди, аксинча, фақат онгга асосланган ҳақиқий давлатни тан олади. Гегелнинг фикрича, давлат ғояси уч маънони билдиради: мустақил давлат кўринишидаги тушунча (бу ўринда давлат тизими, давлатнинг ички ҳуқуқи назарда тутилади); давлатлар ўртасидаги муносабатларда ташқи давлат ғояси; умумжаҳон тарихи ғояси.

“Менга бир нарса мукамал равшанки, - деб ёзган эди Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Ж. Неру, - мураккаб социал

организмда бошқарув ваколатлари чегараланган бўлиши керак ва социал соҳада бундай чекланиш бошқарувда барқарорликни таъминлашнинг ягона йўли бўлиши мумкин. Кўпинча кенг маънодаги қатламнинг манфаати учун иккинчи даражали бошқа қатламнинг манфаатини чеклашга зарурат туғилади”.<sup>1</sup> Шу маънода, давлатни бошқариш, уни идора этувчиларнинг дунёқараши, ички маънавий ахлоқи ва масъулияти тўғрисидаги тасаввурларидан холи ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бошқарувчанлик, идора этиш санъати ва салоҳияти ҳар бир шахсга ўз ҳаётининг ҳақиқий яратувчиси, бунёдкори, ўзи ижодкор эканлигини англашга, ички ҳис қилишга имкон беради.

Мазкур мавзунини ўрганишда энг аввало қадимги Туронзамин давлатчилиқ тарихининг шаклланишидан далолат бериб турувчи энг муҳим манба бўлган “Авесто”ни ўрганишга катта эътибор бериш билан изоҳланади. Зеро, миллат руҳияти кучли бўлсагина давлат тараққиёти ва истиқболи порлоқ бўлади. Ана шундай миллий руҳиятимизнинг маънавий ва ахлоқий манбаси бўлиб келаётган куч, муқаддас меросимиз – “Авесто” дир. Мазкур бебаҳо маънавий меросимизни аجدодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилиқ тўғрисидаги ижтимоий қарашлар йиғиндиси, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, “Авесто”да илгари сурилган ғоялар, бугун миллий ғоямизнинг бош йўналиши - адолатпарвар, демократик давлат барпо этиш вазифалари билан ҳамоҳанг эканлигини кузатамиз. Шунингдек, “Авесто”нинг асосий мазмун моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам, келажак авлод учун ҳам беҳад идрокли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, не чоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани муҳим эътиборга лойиқдир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ж.Неру Открытие Индии. Книга первая. - М.: 1989. - С. 37.

Мазкур тарихий асарда, аввало инсоннинг ахлоқий комиллиги, маърифий етуклиги, рухий соғломлиги масалалари устувор қўйилади. Масалан, С. Отамуродов шундай таъриф беради: “Авесто”нинг Ясна китобида Ахурамазда – “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман”, дейди. Ахурамазда инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан холи бўлишга ишора қилади. Жумладан, каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор қарашлар ахлоқий тамойиллар сифатида белгиланган. “Авесто”да яхшилик, гўзаллик, адолат, эзгулик, ёруғликнинг ҳимоячиси Ахурамазда тимсолида, зулм, ноҳақлик, хунуклик, ёвузлик каби барча салбий иллатлар эса Анхра Манё тимсолида кўрсатилган”.<sup>1</sup>

Ушбу қадимги манбада жамият ва инсон муносабатларида диний-ахлоқий қадриятларнинг шаклланаётганлиги, айти пайтда, тизимий хусусият касб этаётганлигини кўрамиз. Шу тариқа “Авесто” ўша замонда давлат ва жамият бошқаруви муносабатларини тартибга солишда, ахлоққа бўлган эҳтиёж, зарурият ва тасодиф натижасида юзага келган манба бўлиб ҳисобланади, дейиш мумкин.

“Авесто”да энг муҳим масалалардан бири - ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишидир. Унда давлатни идора этиш билан бир қаторда инсон ҳаёти ва одамларнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатлари маълум қонун-қоидаларга асослангани ҳақида маълумотлар берилади. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, ер, сув, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш барча нарсадан устун ахлоқий бурч бўлиб саналган. Оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдногани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган: “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказади. О

---

<sup>1</sup> Отамуродов С. “Авесто” миллий ғоямиз манбаи // Жамият ва бошқарув. -Тошкент: 2002. - № 2. -Б. 34.

Спитама, аҳдингни бузма...” (“Яшт”, X боб).<sup>1</sup> “Авесто” да илгари сурилган ғоялардан яна бири - давлат ва уни идора этувчи ҳокимлар ҳақидаги фикрлардир. Бу борада “Яхшилик таълимини ва садоқатни амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукум юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар...” деб кўрсатилган. (“Ясна” 48).<sup>2</sup> Кўриниб турибдики, давлат ва жамиятни бошқариш, уни идора этиш, уни ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан мукаммаллаштириш, унинг асосида инсон эркинлиги ва манфаатларини таъминлаш масаласи аждодларимизнинг илк цивилизация даврларида назарга тушади. Бу эса, давлатчилик бошқарувининг назарий ва амалий асослари дастлаб Шарқда – Турон заминда юз берганидан далолат бериб турибди.

“Авесто”да баён этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё ҳудудида инсоният тарихида илк давлатчилик маданияти шаклланган, қонунлар ишлаб чиқилган, улар ҳаётга тадбиқ қилинган. Бундан ташқари, адолатли қонунлар ва яхши ҳокимлар тўғрисида илгари сурилган ғояларга таяниб айтиш мумкинки, “Авесто”да дунёвий қадриятлар билан боғлиқ бўлган ахлоқий қарашларнинг илк назарий кўринишлари ўз ифодасини топган. Айни пайтда, ижтимоий-ахлоқий муносабатларнинг негизи бўлиб хизмат қилган.

Шарқ Уйғониш даври шундай қомусий олимларни юзага чиқардики, уларнинг жаҳон маданияти ва илму фанига қўшган ҳиссаси ҳанузгача ҳайрат билан эътироф этилади. Бу даврнинг ютуқларидан бири сифатида илм масканларига бўлган катта эътибор, олимлар учун яратилган шарт-шароитлар, диний илмлар билан бирга дунёвий илмларни тадқиқ этилганини кўрсатиш мумкин.

Ўз даврининг етук алломаси ва мутафаккири Ибн Халдун ҳар доим масалага бир социолог сифатида

---

<sup>1</sup> Сагдуллаев А. Аминов Б. Мавлонов Ў. Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. -Тошкент: “Академия”, 2000. -31-бет.

<sup>2</sup> Отамуродов С. «Авесто» миллий ғоямиз манбаи // Жамият ва бошқарув. -Тошкент: 2002. - № 2. -Б. 36.

ёндашади. Шунинг учун у биринчидан давлатнинг келиб чиқиши, оддий жамият билан таққосланишини ўрганади. Унинг фикрича, мулкчилик асосида инсонлар ўртасида табақалар пайдо бўлган, бунинг юксалиши оқибатида давлат юзага келган. Ибн Халдун қарашларига кўра, давлат сиёсати фақат ҳукмдорларнигина ўз ичига олмай, балки, барча фуқароларни ҳам жалб этиши керак. Ибн Халдун бошқарувнинг уч шакли – “табиий монархия”, “сиёсий монархия” ва ҳалифаликни ажратиб кўрсатиб, улардан ҳам диний, ҳам дунёвий қадриятларни ўзида мажассам этувчи ҳалифаликни афзал кўрарди. Бугунги кунда Шарқнинг ўзига хос давлатчилик, уни идора этиш билан боғлиқ бўлган маънавий мероси ва анъаналари борлиги ҳеч бир кишига сир эмас. Хусусан, шарқона демократиянинг бир қатор устувор жиҳатлари мавжуд. Бу ғоявий-фалсафий асосда шакланган инсонпарварлик муносабатларини ўзида акс эттирган ахлоқий қадриятлар мажмуидир. Масалан: бизнинг Форобий, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби аждодлари-мизнинг сиёсий қарашлари негизида турли даврларда ўзига хос сиёсий-ахлоқий маданият шаклланган. Буюк тасаввуфчилар Иброҳим Ибн Адҳам, Абу Йазид Бистомий, Мансур ал-Халлож, Абу Бакр ибн Муса ал-Фарғоний, ас-Суламий, Абу Саид ибн Абул-хайр ал-Мехоний, Бобо Кўҳий, Бобо Тохир, ал-Қушайрий, Ансорий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румийлар ўрта асрларда Туркистон, Хуросон ва Эронда етишиб чиққанлар. Бундан ташқари, бу даврда араблардан етишиб чиққан Зуннун Мисрий, Ҳасан ал Басрий, Тустарий, Маккий, Жунайд, Муҳосибий, Сари Сақатий, ибн Ҳарроз, Қассоб, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий ва бошқа мутафаккирлар орифчилик ва тасаввуф маданиятини ривожлантирганлар, унинг мажозий фалсафаси, ба-дият, дарвешлик амалиёти, анъаналарини, қадриятларини шакллан-тирганлар. Бу мутафаккирларнинг бадий асарларида, дарвешона фаолиятларида жамиятдаги ижтимоий ҳаёт тарзини давр нуқтаи назаридан очиб беришга, таҳлил қилишга имкон қадар ҳаракат қилганлар ва бунга эришганлар. Яъниким, давлат ва жамият бошқарувини идора этиш, ахлоқийлик,

адолатлилик, эркин фикрлилик ва инсон қадрига оид қарашлар, концепциялар тасаввуф таълимотида ўзининг батафсил аҳамиятини топган ҳамда ижтимоий ҳаёт муносабатларида кенг маънода амалий жиҳатдан ёритилган. Кўриниб турибдики, шариатда мулкчилик, мерос ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ, фақиҳлар, яъни, (қоидашунослар) фикҳшунослар фаолияти, онт (қасам) ичиш тартиби, шакллари, вақфларга доир дастурлар 4 та мустақил ҳуқуқ мазҳаблари – ҳанафий, моликӣя, шофеъийя ва ҳанбалия ҳуқуқ-тартиботи негизида ишлаб чиқилган. Бу эса, давр нуқтаи назаридан демократик тамойилларининг маълум бир андозаларига ҳуқуқ ва манфаатларига эришилганидан, далолат бериб турибди. Ўрта Осиё халқлари ислом дини ва унинг ғоялари шарофати билан маънавий-ахлоқий ва илмий-маърифий тараққиётда оламшумул ютуқларга эришдилар, жаҳон маданияти ҳамда цивилизацияси-нинг равнақига муносиб ҳисса қўшдилар. Ўз навбатида ислом дини ва илоҳиятини Ўрта Осиёлик улуғ алломаларнинг ижодий фаолияти, араб-мусулмон маданияти, илм-фан ва фалсафанинг оламшумул-тарихий ютуқларини Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Исо ат-Термизий сингари буюк муҳаддислар, Бурхониддин Марғиноний сингари машҳур фикҳшунослар, Абу Наср Форобий, Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино сингари ўнлаб олим ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий меъросисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни дамда ушбу алломалар яратган беқиёс асарларида давлатчиликнинг шаклланиши, давлат ва жамият бошқаруви муносабатлари, идеал жамиятни барпо этишнинг илмий тавсифлари, инсон ахлоқи, адолатли давлат ва ҳукмдор сиймоларини яратишга қаратилган гоҳо баҳсли, айни пайтда қимматли мулоҳазаларнинг илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Мовароуннаҳрда пайдо бўлган ва яратилган улкан маданий мерос инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий маданият сифатида давлатчилик ташкил топиши ва бошқарувининг ахлоқий асосларини яратишга хизмат қилган. Шу тариқа Ўрта Осиёда IX - XIII асрларда яратилган маданият давлатчиликни идора этиш ва бошқарув ривожига янги ижтимоий сиёсий қарашлар, назариялар ва

таълимотларнинг вужудга келишига замин тайёрлайди. Айни пайтда, мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти халқнинг тарихий хотирасини тиклашда, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан ва маънан соғлом ҳамда бақувват бўлишда, олдимизда турган мақсадларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда.

Мазкур қисмда таҳлил қилинган давлат ва жамият бошқаруви тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларига доир олиб борилган илмий тадқиқотлар, қарашлар, назариялар ва турли ёндашувлардан хулоса шуки, **биринчидан**, фалсафий таълимотда хусусан, Марказий Осиёда дунёвий ва диний, маърифий асарлардаги ғояларни ўрганишга эътиборни кучайтириш, бу йўлда турли миллатларнинг, халқларнинг маданий ютуқларидан кенг фойдаланиш орқали бугунги кунга қадар ривожланиш остонасида турган ижтимоий фалсафий билимлар тизимини шакллантириш имкониятлари кенгайиб боришига хизмат қилади. Зеро, Шарқ ижтимоий-фалсафий фикрларини чуқур ўрганиш миллий давлатчилик бошқарув аналарини сақлаш масалалари, яъни, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва шунга оид муаммолар ечимини топиш имконини беради;

**иккинчидан**, давлат ва жамият бошқарувини шакллантириш ҳамда бошқарувда адолат ва ахлоқ мезонларини таъминлаш Шарқ халқларида ҳамма вақт устувор масалалардан бири бўлиб келган. Шунинг учун Шарқда бошқарув табиатига, унинг келиб чиқиш ва такомиллаштириб бориш муаммосига қизиқиш, бошқарувга хос бўлган ҳодисаларнинг жамиятдаги ижтимоий фаолиятига оид билимларнинг ривожланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришга мансуб ғояларни тарғиб этиш устувор аҳамият касб этган. Ушбу мавзуда яратилган асарларни ижтимоий-фалсафий фан дарсликлари мазмунига киритиш ва улар моҳиятини ёшлар дунёқарашига сингдиришни миллий-мафкуравий вазифалардан бири, деб ҳисоблаймиз;



**учинчидан,** Ғарбга нисбатан Шарқда инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, бадий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварликнинг юксак ахлоқий қонун қоидалари ва меъёрлари намоён этилган. Инсоннинг универсаллик қобилияти, унинг барча нарса билан қизиқиш даражаси бу давр маданиятининг муҳим дурдоналаридан бири бўлган. Бундай илмий маданият имкониятларидан кенг маънода фойдаланиш давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш омилларининг назарий негизларини эркинлик, ахлоқ ва адолат мезонлари асосида шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий, ахлоқий ҳамда фалсафий асосларини ривожлантиришга хизмат қилади;

**Тўрттинчидан,** Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари томонидан давлат ва жамиятни бошқариш андозаларига асос бўлган таълимотларни, давлатчилик шаклланишига мансуб бўлган ижтимоий-сиёсий билимларни умумий бир тизимга келтириш, ҳамда ижтимоий-фалсафий фанлар томонидан ўрганиш муҳим омил эканлиги тавсия этилади. Миллий ўзликни англаш, миллий давлатчилигимиз бошқарув анъаналари билан боғлиқ бўлган билимларнинг мукамал ўрганилиши, уларни таназзулга олиб борган бошқарув оқибатларидан муносиб сабоқ чиқариш ушбу вазифаларни амалга ошириш учун катта илмий дастурий аҳамиятга эга;

**Бешинчидан,** Мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти миллат ва халқнинг тарихий хотирасини тиклашда, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан-маънан соғлом ҳамда бақувват бўлишда, олдимизда турган мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда. Миллатнинг руҳий салоҳияти, ахлоқий маданияти кучли бўлсагина, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва у билан боғлиқ ислохотлар тараққиёти ва истиқболи порлоқ бўлади.

## 2.2. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ УСТУВОРЛИГИ

Давлатчилик тараққиёти ривожланишининг энг муҳим қоидаларидан бири, уни идора этаётган ва идора этувчиларнинг юксак ахлоқий маданияти, касбий ва муомала одобининг ахлоқий фазилатларга нақадар монандлиги билан белгиланади. Давр тараққиётининг энг зукко талабларидан бири ҳам шундаки, давлат хизматчиларининг бошқарув фаолияти кўпроқ интеллектуал салоҳиятдан кўра, юксак ахлоқий маданиятга эга бўлишликни талаб этади. Зеро, ҳар қайси давлатни идора этувчи раҳбар ва бошқарувчида адолат, виждон, ор номус, бурч, садоқат каби ахлоқий идеалларнинг мавжудлиги давлат сиёсати барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда”,<sup>1</sup> деган концептуал ғоя раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимининг шаклланишини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда Ўзбекистонда давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида ахлоқий маданиятнинг устуворлигини ижтимоий-сиёсий фанлар наздида ўрганиш ва таҳлил этиб бориш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Давлат хизмати тушунчаси ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий тузулмани ўзида қамраб олиб, шу билан бирга ахлоқий тушунчани ҳам ифодалайди. У маънавий бойлик ташувчи сифатида одамларни одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга йўналтиради. Давлат хизматининг барқарорлиги ва ишончлилиги мансабдор шахснинг нафақат касбий тайёргарлигига, балки, унинг маънавий фазилатларига ҳам боғлиқ. Давлат хизмати тизимида кадрлар сиёсатининг

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/poliitics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.

мақсадлари, маъно ва қоидалари катта маънавий одоб-ахлоқ кучини ва бу кўринишнинг характер ва йўналишини етарли даражада белгилашни ўз ичига олади. Шунинг учун, кадрлар сиёсати ва кадрлар иши таркибини ташкил этадиган одоб-ахлоқ давлат хизмати ходимларини шакллантириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Кадрлар иши етарли даражада субъектив, унда ҳамма вақт шахсий қарашлар элементи мавжуд. Бу эса нафақат ҳуқуқий, шу билан бир қаторда одоб-ахлоқ омиллари учун ҳам ҳаракат майдонидир.

Жамият барча қатлами учун бирдек дахлдор бўлган **Одоб-ахлоқ** масаласи – бу онгнинг ўзига хос шакли ва жамият (ахлоқий) муносабатлари, шунингдек, кадрлар ва давлат хизмати соҳасидаги муносабатларнинг ўзига хос шакли сифатида идрок этилади. Одоб-ахлоқнинг ўзига хос томонлари унинг вазифасининг умумийлиги; анъаналар, одатларга суяниш; жамоатчилик фикрига қулоқ тутиш; жамиятдаги муносабатларда унинг алоҳида аҳамиятини белгиловчи субъектив шахсий характери ҳисобланади. Инсон касбий фаолиятининг ҳар қандай кўриниши ходим ахлоқини ўзининг одоб-ахлоқ меъёрлари билан тартибга соладиган корпоратив касбий этикани шакллантиради. Касбий этика бошқарув тизими ва энг аввало давлат хизмати учун алоҳида аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан давлат хизмати этикаси, касбий этиканинг бир кўриниши сифатида ўзида давлат хизматида инсоний ўзаро муносабатларнинг алоҳида хилига тааллуқли бўлган маънавий одоб-ахлоқ меъёрлари тизимини ифодалайди. Давлат хизмати этикаси мансабдор шахсининг одоб-ахлоқи моҳиятини ифодалайдиган нуқтаи-назарлар, қоидалар ва меъёрларни қамраб олади, шунингдек унинг давлат, давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти билан муносабатларига доир маънавий талабларни ўзида жамлайди. Давлат хизматининг одоб-ахлоқ қоидалари деганда давлат ва жамият хизматида бўлган ходимнинг давлат билан ўзаро муносабатлари, у хизмат қилаётган фуқаролик жамияти, давлат ва унинг фуқароларининг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний қизиқишларини ҳимоя қилишда ўзаро муносабатларни таъминлашга доир бўлган талабларни ифодалайдиган одоб-ахлоқ меъёрлари моҳияти тушунилади. Бундай

муносабат давлат хизматчиларининг биргаликдаги касбий фаолиятлари жараёнида жамоада ахлоқий-психологик муҳит яратиш ва давлат хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида давлат хизматчиларининг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган умумий қадриятлар ва қоидалар тизими.

Муаммонинг моҳиятига нисбатан теранроқ эътибор қиладиган бўлсак, давлатнинг фуқаролар кўз ўнгидаги обрў эътибори кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг касб маҳорати ва одоб-ахлоқига боғлиқ эканлиги кўзга ташланади. Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар, хусусан, маъмурий ислохотлар қизғин тус олиб бораётган экан, давлат хизматчилари зиммасидаги масъулият ҳам ортиб боради. Давлат хизматчилари эга бўлиши зарур бўлган ахлоқий сифатлар орасида энг муҳимларидан бири ҳалолликдир. Ҳалоллик айни пайтда фаоллик ва интизомлиликни ҳам тақозо қилади. Ҳалоллик ирода билан боғлиқ бўлган ахлоқий тамойил. Иродасиз одам ҳам ҳалол бўла олмайди. Ҳалолликнинг ахлоқий сифатларидан яна бири шаън билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Ўз шаънини, кадр-қимматини эъзозлаган шахс ҳалол бўлади. Давлат хизмати этикасининг ўзига хос қоидаси – хизмат субординацияси. Бу – давлат ҳокимияти органларида ўзаро муносабатларнинг асосий одоб-ахлоқ ва ташкилий қоидаларидан бири. Бундай хизмат интизومي меъёрларига асосланган кичикларнинг катталарга хизмат бўйича қатъий бўйсунуш, фуқаролик хизмати мансабларининг иерархияга мувофиқ юқори раҳбарларга бўйсунуш, уларнинг буйруқ ва топшириқларини аниқ ва ўз вақтида бажариш тизими. Давлат хизматчисининг очиқлиги – давлат хизматининг асосий ахлоқий қоидаси сифатида намоён бўлади. Қўл остидагилар ва аҳоли учун очиқ бўлиш – улар билан мулоқотга доимо тайёр бўлиш, уларнинг саволлари, таклифлари, тилакларини эшитишга тайёр дегани. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳар бир одамнинг баҳоси – ўз ишини ажойиб бажаришидир”, деб таъкидлаши шахс фаоллиги, унинг ташаббускорлиги раҳбарлик фаолиятининг баҳо мезони экан-

лигини кўрсатади.<sup>1</sup>Шунингдек, унинг фикрича, табиатан бошқаришга мойил бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига бўйсунishi лозим, шохнинг ўзи ҳам “яратувчанлик онгига” эга бўлиши, одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик ва адолат ўрнатишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаган. Ёки Амир Темурнинг ўзи яшаган замонда билдирган бошқариш, раҳбарлик борасида ўзига хос фикрлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилади. Унинг “Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради”<sup>2</sup>, дея таъкидлаган. Бу эса ҳозирги замонавий раҳбар кадрлар олдида қўйилаётган талаб ҳамда вазифалар билан ҳамоҳангдир.

Ўзбекистонда демократик тамойилларни дастур қилиб олган ҳокимият институтларини шакллантириш йўлидан бораётган экан, бошқарув ишларини **биринчидан**, давлат ҳокимияти органларида бошқарув функциясини юритувчи давлат хизматчиларининг давлат ва жамият бошқарув фаолиятини инсонпарварлаштириш, сиёсатни ахлоқий меъёрлар билан уйғунлаштириш ва унга бўйсунishини таъминлаш; **иккинчидан**, фуқароларнинг сиёсий ва маънавий-ахлоқий фаоллигига таяниш орқали олиб бориш табиий ҳолдир. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини инсонпарварлаштириш фақат давлат хизматчиларининг вазифасигина эмас, бунда фуқароларнинг сиёсий ва ахлоқий фаоллиги ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, халқ ҳеч қачон ўзининг маънавий-ахлоқий қадриятларига зид бўлган фаолиятни қўллаб қувватламайди, ўзи ҳам ҳар қандай ижтимоий фаолиятни маънавий-ахлоқий жиҳатлар билан тўлдиришга, бойитишга интилади. Шарқ халқларига хос бўлган ушбу фазилат сиёсий бошқарувда ҳам ахлоқий қадриятларини

---

<sup>1</sup>Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2 т. – Тошкент, 1965. – 373 б.

<sup>2</sup>Темур тузуклари. – Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 15 б.

етакчи ўринга чиқаради. Шунинг учун ҳам давлат хизматчилари бошқарув фаолиятида намоён бўладиган сиёсий-ахлоқий фаолият фақат бошқарув ишларини амалга оширишдан иборат эмас, балки, уларни ахлоқийлаштириш орқали бутун ижтимоий муносабатларни, сиёсий бошқарув тизимини инсон манфаатларига хизмат қилдиришда намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, давлат ва жамиятни бошқарув мезонлари инсонпарварлик, инсон манфаатлари устуворлиги йўлини танлаган ҳар қандай мамлакатда бошқарув тизими юксак ахлоқий маданиятга эга бўлган демократик давлатларга мос бўлиши лозим. Айни пайтда давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг асосий мезони бўлган сиёсий маданият ва ахлоқий маданият тушунчаларининг фарқли, мувофиқлик ва баҳсли жиҳатларини ҳам илмий таҳлил қилишга жазм этдик. Кўпгина илмий назарий адабиётларда баён қилинган фикрларни умумлаштириб, сиёсий маданиятга қўйидагича таъриф бериш мумкин: у сиёсий тизим субъектлари бўлмиш сиёсий партиялар, бирлашмалар, жамоаларнинг давлат ҳокимиятини юргизишдаги иштироки чоғида, шунингдек, сиёсий муносабатларни тартибга солиш борасида қўллайдиган, таянадиган, риоя этадиган кадриятлар, сиёсий ғоялар, эътиқод ва рамзлар тизимидир. Бундан ташқари, сиёсий маданият муайян миллат ёки жамоанинг сиёсат олами, сиёсий жараёнларни амалга оширишнинг қонун қоидалари тўғрисидаги тасаввурлари мажмуи ҳамдир.

Мамлакатимизда шаклланган сиёсий маданиятнинг қўйидаги умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- алоҳида олинган шахс манфаатларининг давлат ва жамият манфаатларига ҳамоҳанглиги;

- ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи аҳамиятга молик роли эътироф этилиши;

- ҳокимиятга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш анъанасининг мавжудлиги, раҳбарларнинг бошқарув фаолиятидаги маънавий-ахлоқий қиёфасига юксак баҳо бериш;

- парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги роолига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги;

- деярли барча сиёсий партиялар вакилларига хос бўлган хислат – ўз ғоя ва тамойилларининг тўғрилигига қатъий ишонч.<sup>1</sup>

Раҳбар шахсининг ахлоқий маданияти – ахлоқий меъёрларнинг яхлит тизими бўлиб, ахлоқий фикрлаш маданияти (ахлоқий мулоҳаза юритиш қобилияти, ахлоқий билимлардан фойдалана олиш, яхшилик ва ёмонликни ажратиш, юзага келган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларига ахлоқий меъёрларни қўллай билиш ва ҳоказолар)ни камраб олади. Ўз ичига яна туйғулар маданиятини, инсоннинг — “ахлоқий резонансга” қобиллиги, ҳамдардлиги ва жонкуярлигини; ахлоқий тажрибада ҳис-туйғу ва ўйларнинг амалга оширилиш қиёфасини, уларнинг кундалик ҳаётда хатти-ҳаракат меъёрига айланиб бориш даражасини характерловчи хулқ-атвор маданияти; шаклларни регламентловчи қоидаларга қай даражада амал қилиш сифатидаги этикетни, мулоқотда шахсининг ўзини тута билишини олади. Қисқа қилиб айтганда, раҳбар шахсининг ахлоқий маданияти - умумий ахлоқий тамойилларни билиш, уларни чуқур ҳис этилган қарашларига айлантириш, хатти ҳаракатларнинг энг муносиб шаклини қўллай билишдир. Унинг ҳар бир элементини ўзлаштириш раҳбар шахсининг ахлоқий маданияти мустаҳкамлигини шакллантиришга ёрдам беради. Раҳбар шахси ахлоқий маданиятининг олий даражасини – “ахлоқий донолик”, деб, ахлоқий фаолиятининг оптималлиги ва уйғунлигини таъминлаб бера олиш, ҳар қандай вазиятда ҳам муносиб хатти-ҳаракат қила олиш деб таърифласа бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида қарори қабул қабул қилинган бўлиб унда: раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат

---

<sup>1</sup> Ф.Мусаев. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Т.: “Ўзбекистон”. 248. Б.

вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажариши-ни талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши; коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши; ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

Давлат хизматчилари хулқ-атвори билан жамоада бошқа давлат хизматчилари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган. Давлат хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан кўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда давлат хизматчиларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

Давлат хизматчилари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон [Қарори](http://www.lex.uz). [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



*Раҳбар шахсининг маънавий фазилатлари* деганда, унинг тилида айтилиб, дилида, ва барча хатти-ҳарактларида намоён бўладиган барча ижобий томонлари тушунилади. Раҳбар шахс маънавий фазилатлари унда мавжуд бўладиган истеъдод, изланиш, замонавий билимлилик, ватанпарварлик, имон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик, вафодорлик кабиларни ўз ичига олади. Раҳбар шахс маънавиятига хос фазилатлардан асосийси – Адолатдир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳбар адолати ҳақида шундай деган: “Раҳбар адолати, элу юртга етакчили қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: халқ очликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан Алишер Навоийгача яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган.”<sup>1</sup>

Шахс, давлат ва жамият тизимида ҳар бир бўғин манфаатлари бир хил даражада зарур бўлган воқеликдек туюлади, аслида эса, улар қанчалик муҳим ўрин тутмасин, бўғиннинг ўз моҳиятидан келиб чиқади ва унинг субстанционал хусусиятини белгилаб беради. шунинг учун бошқарув механизмида манфаатлар қанчалик муҳим ўрин тутмасин, улар бўғин моҳиятига субстанционал тарзда боғлиқ бўлади. Индивид, гуруҳ ёки халқ ҳокимияти бошқаруви билан боғлиқ субъектларнинг манфаатлари айнан бир хил бўла олмайди. Улар ўртасидаги фарқ нафақат бу тунчаларнинг ўзида, балки уларнинг намоён бўлишида, таъсирида, кўлами ва даражасида ҳам кўринади. Бу фарқларни камайтиришнинг сиёсий, ҳуқуқий, психологик, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий механизмларини таҳлил этиш манфаатларга оид ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий қарашларни кенгайтириш, мавжуд муаммоларни турли илмий воситалар, ёндошишлар нуқтаи назаридан ҳал этиш

---

<sup>1</sup> Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.: –Ўзбекистон||, 1999. Б. 239.

имконини беради.

Илмий-назарий адабиётларни ўрганиш, уларда келтирилган давлат ва жамият бошқаруви ҳақидаги фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яратиб бориш бошқарув тизимини ахлоқий воқелик сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришига, бошқарув ишларининг йўналишига ва ҳокимият теварагидаги курашлар моҳиятига таъсир этиб, жамиятнинг сиёсий манфаатини ифода қилади. Бироқ, бошқарув жараёнларини маънавий-ахлоқий воқелик сифатида тадқиқ жйтиш, унинг миллий давлатчилик тараққиёт йўлида намоён бўлиш хусусиятларини очиб бериш долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда. Давлатчилик тарихидан шуни кўришимиз мумкинки, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамият бошқарувини тадқиқ этиб бориш доимо бош мавзу бўлиб келган. Чуники, бошқарув билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини топиш сиёсатнинг юраги ҳисобланади. Ҳокимиятни бошқариш одамлар орасида бўйруқ бериш ва бўйсунуш, амр этиш ва тобеълик каби бир-бирига таъсир кўрсатишнинг алоҳида шакли сифатида инсон фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Инсон фаолияти эса, доимо давлат ва жамиятни бошқариш ишларига бориб тақалади. Шу маънода инсон фаолияти доимо у ёки бу даражада сиёсат билан боғлиқдир. Бу нафақат инсон фаолиятига, шунингдек, шахс, давлат ва жамият тизимидаги ижтимоий ва маънави-ахлоқий муносабатларга, улар туфацли бошқарув жараёнида пайдо бўладиган муаммолар ечимига ҳам тааллуқлидир. Раҳбарнинг бошқарув билан боғлиқ бўлган сиёсий фаолиятининг, сиёсий маданиятининг моҳияти ҳам ана шу тизимга, унда кечадиган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бориб тақалади. Бу жараёнларнинг ким (шахс, жамият, халқ, давлат) томонидан, қандай усуллар (авторитар, демократик ва бошқа) билан бошқарилишига қараб, жамиятнинг стратегик мақсадини, таоққиёт моделини аниқлаш мумкин.

Умуман олганда, сиёсий маданият ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва раҳбарларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига

талаблар қўйишда намоён бўлади. Халқимиз дунёқарашида, турмуш тарзида ҳукмдорларнинг ҳурмати жойига қўйиш, бошқарув ишларида уларнинг ёрдам кўрсатиш анъанаси қадимдан мавжуд. Масалан, қадимги туркларнинг тасаввурида давлатчиликнинг маркази давлатни ўзида мужассам этувчи шахс – ҳокон ёки ҳоконларнинг ҳукмрон сулоласи бўлган. Шунингдек, туркий халқларнинг давлат ва давлатчилик тарихида ҳукмдор ҳуқуқларига, ҳукмдор сулоласининг ижтимоий-сиёсий мавқеи ва таъсирига ҳамиша бошқача назар билан қараб келинган. Бу назар негизида ҳукмдорга ишонч, унинг адолатпарвар ва халқпарварлигини эъзозлаш, улуғлаш истаги ётган. Ҳокимиятга ҳурмат тахтни сакраллаштириш, илоҳийлаштириш билан боғлиқ. Подшоҳ Худонинг ердаги сояси (вакили), деган тасаввур Шарқ халқларида кенг тарқалган. Бу подшоҳни Худого тенглаштириш эмас, балки одамларни мсўул бир шахсга итоат этишини таъминлаш эҳтиёжининг ифодасидир. Одамзот жуда қадимдан кимнидир, ниманидаир атрофида бирлашиб, уюшиб жамоа бўлиб яшаш зарурлигини яхши билган. Шундай “марказ”сиз бошқарувни, ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш, ташқи ва ички хавфлардан ўзини ҳимоя қилиш мумкин эмаслигини англаган. Илоҳийлаштириш эса, асосан, тахт эгаси бўлмиш подшоҳга эмас, тахтга қаратилган. Масалан, Марказий Осиё халқлари тарихида илоҳийлаштирилган бирорта подшоҳ, давлат борлиғи бўлгани маълум эмас. Ҳа, подшоҳларнинг у ёки бу сифатлари (фақат мавжуд сифатлари) улуғланган, аммо у католик ёки православлардагидек авлиё даражасига кўтарилган эмас.

Халқимиз ҳукмдорга, тахт эгасига адолапарвар, халқпарва инсон, эзгулик тимсоли сифатида қараб, у ижтимоий муаммоларни еча олади, у жамиятда адолатсизликни, зўравонликни, бадахлоқликни бартараф эта олади, деган ишонч билан яшаб келган ва ана шу ишонч унда ҳокимиятга нисбатан ҳурмат эътибор уйғотган. Ҳозирги биз барпо этаётган янги Ўзбекистон давлатида олиб борилаётган инсонпарварлик ислохотларида фаол иштирок этаётган халқимизда Президентга, ҳукуматга, олиб борилаётган

мақсадли ислоҳотларга, ҳарактлар стратегиясига бўлган ишонч ҳам ана шу тарихий-маданий тажрибанинг давоми ва кўринишидир. Халқимизга хос бўлган бундай ишонч раҳбарларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига катта талаблар қўяди. Бу талабларни қисқа қилиб элга хизмат қилиш, одамларга раҳномалик, раҳбарлик қилиб, уларни улуғвор ишларга бошлашдир, дейиш мумкин.

Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетаверади, халқ қолади. Раҳбар доимо ўзига халқ меҳрини қозона олдимми, одамлар ёдига муҳрланиб қоладиган бирон хайрли иш қилдимми, одамлар бошини қовуштириб улуғвор ишларни бажаришга сафарбар эта олдимми, деган саволларни бериши ва бу ҳақда доимо ўйлаши унинг раҳбарлик маънавияти юксаклигидан далолат беради. Шу ўринда бошқарув маданияти, бошқарув маънавияти тушунчаларини изохлаб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқарув маданияти - бошқарув ва раҳбарлик соҳасидаги муайян мақсадга эришиш йулида инсоний салоҳиятни руёбга чиқаришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар мажмуи. Бошқарув маданияти ходимлар фаолияти, мақсад муддаолари ва уларнинг кадриятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарувни амалга ошириш ҳисобланади.<sup>1</sup> Бошқарув маънавияти - маънавият тамойилларининг бошқарув соҳасида намоён булиши, раҳбарга хос маънавий фазилатлар, жамият ва давлат ҳаёти, барча соҳалардаги бошқарувнинг маънавият талабларига мос бўлишини англатувчи тушунча.<sup>2</sup> Бугун мамлакатимизда давлат хизматчилари, хусусан, раҳбар кадрларнинг бошқарув фаолиятида ахлоқий маданиятнинг устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларда маънавий ва ахлоқий жиҳатдан муносабатда бўлишларини, халқ дарди билан яшашларини юксалтириш, улар фаолиятида ахлоқий маданиятнинг устуворлигини қабтий нажоратга олишдир. Бу хусусда мавжуд илмий-назарий билим ва таҳлилларни

---

<sup>1</sup> Маънавият асосий тушунчалар изохли луҒати. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. -40-41-б.

<sup>2</sup> Ўша манба

умумлаштириб, улардан келиб чиқадиган вазифаларнинг қўйидаги йўналишларини белгилаш мумкин:

- миллий бошқарув тизимини қабул қилинаётган қонунларда маънавий-ахлоқий фазилатлар уйғунлигини таъминлаш орқали юксалтириш;

- Оддий давлат хизматчисидан юқори бошқарув кадрларгача – барчанинг бошқарувга хос бўлган фаолиятида ахлоқий маданиятнинг устуворлигини таъминлаш;

- фуқаролар мурожаатини тинглаш, эшитиш ва унинг ечимини топишда адолат ҳамда инсонпарварлик тамойиллари нуқтайи назаридан ёндошиш маданиятини шакллантириш;

- давлат хизматчилари бўлган раҳбар кадрларнинг, ҳуқуқий институтлар ва бошқарув органлари сиёсий фаолиятида ахлоқий маданиятнинг устуворлигини юксалтириш;

- маънавий-маърифий ва тарғибот ишларини мунтазам олиб борилишини йўлга қўйиш;

- ахлоқий маданият миллий мафқуранинг, умумий ахлоқий-маданий ва ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми эканлигидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш;

- маънавий-маърифий тарғибот ишларида энг янги, замонавий педагогик технологиялардан, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.

Келтирилган йўналишлар у ёки бу талқинда илмий манбаларда баён қилинган, уларнинг баъзиларига қисқача изоҳлар ҳам бериб ўтилгани шубҳадан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам уларга алоҳида тухталмасдан, ахлоқий маданиятнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фалсафий моҳиятини очиб беришга эътибор қаратишни лозим, деб топдик. Ахлоқий маданият – жамият ҳаётининг деярли барча соҳалари билан махсус боғлиқ бўлган маънавий-ахлоқий воқеликдир. Унда ахлоқий ва маънавий кадриятлар уйғун бўлса-да, моҳиятан ахлоқий маданият ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг, тузумнинг фаолиятини назорат қилувчи тизимдир. Ахлоқий маданиятнинг тамойил ва меъёрлари кадриятлар ривожланишига таъсир кўрсатади. Бунга алоҳида эътибор бериш

лозим. Зеро, ахлоқий тамойил ва меъёрлар ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутди. Тўғрироғи ахлоқий маданиятнинг муҳим мезонлари ана шу тамойил ва меъёрлардан ташкил топади.

Ахлоқий маданият субъектив ҳодиса сифатида ахлоқий онг, ахлоқий билим, ахлоқий хулқ атвор, ахлоқий таълим, ахлоқий эътиқод ва ахлоқий мафкура каби таркибий қисмларига эга. Уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига оид муаммолар ечими бир қанча фалсафий таълимотларда ўрганилган. Бироқ айрим тадқиқотларда давлат ва жамият бошқарувида ахлоқий маданият намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятлари эътиборга олинмайди. Ахлоқий маданиятни мавжуд ижтимоий борлиқ билан боғлаб тадқиқ этишга, уни мавжуд ижтимоий тузумнинг вазифаларини ҳал этишга йўналтиришга эътибор берилиб, келажакни белгилашга қаратилган вазифалари назардан четда қолдирилади. Мазкур муаммоларни ўрганишнинг дастлабки вазифалари сифатида раҳбар кадрларнинг турли ахлоқий-руҳий даражадаги ҳолатини таҳлил этиш тақозо этилади. Инсон икки томонлама, зиддиятли, ҳатто олий даражада қутбий мавжудотдир. У илоҳий ва ҳайвоний, юқори ва паст, эркин ва қул, юксалиш ва тубанлашишга ҳам, пок муҳаббат ва фидойиликка ҳам, буюк ёвузлик ва чексиз атонизмга ҳам мойилдир.<sup>1</sup> Жамиятда амалга ошириладиган ҳар қандай ижтимоий ислоҳот, ҳар қандай ўзгариш инсон – жамият – давлат тизимига тааллуқли бўлади. Маънавият халқпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик хусусиятлари билан демократияни бошбошдоқлик, анархия, тиранияга айланишдан сақлайди, жамиятдаги ўзгаришларга юксак инсонийлик ғояларини сингдиради ва шу тариқа шахсни ҳам, жамиятни руҳий таназзулдан асрайди ва сақлайди.

Тарихдан маълумки, давлат хизматида олинадиганларга катта талаблар қўйилиб келинган уларнинг ўқимишли, кенг билимли ва дунёқарашли, ҳалол бўлишлари мунтазам равишда таъкидланган. Бу борада Амир Темур ўз «Тузуқлар»ида шундай ёзади: «Амр қилдимки, вазирлар тоза наслик, ақл-фаросатлик, халқ аҳволидан

---

<sup>1</sup> Атонизм –ўзига бино қўйишнинг энг буюк шакли.

хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик, сабр-чидамлик ва тинчликсевар» бўлмоғи керак. Бундайларга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин. Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, наслию зоти ёмон, ҳасадчи, кина-кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузучи, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди».<sup>1</sup> Маҳаллий бошқарув ҳақида сўз кетса, аввал шуни қайд этиш керакки, салтанатнинг одатда ҳукмрон сулола намояндалари ва шу хонадон таянчи бўлмиш ҳарбий-сиёсий кучлар ёрдамида идора этилишини кўп бора кўрдик. Темурийлар даври ҳам бундан мустасно эмасди. Табиий равишда Амир Темури салтанатни бошқаришда, энг аввало, ўз ўғиллари ва авлодларига суянди. Чунончи, у салтанатни бир қанча улусларга тақсимлаб, Мовароуннахр яхлитлигини сақлаган ҳолда бошқарди. Ҳар бир улуснинг ҳам ўзига яраша даргоҳи ва вазирлари бўлган. Аммо марказий бошқарув тизимидаги каби кенг тармоқпи бўлмай, муайян ҳудуд доирасида олий даргоҳ ва ижроия тизими олдида жавобгарлик ҳолатида фаолият кўрсатган.<sup>2</sup> Шу тарихий даврда яшаб ижод етган буюк ахлоқшунос олим давлат бошқаруви, инсон камолоти ва унинг эркинлиги билан боғлиқ ижтимоий ахлоқий масалаларни Кошифий ўзининг “Ахлоқи Муҳсиний” асарида атрофлича баён қилади. У давлатни бошқаришда, инсоннинг камолга етишишида ахлоқий меъёрлардан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди.<sup>3</sup> Албатта, ахлоқий меъёрлар инсон баркамоллигининг гаровидир. Ахлоқий меъёрлар ҳалоллик, ростгуйлик, фидойлик ва дўстга содиқлик каби фазилатлар билан ифодаланади. Истаймизми, йўқми бундай меъёрий фазилатлар ўтмишдан инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатни, одамийликни, эзгуликни сақлаб турувчи мезоний сифатлар

---

<sup>1</sup> Амир Темури тузуклари. -Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1996. -80-бет.

<sup>2</sup> Амир Темури тузуклари. -Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1996. -83-бет.

<sup>3</sup> Маҳмудов Р. Маънавият юлдузлари. -Тошкент: “Халқ мероси”, 1999. -227-бет.

замирида намоён бўлади.

Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятида қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва холислик принципларига амал қилиши шарт. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги керак. Бу «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари»да ўз аксини топган. Шу билан бирга, давлат хизматчиси хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш, ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик каби принципларга амал қилишга мажбур. Давлат хизматчилари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт. Бундан ташқари, мазкур қоидаларда давлат хизматчисининг хизматдаги хулқ-атвори, кийиниши, одамлар орасида ўзини қандай тутиши кераклиги каби ва бошқа меъёрлар қамраб олинган. Ўзбекистонда ҳуқуқий ва институционал асосларни такомиллаштириш ва давлат хизматларини тартибга солиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Соҳани тубдан тартибга солиш мақсадида «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланган. Лекин айрим ҳолларда давлат хизматчиларининг ўз фаолиятида амал қилиши лозим бўлган одоб-ахлоқ қоидаларини билмаслиги, уларнинг аниқ баён этилмаслиги ва бундай турдаги қоидаларнинг амал қилиниши устидан лозим даражадаги назоратнинг йўқлиги давлат хизмати соҳасида суиистеъмоллик ва коррупция ҳолатлари келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

***Раҳбар шахсининг ахлоқий маданияти*** - индивид томонидан ахлоқий онг орқали жамият маданиятини идрок этиш даражаси; ахлоқ талаблари инсон хатти-ҳаракатлари жамиятнинг шакллантирувчи таъсири остида қай даражада чуқур ва уйғун эканлиги



кўрсаткичидир. Турли омиллар таъсири остида: раҳбар шахсининг ахлоқий маданияти ҳаётий тажриба ва тарбия; билим ва санъат шахс жамиятнинг ахлоқий маданияти ютуқларини турли даражада ўз онги ва хатти-ҳаракатларида жамлайди. мураккаб дастур бўлиб, ўз ичига инсониятнинг шундай тажрибасини оладики, унга кўра инсон анъанавий вазиятларда ахлоқан иш юритади, ҳамда онгнинг ижодий элементларини – ахлоқий ақл, интуицияни ҳам ўз ичига олади ва улар ёрдамида муаммоли вазиятларда ахлоқий қарорлар қабул қила олади. раҳбар шахсининг ахлоқий маданиятини шакллантиришдан мақсад-анъанавий ва ижодий элементларнинг оптимал уйғунлигига эришиш, шахснинг аниқ бир тажрибасини жамоатчилик ахлоқининг барча бойликлари билан бирлаштиришдир. Давлат миқёсида умумий манфаат ва мақсадларни ифода этувчи дастурни таклиф эта олган шахслар, шу асосда халқ сайлайдиган даражадаги сиёсий раҳбарлик мавқеига эришади. Уларнинг бошқарув фаолиятида умумий барқарорлик ва умумий тараққиёт бош қадрият сифатида намоён бўлиб, давлат аппарати (маъмурий бошқарув) ўз ишини шунга мувофиқ ташкил этади. Давлат аппаратида амалга ошириладиган маъмурий бошқарув, мазмунан қабул қилинган умумхалқ мақсадлари ва манфаатларини рўёбга чиқариш учун ташкилий чоратадбирларни амалга ошириш фаолияти ҳисобланади. Демак, давлат уму-мий бошқаруви мувофиқлаштирувчи, давлат сиёсати йўналтирувчи соҳа, давлат маъмурий бошқаруви эса сиёсатга боғлиқ бўлган ташкилий фаолиятдир. Давлат миқёсидаги умумий манфаат ва мақсадлар давлат сиёсий раҳбарининг асосий дастурий манбаси бўлса, хусусий манфаат ва мақсадлар турли сиёсий партияларнинг дастурий манбасини ташкил қилади. Давлат умумий манфаатларининг рўёбга чиқишида тегишли қонуний асосларни шакллантириш парламент орқали амалга оширилса, тегишли давлат сиёсати ва қонунларининг амалда тат-биқ этилиши ижро ҳокимияти (ҳукумат) фао-лияти орқали таъминланади. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг бугунги давлатчилигида Президент умумий сиёсатни шакллантиради, парламент унинг рўёбга чиқишида қонуний асосни яратади, ижро ҳокимияти эса давлат сиёсатини

қонуний асосда амалга оширади.

Давлат сиёсатини амалга оширишда иш бошқарувига масъул ижро ҳокимияти, ўз навбатида, қўйидаги хусусиятлар билан ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Биринчидан, ижро ҳокимияти давлат олий ҳокимияти томонидан қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг ижроси билан шуғулланади. Иккинчидан, сиёсат учун умумий мақсадларни аниқлаб олиш ва ишни қайси йўналишда ташкил этишга оид давлат дастурларини, чо-ра-тадбирларни – стратегияни ишлаб чиқиш хос бўлса, буларни сўзсиз ва тезкор амалга ошириш масъулияти ижро ҳокимияти зимма-сига тушади. Учунчидан, ижро ҳокимиятига умумий мақсадларни муҳокама қилиш эмас, балки белгилаб олинган бу мақсадларни чуқур англаган ҳолда халқ танлаган давлат раҳбари ва вакилларининг иродасига муво-фиққабул қилинган расмий-ҳуқуқий ҳужжат-ларни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Тўртинчидан, ижро ҳокимиятининг ўзи ҳам аниқ иерархия асосида турли бўғинлардан ташкил топган бўлиб, унда юқори бўғин (Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва марказий идоралар), ўрта бўғин ( минтақавий – вилоят-лар кесимидаги ҳокимликлар ва бошқарма-лар) ҳамда қуйи бўғинлар (маҳаллий ҳоким-ликлар ва бўлимлар) фаолият олиб боради. Масалан, юқори бўғинда стратегияга мувофиқ давлат миқёсида умумий чо-ра-тад-бирлар, дастурларини ишлаб чиқиш, режалаштириш ҳамда ҳар бир ҳудуд ва соҳалар бўйича тегишли вазифаларни белгилаб бериш функцияси амалга оширилса, ўрта бўғин ушбу ҳужжатларда ифодаланган вазифаларни ўз ҳудуди ва йўналиши бўйича бажаришда мавжуд имкониятларни топиш, сафарбар этиш, уюштириш ва ижро этишни ташкил қилишга ва бу ҳақда юқори бўғинга маълумот беришга масъул ҳисобланади. Қуйи бўғин фаолияти эса ўзига юклатилган вазифаларни жамиятнинг турли тоифалари билан ҳамкор-ликда, уларни фаол муносабатга чорлаган ҳолда амалга оширишга қаратилгандир. Умуман , давлат бошқарув институтларининг ушбу функционал ўзига хосликлари унда намоён бўладиган бошқарув маданиятини тушунишда муҳим роль ўйнайди.

Давлат хизматчиларининг ўзига хос мажбуриятлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қаторига мамлакатнинг миллий ўрф-одатлари, анъана ва қадриятларига ҳурмат билан қараши, Республика ҳудудида яшаётган барча миллатлар, ижтимоий гуруҳлар аъзолари хусусиятлари ва талабларини ҳисобга олиш ҳам киритилган. Ишга кириш вақтида хизматчи ушбу қоидалар билан танишиб уларни бажариш мажбуриятини олади ва ушбу қоидаларни бузиш учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ҳар бир муассасада беш кишидан иборат комиссия ташкил қилиниши кўзда тутилган. Давлат хизматчилари хусусий манфаат ва хизмат манфаатлари қарама-қаршилигига дуч келса бу ҳақда ўз бошлиғига хабар бериши шарт.

**Ахлоқий маданият** – шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. У шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зеро, ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. Ахлоқий маданият шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Инсоннинг хатти – ҳаракати, хулқ – атвори ва юриш – туриши ва уларни доимо назорат қила билиш даражаси, кишилар ўртасидаги муомала муносабатидир. Ахлоқий маданият шунингдек, инсоннинг ўз хатти – ҳаракатларини меъёрини англашдир. Жамият ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшувчи барча касб эгаларини шартли равишда давлат ҳизматидаги ходим деб юритдик. Давлат ҳизматидаги ходимларнинг иши – масъулиятни талаб қилади. Уни шараф билан адо этмоқ учун, киши ўзи фаолият юргизаётган соҳани билишигина эмас, балки яна бир қатор сифат ва фазилатларга эга бўлмоғи керак. Улар ичида аввало, тил ва нутқ имкониятларини ишга сола билишни ажратиб кўрсатиш даркор. Нутқий мулоқотга киришган кишининг мақсадлари доирасини умумлашган ҳолда қуйидагилар билан белгилиш мумкин: ўзга(лар)га, муайян жамоага ўз ғоя ва фикрларини етказиш орқали ҳамфикрлар доирасини кенгайтириш; маънавий (руҳий) ҳаётини узайтириш орқали ҳаётда из қолдириш; шартномага асосан ўз ҳизмат

доирасида муайян (сиёсий, иқтисодий, молиявий) масалани ҳал этиш; эътибор қозониш; жамиятда тутган мавқеини сақлаб қолиш ва х.к. Хизмат кўрсатиш ходимларнинг касб этикаси ва эстетик маданияти\_ умуминсоний ахлоқ қонунлари, принциплари ва нормаларини, эстетик қадриятларини аҳолига хизмат кўрсатиш, муомала қилиш ҳамда уларга ахлоқий тарбия бериш, эстетик маданиятини шакллантириш усуллари, йўлларини ўрганадиган ва ўргатадиган назарий-фалсафий фандир. Хизмат кўрсатиш ходимларнинг эстетик диди, деганда уларнинг гузалликни хунукликдан, дидлиликни-дидсизликдан, муносибликни-номуносибликдан фарқ қилиш қобилиятлари тушунилади. Шунга кўра кимда-ким гузалликдан завқланса, унинг эстетик диди яхши бўлади ва аксинча гузалликка бепарво бўлса унинг эстетик диди ёмон бўлади.

Инсоният тараққиётининг сиёсий-фалсафий таҳлили шуни кўрсатадики, айнан давлат ҳокимиятида, яъни сиёсий соҳа ва унга мувофиқ ташкил этилган бошқарув амалиётида маданият омилининг намоён бўлиши орқалигина жамиятни барқарор ривожлантириш, халқнинг турмуш тарзини ошириш мумкин бўлади. Жумладан, россиялик олима Н.Лизина фикрича, паст даражадаги бошқарув маданияти ижтимоий-сиёсий таназзулга олиб келади.<sup>1</sup> Канадалик олим О.Двиведи эса ушбу бошқарув маданияти деонтологик, телеологик ва спиритуалистик асосда бошқарувга самарали киришишни таъминловчи омил деб қарайди.<sup>2</sup> Бошқа бир қатор манбалар ҳам тасдиқлайдики, давлат ҳокимиятининг барча тармоқларида самарали фаолият олиб бориш ва олдига қўйилган мақсадларга етишиш учун бошқарув маданиятини юксалтириш тақозо этилади. Дарҳақиқат, бошқарув маданияти – бу ҳар бир ижтимоий муносабатлар тизимида намоён бўладиган амалиёт характерини англатувчи тушунча бўлиб, у оила, маҳалла, турли

---

<sup>1</sup>Лизина Н.В. Управленческая культура как качественный показатель управленческой деятельности / «Ползуновский вестник», 2006, №1. – Б. 231-234.

<sup>2</sup> Dwivedi, O. P. 1999. Administrative Culture and Values: Approaches. From Bureaucracy to Public Management: The Administrative Culture of the Government of Canada. Peterborough, Canada: Broadview Press. Chapter 1. – P. 19 - 30.

ижтимоий институтлар, жамоат ташкилотлари, бизнес тузилмалари, сиёсий партиялар ва албатта, давлат ҳокимиятида ўзига хос хусусиятга эга. Давлат ҳокимиятининг ўзида ҳам демократик принципларга биноан қонунчилик ҳокимиятида, ижро ҳокимиятида ва суд ҳокимиятида намоён бўлувчи бошқарув маданияти бир-бирдан фарққилади.

Шу маънода, бошқарув маданияти барча ижтимоий муносабатлар ва энг муҳими, институционал бирлашмалар фаолиятида ўзига хос намоён бўлувчи универсал сиёсий-фалсафий тушунча ҳисобланади. Унинг ҳар бир ижтимоий институтда ўзига хос намоён бўлиши билан бир қаторда, тараққийпарвар назариётчи ва амалиётчилар томонидан идел сифатида илгари суриладиган муайян умумий хусусиятлари ҳам яшаб келмоқда. Ушбу идеал, айниқса бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётгани сир эмас. Бошқарув маданиятининг бундай жиҳати мазмунан раҳбарликнинг демократик услуби,<sup>1</sup> жумладан, барча соҳалардаги очиклик ва ахборотлашганлик (давлат сирига тааллуқли масалалар мустасно), бошқарув техникаси ва технологияси воситаларидан самарали фой-даланиш, меҳнат жамоасида ишдан қониқиш ҳиссига таянган соғлом маънавий-руҳий муҳит билан характерланади. Ижро ҳокимиятидаги бошқарув маданиятининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишда, шунингдек, «маданият» тушунчасига оид бўлган қуйидаги хусусиятларни ҳисобга ол-маслик методологик нуқтаи назардан ноқис бўлади. Маданият – бу инсон (жамият) ҳаётидаги мақсадлар (кадрият, ғоя кабилар),<sup>2</sup> қўйилган мақсад сари қўлланадиган воситалар (урф-одат, қоидалар ва бошқалар)<sup>3</sup> ҳамда фаолият жараёни ва оқибатида қўлга

---

<sup>1</sup> Инсон тараққиёти ҳақида Маъруза Офиси. / Қаранг: HUMAN DEVELOPMENT REPORT 2002. Deepening democracy in a fragmented world. Published for the United Nations Development Programme (UNDP). – New York, Oxford. Oxford University Press. 2002. – p. 51.

<sup>2</sup> Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – Москва, Издательство политической литературы, 1989; Цицерон М.Т. Диалоги. (Перевод с латинского и комментарии В. О. Горенштейна.) – М., Научно-издательский центр «Ладомир» - «Наука», 1994.

<sup>3</sup> Горький М. Собрание сочинений в 30 томах. Том 2. – М.: Художественная литература, 1949. – Б. 535.

киритилган натижаларнинг маънавийлик мезонига мослигини англатувчи тушунчадир.<sup>1</sup>

Шундай экан, ижро ҳокимияти тизимидаги бошқарув маданияти:

- умумий мақсад, яъни қадрият ва ғояларнинг нечоғлик англашганлигига;

- қўлланадиган воситалар, чора-тадбирларнинг маънавийлигига;

- қўлга киритилган натижаларнинг маънавийлигига боғлиқдир. Ушбу мезонлар ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг асосий кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади, деб айтиш мумкин.

Аммо, унинг рўёбга чиқиши, яъни ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятини мунтазам ошириб бориш, биринчидан, ижро ҳокимияти кадрларининг сиёсий савиясини баҳоловчи доимий комиссияни; иккинчидан, қўлланилаётган воситаларнинг маънавийлигини кузатиб боровчи жамоатчилик назоратини; учинчидан, натижаларнинг характерини ўрганувчи махсус экспертлар кенгаши ташкил қилишни тақозо этади. Энг муҳими, бундай ташкилий фаолиятнинг объективлигини таъминловчи механизмларни ишлаб чиқишга эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, **биринчидан**, бир томондан, глобаллашув шиддатлари, иккинчи томондан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган тараққиётнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятига кенг имкониятлар берилиб, фуқароларнинг сиёсий маданияти ошаётган бир пайтда, улар билан муносабатга киришувчи давлат ҳокимияти субъектларининг фаолиятини ҳам такомиллашти-

---

<sup>1</sup> Allaire, Y., and M. E. Firsirotu (1984) 'Theories of organizational culture' Organization Studies 5 (3): 213.; Singer, Milton. 1968. "The concept of Culture". In International Encyclopedia of the Social Sciences. New York: Macmillan Press; Маврулов А.А. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти: умумий ҳолати, муаммолар, тараққиёт йўналишлари (70-йилларнинг ўрталари – 1990 йил). Т.ф.д. ... диссертация. – Т., 1993. – Б. 46; ; Очилдиев А. Маданият фалсафаси. – Т.: «Муҳаррир нашриёти», 2010. – Б. 11.

риш, уларда маданиятлиликни ошириш бугунги куннинг долзарб масаласига айланди. Ҳатто, истиқболдаги ислохотларнинг тақдири айнан давлат ҳокимияти органларининг бошқарув маданиятига боғлиқ бўлиб қолмоқдаки, бу сифатни юксалтириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Иккинчидан,** давлат ва жамиятни бошқариш жараёнида давлат хизматчисининг ахлоқий маданиятга оид фаолияти маънавий ва ахлоқий билимлар, кадриятлар ва меъёрлар қамровида шакллантирилади. Бундай ҳолат мавжуд имтиёзларга эгалик қилиш, шахсий шуҳрат ва бойлик орттиришга мойил бўлган кишиларнинг табиий равишда жамият бошқарувига кириб келиш олдини олади. Боз устига ҳокимият эркинлик, манфаат учоғи манбаи сифатида раҳбарнинг қўл остидаги одамларга нисбатан ғаразли ниятларни амалга ошириш орқали давлат хизматчиларининг ғайриахлоқий иллатлари ортиб боришига олиб келади.

**Учинчидан,** раҳбар фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг ахлоқий хусусиятлари ва фазилатларига боғлиқ бўмб, кўпроқ унинг амалий фаолиятида намоён бўлади. Бир томондан ҳалоллик, ишчанлик, меҳнатсеварлик, маъсулият каби ахлоқий сифатлар шундай муваффақиятни таъминласа, иккинчи томондан виждонлилик, мардлик, адолатлилик каби ижобий сифатлар унинг атрофида жамоа аъзоларининг жипслашишини ва шу орқали белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди.

**Тўрттинчидан,** давлат ва жамият бошқарувини ислоҳ этиш, демократлаштириш ва бошқарув тизимларини модернизациялаш жараёнини бўлажак давлат хизматчиларининг иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас, айнан бўлажак давлат хизматчилари туфайли давлат бошқарув тизимида авлодлар ворисийлиги таъминланиши шубҳасиз. Жамият сиёсий ҳаётида бўлажак раҳбар кадрлар, яъни ёш давлат хизматчиларининг фаоллиги кўп томондан уларнинг сиёсий фаоллиги даражаси, сиёсий билимни амалий мустаҳкамлаш ва ошириш хоҳиши билан боғлиқ. Бугунги ёшлар эртанги кунда давлат ва жамият бошқарувининг фаол иштирокчиларига айланишини унутмаган ҳолда соҳага доир муаммолар ечимини яратиш давлат

бошқаруви истиқболи учун катта аҳамият касб этади.

**Бешинчидан**, бошқарувда раҳбар ахлоқий маданиятининг бошқарув соҳаси билан боғлиқ бўлган аҳамияти бир томондан бу борадаги мавжуд назарий билимларни ўзлаштириш ва такомиллаштиришни талаб этса, бошқа бир томондан, ушбу ўзлаштирилган билимларни катта авлод томонидан ёш авлодга тўғри ва тўлиқ етказа олишида намоён бўлади. Негаки, кенг қамровли ислохотлар жараёни жадал амалга оширилаётган пайтда, айниқса “ўтиш даври” жамиятда кечаётган вақтда бошқарув маданияти тушунчасини нафақат бошқарув тизими мутахассисларига балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгига етказиш зарур ҳисобланади.

### **2.3. БОШҚАРУВ МАЪНАВИЯТИ ВА РАҲБАР МАЪНАВИЙ КИЎФАСИ ДИАЛЕКТИК АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ АХЛОҚИЙ УСУСИЯТЛАРИ**

Мамлакатимиз ўз тараққиёти йўлида янги уфқлар ва мақсадлар сари интилаётган, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар янги босқичга кўтарилаётган бир пайтда, энг аввало, раҳбарларнинг вазифасини ҳалол, адолатли ва малакали бажаришга, қолаверса, фидойилигига кўп нарса боғлиқ. Бугун янги давр, янги Ўзбекистон давлатини янги марралар сари олиб чиқиш учун юксак билим ва тафаккур, маънавият ва ахлоқ соҳиби бўлган давлат хизматчиларининг янги авлоди етишиб чиқмоқда. Уларнинг қалбида, онгу шуурида Ватанга садоқат, адолат мезони, виждон амри ва бурчга содиқлик тўйғулари жўш уриб келмоқда. Буюк юнон олими Аристотельнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган фикрлари айнан шунга монанд ҳақиқатдир.<sup>1</sup>

Қолаверса, қомусий олим Абу Наср Форобий: “... инсон бахт – саодатга эришуви учун уларни бахтли-саодатли қила оладиган жамоа раҳбари бўлиши керак.” дейди.<sup>2</sup> Албатта, мазкур фикрлар

<sup>1</sup> Шавкаи Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва муррабийлар кунига бағиланган тантанали маросимда “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” мавзусида сўзлаган нутқи. 2020 йил. 30 сентябрь.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.



асносида кўришимиз мумкинки, жамоа (*халқни Ж.Ш.*)ни бахтли яшаши раҳбар шахс оқил ва доно, юксак маънавият соҳиби бўлиши лозимлиги аллома томонидан таъкидланиб ўтилмоқда. Муҳтарам биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг таъбири билан айтадиган бўлсак, ...одамларни рози қилиш, аҳолининг ташвишларидан узоқ бўлмаслик, унинг дарди билан яшаш ҳар қайси раҳбардан ўз ишига танқидий қараб, мен шу талабларга жавоб беряпманми ёки йўқми, деган саволни ўзига беришни, ўз масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишни тақозо этади.<sup>1</sup> Шу сабабли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан бошқарув маданияти ва раҳбар шахс маънавиятига доир ўз концептуал қарашларини тадрижий равишда, изчил баён қилиниб: - Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарнинг – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак,<sup>2</sup> – деб бежиз таъкидланмаган. Шу боис бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси диалектик алоқадорлигининг ахлоқий хусусиятлари хусусида фикр юритганда, энг аввало, бошқарув маънавияти нима? Унинг намоён бўлиш хусусиятлари нималарга боғлиқ? Ва уни шакллантирувчи омиллар нималарда намоён бўлади? Каби саволларга таҳлилий жавоб бериш орқали унинг моҳиятини аниқлаб олиш мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан бошқарув маънавияти амалиётда маънавий ва ахлоқий қадриятларни ўзида акс эттириши орқали намоён бўлса, бу намоённинг субъекти бўлган раҳбар бевосита ва билвосита ўзининг фаолияти орқали амалга оширади. Аслини олиб қараганда, бошқарув маънавиятини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. 227-228 бет.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг — Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоийиқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари||га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

шакллантириш ва амалиётда намоён бўлишини таъминлаш раҳбарнинг ички маънавияти, ахлоқи ва ички дард ҳиссиётлари орқали юзага келади. Зеро, бошқарув жараёнида бошқарув маънавиятини шакллантириш ишларини амалиётда таъминлаш кўп жиҳатдан раҳбарнинг ички “мен”и билан боғлиқ бўлади. Раҳбарнинг ички “мен”и ташқи ахлоқи ва ҳулқи билан уйғун бўла олмаса, бундай бошқарув кўринишининг оқибати таназзул бўлиб, бошқарувда маънавиятнинг ўрнини иаънавиятсиздик, ахлоқийлик ўрнини ахлоқсизлик, таъмагирлик, ёлғончилик ва энг ёмони бюрократизм иллатлари кенг маънода илдиз отади. *Раҳбар шахс маънавияти бу* – раҳбарда шаклланган (ички) руҳий қувватдир. Биринчи Президентимиз айтганидек: кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин.<sup>1</sup> Демак, раҳбар шахс маънавиятида, аввало,, масъулият ҳисси юксак бўлиши лозим. Бу ҳисни нималар ташкил қилади? Уни - инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий кадрият,<sup>2</sup> деб билиш ташкил қилади. Шу маънода раҳбар шахс маънавияти ғоясининг биринчи элементи инсонни кадрлашдир. Бу улкан масъулият ҳиссини пайдо қилади. Бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси хусусида қомусий олим Абу Наср Форобий фикр юритиб: у фозил шахрини бошқарадиган ҳоким табиатан: **1)** соғ-саломат бўлиб, ўз вазифасини бажаришда ҳеч қандай қийинчилик сезмаслиги; **2)** табиати нозик, фаросатли; **3)** хотираси мустаҳкам; **4)** зехни ўткир; **5)** ўз фикрини тушунтира оладиган нотик; **6)** билим-маърифатга ҳавасли; **7)** таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладига бўлиши (қимор ёки бошқа ўйинлардан) завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши; **8)** ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган; **9)** ўз кадрини билувчи ва ориятли бўлиши; **10)** мол дунё кетидан қувмайдиган; **11)** адолатпарвар; **12)**

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: –Ўзбекистон||, 1992. -Б. 21.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: –Ўзбекистон||, 2012. 13-модда.

қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши муҳимлигини қайд этади.<sup>1</sup> Форобий бу фазилатларни ҳар бир етук инсонда кўришни истайди. Бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси диалектик алоқадолигининг ахлоқий хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ этишда муаммога нисбатан позитив ёндашув талаб этилади. Мазкур муаммоларнинг асосий сабаби - кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш жараёни билан бевосита боғлиқ. Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди.<sup>2</sup>

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, кадрлар масъулияти билан боғлиқ бўлган иккита ҳолатга алоҳида эътибор берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, раҳбарлар фаолиятига баҳо беришнинг ахлоқий мезонлари ишлаб чиқилиши зарурий аҳамият касб этади. Улар бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Мисол учун “раҳбар этикаси” қонунига мувофиқ раҳбарлик масъулияти ва вазифасини суиистеъмол қилган раҳбарларни иккинчи марта раҳбарлик лавозимларига (балки унинг даражасини кўрсатиш ҳам керакдир) қўйилмаслиги ва ушбу мезонлар раҳбарлик фаолиятининг ахлоқини белгилаши лозим. Ўрта асрлар мусулмон Шарқида яшаб ижод этган сиёсатшунос олим Низомулмулк кишиларни ишга тайинлаётганда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикр юритиб, амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириб, уларнинг ижросини ўз вақтида талаб қилиш лозимлигини қайд этади.<sup>3</sup>

Раҳбар кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий таснифлари бўйича профессор М.Бекмуродовнинг таклифлари эътиборга молик.

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъиятбилан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. **ТОШКЕНТ - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2017. 55. Б.**

<sup>3</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. – Т.: «Адолат» нашриёти, 1997. – 8-11бетлар.

Жумладан, олим бошқарувда раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлаш жараёнида бўлажак раҳбарнинг воқеликка нисбатан тизимли ёндашиш, муаммоларни умумлаштира олиш, имкониятларга реал баҳо бера олиш қобилиятига эътибор қаратиш муҳим, дейди.<sup>1</sup> Раҳбар кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий сифатларини аниқлаш борасида изланишлар олиб борган профессор М.Қуръоновнинг тавсиялари мавзумизнинг моҳиятини тўлдирди. Жумладан, давлат томонидан кадрлар олдида қўйилаётган талаблар таҳлили раҳбар кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш, танлаш, жой-жойига қўйиш нуқтаи назаридан қўйидаги хулосаларни беради:

- жаҳон бошқарув педагогикаси ва психологияси, меҳнат социологияси утуқларини кадрлар сиёсатида қўллаш тажрибасини умумлаштириш;

- раҳбар кадрлар шахсий фазилатларининг замонавий ҳамда истиқболли идеалларини яратиш ва синаб кўриш;

- муайян мансаб, лавозимпрофессиограммалари (масалан, хўжалик раҳбари, ғавод директори, туман ҳокими ва ҳ.к.) талабларини аниқлаш;

- юқоридаги (талаблари аниқланмаган) вазифа, лавозимларга номзодларнинг мослигини аниқловчи объектив мезонларни белгилаш;

- очиқ ва ёпиқ танловлар технологиясини ишлаб чиқиш каби илмий—амалий вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади.<sup>2</sup>

Олим бу йўналишдаги камчиликларнинг сақланиб қолишига сабаб кадрлар сиёсатида технологик ёндашувларнинг йўқлиги, деб тўғри хулосаларга келади. Кадрлар салоҳияти ва фаолияти технологияларини белиловчи ва профессиограммалар, бир томондан, кадрлар сиёсатида объективлик тамойилини таъминлашнинг ишончли қуроли бўлса, иккинчи томондан раҳбар кадрлар тайёрлаш

---

<sup>1</sup> М.Бекмуродов. Миллий менталитет ва бошқарув. // Жамият ва бошқарув. 1998. № 4. Б. 15.

<sup>2</sup> М.Қуръонов. Раҳбарлик лавозимлари профессиограммалари ҳақида. Раҳбар ва ходим. “Академия”, 1998. Б. 49-150.

технологик тизимида меъёрлаштирувчи, назорат қилувчи восита бўлиб хизмат қилади.<sup>1</sup>

Кўриб чиққанимиздек, кадрлар билан ишлаш амалиёти ва хизмат доирасидаги муносабатлар улар ўз профессионал фаолиятида амал қилиши лозим бўлган асосий ахлоқий қоидалар тартибини ишлаб чиқишни талаб этади. Ахлоқий қоидалар тартиби бир вақтнинг ўзида замонавий раҳбарнинг умуминсоний ва хусусий-касбий сифатларини ифода этувчи ахлоқий мезонларни белгилайди. Бу мезонлар қўйидагилардан иборат:

**Биринчидан,** давлат хизмати раҳбардан ўзаро одиллик ва ростгўйликни талаб қилади. Бу ўз ўрнида раҳбарга тавсия этилган давлат хизматидаги лавозим ижросини таъминлашнинг ахлоқий ҳуқуқини беради. Ёлғон, виждонсизлик каби иллатлар бу нафақат раҳбарнинг заифлиги, балки, давлат ташкилотига нисбатан келтирилган зиёнدير.

**Иккинчидан,** раҳбар ходимларга нисбатан самимий эътибор ва эзгу муносабатда бўлиши лозим. Зеро, улар ҳар куни одамларнинг турли шикоятлари, муаммолари ва таклифларига дуч келади. Жамоада бағрикенглик, ўзаро ишонч ва инсоний ҳурмат орқали ҳаракатлар ҳамда фаолиятларни ижобий натижалар сари юксалтириш мумкин. Биринчи навбатда раҳбар шу илиқ ва самимий муҳитни яратишга амал қилиши керак.

**Учинчидан,** раҳбарнинг камтарлик ва самимийлик каби фазилатлари кибр, ўзини йўқотиш каби икки хил муносабатлардан ҳоли қилади. Камтар инсонда ҳеч қачон ўзининг “Мен”ини кўрсатиш зарурати туғилмайди ёки алоҳида ҳуқуқ ва қилган ишлари учун имтиёзларга эга бўлиш илинжида бўлмайди. У бағрикенглик қилади, зарурий босиқлик ва вазминлик ҳолатини сақлай қолади. Ўз фаолиятига нисбатан танқидий қарайди. Раҳбар учун ўзини юқори тутиши, ортиқча ишонч, қўпол ва жизғанақ бўлиши ярамайдиган ҳолатдир.

**Тўрттинчидан,** раҳбар мулоқотда илтифотли ва эътиборли

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

бўлиши керак. Унинг мулоқоти, сўзи ва маърузалари жамоада ҳар қандай ихтилофларнинг олдини олишга хизмат қилиши лозим. Баҳс мунозараларда босиқлик ва барқарорлик билан ўзини тутиб, суҳбатдошини тушунишга ҳаракат қилиши муҳим. Агар унда тинглаш қобилияти бўлмаса ёки сўзини эшита олмаса, тезда жаҳл қиладиган, кўпол ва ўринсиз жавоб қайтарадиган агрессив бўлса, бундай инсонларни профессионал раҳбарлар, деб ҳисоблаб бўлмайди. Саволлар қанчалик танқидий бўлса, унга шунчалик илтифот билан жавоб қайтариши лозим.

Раҳбарнинг бошқарув фаолиятидаги маънавий-ахлоқий қиёфаси таснифларини белгилайдиган яна касбий хусусият қоидалари мавжуд. Улар хизмат субординацияси, очиклик ва тенглик услубларида ўз аксини топади.

**Хизмаат субординацияси** – давлат хизмати муносабатидаги муҳим ташкилий ва ахлоқий тартиблардан бири. Субординация лотинчадан “тартибга солиш” тушунчасини беради. Бу хизмат интизомига асосланган кичикнинг каттага бўйсунуш тизимидир. Яъни, бу тартиб хизмат лавозими даражасига қараб, қўйи лавозимдашиларнинг юқоридан берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида сўзсиз таъминлаб бериш демакдир.

**Очиклик** - раҳбарнинг одамларга нисбатан очик, самимий бўлиши доимий мулоқотга, уларнинг муаммоларига, таклиф ва истақларини бажо этишига тайёрлиги демакдир. Раҳбар вақтининг тиғизлигига қарамасдан, ўз ходимлари ва муржаат қилганлар билан ўчрашишни ташкил этиши зарур. Бундай муносабатларни формаллаштириш раҳбарни ходимлардан ва жамоадан узоқлаштиради.

**Тенглик** – ахлоқий қоидаси мулоқот самарадорлигини оширишга, ходимлар ўртасида демократик муносабатларни қуришга қаратилади. Тенглик ходимлар томонидан ўз фикри ва ғояларини эркин билдириш, жамоада билдирилган таклифларни ва соғлом муҳокам қилиш, инобатга олиш демакдир. Фикрлар қарама қаршилигида ҳам тўғри қарор қабул қилиш учун раҳбар кўролмаслк, бир-бирига нисбатан тоқатсизлик, душманлик кайфияти билан

боғлиқ иллатларни бартараф этишга тайёр туриши лозим.<sup>1</sup>

Биз минглаб йиллар мобайнида яратилган жуда бой маънавий меросга эгамиз. Айниқса, бу борада Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Абулхолиқ Гиждувоний, Абу Мансур Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Тавалло ва Абдулла Қодирий кабиларнинг асарлари айниқса, муҳим ўрин тутди. Чунки, бу буюк аждодларимиз ва улар яратган асарлар 130 йил давом этган мустамлакачилик шароитида унут бўлаёзган тарихий хотирани тиклашда аҳамияти каттадир. Шунингдек, мухтарам Президенти-миз Шавкат Мирзиёевнинг барча чиқишлари маъруза ва нутқлари раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Уларда раҳбар шахс маънавиятнинг концептуал асослари баён қилиб берилган. Шу маънода бу жамиятимизда кечаётган туб ислохотларнинг, хусусан, маънавият соҳасидаги ишларнинг — пировард мақсади – иймон -эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир.

Таъкидлаш ўринлики, давлат бошқаруви механизмида давлат хизматчисининг дунёқараши, янгича фикрлаши, замонавий билимларни эгаллаши, мамлакатимизда изчиллик билан давом этаётган туб ислохотларнинг мазмун моҳиятини тушуниб етиши ва уни амалга оширишда фаол иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини такомиллаштириш учун унинг ҳуқуқий тизимида ислохотларни амалга ошириш шароитида давлат хизмати ходимларини тарбиялаш ва уларнинг давлат ва жамият бошқарувида маънавий-ахлоқий қиёфасини тизимли яратиш бориш масалалари бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Айни шу нуқтаи назардан мазкур муаммоларни ўрганишнинг

---

<sup>1</sup> В.В.Черепанов. Основы государственной службы и кадровой политики. –М.: ЮНИТИ-ДАНА. Закон и право. 2008. С. 514-515.

дастлабки вазифалари сифатида давлат ва жамият бошқарувида ахлоқий тамойилларнинг аниқ ишлаб чиқилган механизмлари мавжуд бўлса, бундай шароитда бошқарувга истиқбол ва истиқлол тўйғулари кучли бўлган замонавий, шижоаткор давлат хизматчилари келиши ортиб боради.<sup>1</sup>

Бугунги кунда амалиётда ўчраб келаётган раҳбар фаолияти билан боғлиқ бўлган ғайриахлоқий муаммолар – одамларга нисбатан ҳурматсизлик, худбинлик, ўз мансаби ва ижтимоий мақомига асосланиб ёлғон ғурурнинг намоён қилиши, кибрланиш, танқидга тоқатсизлик, баланд ҳавойиланиш, ўз камчилигини тан олмаслик, ҳаракатларига масъулиятсизлик билан қараш каби иллатларда намоён бўлмоқда. Бундай ҳолатлар рўй беришининг асосий сабаби:

**Биринчидан,** баъзи раҳбар кадрларнинг маънавий ва касбий салоҳиятининг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги, уларда Ватан тўйғусининг заифлиги ва бошқа яна кўплаб шахс ахлоқий сифатининг йўқлиги.

**Иккинчидан,** бу ҳолатга давлат ва жамият бошқарувида кадрлар фаолиятини тартибга солиб турувчи механизм ва мезонларнинг йўқлиги сабаб бўлади.

Дастлаб, мазкур муаммолар ечимини қўйидаги йўналишларда ташкил этиш тавсия этилади:

**Ҳуқуқий йўл** – давлат хизмати тўғрисида қонун ишлаб чиқиш. Шу қонун асосида меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш.

**Ташкилий йўл** – давлат хизмати ходимлари фаолиятини назоратга оладиган махсус бўлинмалар ташкил этиш.

**Раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими** – раҳбарнинг ахлоқий, касбий, малакавий фаолиятини баҳоловчи ягона меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш. Лавозимга тайинлаш жараёни фақат танловлар асосида ташкил этиш тартибини жорий этиш.

**Ахлоқий-руҳий йўл** – давлат ва жамиятга хизмат қилишнинг миллий-маънавий қадриятларини тиклаш.

**Ижтимоий йўл** – раҳбарнинг юқори ахлоқий ва касбий

---

<sup>1</sup> Т.Алимардонов. Сиёсат ва ахлоқ мувозанати. – Т.: “Янги аср авлоди”, 272-бет.



фаолиятларини рағбатлантирувчи тизимни ишлаб чиқиш.

*Сиёсий йўл* – давлат хизмати ва кадрлар сиёсатини амалга ошириш борасида ғайриахлоқий ва коррупцион иллатларни мурасасиз равишда чеклашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш.<sup>1</sup>

Албатта, мазкур йўналишлар тавсиявий хусусият касб этади. Уларни сиёсий-ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш мумкин. Аммо, давлатга хизмат қилиш вазифалари моҳиятан ўзгармайди.

Раҳбарнинг бошқарув маънавияти билан боғлиқ муносабатларини адолат тамойиллари асосида шакллантириш зарурий аҳамият касб этади. Зеро, амалга оширилаётган вазифаларнинг шаффоф ва ошкоралигини таъминлайди, раҳбар ходимлар ва мансабдорларнинг ваколати ҳамда мажбурият мезондарини белгилайди. Мазкур тамойиллар асосида раҳбар жамоанинг маънавий руҳиятини, ахлоқий кадриятларини, шаклланиб келган одатларини ўрганиши баробарида муносабат қуриш тартибини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Таъкидлаш лозимки, барча жамоаларда ҳам ахлоқий кадриятлар анъана сифатида шаклланади, деб бўлмайди. Айрим ҳолларда, кўпроқ таниш билиш, ошна-оғайнигарчилик, ахлоқсиз муносабатлар устуворлик қилиб келган бўлиши мумкинки, бундай ҳолларда раҳбар ахлоқий кадриятларни ишлаб чиқариш муносабатларига жорий этиш чораларини кўриши лозим бўлади.

Мавжуд ҳолат билан мураса қилиш ёхуд унга изн бериш раҳбар ахлоқининг заифлигидан далолат беради. ахлоқий жиҳатдан эътиқодли раҳбар биринчи навбатда, жамоанинг ахлоқий кадриятлар фалсафасини шакллантиришга аҳамият қаратади. Жамоада мазкур жараёнга эътибор бермаслик жамоанинг маънавий қиёфасини, унинг шаъни ва кадр-қимматини мавҳумлаштиришга олиб келади. Натижада мажбурият олдидаги масъулият ҳам нисбий кўриниш касб этади.

Ахлоқий кадриятлар фалсафаси жамоанинг ташкилий ва бутун

---

<sup>1</sup> В.В.Черепанов. Основы государственной службы и кадровой политики. –М.: ЮНИТИ-ДАНА. Закон и прав. 2008. С. 356.

ишлаб чиқариш муносабатларида ўз ифодасини топиши керак. Шунингдек, жамоада ахлоқий кадриятларни жорий қилиш деганда, серсаломли муносабатлар эмас, барча ишлаб чиқариш муносабатларида инсонпарварлик, адолат, тенглик, умумманфаатлар уйғунлиги жамоа манфаатлари ғояларига содиқлик каби фазилатлар ахлоқий жиҳатдан асосланишига ва у амалий кўриниш касб этишига эришишга қаратилади. Ана шундай талаблар давлат хизматининг мукамал ишлаши учун шарт-шароит яратади ва давлат хизмати тизимда яширин хусусиятга эга бўлган коррупциянинг олдини олишга муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Айнан давлат хизматчиларини коррупциядан сақлаш, уларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шундай экан, айниқса давлат идоралари мансабдор шахсларининг хизмат вазифасини суиистеъмол қилишдан сақлаш, порахўрлик, ўз ваколатидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида уларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир давлат хизматчисини (мансабдор шахсни) тарбиялаш йўли билан маънавий жиҳатларини шакллантириш ўта муҳим жараён дир. Доимий тарбия натижасида давлат хизматчиси (мансабдор шахс) юксак маънавият соҳибига айланади. Раҳбар маънавий қиёфасини шакллантиришнинг асосий мезонларидан бири унинг тафаккури ва дунёқараши дир. Раҳбарнинг **тафаккури ва дунёқараши** унинг таълим ва тарбиясига боғлиқ. Раҳбарнинг жонкуярлиги эса хизмат фаолияти жараёнида шаклланади ва унинг маънавий мезонларидан бири унинг **ташкilotчилик ва бошқарувчилик** қобилиятига эга бўлишлигидир. Бундай қобилият унинг хизмат фаолиятида шаклланади ва вақт ўтиши билан бойиб боради.

Раҳбар маънавиятининг яна бир омили бу **изланувчанлик** дир. Раҳбар ўз малакаси ва маънавий онгини юксалтириб бориши учун изланувчан бўлиши керак. Янгиликка интилиш, янгиликни қабул қила олиш ва янгилик ярата олиш унинг маънавий даражасини белгилайди. Чунки, янгиликка интилмаган шахс кечаги ва бугунги кун билан чегараланиб қолади, натижада эртани, яъни келажакни

кўзлаб фаолият кўрсата олмайди. Изланувчан шахс ўз жамоаси ва ҳамкасблари олдида ўзини масъулиятли ҳис этиши билан ажралиб туради. Бинобарин, изланувчанлик айна пайтда раҳбар маънавий даражасининг нечоғли юксак эканлигини англатади. Маънавиятнинг яна бир омили **замонавий билимларни ўзлаштиришдир**. Бугунги раҳбар ходимлардан иқтисод, ахборотлар технологияси, интернет тармоқларидан оқилона фойдаланиш, ҳуқуқ, сиёсат ва маънавият илмларидан хабардорлик талаб қилинади. Чунки, мамлакатимизда янги иқтисодий муносабатлар жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилиш, миллий давлатчилик, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва янги давр шахсини тарбиялаш ишлари давом этмоқда. Булар замонавий билимлилик мазмунини ифодалайди ва ҳар бир давлат хизматчиси бўлмиш раҳбардан мазкур йўналишлар бўйича билимдон бўлишни талаб қилади. Маърифатпарвар олим Маҳмудхўжа Бехбудий сал кам юз йил муқаддам шундай ёзган эди: *«Ҳозирги замон ишларига хоҳ тижорат, хоҳ ҳукумат, хоҳ саноатхоналарда бўлсун, кириб вазифа олмоқга ва иш қилмоқга илми замонавий лозим. Лозим бўлгонда ўзингизни ва ўглингизни замонавийликка ўқимоқга ҳаракат қилсангиз»*.<sup>1</sup>

Шундан маълумки, замонавий билимлилик ўз даври эҳтиёжларига мос билимларни чуқур ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишдир. Маънавият мезонларидан яна бири ҳар бир давлат хизматчисида **ватанпарварлик** туйғусининг шаклланганлигидир. Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш давлат хизматчисидан ҳамиша талаб қилинади. Бу Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш асосий вазифа бўлган айна замонамизда айниқса, янада долзарб тус олгани сир эмас. Давлат хизматчисининг ватанпарварлиги ўз қўл остидагиларга меҳрибонликдан бошланиб, ўз касбини севиш ва иқтидорини яхшиликка сарфлашда юзага чиқади. У ўзи билан бирга айна жамоасини ҳурмат қилса, чинакам ватанпарвар раҳбар бўлиб етишади. Бугунги ватанпарварлик Ватаннинг тарихини яхши билиш, ҳозирги

---

<sup>1</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият. 1999. 183-бет.

муаммоларини ҳал этиш ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур қилиш билан белгиланади. Маънавиятнинг яна бир асосий мезони Ватанга, халқига ва Президентга садоқат билан хизмат қилишдир. Содиқлик жамиятнинг улуғ мақсад ва ғоялари йўлида фидойилик билан хизмат қилмоқдир. Миллий истиқлол ғоясини ҳар бир давлат хизматчиси нафақат ўзининг онгу қалбига, балки ҳамкасбларининг ҳам шуурига сингдириши лозим. У ҳар ишда ташаббускорлик кўрсатмоғи, зиммасидаги вазифаларни бажаришда фаол бўлмоғи шарт.

Давлат хизматчисининг Ватанига, халқига ва дўстларига, қолаверса, оиласига садоқати сўз ва иш бирлигида намоён бўлади. Маънавиятнинг яна бир энг муҳим мезони давлат хизматчисининг ўз касбини севиши, унинг устаси бўлишида намоён бўлади. Давлат хизматчисидан профессионализм, ўз мутахассислигини, касбини пухта билиш, теваккатрофида кечаётган жараёнларни чуқур англаш ва ижтимоий фаол бўлишини талаб қилинади. Шундай экан, ҳар бир давлат хизматчиси фаоллик билан бирга миллий ғоя ва миллий мафқуранинг мазмун-моҳиятини англаб етмоғи лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, давлат хизмати фаолиятини тўғри йўлга қўйишда давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколати доирасида хизмат қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Юқорида зикр этилган давлат хизматчиларининг маънавий етуклиги билан бирга уларнинг хизмат фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий мақомини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Раҳбарнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шартли тарзда бир неча қатламга ажратиш мумкин. Булар қўйидагилар: **Маънавий қиёфа**. Бу қатлам шахс ахлоқи учун пойдевор вазифасини бажаради. Маънавий жиҳатдан ночор шахслар ҳеч қачон ахлоқий жиҳатдан юксак бўла олмайди. Маънавияти бой ва мустаҳкам инсонлар раҳбар маънавиятида ва руҳиятида алоҳида ўрин тутаяди. Бу сифат айниқса ислохотлар даврида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бу даврда турли хил қийинчиликларнинг мавжуд бўлиши табиий ҳолда уларни енгиш учун эса сабр-тоқат билан бирга иродалилиқ талаб қилинади.

Ирода шундай ҳодиса қийинчилик ва тўсиқлар пайдо бўлганда у тафаккур, тажриба, билимлар ва эҳтиросни яна қийинчиликларни бартараф қилишга йўналтиради. Тўсиқларни бартараф этиш учун ўзидаги куч имкониятларни сафарбар қила оладиган иродага эга бўлмаган раҳбар эса ўз қўл остидаги жамоанинг ҳам куч ва имкониятларини, қийинчиликларини енгишга сафарбар эта олмайди.

**Ватанпарварлик**, бу сифат инсоннинг ўз юртига, халқига садоқатини билдиради. Шу сифатга эга бўлган раҳбарлар ва умуман инсонлар халқ ватан, жамият манфаатларини ўз манфаатларида устун қўя оладилар. Шахсий ва ижтимоий манфаатлар мутаносиблиги тўғрисида гап кетганда шуни назарда тутиш керакки, улар ўзаро узвий боғлиқ ҳодисалар. Санаб ўтилган сифатлар шахс ахлоқи характерини, йўналишини белгилайдиган сифатлар ҳисобланади. Раҳбарнинг ахлоқий дунёсида яна шундай қатлам борки, у раҳбарнинг инсонийлик даражасини белгилайди. Бу қатламда виждон, мардлик, ирода каби сифатлар муҳим ўрин тутди. Виждон шахснинг маънавий-ахлоқий дунёсидаги муҳим ҳодисалардан бўлиб у шахснинг ўз фаолиятини ўзи назорат қилишига ёрдам беради. Раҳбар кадрларнинг муҳим функцияларидан бири ходимлар фаолиятини назорат қилишдир. Бошқалар фаолиятини назорат қилиши лозим бўлган раҳбар ўз фаолиятини назорат қила олмаса, бошқалар фаолиятига баҳо бериши керак бўлган раҳбар ўз хатти-ҳаракатларин тўғри баҳолай олмаса, бундай жамоада маънавий-ахлоқий иқлим соғлом бўлмайди. Шундан маълум бўладики, виждон фақат маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, катта ишлаб чиқариш аҳамиятига ҳам эга. Шунинг учун ҳам уни раҳбарнинг иш сифатларига қўшимча сифат тарзидагина эмас, муҳим касбий сифат тарзида ҳам баҳолаш лозим. Ташаббус, жонбозлик, фидойилик кўрсатишга тайёр бўлмаган жамоага унинг фойдаси тегмайди. Мардлик фақат маънавият ва ахлоқ билан эмас шахснинг руҳияти билан ҳам бевосита боғлиқ. Лекин инсоният тарихида мардлик ижтимоий ҳодиса сифатида баҳоланиб келган. Аммо раҳбар руҳиятида мардлик билан ёндош туйғулар жасурлик,

фидойилик, шижоатлилик каби хусусиятлар бўлмаса, унда мардлик ҳам бўлмайди. Мардлик одамлар томонидан юқори баҳолангани учун раҳбарнинг шундай хислатга эга бўлиши унинг обрўсига обрў қўшади. Бу эса жамоа аъзоларини бир мақсад атрофида жипслаштириш ва уларни жамоа олдидаги вазифаларни ҳал қилишга сафарбар қилиш имкониятини беради. Тавсифлаб ўтилган ахлоқий сифатлар билан бир қаторда яна шундайлари ҳам борки, улар раҳбарнинг ўз вазифаларини бажариши учун зарурдир. Улар жумласига меҳнатсеварлик, масъулият, оптимизм кабиларни киритиш мумкин.

Ижтимоий ҳаёт муносабатида кўришимиз мумкинки, жамоада иш унумдорлигини таъминлаш жараёнида ҳар хил муаммолар тинимсиз пайдо бўлиб туради. Уларни бартараф этиб ёки хал этиб бормасдан ишни ривожлантириш мумкин эмас, шу нуқтаи назардан нотаниш, янги, ностандарт ёндашишни тақозо этувчи, янгича ечимни талаб қилувчи, ижодийликка асосланувчи воситалар билан қуролланган раҳбарнинг бош вазифаси ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ижодий изланишни тақозо этади, ҳамиша янги технологияларни ишлаб чиқишни, уларни амалда жорий этишни талаб қилади. Ижодий фикр, ижодий режалар, улуғвор ғоялар замон руҳи билан ҳамоҳангликда бўлиши лозим. Ижодий ёндашувга ноқодирлик ҳам маънавий, ҳам иқтисодий зарар келтиради. Ижодий ёндошув, ижодкорлик руҳи раҳбар фаолиятига бегона бўла бошлар экан, демак нуқсонлар юзага келади, ишлаб чиқариш заифлашади, сифат пасаяди, ижтимоий-психологик муҳит бузилади.

Раҳбарнинг маънавий салоҳияти, умумий маданияти, муомала қонун-қоидаларини ўзлаштирганлиги, нотиклик маҳорати, мустаҳкам иродаси, ростгўйлиги, ғамхўрлиги, ишчанлиги ва бошқа шахсий фазилатлари кишиларга таъсир ўтказишнинг асосий омиллари ҳисобланади. Ва, аксинча, раҳбар обрў-эътиборининг пасайиши, унинг нутқидаги нуқсонлар, иқтисодий муносабатларни ҳал қила олмаслик, қатъиятнинг заифлашуви, хулқ-атвордаги камчиликлар унинг жамоа аъзоларига таъсир ўтказиш даражасини кескин тушириб юборади. Бошқарув фаолияти жуда мураккаб

жараён бўлиб, у молиявий, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий, тарбиявий функцияларни ўз ичига олади. Шу билан бирга у инсон-инсон, инсон-табиат, инсон-образ каби қатор ижтимоий муносабатларини акс эттиради.

Раҳбар фаолиятининг ҳар бир жабҳаси ва функцияларини юқори даражада эгаллаш орқали юксак мартабага эришади. Лекин у раҳбарликнинг у ёки бу томонини тушунмаса, корхонада ишлар юришмай қолади, корхона фаолиятида бир ерда депсиниш юзага келади. Раҳбарлик муайян тузилишга, ўзаро боғланишга эга бўлган мураккаб шахслараро муносабатни тартибга солиш, бу муносабатларни мақсадга хизмат қилдириш ҳамдир. Тажриба орттириш, илғор тажриба ва намуналардан фойдаланиш, тинимсиз малакани ошириб бориш, бошқарувнинг янги, илғор услуб, восита, йўл-йўриқларини ўзлаштириш орқали чинакам раҳбарлик қилиш мумкин, холос. Раҳбар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, ўз муассаса ёки ташкилотда бошқарув маънавиятини ўзининг раҳбарлик маънавий қиёфаси билан уйғунлаштира олишда, истиқбол режасини аниқ белгилашда ва шу каби муаммоларни ҳал қилишда қийналаётган бўлса, бу унинг раҳбар сифатидаги малакаси ҳамда маънавиятининг заифлигидан далолат беради.

Форобий ўзининг фозил жамоасида одамларни турли белгиларига қараб гуруҳларга бўлади. Бунда у, кишиларнинг диний масхабига, миллатига, ирқига қараб эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, ақлий иқтидорига, билим кўникмаларига эътибор беришлик зарур дейди. У ўзининг «Бахт саодатга эришув йўллар ҳақида рисола» асарида «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, - деб ёзади. У, - бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритади». Форобий давлатни етук шахс бошқариши лозим дайди; яъни жамоани идора этувчи адолатли, доно бўлиши, қонунларга риоя этиши ва қонунлар ярата олиши, келгусини олдиндан кўра билиши, бошқаларга ғамхўр бўлиши лозим, дейди. Форобийнинг фикрича, касбий малакани таълим ва тарбия орқали раҳбарлик жараёнида ўргатиб бориш мумкин. Аммо, шахснинг раҳбарлик қобилияти унинг болалигидан бошланиб, узоқ

давр мобайнида шаклланади ва мутлақо табиийлашган бўлади ҳамда барча даврларда чуқур ўзгаришларсиз сақланади. Шунга кўра раҳбарлик қобилияти раҳбарлик даврида тартибга солинади ва мувофиқлаштирилади, бунда фақат айрим жузъий ўзгаришлар қилиниши, бошқарув иши билан боғлиқ баъзи янги билимлар ўргатилиши мумкин. Касбий қобилият эса амалий фаолият ўзгариши билан ўз моҳиятини ўзгартиради. Хуллас, Форобий фикрига кўра, фозил жамиятнинг адолатли бошқарув тизимида фаолият кўрсатувчи раҳбарларни танлашда аввало унинг шахсий характерида доир белгилар биринчи даражали бўлмоғи лозим. Танлашнинг худди мана шу белгилардан бошланиши унинг моҳиятини ҳам очиб беради. Форобий танлаш йўллари ҳақида ошкора гапирмаган бўлса-да, ҳокимлар мисолида раҳбар бўлажак шахс учун зарур бир қатор фазилатларни санаб ўтади. Уларни турига кўра иккига бўлади:

1. Кишида ёшлиқдан шаклланган, аввал бошданок қобилиятга айланиб, фаолиятининг моҳиятини ташкил этадиган табиий фазилатлар: “Тўрт мучаси соғ-саломат бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон халал бермаслиги лозим, аксинча, соғ-солимлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши керак”; “табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур”; “англаган, кўрган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур”; “зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарса (ёки ҳодиса - Ф.Р.)нинг билинар-билинемас омонатларини ва у омонатлари нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур”; “фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли (ҳамда тушунарли ва ўша воқеа-ҳодисабоп-Ф.Р.) сўзлар билан ифодалай олиши зарур”; “таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнидан сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур”; “таом ейишда, ичишда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзни тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа шунга ўхшаш) ўйинлардан завқ, ҳузур



олишдан узоқ бўлиши зарур”; “ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур”; “ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши зарур”; “бу дунё молларига, динор ва дирҳамларига қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур”; “табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамлари (рахбарият тизимидагилар-Ф.Р.)<sup>1</sup>га ҳамда бегона (қолган барчани адолатга чакирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи) барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликни истовчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга мурасасиз бўлиши зарур”; “ўзи зарур ҳисоблаган чоратадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқиш ва ҳадиксирашдан узоқ бўлиши зарур”.

Бошқарувда раҳбар фаолиятининг авторитар, демократик, либерал услублари кенг тарқалган услублар сифатида қайд этилади. Булар ичидан демократик услуб бугунги дунё халқлари тажрибасида кўпроқ қўлланишга ҳаракат қилинаётгани барчага маълум. Манбаларда раҳбар фаолиятига доир бу уч услубнинг ижобий, салбий хусусиятлари тўғрисида қатор қарашлар мавжудлиги учун биз бу масалага тўхталиб ўтирмаймиз.<sup>2</sup> Бироқ бугунги замонда бошқарув тизими, унга боғлиқ равишда раҳбар фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу ўзгаришларга ҳар қандай жамият ёки ташкилотнинг асоси бўлган халқ – дунё халқлари дунёқарашини, билимлари ва муносабатларининг тобора ривожланиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда. Жаҳон халқлари орасидаги тобора чуқурлашиб бораётган интеграция, иқтисодий муносабатлар, ахборот алмашинув жараёнлари ҳар бир тузум, жамият, ташкилот ёки гуруҳ олдида ўз

---

<sup>1</sup> Ф. Равшанов. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. Тошкент, Akademiya, 2007 й. 67-бет.

<sup>2</sup> Ф. Равшанов. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. - Тошкент, Akademiya, 2007 й. 47-бет.

фаолиятларини ушбу ходисаларнинг бугуни ва келажagini ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш вазифасини юкляпти. Лекин, жаҳондаги катта-кичик ҳар қандай тузилмалар, ташкилотларда ҳозирги вақтда жамоатчиликнинг роли ошиб бораётганига қарамасдан, бошқарув органларининг фаолият юритиши ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бошқарув органлари мавжуд ерда эса табиийки раҳбар кадр иш олиб боради. Демократик кадриятларнинг тобора устуворлик касб этиб бориши натижасида бугунги ташкилотлар фаолияти ҳар томонлама давлат қонунлари ва ташкилот меъёрий ҳужжатлари асосида тартибга солиниш тусини олган. Бошқача айтганда ташкилотлар давлат қонунлари доирасида фаолият юритади ва ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган меъёрий талаблар, низомлар асосида меҳнатни ташкил этади.<sup>1</sup>

Кўринадики, давлат қонунлари асосида иш юритиш, айти вақтда меҳнатни самарали ташкил этиш ташкилотнинг яшовчанлигини таъминловчи асосий омиллар сифатида майдонга чиқяпти. Бироқ ташкилот ҳаётида ана шу икки омилга ажралмас даражада боғланиб кетган учинчи бир омил бўлиб, бу характериға кўра ушбу лавозим ва талабларға муносиб раҳбар фаолиятидир. “Чунки, ташкилот фаолиятида мавжуд муаммоларни ҳамиша ташкилот аъзолари, яъни жамоа намоён қилиб туради, муносиб раҳбар эса бу муаммоларни тўғри аниқлайди ва тўғри бартараф қилади”.<sup>2</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир давлат худудида ўз фаолиятини ташкил этувчи ташкилот, у давлат, нодавлат, тижорат, нотижорат бўлишидан қатъи назар, белгиланган давлат қонунларидан ташқарида иш олиб борса, у таназзулга учрайди. Ташкилот самарадор меҳнат ва уни рағбатлантиришни йўлга қўймаса, шунингдек, раҳбар ташкилотға муносиб фаолият юритмаса, у таназзулга учрайди. Айнан мана шу уч омилнинг бирига мувофиқ бўлиши ташкилот тараққиётиға имконият яратади. Лекин бунда юқоридаги икки омилнинг иш бериши учинчи омил,

---

<sup>1</sup> Ҳайитов У., Умарова Н. Бошқарув психологиясидан қисқача изоҳли луғат. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2001. 24-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 31-бет.

яъни раҳбар шахс фаолияти билан тубдан боғлиқдир. Айтиш мумкинки, ташкилот тараққиёти ва унинг барча муносабатлари, шу жумладан, ташкилотнинг ички муносабатлари ҳам уни бошқараётган раҳбар ёки ташкилот тизимида фаолият кўрсатаётган турли даражадаги раҳбарлар – раҳбариятнинг хатти-ҳаракатлари воситасида амалга ошади.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда раҳбар кадрларни танлаш жараёнини кузатар эканмиз унда қадимий анъаналардан тортиб, ҳозирги илм-фан томонидан кашф этилган энг замонавий услубларгача мавжудлигини кўриш мумкин. Бинобарин, бу услублар турли давлат, нодавлат ва хусусий ташкилотлар томонидан қўлланилиб, асосан собиқ совет тузуми даврида амалда бўлган кадрлар танлаш жараён ва услубларининг таназзулга юз тутиши ва мустақиллик натижасида жамият тафаккурида юз берган ўзгаришлар ва ривожланишлар замирида намоён бўлди. Бироқ ҳанузга қадар раҳбар кадрлар танлашда узоқ йиллар, бир неча авлодлар давомида шакллантирилган собиқ совет даври анъаналарининг қўлланилиши сезиларли даражада давом этиб келмоқда. Биз қуйида раҳбарликка номзод танлаш ёки тавсия этишнинг бугунги кунларда амалда бўлган айрим асосий турлари, уларнинг ижобий ва салбий хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз. Раҳбарликка номзод танлаш ва унинг малакасини аниқлашнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бу қуйи ёки тенг даражали лавозимларга юқори лавозимдаги раҳбарлар томонидан тавсия этилиш бўлиб, номзоднинг малакаси амалий иш фаолияти давомида ўрганиб борилади. Бунда танловчи раҳбарнинг ўзи ким эканлиги, унинг касби, дунёқараши, мақсадлари ва характерли хусусиятлари номзод танлашда кўпинча ҳал этувчи роль ўйнайди.<sup>2</sup> Ўзидан қуйи даражадаги раҳбарлик лавозимида кадр танлаётган раҳбар аввало танланаётган шахсдаги хусусиятларга ўз мақсадларидан келиб чиқиб ёндашади. Танловчи раҳбардаги мақсад-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент – 2003. 635 б.

<sup>2</sup> Ф. Равшанов. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. - Тошкент, Akademiya, 2007 й. 71-бет.

манфаат ҳамма вақт ҳам алоҳида ўз ҳолича намоён бўлавермайди. Асосий ҳолларда у шахс характериға сингган тарзда юзаға чиқиб, унинг амалий иш жараёнида ҳам сезилиб туради. Танловчи раҳбардаги мақсад-манфаат икки хил кўринишда бўлиши мумкин: хусусий мақсад-манфаатлар, ташкилот ёки ўзгалар мақсад-манфаати. Баъзида бу мақсад-манфаатлар ниқобланган тарзда мавжуд бўлади. Бунда хусусий манфаатлар умумий манфаатлар билан ниқобланиши, яъни кўзланаётган ва ошкора намоёиш этиб барчаға билдирилган умумий манфаатлар заминида хусусий мақсадлар ётиши мумкин.

Мазкур мавзуда баён этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси диалектик алоқадорлигининг ахлоқий хусусиятларига доир илмий-фалсафий қарашлар ривожланишининг ўзига хос мезонлари, унинг уйғунлиги, мувофиқлиги, шунингдек, ғайриاخлоқий кўринишлари ҳақида қўйидаги хулосаларға келдик:

**Биринчидан,** давлат ва жамият бршқарувини демократлаштириш жараёнида раҳбарнинг бошқарув билан боғлиқ фаолияти маънавий ва ахлоқий билимлар қамровида шакллантирилади. Шунинг учун ҳам жамоанинг фаровонликка эришиши раҳбарнинг бош мақсади бўлса, унда бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси уйғун ҳамда улар битта тизим сифатида, ягона мақсад йўлида диалектик алоқадорлигини таъминлаш учун барча етарли асослар ишлаб чиқилиши зарурий аҳамият касб этади.

**Иккинчидан,** бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси мутлақо тескари хусусиятларға эға, яъни, улар ўртасида ҳеч қанлай диалектик боғлиқлик йўқ, деган схоластик қарашларнинг мавжудлиги табиий ҳол. Шунинг учун ҳам бу мезоний тушунчалар ёлғон, зўравонлик, мутаассиблик каби иллатлар билан табиийки келиша олмайди. Шундай экан, бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси диалектик уйғунлиги шубҳасиз идеал ва кўпроқ умумий тушунча касб этади. Шунинг учун ҳокимият бошқаруви билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнларда сингишида мураккаб-ликка, қаршилиқка, зиддиятликка ўчрайди. Бундай шароитда

уларнинг ҳаётий жараёнларга кириб боришини таъминловчи восита маънавий-ахлоқий тартиботлар ва кадриятлар устуворлиги ҳисобланади.

**Учинчидан,** кўпгина ҳолларда бошқарув маънавияти билан раҳбар маънавияти фарқини эътироф этиш баробарида, биринчиси иккинчисининг шартларини чекловчи восита сифатида намоён бўлиши мумкин. Бунга сабаб ҳокимият бошқарувида манфаатлар тўқнашувининг, турли обрў талашлар ва кибру ҳавойиликка берилиш иллатларининг урчиб кетиш оқибатидир. Шунинг учун ҳам ушбу иллатлар олдини олиш ва қаътий тартиб ўрнатиш мақсадида табақалар ўртасидаги муносабатлар тенглигини таъминлашга қаратилган ахлоқий ва ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тўртинчидан,** Бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий киёфаси диалектик алоқадорлигининг ахлоқий хусусиятлари фақат умумий мақсад доирасида уйғунлашиши мумкин. Унинг воситалари ўз навбатида турлича бўлади. Кўриниб турибдики, бу мезонларнинг ўзаро мувофиқлик даражаси турли ҳолатларда, жабҳаларда намоён бўлмоқда. Фақат муаммоларга ахлоқий тарзда ёндашув масаланинг моҳиятини аниқлашга, объектив ечимларни топишга ёрдам беради.

### **III. БОБ. МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АХЛОҚИЙ- МАЪНАВИЙ ТАЛҚИНИ**

#### **3.1. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИДА МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТНИНГ УСТУВОР БЎЛИШ АСОСЛАРИ**

Жамият ўзининг ривожланиши ва тараққий этиши ижтимоий хусусиятдан кўра кўпроқ сиёсий бошқарувга, давлатчилик ва бошқарувга хос бўлган сиёсий қадриятларнинг шаклланиши билан изоҳланади. Ўзбекистон барча ривожланган дунёвий давлатлар қаторида давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш муносабатида эркин ҳамда адолатпарвар, дунёвий давлат қуриш концепциясини илгари сурмоқда. Ушбу концепция негизида ривожланган янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш, мамлакатда юксак ахлоқий маданиятга ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган давлат хизмачиларининг янги авлодини шакллантириш омиллари ўз ифодасини топган. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, замонавий давлатда давлат хизмачиларининг янги авлодларини шакллантириб бориш ва уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаб бориш тўғрисидаги концептуал ғоя ва назариялари<sup>1</sup> кундан кунга ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Шарқ халқлари ҳаётида жамоатчилик фикри азалдан юқори мақом ва мартабага эга бўлиб келган. Кўпинча анъанавий институтлар, хусусан маҳалла ва бошқа ўз-ўзини идора қилиш ташкилотлари асосан жамоатчилик фикрига таянган. Ижтимоий салмоқли фикрларни жамоатчиликни муҳокамасига олиб чиқиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг — Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоийиқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари||га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

анъанавий йиғилиш жойларида – маҳалла гўзарларида, чойхоналарда, туй-маросимларда, тантаналарда амалга ошган. Шунинг учун ҳам Шарқона демократия — демократия тушунчасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, Шарқ халқлари, мамлакатлари, асосан, аҳолисининг кўпчилик қисми мусулмон маънавиятидан баҳра олган ҳудудларга хос бўлган демократик қоидалар мажмуининг ўзига хос шакл ва мазмунда намоён бўлишидир.<sup>1</sup> Шарқона демократия негизида давлат хизматчиларининг амалдаги фаолиятини миллий менталитет негизида шакллантириб бориш муаммоси, аввало, давлат бошқарув механизмларининг нечоғли даражада диний, миллий ва ахлоқий қадриятлар асосида манфаатларга мос келишига боғлиқ бўлади. Яъни, бошқарув механизмлари халқнинг давлат ва ҳокимият бошқарувига эркинликка асосланган ҳолда иштирокини таъминлаш даражаси билан белгилашиб, бу эса Шарқона демократиянинг ўзига хос яна бир ҳосиласи ҳисобланади. Бунда асосан халқнинг ўз эркинлиги, манфаатларига эришишларининг реал имкониятлари шакллантирилади. Улар ўз салоҳиятлари даражасида сиёсий жараёнларга иштирок этиш ваколатларига эга бўладилар. Айнан ана шу жараёнлар давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида миллий менталитетнинг устувор бўлиш асосларини Шарқона демократия негизида мувофиқлашувига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан мавзумизнинг асосий моҳиятини ташкил этадиган “Менталитет” ва “миллий менталитет” тушунчаларининг изоҳини келтириб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Ижтимоий-фалсафий ва социологик тушунчалар тизимида менталитет сўзининг ҳам алоҳида ўрни бор. У турли ижтимоий муносабатларга катта таъсир ўтказадиган омил сифатида ўзини намоён этади. Унинг асосий субъектларини инсон, шахс, оила, миллат, халқ, ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва сиёсий институтлар ташкил этади. Аммо, нафақат ушбу субъектлар, шунинг билан бирга “менталитет”

---

<sup>1</sup> Қаранг: Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лўғати. -Тошкент: “Академия”, 2007. -298-бет.

тушунчасининг ўзи ҳам фундаментал тарзда ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқотчилар томонидан етарлича ўрганилмаганлигини эътироф этиш мумкин. Жумладан, россиялик тадқиқотчи А.А.Аш-хамахованинг фикрича, “... олимлар менталитетни ягона тушунчасини аниқламаганлар.”<sup>1</sup> Лекин, шунга қарамай, “Менталитет” тушунчаси ҳақида турли туман фикрларни илгари суриш давом этмоқда. Олиманинг таъкилашича, “... кўпчилик олимлар менталитет деганда – этник қиёфа, ўз-ўзини англаш, хулқ-атвор стереотиплари, хатти-ҳаракатларини тушунадилар.” Юртимизда нашр этилган “Мустақиллик изоҳли – илмий-оммабоп лўғати”да ушбу тушунчага нисбатан қўйидагича таъриф берилган, “Менталитет бу жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий тараққий топган таваккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этувчи кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, анъаналари, ўрф-одатлари, расм-русумлари ҳамда диний эътиқод тарзидир.”<sup>2</sup> Бу таъриф профессор М.Бекмуродов томонидан берилган бўлиб, у ўзининг кейин эълон қилган мақолаларида уни илмий жиҳатдан асослаган.<sup>3</sup> Профессорлар А.Холбеков ва У.Идиоровлар менталитетга қўйидагича таъриф берганлар: “Менталитет (mens – ақл, тафаккур) индивид ёки бир ижтимоий гуруҳнинг, миллатнинг дунёни маълум бир тарзда тушуниб ва ҳаракат қилишга тайёрлиги ҳамда мойиллиги.”<sup>4</sup> Шунингдек, ушбу тушунчага нисбатан “Фалсафа қомусий лўғат”ида қўйидагича таъриф берилган. “Менталитет тушунчаси (mens – ақл, идрок) – жамият, ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларининг

---

<sup>1</sup> Ашхамахова А.А. Социально-философский анализ менталитета: общее и особенное. Автореф. дис. Док.

филос. наук. Нальчик: 2006.- 24 с.

<sup>2</sup> Абдуллаева М ва бошқалар. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп лўғат. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 1996. –Б. 19.

<sup>3</sup> Бекмуродов М. Миллий менталитет ва бошқарув. // Жамият ва бошқарув. –Т.: 1998. №4 –Б. 13.; Ўзбек менталитети: жамоавийлик ва индивидуаллик нисбати. // “Хуррият” газетаси, 2002 йил. 17 апрель.

<sup>4</sup> Холбеков А., Ижиров У. Социология (изоҳли лўғат - маълумотнома). –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1999. – Б. 83.



тахлил этиш кучи, муайян, ижтимоий шароитда шаклланган ақлий қобилият.”<sup>1</sup> Прфессор Қ.Х.Хонназаров менталитет ҳақида қўйидагича ёзади: “Менталитет тушунчаси лотинчадан олинган сўз бўлиб жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шаснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қоидаларини ташкил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий кудратидир.”<sup>2</sup> Ушбу таърифнинг “Фалсафа қомусий лўғат” ида берилган таърифдан фарқли томони шундаки, унда “руҳий қувват” сифатида қаралишида ўз ифодасини топмоқда. Ушбу таърифларни келтириб ўтишдан мақсад шундаки, менталитет кенг қамровли омиллар мажмуасидан иборат бўлган тушунча эканлигига эътиборни қаратиш. Фикримизча, “тафаккур даражаси, маънавий салоҳият, ... кучи ... ақлий қобилияти” билан чекланадиган бўлсак, “Менталитет”нинг ўзига хослигини намоён этувчи жиҳати етишмаяпти. Таърифда курсатилаётган омиллар унинг даражасини “қулрати”ни ўзида ифола этмоқда. Шунинг учун ҳам унга эътироз бўлмаслиги мумкин. Бироқ уни “омиллар мажмуаси” сифатида қарайдиган бўлсак, уларнинг ҳар бирини ўзига хос бўлган “ички” ва “ташқи” турли-туманлик томонлари кўринмасдан қолмоқда. Аслида унинг бошқа ижтимоий-фалсафий тушунчалардан фарқли томони ҳам айнан ана шу хусусият билан боғлиқлигида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган Россиялик тадқиқотчи А.А.Ашхаматованинг илмий тадқиқотларини кузатиш давомида маълум бўлдики, у “менталитет” мавзуси бўйича бу мамлакатда эълон қилинган барча илмий асарлар, ҳимоя қилинган диссертацияларни чуқур тадқиқ қилган ва улар асосида “менталитет” тушунчасига қўйидаги таърифни берган: “Менталитет – бу табиий маълумотлардан юзага келадиган социал компонентлар билан боғлиқ ва инсоннинг ҳаётий

---

<sup>1</sup> Назаров Қ. Ва блшқалар. Фалсафа қомусий лўғат. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 2004. – Б. 257.

<sup>2</sup> Хонназаров Қ.Х. Миллий менталитет – тараққиёт омили. // Мулоқот. –Т.: 2000. №3. –Б. 3.

дунёсини очиб берадиган умумийликдир.”<sup>1</sup> Том маънода айтганда, “Менталитет” тушунчаси хусусида олимлар турли фикр билдирмоқдалар уларда бу тушунчанинг у ёки бу қирралари ўз ифодасини топган ва мазкур масалани яна ҳам чуқур ўрганишда методологик асос бўла олади. Ҳақиқатдан ҳам “менталитет” тушунчасига тўлақонли таъриф бериш анча мураккаб масала ҳисобланади. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг субъектлар доираси кенг бўлиб, уларга хос бўлган умумий томонларни бир “махраж”га келтириш талаб этилади. Жумладан, инсон, шахс, оила, миллат, халқ, ижтимоий синфлар ва гуруҳлар, сиёсий институтлар учун умумий томонлар нималардан иборатлигини аниқлаш лозим бўлади. Тўғри уларнинг барчаси инсон омилига бориб тақалади. Бироқ инсон ҳам турли субъектлар тизимида турли мақомда, манфаатда ва бошқа жарёнларда иштирок қилади. Шу маънода, “менталитет”га таъриф берганда ана шу омилни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Айни хулосалар асосида “Миллий менталитет” тушунчасига ҳам турлича қарашлар шаклланган бўлиб, уларда ўзига хос бўлган кўпгина илмий қирралар ўз ифодасини топган. Жумладан, А.А.Ашхамахованинг фикрича, “Миллий менталитет бу миллатлар ҳаётининг объектив ва субъектив томонидан яқдиллиги тушунилади. Бу миллат менталитети янгича, яъни моҳият ва ҳодиса диалектик яқдиллиги тўғрисида тадқиқот қилишга ёрдам беради. Миллий менталитет моҳият сифатида – бу миллий ҳаётий фаолиятнинг ички субъектив тарафи бўлиб, миллий руҳиятнинг барқарор қисмидир, ижтимоий ҳодиса сифатида халқ фаолиятида ушбу моҳиятнинг объективлашган қисмидир.”<sup>2</sup>

Юртимизда ҳам “Миллий менталитет” тушунчасига таъриф бериш борасида бир қатор изланишлар ва ўринишлар мавжуд.

---

<sup>1</sup> Ашхамахова А.А. Социально-философский анализ менталитета: общее и особенное. Автореф. дис. док филос.наук. Нальчик: 2006. - 24 с.

<sup>2</sup> Ашхамахова А.А. Социально-философский анализ менталитета: общее и особенное. Автореф. дис. Док. филос. наук. Нальчик: 2006. 10 с.

Хусусан, Фалсафа қомусий лўғатда: “миллий менталитет” (mens – ақл, тафаккур, фикрлаш тарзи) – миллий онг ва фаолият характерини ифодаловчи тушунча<sup>1</sup> сифатида берилган таъриф келтирилган. Бироқ ушбу таърифда ҳам миллий менталитет учун хос бўлган “тафаккур”ни ва “фикрлаш тарзи”ни аниқ кўрсатувчи омиллар ўрни етишмаяпти. Унда “ўзига хос хусусият”и эмас, балки “Миллий онг ва фаолият характерини ифодалаовчи” тушунча сифатида берилган. Агар бу тушунча ана шу тарзда бериладиган бўлса, ўзбеклар билан бошқа халқлар фаолиятлари моддий ва маънавий бойликларни яратиш “характери” билан фарқлаш мумкин, - деган фикрнинг келиб чиқиш эҳтимоли йўқ эмас. “Менталитет”га тадқиқотчи Ф.Турғунов қўйидагича таъриф берган “Меҳнат менталитети муайян табиий иқлим иқтисодий, ижтмоий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларда яшаётган шахс, оила, миллат, элат ва халқларнинг ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ва ўзлигини топиш мақсадида олиб борилган онгли, тарихий, амалий фаолияти тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт тарзи, миллий руҳиятнинг намоён бўлиш усулидир.”<sup>2</sup> Муаллифнинг фикрича, “Масалани бу тартибда қўйилиши инсон ва жамият ҳаёт фаолиятида меҳнатнинг ўрни ва ролини тўғри тушуниш ва бошқариш меҳнатга муносабатни ўзгартириш ва жамиятнинг ривожланиш омилларини аниқлаш имкониятини беради.”<sup>3</sup> Келтирилган таърифдаги муҳим фикр шундаки, унда “миллий руҳиятнинг намоён бўлиши...” ғоясининг илгари сурилаётганлигида кўришимиз мумкин. Ҳақиқатдан ҳам меҳнат қилиш шарт-шароитлари ва омиллари яшаш ва улардан фойдаланишда миллий руҳият ҳар доим намоён бўлади. Аммо, таърифда муаллиф томонидан кўрсатилган омилларда “Миллий руҳиятнинг намоён бўлиш усулидир”, - деган фикр биров ғализ чиққан.

Профессор Иброҳим Каримов миллий табиатни менталитет билан бир хил тушунча сифатида қарайди. У шундай ёзади:

---

<sup>1</sup> Назаров Қ. ва блшқалар. Фалсафа қомусий лўғат. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 2004. – Б. 257.

<sup>2</sup> Турғунов Ф. Меҳнат менталитети: янгилаш ва тараққиёт диалектикаси. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”. 2004. –Б. 13-14. *milliy jamiyati*”.

<sup>3</sup> Ўша манба. –Б. 14.

“Ўзбеклар тарихан бошқа миллатлар ҳамда ўзга диний эътиқод эгалари ҳис-тўйғуларига зўр ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган жаҳондаги заковатли миллатлар сирасига кирадилар. Саховатпешалик, очик кўнгиллилик, раҳм-шавқатлилик. инсонпарварлик, меҳмондўстлик, андишалик, иззат-икромлилик - булар ўзбек миллий табиати (менталитет)нинг ажралмас хусусияти бўлиб, бу каби фазилатлар туфайли улар ўз миллати шаъни учун курашиб келадилар.” Бу фикр ҳам қизиқарли ва илмий мунозара учун асос бўлади. Ҳақиқатдан ҳам муаллиф томонидан кўрсатилган фазилатларни “менталитет”га хос бўлган хусусиятларга киритиш мумкин. Аммо, унда “табиат” ва “менталитет” бир маънони англатувчи тушунча бўлиб қолаётир. Фикримизча, улар ўз ўртасида маълум фарқларни кўрсатганда яна ҳам аниқроқ бўлар эди. Хуллас, юқорида келтирилган таърифларнинг барчасида “миллий менталитет”нинг мустақил мақомига хос бўлган барча омиллар мавжуд. Улардан илмий истеъмолда бемалол фойдаланиш имкони мавжуд. Шунинг билан бир қаторда уларни такомиллаштириш, янада бойитиб боришга эҳтиёж юқори эканлигини эътиборда тутишимиз лозим бўлади.

Ушбу мулоҳазаларни келтиришимиздан мақсад мавзунинг моҳиятидан сал узоқлашган бўлсак-да, “менталитет” ва “миллий менталитет” тушунчаларининг моҳиятини очиклаб, аниқлаб олишдан иборат эди.

Хўш! Бошқарувда, давлат хизматчиси бошқарув фаолияти-да миллий менталитетнинг устувор бўлиш асослари нималарда намоён бўлади? Аввало, миллатимизга хос бўлган бошқарув жараёнларини шарқона қадриятлар негизида жамоавий удумлар билан уйғунлаштириш, эл-юрт, маҳалла-кўй назаридан қолмаслик, дину диёнатдан ташқари чиқмаслик тўйғуси назарда тутилади. Халқимизнинг миллий қиёфасини белгилайдиган ор-номус, ҳамият, мардлик, виждон амрига итоат этиш, адолатпешалик, ҳақгўйлик сифатлари йўқолмаслиги керак. Ҳаё, андиша, лафз, омонатга хиёнат қилмаслик, ростгўйлик дину исломимизда ҳам, халқ тушунчасида ҳам мустаҳкам ўрин олиб келган. Улуғ мутафаккирларимиз бу ахлоқий сифатларни ўз асарларининг бош ғояси қилиб белгилаган-

лар. Шулар асосида давлат ва жамият бошқарувида миллий менталитет, миллий бошқарув ҳақидаги тушунчалар шаклланиган. Албатта, ушбу сифат ва тушунчалар кеча ёки бугун шаклланиб қолган эмас, миллатимизга хос бўлган бундай гўзал сифатлар, фазилятга бой кадриятлар, ўрф-одат ва анъаналар узок ўтмиш, давлатчилигимиз тарихининг бошланиш тарихига бориб тақалиши шубҳасиз.

Шу нуқтаи назардан давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида миллий менталитетнинг устувор бўлиш асослари ва такомиллашиб бориш хусусиятларини кўйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

**биринчидан**, бошқарув жараёнида миллат ва халқнинг турмуш тарзи, ҳаёт кечириш удуми, меҳнат фаолияти маънавий-ахлоқий кадриятларнинг ўзига хослигини англаш муҳим аҳамият касб этади;

**иккинчидан**, халқимизга хос бўлган миллий менталитетнинг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий, маърифий мақомини ўрганиш ҳам амалий аҳамият касб этади. Уларнинг ҳар бирининг амалий аҳамияти шундаки, инсон, шахс, фуқаро, миллат, халқ, ижтимоий табақалар, синфлар ва бошқа бир қатор реал омилларнинг табиати, имконияти, уларга таъсир этувчи ва воситалардан умумманфаат йўлида мақсадли фойдаланиш учун шараоит ва имкониятни юзага келтиради;

**учинчидан**, давлат ва жамият бошқарувида тараққийётнинг бир сифат босқичдан иккинчи бир сифат босқичга ўтишида, ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларнинг содир бўлиши табиий ҳол. Юзага келган ўзгаришлар стихияли тарзда амалга ошмайди, балки, маълум объектив қонунлар асосида ва субъектив омилларнинг ўтказадиган таъсири натижасида амалга ошади. Ўзгаришларнинг натижаси бевосита ва билвосита миллий менталитетимизга хос бўлиб, уни инкор этмаган ҳолда амалга оширилиши зарурий аҳамият касб этади;

**тўртинчидан**, давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятларини амалга ошириш жараёнида миллий менталитетимизнинг воз кечиб бўлмайдиган жиҳатлари билан ҳисоблашиб боришлари талаб этилади. Зеро, ҳокимият бошқарувида миллий менталитет талабларидан чекиниш ёки уни идрок этмаслик бошқарув

механизмлари заифлашувига ва давлатни танназулга олиб келишига хизмат қилади.

Шу ўринда масаланинг муҳим сабабларидан бири – бу миллатнинг ўз-ўзини англаш муаммоси билан боғлиқлигида кўзга ташланади. Хадқ ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчиси, ягона тил, ўрф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши муҳим. Чунки, миллатимиз вакиллариининг кўпчилигини ўзининг жуъзий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қуя билиш хисси ўта секинлик билан намоён бўлди.<sup>1</sup> Ўзбек миллий давлатчилик тарихида сиёсий воқеаларнинг ўхшашлиги ва ана шу ўхшашликка ахлоқсиз хусусиятларнинг уйғун ҳолатда такрор келиши миллий руҳият ва менталитетлаги носоғлом иллатларнинг сақланиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни, бир пайтлар истилочиларнинг фойдасига хизмат қилган тилмочлик, хоинлик, луттибозлик, лаганбардолик, сиёсий саводсизлик, мансабпарастлик, иккиюзламачилик, айна пайтда, умуммиллий манфаат ва мақсадларни англамаслик қатағонлик йилларида ҳамда “Ўзбеклар иши” даврида ҳам айнан ана шундай услубларнинг янги кўринишлари намоён бўлди. Мунтазам олиб борилган аёвсиз таъқибларда бир-биримизни сотиш ва шу орқали маълум сиёсий имкониятларга эга бўлиш кайфияти устуворлик қилган. Айна пайтда, халқни бадном қилишди. Бошқача айтганда, “сопини ўзидан чиқаришди”. Ўзбек халқи ичидан чиққан, шу халқнинг нон-тузини еб катта бўлган раҳбарлар ва бошқа кишиларнинг қўли билан иш кўрилди.

Ўтган йиллар мобайнида халқимизнинг ўзлигини англаш миллий менталитет ва қадриятларни тиклаш борасида ўлкан ишлар амалга оширилди. Бу албатта, мустақиллигимизнинг бизга берган юксак имконияти ва бебаҳо неъматидир. Бугун ўтмишда топталган, қадрсизланган, ўрф-одат, анъана сифатида тилга олиниши ман қилинган миллий менталитетимизга хос бўлган барча қадриятлари-

---

<sup>1</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-омма боп лўғат. Тошкент. 1998. 254-бет.

миз қайта тикланиб, такомиллаштирилиб келинмоқда. Деярли унутилаёзганлари халқимиз, миллатимиз томонидан қайта кашф қилинди, тадқиқ қилинди ва энг муҳими бугунги миллий бошқарувимиз ҳам ана шу менталитетимизга, унинг манфаатларига мос тарзда олиб борилмоқда. Бўлажак янги давлатнинг янги давлат хизматчилари, янгича фикр, янгича тафаккур ва янгича руҳият билан камол топиб шу бошқарув руҳияти билан тарбияланмоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, биз бугун адолатли жамият мезонига таянган янги Ўзбекистон давлатини барпо этишга интилаётган эканмиз, бу жараёнда замонавий раҳбар кадрларга, давлат хизматчиларига эҳтиёжимиз тобора ошиб боради. Улар онги ва тафаккурини, иймон эътиқодини миллий менталитетимизга хос бўлган ўчмас қадриятлар билан бутун қилиш, иродасини мустаҳкам қилиш ва сиёсий билимларини ошириш, энг муҳими миллат, халқ дарди билан яшаш ҳиссини тўйишлари керак. Бугунги замонавий давлат хизматчилари ўз фаолиятларини миллат дарди ва манфаати билан уйғун тасаввур қилишлари давлатчилигимиз бошқарув тараққиётининг истиқболидан далолат беради. Масаланинг моҳияти шундаки, давлат ва жамият бошқарувида ўзимизга хос бўлган ўлкан тарихга эга бўлган миллий бошқарув тизими яратилган. Уни четдан ёки бошқа жойдан қидириш, кашф ёки тадқиқ қилиш заруриятдан йироқ бўлган машғулот.

Айни пайтда эътироф этиш керакки, миллатнинг тарихий анъана, ўрф-одатлари ва қадриятларини тарғиб қилишда, қолаверса, уни кенг ёйиш ва қайта тиклашда ҳамда очилмаган қирраларини қайта кашф қилишда зиёли шахсининг ўрни беқиёс. Миллат зиёллари халқ ва ҳокимият муносабатларининг адолат ва инсоф нуқтасида соғлом меъёрларнинг мувозанатини сақловчи бўғин бўлиб ҳам ҳисобланади. Уларнинг фаолияти билан жамиятда миллат руҳияти ва менталитетини соғломлаштирилишига олиб келувчи маърифий тарғиботлар амалга оширилади. Муносабатларнинг шу тариқа уйғунлашуви эса жамиятда адолат мезонларини мустаҳкамлаб боришига хизмат қилади. Шунинг учун жамият ривожига миллий менталитетнинг маънавий соғломлиги ва бунда миллат

зиёлиларининг масъулияти муҳим аҳамият касб этади. Шу мазмунда ҳақиқий зиёли – фидойи, етакчи давлат хизматчисидир. У даставвал руҳан мустақил шахс. Унга ташқаридан таъсир ёхуд таъзйиқ ўтказиб бўлмайди. У воқеа ва ҳодисаларни тўлалигича ўз изтироблари билан қабул қилади ҳамда ўз фаолиятида намоён этади. Шу тариқа халқ шунчаки билимли одамни эмас, ўз билимга эътиқод қилиб яшаган зиёлини миллат шахси даражасига кутаради.

Бу борада Мустафо Чуқайнинг зиёлилар тўғрисидаги фикрлари эътиборлидир. Жумладан, у шундай дейди: “Миллий зиёли на демакдур? Илк қарашда бу масала қулай курунса-да, ҳақиқатда бу суроқа тўғри жавоб бера билиш ўнгғай бир нарса эмасдир.

Ҳар ўқуғон, таҳсил кўрғон одамни зиёли, деб яшаш ва уни мансуб бўлган миллатининг “миллий зиёли” сифатинда санаш мумкинми? Табиий бу мумкин эмас. Биз ёлғиз бир белгини ғоя орқасидан юрган ва бу белгини теварагинда тўпланган ўқимишлиларнигина зиёли, деб атай оламиз. Миллий зиёлилар синфига эса ўз халқига сиёсий, ижтимоий ва ҳуррияти йўлида хизмат этмакчи бўлғон зиёлиларгина кира оладилар. Зиёлиларнинг вазифаси юксак ва муқаддас бўлғони каби кўп оғирдир.”<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, маълум бир ғоя атрофида бирлашиш, айна пайтда, сиёсий, ижтимоий ва ҳуррият йўлида хизмат қилмоқ миллат зиёлисининг масъулияти ҳисобланади. Шунинг учун халқнинг ҳукмдори эмас, зиёлиси қандай бўлса, унинг қисмати ҳам шундай бўлади.

Бугун риволанган давлатларнинг демократлашув жараёнлари натижаларига назар соладиган бўлсак, тараққиётнинг асосини иқтисодий технологик ривожланиш эмас, балки, мураккаб ахлоқий эврилишлар ва инқирозий ҳолатда тафаккур янгилинишига эришишдаги муаммоларда намоён бўлади. жамиятда маданий техник тараққиётнинг ахлоқий моҳиятини англамасдан ва ана шу йўлда миллат бирлашмасдан, у ҳеч қачон юксалмайди. Чунки, ҳар қандай юксалиш миллий ўзликини англашдан бошланади. Бундай ахлоқий-сиёсий куч жамият ривожига тўсиқ бўлиб келган эски

---

<sup>1</sup> Чуқай Мустафо. Ҳўқанд мухторияти. // Шарқ юлдузи, 2002, 2-сон. 129-бет.



тартибларни ўзгартиришга хизмат қилади.

Европацентристик карашлар (Гегел), Европани жуғрофий жиҳатдан устун қўйиш (Монтескье), капитализмнинг тарихан айнан Европада пайдо бўлиши тўғрисидаги тасаввурларнинг (Макс Вебер) барчаси Осиёча турмуш тарзи учун демократия мутлақо ёт бир нарса, деган беписанд фикрга асосланиш оқибати эди. Бугунги кунда Шарқнинг ўзига хос давлатчилик бошқарув анъаналари борлиги ҳеч бир кишига сир эмас. Хусусан, шарқона демократиянинг бир қатор устувор жиҳатлари мавжуд. Бу – ғоявий-фалсафий асосда шакланган инсонпарварликдир. Масалан: бизнинг буюк мутафаккир ва маърифатпарвар аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий карашлари, яратган ижоди мерослари негизида турли даврларда ўзига хос сиёсий миллий маданият шакланган. Кўриниб турибдики, миллий менталитетимизга хос бўлган, миллий кадриятларимиз устуворлигига асосланган давлат ва жамият бошқарувини шакллантириш, уни ижтимоий ва маданий жиҳатдан мукаммаллаштириш, унинг асосида аҳоли манфаатларини таъминлаш масаласи аждодларимизнинг илк цивилизация даврларида назарга тушади. Бу эса, давлатчилик бошқарувининг назарий ва амалий асослари дастлаб Шарқда – Турон заминда юз берганидан далолат бериб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, 125 йил мобайнида Чоризм ва СССР истибдодида яшаган Туркистон халқининг ватанпарвар, фидоий фарзандлари ушбу асоратга барҳам бериш мақсадида пинҳона қаршилик кўрсатиб келганлар. Масалан, 1887-1898 йилларда Фарғона, Самарқанд ва Сирдарёда мустамлакачиларга қарши 658 марта 1890-1917 йилларда 4922 марта хужумлар бўлиб ўтган.<sup>1</sup> Бу аввало, Туркистон халқларининг мустақилликка, истиқлолга эътиқоднинг кучлилиги ва дунё ҳамжамиятига қўшилиш орзусининг юксаклигидан далолат эди. Бу борада, жадинлар ўз олдида қўйган мақсадлари йўлида жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, мустақиллик учун кураш олиб борди. Жадинлар Туркистонда республика ваколатига кирадиган масалалар бўйича

---

<sup>1</sup> Каримов Иброҳим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. -Тошкент: “Фан”, 2007. -59-бет.

қонунларни нашр этиш, ҳокимият, бошқарув ва суднинг олий органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиш ва ҳоказоларга жиддий эътибор билан қараганлар. Шу тариқа демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб қўйилган. Унда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши ва конституциявий кафолатланиши масалалари кўзда тутилган. Бу борада Бехбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси”<sup>1</sup> номли дастури бевосита жаҳидчиларнинг Туркистонда демократик давлат куришнинг назарий асосларини яратишга бўлган интилишлари, деб қараш мумкин.

Миллий менталитетимизнинг асосий хусусиятлари бўлган яхши, эзгу ахлоқ ҳеч қачон қонунларнинг амал қилишига, бозор иқтисодиди ривожига ёки бошқарув жараёнида ҳокимиятлар ишининг юритилишига тўсқинлик қилмайди. Аксинча, фозиллик, аҳду фаросат, покиза ахлоқ умумий тараққиётга ёрдам беради. Бу гапни айтаётганимиз бежиз эмас, албатта. Чунки, Фарбдаги айрим "ўта либераллар" (чунончи, Сорос жамғармаси атрофида уюшганлар) миллий ўрф-одат, анъаналар жамиятни бошқарув тизимида зид келади, шунинг учун улардан иложи борича воз кечиш керак, деган қарашни тарғиб этмоқда. Уларнинг назарида, демократия бу — ҳамманинг Америка ёки Европа турмуш тарзи, анъаналарини қабул қилишидир. Бунинг учун Шарқ мамлакатлари ўз миллий менталитети, миллий қиёфаси, маънавий-ахлоқий қадриятларидан воз кечиши даркор. Яъни, ёппасига америкалаштириш, христианлаштириш йулидан бориш. Масалан, фарзандлар вояга етгач, ота-она насиҳатларига қулоқ солиши, улар билан маслаҳатлашиши шарт эмас, ҳатто оилада ҳам ҳар ким ўзи учун яшайди, эр хотин ишларига, хотин эрининг ишларига аралашмайди.<sup>2</sup>

Айни дамда бу фикрлар ўзининг рўй-ростлиги, қолаверса, қанчалик муҳимлиги билан ажралиб турибди. Чунки, бугунги кунда диний, миллий ва умуминсоний қадриятлар, муқаддас ислом

---

<sup>1</sup> Бехбудий М. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси // Жаҳон адабиёти. - Тошкент: 2009. -146-бет.

<sup>2</sup> Маърифатли жамият муҳолифлари. -Тошкент: “Академия”, 2005. -25-бет.

дини ниқоби остида дунёга гегемонлик қилишга интилувчилар сони кам эмас. Мақсад, у тартибли бўладими ёки тартибсиз воқеликни вужудга келтирадими қаъти назар дунё одамларини ёппасига бошқаришга интилиш орқали мутаассибликка йўналтириш. Бу умуман мантиққа тўғри келмайдиган хатти-ҳаракат, деб баҳоласак ажаб эмас. Беҳаёлик, бир аёлнинг бир йула бир неча эркак билан алоқа қилиб юриши (ҳатто бунда пайдо бўладиган боланинг отаси ким бўлиши ҳам муҳим эмас), бетгачопарлик, андишасизлик каби Ғарбда ривожланган ахлоқни бизнинг ёшлар онгига сингдиришга ўринмоқдалар. Бунинг тагида жуда катта фалокат, миллатнинг ҳалокатга дуч келиш эҳтимоли йўқ эмас, албатта.

Шунинг учун ҳам дунё бошқарувининг бизга хос йўли Шарқона демократия тамойилларни, ахлоқий мезонларини, унинг кадриятларини ўзимизга мукамал сингдириш. Бошқарувнинг бундай тизимда миллий яхлитлик, манфаатлар умумийлиги рад этилмайди, аксинча, ушбу гармония қонунларига мувофиқ ранг-баранглик бўлишини ёқлайди. Ғарбда демократия, айниқса либерал демократия, индивид манфаатларини умумманфаатларга қарши қўяди, шахс эркини, кишилар ўртасидаги рақобатни, ким ўздини улуғлайди.<sup>1</sup>

Шунга мувофиқ шарқона демократиянинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, у ота-онага ҳурмат, андиша, миллий босиқлик, ёши улуғларга ҳурмат, ўзаро маслаҳат, ҳар қандай кескин масалада ҳам томонларнинг келишувларига, муросага асосланадиган фаолият ҳисобланиб, ана шу хусусиятлари билан ушбу ижтимоий тушунча Ғарб демократиясидан маълум маънода анчагина фарқ қилади. Бундан ташқари, шарқона демократия, турли хил сиёсий тартибсизликлар, бошбошдоқлик ва митингбозликни миллий манфаатларга зид деб қарайди ҳамда жамият ва давлатнинг ички масалалари – ҳар қандай фундаменталистик ва қуроли кучларга асосланган ҳаракатларни қоралаган ҳолда, ўз фаолиятини

---

<sup>1</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Тошкент: "Ўзбекистон", 2007. -44-бет.

ўзига хос маданият тамойиллари асосида йўлга қўяди.

Шарқона демократия ҳам, умумий демократия сингари, сиёсий плюрализм, алтернатив жараён ҳамда ҳар бир шахс ёки гуруҳ эркинлигига асосланган манфаатларни ҳимоя этишни ўз фаолиятининг асосий тамойилларидан бири, деб ҳисоблайди, ушбу ҳаракатлар шарқона одоб ва қоидалар доирасида амал қилишни талаб этади. Шунини ҳам айтиш керакки, турли даврларда, муайян адабиётларда шарқона демократия, унинг тарихи, ижтимоий илдизлари ва руҳий заминлари деярли ўрганилмаган. Чунки, яқин ўтмишдаги истибдод тузуми ва ҳукмрон мафкура, демократик қоидаларга зид ўлароқ, жамият муаммоларини фақат синфий кураш, зўравонлик, зулм, қузғолон, исён йўли билан ҳал қилишни тавсия ва талаб қилар эди. Бу, албатта, собиқ тузум таназзулини ва ҳалокатини тезлаштирди. Қайси бир жамият, тузум ўз сиёсий фаолиятида демократик тамойилларни миллий ҳамда маҳаллий шароитлар, шахсининг эркинлик талабларига мослаштира олмас экан, у сиёсий бошбошдоқлик ҳамда иқтисодий инқирозга маҳкумдир. Буни айрим собиқ иттифоқдош республикалар (мисол учун, Қирғизистонда рўй берган хунрезликлар) мисолида кўриш мумкин

Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, адолатли жамият мезонларига таянган янги Ўзбекистонда Шарқ демократиясини тиклаш, асослаш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича катта ишлар бажарилмоқда. Жумладан, **биринчидан**, аждодларимиз тарихий тажрибаси инобатга олинган ҳолда, бугунги кунда, мукаммал шакл касб этган шарқона демократия қоидаларига асосланган кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда; **иккинчидан**, шу туфайли, республикамиз умумжаҳон миқёсида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, йилдан-йилга иқтисодий ва маънавий юксалиш сари дадил одимлар билан қадам ташламоқда; **учинчидан**, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий ўрф одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда; **тўртинчидан**, ўз-ўзини бошқариш мақсадида маҳалла институтларини ташкил

этилиши, оилани муқаддас даргоҳ сифатида қабул қилиб, унинг аъзоларини бирдек ҳурмат – иззат қилиш барчамизни мамнун этади. Шунингдек, эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва истикболдаги ҳаётимизга онгли тарзда назар солишни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ана шу инсоний бурчимизни оқилона адо этиш учун шарқона демократия тамойилларини юртимиз миқёсида тез суръатда жадаллик билан олиб кириш, унинг ижобий омилларидан оқилона фойдаланиш мақсаддан ҳоли бўлмайди.

Бундай муносабатларнинг амалга ошуви жараёнида миллат руҳияти ва менталитетини муҳим омил сифатидаги мувозанатини таъминлаш муаммоси, энг аввало, давлат хизматчилари бошқарув фаолиятларининг нечоғли даражада миллий, диний ва умуминсоний кадриятлар асосида инсон манфаатларига мос тарзда шакллантирилишига боғлиқ бўлади. Яъни, давлат хизмати ва бошқарув механизмлари халқнинг ижтимоий-сиёсий манфаатларига ва ҳокимият бошқарувида иштирокини таъминлаш даражаси билан белгиланади. Бунда фуқаролар ўз эркинлиги ва манфаатларига эришишларининг реал имкониятларини шакллантиради. Улар ўз салоҳиятлари даражасида ижтимоий-сиёсий муносабатларда иштирок этиш ваколатларини қўлга киритадилар. Айнан ана шу омил давлат хизматчилари бошқарув фаолиятининг миллий менталитетга, миллий руҳиятга нисбатан мувофиқлашувига олиб келади.

Шунинг учун ҳам ислоҳотларнинг дастлабки босқичиданоқ, **биринчидан**, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий тафаккурини уйғотиш, уларнинг ҳар томонлама ташаббускорлигини, давлат ва жамият бошқарувидаги фаоллигини ошириш маънавий ўзгаришларнинг марказига қўйилди. **Иккинчидан**, собиқ мустабид тузум даврида бир томондан, тафаккур қарамлигини рағбатлантирувчи, иккинчи томондан, эркин фикрловчи кишиларни жазолаш, жисмонан йўқ

қилишнинг мукамал мафкуравий механизмини яратган эди. Шунинг оқибатида кишилар онгида сақланиб қолган юқоридан кўрсатма, буйруқ ва қарорлар кутиш каби фикр қарамлиги кўринишларидан бутунлай воз кечилди. **Учинчидан**, истиқлол йилларида олиб борилаётган тадрижий ислохотлар жараёнида миллат ва халқнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини таъминлаш устувор вазифа эканлиги инобатга олинди. **Тўртинчидан**, жамиятни демократлаштириш муносабатида миллий ва умуминсоний қадриятларни инобатга олган ҳолда демократиянинг халқимиз менталитетига мос андозалари шарқона демократия тизимига айнанлаштирилди.

Шарқона демократия асли тарихий жараёнда вужудга келган бўлиб, шу маънода, турлича моделларда намоён бўлади. Шарқона демократиянинг бирдан-бир, ягона рецепти йўқ. Унинг мақсади миллатларга ва жамиятларга ўз ихтиёрларига мувофиқ ҳаёт кечириш имкониятини беришдир. Шарқона демократиянинг эътиборли жиҳати шундаки, у Шарқ халқларининг давлатчилик бошқарувида миллатларда турлича бўлиши мумкин. Лекин унинг асосий бир шарти бор: миллат ва жамият орасидаги масъулиятга шериклашиб, шунга мувофиқ равишда иш қонунларига бўйсунishi керак бўлади. Яъни, бу муносабатда бошқарув тизими шахснинг эркинлик фаолиятига, инсонпарварлик тамойилига амал қилиши тақозо этилади. Худди шу мақсад асосида биз халқимизнинг муқаддас қадриятлари ҳамда ўлкан тарихий меросига таяниб, умумэътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз.

Шарқона демократиянинг асосий рамзи бўлган виждон эркинлиги тамойили – одамзод азал-азалдан интилиб келган, хилма-хил даража ва кўринишларда амалга оширган умуминсоний тамойиллардан биридир. **«Виждон эркинлиги» «эътиқод эркинлиги»** тушунчасидан кенгрок мазмунга эга бўлиб, у муайян кишининг бирор динга, ғояга эътиқод қилиши ёки умуман эътиқод қилмаслигини ҳам англатади. Инсон диндор, динсиз даҳрий ёки художуй бўлиши, бут ва санамларга сиғиниши, бутунлай худосиз

бўлиши ҳам мумкин. Бу тамойил виждон ва бурч, жамиятдаги бошқа умуминсоний талабларни тан олмаслик, турли ақидаларни мутлоқлаштириш, бошқалар учун қадрият бўлган нарсаларни менсимаслик дегани эмас. Балки, кишининг ишончи, эътиқоди соҳасидаги англаб олинган эркинлиги, жамият қонунларига мос ҳаёт кечириши демакдир. Ғоямизнинг, фикрлар ранг-баранглигини қарор топтиришнинг асосий тамойили – миллат тақдири билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Бу тамойил оламда турли туман бўлган инсоният дунёсидаги хилма-хилликнинг, одамлар фикрлаши, орзу-умидлари, ғоя ва мақсадлари соҳасидаги ранг-барангликнинг уйғунлигини ифодалайди. Фикрлар хилма хилооиги шарқона демократия андозаларининг тез суръатлар билан илдиз отишига куч бағишлайди, унинг такомиллашувига ёрдам беради. Шунинг асосида шарқона демократиянинг ривожланиш тенденцияси хилма-хил фикрлар билан бойиб боради, турли ғояларни ўзига доимий сингдириш – имкониятига эга бўлади. Шарқона демократиянинг асосий тамойилларидан бири диний, миллий, умуминсоний ва интеллектуал қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.

Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш мезони тарихий тараққиёт давомида шаклан ва мазмунан бойиб борган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, жамият ҳаётини демократлаштириш энг ривожланган давлатларда ҳам юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига эришгани йўқ. Ҳар бир миллат ва жамият, ҳар бир давр демократияни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хосликка эга бўлади. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби бир қатор омиллар билан белгиланади. Жамият ҳаётини демократлаштириш характерини белгиловчи умумий мезонлар бор. Бу демократиянинг умумий тамойилларига риоя қилиниши, демократик институтларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Жамиятни демократлаштириш моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан

жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, давлат ва жамият бошқаруини демократлаштириш муносабатида давлат хизматчиларининг фаолият эркинлигини таъминлаш масаласида Ғарб демократияси ҳуқуқий қонунларга суянган ҳолда иш кўради. Яъни индивидуал шахс ва жамият эркинлиги масаласи қонунга мувофиқ тартибга солинади. Бироқ, ижтимоий ҳаётда юзага келадиган барча муаммоларга, воқеликларга ва ҳолатларга ҳуқуқий меъёрларга асосланган қонундан жавоб топиб бўлмайди. Бундай ҳолларда шарқда асрлар мобайнида шаклланиб, синовдан ўтган дунёвий ва диний, ахлоқий ва маънавий қадриятлар қўл келади. Шарқда ҳам давлат хизматчиларининг фаолият эркинлиги ва унинг ҳуқуқий манфаатлари мукамал даражада ҳисобга олинади. Бунда, аввало, шарқона демократия принципи устувор туради. Лекин, шахс хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, жамиятдаги ўрни, масъулиятини идрок этиш ҳолатларига баҳо берилганда муайян гуруҳ, этнос, халқ, миллат, жамиятнинг манфаатлари, ҳуқуқларига алоҳида қадриятлар, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ёндашилади.

Айни маънода, жамиятни демократлаштириш жараёни бу ҳар икки омилдан уйғун ҳолда фойдаланиш эркинликни ва ўз кадр-қимматини, инсоний ғурурини барча нарсадан устун кўядиган курашчан авлод дунёга келишининг кафолатидир.

Эътибор қиладиган бўлсак, давлат ва жамият бошқаруви демократик жараёнлар билан бир қаторда маънавий жиҳатдан муттасил ривожланиб боришида ҳар бир инсон томонидан ўзи яшаётган, тарихий бирлик моҳиятини, унинг ҳар бир даврини ўрни ва аҳамиятини, мақсад ва вазифасини англаш муҳим аҳамиятга эга. Тарихий бирликларнинг ҳар бир даврини билиш ана шу давр яратган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган қадриятларни ўрганишдир. Зарурият бўлса ана шу муҳим қадриятларнинг муайян томонлари, жиҳатлари ҳам янги тарихий давр хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта тикланиши лозим бўлади. Демократия илми борасидаги мутахассислар фикрига биноан, инсонларда демократик маданиятни шакллантириш учун таълим жараёнида ёш авлодга жамиятнинг



маданияти ва урф одатлари ҳақида муайян махсус билимлар бериш зарур.<sup>1</sup> Бундан мақсад ҳар бир жамиятнинг ахлоқий маданияти ва диний урф одатлари шу жамиятга хос бўлган қадриятлар орқали ўз ифодасини топади, ўрганилади. Зеро, бундай жараёнда қадриятлар, ўрф одат миллат шаъни-хурмати ва юзи сифатида намоён бўлади.

Мавзумизда давлат хизматчилари бошқарув фаолиятида миллий менталитетнинг устуворлигини таъминлаш хусусидаги фикр ва мулоҳазаларимизни умумлаштирган ҳолда қўйидаги хулосаларга келамиз:

**Биринчидан**, миллатнинг менталитети ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий ҳолатларнинг шаклланиши, унинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ ҳолда узоқ давом этадиган мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Зеро, менталитет миллатнинг ички кечинмалари, дарду ҳасратлари, шодлигу хуррамлиги акс этган миллий анъана, ўрф одат ва вадриятларида намоён бўладиган маънавий мезондир. Менталитет шаклланишининг объектив ва субъектив омиллари, яъни тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий асослари хусусан, бу тарихий жараёнда яратилган миллий ва умуминсоний қадриятлар унинг маънавий асосини ташкил этади;

**Иккинчидан**, давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятида миллий менталитетнинг устуворлигини таъминлашга қаратилган муаммоларнинг ечими бир мақсадга — инсон манфаатига хизмат қилишига қаратилган. Шу жиҳатдан уларнинг айрим ва алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда мувофиқлаштириш даражаларини ривожлантириш муҳим илмий аҳамият касб этади;

**Учинчидан**, давлат хизмати, давлат хизматчи, менталитет ва миллий менталитет категорияларининг жамият ҳаётида ахлоқий, ижтимоий, маънавий воқеликларини инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракати аниқроғи, умумэътироф этилган миллий, дунёвий ва диний қадриятлар тизимида, анъанавий ва замонавий ахлоқий меъёрларга

---

<sup>1</sup>Қаранг: Давид Битэм. Кевин Бойл, демократия: 80 саволга 80 жавоб. -Тошкенто.: 2001. -110-бет.

мос келишини таъминловчи ҳамда белгиловчи услуб сифатидаги аҳамияти очилди. Уларнинг миллат тақдири билан боғлиқ орзу-ҳаваслар ва истак-майллари ички тартибга солиш, адолат, тенглик ҳуқуқий муносабатлар ва инсоний манфаатлар устуворлигини уйғунлаштиришга қаратилган илмий омиллари очиб берилди;

### **3.2. ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА МЕЗОНЛАРИ ВА МУВОФИҚЛИК ДАРАЖАСИ**

Жаҳон халқлари орасидаги тобора чуқурлашиб бораётган интеграция, иқтисодий муносабатлар, ахборот алмашинув жараёнлари ҳар бир тузум, жамият, ташкилот ёки гуруҳ олдига ўз фаолиятларини ушбу ҳодисаларнинг бугуни ва келажagini ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш вазифасини юкляпти. Ана шундай жараёнда жамият ҳар доим бошқарувчи ва назорат қилиб турадиган сиёсий кучга эҳтиёж сезади. Агар, ушбу тузилма мавжуд бўлмаса, жамиятда парокандалик вужудга келади.

Жаҳондаги барча давлатлар ўз сиёсий ҳокимиятларини амалга ошириш жараёнида, албатта, давлат хизматини ташкил этадилар. Ушбу ҳақиқатни тўғри англаган муҳтарам биринчи Президентимиз Ислон Каримов бу хусусида шундай таъкидлаган эдилар: “Давлат бошқарув тизимининг ўзини ривожланган ва демократик давлатлар намуни асосида уларга ўхшатиб такомиллаштириш тўхтовсиз жараёндир.” Шу нуқтаи назардан ушбу хизмат фаолиятини амалга ошириш эса ҳар бир давлатнинг белгилаб қўйилган қонун-қоидаларига асосан давлат хизматчиларининг фаолияти орқали амалга оширилади. Давлатларнинг ривожланиши, мамлакатлар тараққиёти, энг аввало, давлат хизматини оқилона ва тўғри ташкил этиш, Давлат хизматчиларининг самарали фаолиятига чамбарчас боғлиқ бўлади. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида давлат бошқарувини модернизация қилиш ва демократлаштириш, давлат хизмати тизимини такомиллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат бошқаруви соҳасида

замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтиш даврида фуқаролар тинчлигини таъминлаш ва миллий келишувга эришиш қисқа муддатли сиёсий вазифалар сифатида қад тиклаган бўлса, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш – стратегик мақсад қилиб белгиланди.

Ушбу мақсадларга эришиш ва уни янада мустаҳкамлаш учун мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан янгилаш ва тараққиётнинг ўзига хос “Тараққиёт стратегияси” ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди. Унда ривожланган мамлакатлар тажрибаларига таянган ҳолда, миллий давлатчилигимизнинг кўп асрлик ривожланиш хусусиятлари ҳамда ўзига хосликларини ҳисобга олиш кўзда тутилди. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади бўлиб давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият хотиржамлигини таъминлаш, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган тамойиллар ва бошқа ҳолатлар асосида оммавий манфаатларни қондириш ҳисобланади. Давлат хизматини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири – бу давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллитини ошириш. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Бу ҳолат ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий белгиси ва талабидир. Давлат, унинг органлари инсонлар учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш беради. Айнан, давлат хизмати ва унда фаолият юритаётган хизматчилар давлат ва жамият олдида турган юксак вазифаларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайдилар.

Давлат хизматчиси тушунчаси хусусида тадқиқотимизнинг олдинги бобларида тўхталиб ўтган эдик. Қолаверса, бир қанча илмий, ижтимоий-фалсафий адабиётларда ва тадқиқотларда ушбу тушунчага оид турли фикрларни ўчратиш мумкинлиги ҳам таъкидлаб ўтилган эди. Албатта, бизнинг эндиги мақсад ва вазифамиз “Давлат хизматчиси” га берилган таъриф ва таснифлардан келиб чиққан ҳолда “Замонавий давлат хизматчиси”

тушунчаси моҳиятини ёритиш, уни илмий истеъмолдаги мазмунини аниқлаштиришдан иборат. Хўш! “Замонавий давлат хизматчиси” деганда, энг авало, кимни тушуниш керак!? Унинг бошқа давлат хизматчиларидан фарқи ва тафовути нимада!? Уни нималар билан изоҳлаш керак? Кўриниши, кийиниши, ўзини тута билиши, гапга чечанлиги ва шунга ўхшаган хислатлар билан баҳолаш кеаракми? Бу савдо худди “Зиёли”, деганда кимни тушунасиз?, ҳар бир ўқимишли, дипломи бор, пўрим кийинган, керак бўлса жамиятда бошқалардан ажралиб турадиган инсоними? Каби саволларга жавоб топишдек масъулиятли ишдир. Чунки, ҳар иккаласининг ҳам жамият учун бажарадиган иши, миллат олдидаги бурчи ва садоқати шарафга тўла.

Профессор Т.Алимардонов “Зиёли ким ёхуд орифликнинг масъулияти нимада?” номли мақоласида зиёли шахсини шундай баҳолайди: - “... зиёлиликни белгиловчи энг муҳим мезон – унинг ички эркинлигида, эзгулик ҳимоясига қаратилган фаолиятида, ўз идеалларидан чекинмоқ унинг учун ўлим билан баробар. Зеро, эркинлик зиёли учун мавжудлик ва бунёдкорлик қудратининг манбаи. Зиёли ўзгалар ожизлигини ҳис қилади, уларга шерик ва ҳамдард бўлади. Инсоният қисмати ва фожиасини ўз қалб дарди сифатида қабул қилади.”<sup>1</sup> Албатта, бу қиёсий таҳлил бўлиб, қолаверса, шунга оид баҳсли ва таҳлилий мулоҳазаларимизни келгусида яна давом эттираемиз. Аввало, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек “замонавий давлат хизматчиси” тушунчасини очиқлаб олсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, бугун макон ва замонда давлатчилик тараққиёти билан, айниқса, унинг бошқарув хусусиятлари юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар беқиёс даражада ўзлигини намоён қилмоқда. Турли интеграцион жараёнлар, воқеъликнинг ёруғлик тезлигида бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга ўтиши, давлатлар, халқлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг, керак бўлса юз берадиган баъзи зиддиятли ҳолатларнинг рўй бериш ҳар қандай давлат хизматчисидан ўта хушёрликни, зийраклик ва

---

<sup>1</sup> Т.Алимардонов. Зиёли ким ёхуд орифликнинг масъулияти нимада? “Адолат” газетаси. №1. Т.: 2021.

ташаббускорликни, ички ҳиссиёт устуворлигини талаб қилади. Шу жиҳатдан ҳам бугунги замонавий давлат хизматчиси легенда – закон билан ҳамнафас, замонавий билим ва технологияларни мукамал ўзлаштирган, тийран фикр ва тафаккурга, ўз нутқини етказа олиш ва халқаро муносабатларда дипломатик қобилиятга эга бўлган ҳамда этикет қоидаларини мукамал ўзлаштирган, энг муҳими, юксак маънавий-ахлоқий қиёфага эган бўлган инсон шахси тушунилади.

Глобаллашув жараёнида кўпгина давлатларда “давлат хизмати” тушунчасига нисбатан ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар иқтисодчи олимлар томонидан турлича таъриф берилган. Бугунги кунда давлат бошқарувидаги туб ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда “Давлат хизмати” тушунчасига ойдинлик киритиш унинг кенг қамровли фаолиятига баҳо беришда давлат хизматчилари, яъни “инсон омили” нинг ўрни масаласига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳаётини тажрибадан маълумки, давлат ҳокимиятини амалга оширувчилар – давлат хизматчилари янги давлатга мос келишлари, унинг бошқарув тизимини модернизация қилишда фаол иштирок этишлари, давлат механизми ва жамият юксалишида энг асосий субъект бўлиб қатнашишлари лозим. Бундай фикрларнинг хилма-хиллиги, асосан, давлат хизматчиси томонидан турли ижтимоий функцияларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу табиий ҳолат бўлиб, давлат хизматчиси тушунчасини белгилашда аниқ бир мезондан келиб чиқишни истисно этади.

Бундан ташқари замонавий давлат хизматчиси тушунчасини уч маънода кўриб чиқиш мумкин:

***биринчидан,** давлат-ҳуқуқий нуқтаи назаридан замонавий давлат хизматчиси – бу турли хусусиятдаги ва аҳамиятдаги ваколатларга эга бўлган давлатнинг (давлат органларининг) хизматини амалга оширувчи ҳисобланади. Хизматчилар давлатни давлат маъмуриятининг ичидаги турли ижтимоий муносабатларда ёки ташқи алоқаларда давлат номидан ҳаракат қилади. Давлат хизматчиси – давлат ва жамият тараққиётининг маҳсули бўлиб, давлат функцияларини амалга оширади;*

***иккинчидан,** маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан замонавий*

*давлат хизматчиси – махсус ҳоқимият, ташиқллаштирувчи, фармойиш берувчи ваколатларга эга. Давлат хизматчиси юрисдикциявий (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) чоралар ва ваколатларни амалга ошириш ва маъмурий-ҳуқуқий санкцияларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ҳоқимият вакилидир;*

***учинчидан,** жиноят-ҳуқуқи нуқтаи назаридан давлат хизматчиси – жиноий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобланади (давлат хизматчиси – мансабдор шахс – мансаб жиноятлари учун жавобгарликка тортиладилар). Демократик ҳуқуқий давлатнинг вужудга келиши, албатта, жамият учун жуда муҳим жараёндир. Аммо, қўйилган мақсадлар қуруқ гап бўлиб қолмай, рўёбга чиқиши учун мазкур ўзгаришларнинг асосий муаммоларини аниқлаб олиш муҳим. Бу муаммолардан бири Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш муаммолари ҳам юқорида қайд этилган муаммолар қаторига киради. Зотан, нафақат давлат хизматининг ҳолати, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган барча демократик ўзгаришларнинг тақдири ана шу муаммолар ечимига ўзвий равишда боғлиқдир. Давлат хизматини ўташ жараёни билан муайян даражада боғлиқ бўлган энг муҳим муаммолар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:*

*- Ўзбекистон давлат хизматини методологик жиҳатдан асослаш муаммолари;*

*- бошқарув назариясининг «мақсад», «вазифа», «функция» каби муҳим категорияларини давлат хизматига татбиқан ишлаб чиқиш;*

*- фуқаролик жамияти институтлари билан давлатнинг ўзаро муносабати; давлат хизматининг предмети ва ҳажмини аниқлаш;*

*- давлат хизмати яхлит тизимини шакллантириш зарурлиги; давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликда қарамақаршилик ва камчиликларни бартараф этиш ва уни комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш;*

*- жамиятимизда давлат хизматининг обрўсини ошириш; давлат аппарати фаолиятида айрим гайриижтимоий ҳодисалар (сансалорлик, бюрократизм, ҳоқимиятнинг халқдан узоқлашиши, айрим амалдорларнинг жиноий унсурлар билан тил топишиши ва*

*бошқалар) тарқалганлиги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарасизлигини келтириб чиқаради.*

Бу соҳадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш жуда кўп омиллар билан белгиланади. Давлат бошқаруви янги тизимининг шаклланиши давлат хизматини ислоҳ этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Давлат хизмати тизимини, айниқса, ижро этувчи ҳокимият давлат органлари тизимини қайта ташкил этиш тузилмавий кўриниш касб этади. Бироқ, масалан, Асосий Қонуннинг ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим таркибий қисми бўлган Ҳукумат (Вазирлар Маҳкамаси) га бағишланган XX бобида ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлган ижро этувчи ҳокимиятнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида тушунча берилмайди. Табиийки, бу ҳол келгусида Конституцияга мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият тизими тўғрисида махсус боб ёки бўлим киритилишини, унда ҳокимиятнинг ушбу тармоғининг тузилмавий ва функционал таркиби, унинг функционал вазифаси белгиланишини, ушбу тизимни шакллантирувчи органлар асосий даражаларининг ҳуқуқий мақоми янада легитимлашуви учун асослар яратилишини тақозо этади.<sup>1</sup>

Яқин истиқболда давлат хизматини ислоҳ этиш бўйича ишларнинг асосий йўналишларини белгилайдиган ҳуқуқий манбаларни ўрганиш қуйидаги вазифалар назарий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этишини кўрсатди: давлат хизмати турларини ҳуқуқий расмийлаштириш; Ўзбекистон

Республикасининг давлат хизмати ва давлат хизматчиси тўғрисидаги бўлажак конституциявий қонуни, бевосита амал қиладиган қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари негизида давлат хизматини тартибга солишнинг комплекс норматив-ҳуқуқий асосини яратиш; давлат хизмати соҳасида кадрлар сиёсатини ўтказишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати ва давлат хизматчиси тушунчаларини тўлиқ

---

<sup>1</sup> Исломов З.М. Проблемы власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. – Т.: ТГЮИ, 2003. – 175-176-бетлар.

хуқуқий жихатдан асослаш учун хизмат қилади.

Давлат бошқарув тизими, давлат хизматини янада такомиллаштириш мамлакатимизда ўтказилаётган маъмурий ислохотларда ўз аксини топмоқда. Давлат органлари, уларнинг ҳар бир тузилмаси ўз олдига қўйилган вазифаларни аниқ бажарса, халқ манфаатини кўзлаб, унинг иродаси ва умидларини рўёбга чиқариш учун хизмат қилса, ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришиш мумкин бўлади. Давлат томонидан мамлакат тараққиётининг таъминланишида, фуқаролар манфаатининг ҳимоя қилинишида, умуман ўз вазифасининг мувоффақиятли бажарилишида давлат хизматининг тўғри йўлга қўйилиши муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам давлат хизматини тўғри ташкил этиш, ундан самарали фойдаланиш мақсадида уни ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принципларини белгилаб берадиган назарий ғояларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш, унинг хуқуқий асосларини аниқ белгилаб олиш зарур бўлади.

Бугун дунё тажрибасида кадрлар сиёсатини амалга ошириш борасида уч хил модель анивланган. Булар марказлашган, қисман марказлаштирилган ва аксил марказлаштирилган либераль моделлардир.

**Марказлашган модель** - кадрлар сиёсатини ва давлат бошқарув фаолиятининг тоталитар-авторитар модели ҳисобланади. Кадрлар фаолиятини партиявий монополияга айлантирган собиқ совет тузуми бунга мисол бўла оладик, давлат бошқаруви ва кадрлар фаолиятини ҳаддан ташқари марказлаштириш давлат ҳамда жамиятга катта зиён етказди, уни ривожланиш қв амалийлигидан маҳрум қилади.

**Қисман марказлашган модель** – бундай модель кадрлар сиёсатини маъмурий асосда бошқаришдан фарқли ўлароқ кадрлар жараёнини жамиятдаги демократик ислохотларга ҳамоҳанг равишда йўналтиради, тартибга солади.<sup>1</sup> Республикамизда олиб борилаётган ислохотларни давлат ва халқ манфаати йўлида изчиллик билан

---

<sup>1</sup> В.В.Черепанов. Основы государственной службы и кадровой политики. –М.: ЮНИТИ-ДАНА. Закон и право. 2008. С 356.



амалга ошириш, иқтидорли, изланувчан, замонавий билимга эга, Ватанга садоқатли ёшларга кенг йўл очиб бериш бирламчи вазифалар қаторига кириб келмоқда. Айни пайтда, ижтимоий муаммоларни еча оладиган, аввало, уни теран англай оладиган ислохотлар жараёнида жонкуярлик қила оладиган, маънавий ахлоқий баркамол қодир замонавий давлат хизматчиларини бошқарув бўғинларига жалб этиш асосий ва бош масала сифатида қаралмоқда.

*Аксилмарказлашган либераль модель* – бу таълимотга мувофиқ давлатга жамият бошварув борасида маълум хизматларни амалга оширувчи социал институтлардан бири мифатида қаралади. Ҳали фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнида бўлган давлатларда бундай модель мутлақо тўғри келмайди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳаттоки, ривожланган давлатларда ҳам агар давлат жамият бошқаруви учун масъулиятни зиммасига олмаса, (айниқса кадрлар борасида) унда ижтимоий беқарорлик муаммоларининг келиб чиқиш вазияти кучайиб боради.

Эътибор қиладиган бўлсак, давлат хизматчилари бўлган раҳбар кадрлар фаолиятини ташкил этишнинг маънавий ва ахлоқий восита ҳамда услубларини жорий этиш ҳамда унинг малакавий талабларини белгилаш, давлат хизматчиларининг профессионаллашган даражасини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий ва амалий тадбирлар, тамойиллар, қарашлар ва билимлар тизимини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган жараён эканлиги кўзга ташланади.

Ўтган йиллар давомида давлат хизматчиларининг фаолиятларини тартибга солишга ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун шароитлар яратилишига қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида” ги, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” ги, “Давлат божхона хизмати тўғрисида” ги, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги каби қонунлар. Бироқ шу қаторида маълум органлар давлат хизматчиларининг фаолиятларига келажакда эътибор беришимиз ва давлат хизматини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар-

нинг давлат хизматчилари фаолиятини ўрганишимиз зарур. Шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда ушбу омилларга таъсир кўрсатиш орқали уларнинг самарали меҳнат қилишларига эришишини таъминлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарур бўлади. Ушбу фикрдан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан бири сифатида уларнинг давлат томонидан белгиланган кафолатлари ва давлат хизматчилари меҳнатларига ҳақ тўлаш шароитларига эътибор қаратишимиз зарур бўлмоқда. Зеро, бу органлар давлат ҳокимиятини амалга оширувчи энг қуйи органлар ҳисобланади. Демак, давлат фуқаролар олдидаги ўз вазифаларини биринчи ўринда ушбу органлар кўрсатиб беради.

Шунингдек, давлат хизматини мақсадли ташкил этишнинг асосий принципларидан бири бу – давлат органлари ва мансабдор шахслар халққа, фуқароларга хизмат қилиши, фуқаролар олдида жавобгарлигидир. Бу Конституциямизда “давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар”<sup>1</sup> деб белгилаб ўтилган. Ушбу принцип қуйи давлат органи асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маҳаллий ижро ҳокимияти органларида фаолият кўрсатаётган давлат хизматчиларига давлат кафолатларини янада ривожлантириш орқали улар фаолиятлари самарадорлигини ошириш зарур. Давлат хизматчиларига давлат кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 16-моддасида кўрсатиб ўтилган. Давлат хизматидаги ходимларига иш стажи, маълумоти, тажрибасига қараб иш ҳақлари белгиланиши бўйича Япония тажрибаси бизнинг республикамизда ҳам қўлланса, давлат хизматида самарага эришилар эди, деган мазмунда фикр қилсак бўлади.

Ривожланган мамлакатларда иш ҳақини ташкил этиш (иш ҳақи миқдори, меҳнат миқдори ва сифати билан унга тўланадиган ҳақ миқдори ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш, меҳнатни меъёрлаш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., Ўзбекистон, 2014 й.

таъриф тизими ва бошқалар) ва тартибга солишда давлат муҳим рол ўйнайди. Мисол учун Японияда давлат хизматчилари бажараётган иши характеридан келиб чиқиб икки асосий гуруҳга бўлинади:

а) “оддий хизмат” да ишловчилар;

б) “алоҳида хизмат” да ишловчилар;

“Оддий хизмат” да ишловчилар – бу мансабдорларнинг асосий қисми бўлиб, 3 миллиондан ортиқни ташкил қилади.<sup>1</sup> Улар ишга лавозим имтиҳонларидан ўтганидан кейин олиниб, ойлик маошлари тегишли стандарт шкалалар асосида белгиланади. Бу гуруҳга кирувчилар қонун бўйича 7 категорияга бўлинади. Биринчи категорияга кирувчилар, канцелярия ишлари билан шуғулланувчилар бўлиб, уларга профессионал билим ва маъмурий ишлари учун маош тайинланади. Айнан шу категория бошқа давлат хизматчиларидан кўра кўпроқ миқдорни ташкил қилади. Бошқа категорияларга полиция ва солиқ хизматчилари, таълим, соғлиқни сақлаш, илмий-изланувчилик ишлари билан шуғулланувчилар киради.

Мансабдорларнинг хизмат ҳолати уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мос келувчи рангга, иш стажига ва бошқа жиҳатларга қараб аниқланади. Лавозим ваколатлари қатъий белгиланган шкалалар асосида белгиланган иш хақи ҳажмига боғлиқ. Бу шкалага мувофиқ барча мансабдорлар (биринчи категорияга кирувчи “оддий хизмат” даги давлат хизматчилари) саккиз рангга бўлинади. Ҳар бир ранг ўзи 15 разрядга бўлинади. Ҳар бир мансабдорнинг ранги давлат аппаратидаги эгаллаб турган лавозимига, унинг разряди – иш стажига, маълумотига, хизмат характеристикасига ва бошқаларга боғлиқ. Мансабдорлик иерархияси бўйича олий ранг бу биринчи, разряд бўйича бўлса биринчи разряд энг кам иш хақи тўланадиган разряддир. Лавозим окладларидан ташқари, давлат хизматчилари турли устамалар оладилар: мукофот, уй хўжалигини сақлаб туриш бўйича қўшимча тўлов, иш вақтидан ташқари вақтда ишлагани учун, дам олиш кунлари ишлагани учун, “тармоққа оид” устама ва

---

<sup>1</sup> З.Зенков М.Ю. Зарубежный опыт управления: Государственная служба: Учебное пособие. – Новосибирск: НГАУ, 2004. С. – 48.

бошқалар. Японияда олий маълумотга эга бўлиш мансабдорга хизмат пиллапояларидан кўтарилиши учун бир қатор афзалликлар беради. Япония давлат хизматида аксарият кўпчилик ташкилот ва муассасаларда “бутун умрга ёллаш” махсус тизими амал қилади. Бу тизим ишловчини узоқ (пенсияга чиққунига қадар) муддатга битта ташкилотга ёллашни тақозо қилади. Унинг лавозими ва иш ҳақи ҳажми тўғридан тўғри танаффуссиз стажларнинг давомийлигига боғлиқ бўлади. Масалан, мансабдорнинг секция бошлиғи лавозимига ўтириши учун бошқа шартлар билан бир қаторда битта давлат идорасида 15–20 йил ишлаган бўлиши керак, департамент бошлиғи бўлиш учун эса 30 йил атрофида ишлаган бўлиши керак. Иш ҳақи ҳар бир ишловчи ходимнинг биринчи даражада қизиқтирувчи омил бўлиб, ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг маълумоти, иш стажи, тажрибаси, ишлаш даражасига қараб иш ҳақи олиши керак, деган фикр ўз вақтида барчани ўйлантиради. Республикамизда давлат хизматчисининг ойлик маошларини ошириш, иш унумдорлигини таъминлаш бу борада самарадорликка эришиш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу хусусида Президент Ш.Мирзиёев шундай таъкидлайди: - “... шу билан бирга, кўплаб давлат хизматчиларининг зиммасига катга масъулият юкланганига қарамасдан, уларнинг иш куни ва иш ҳафтаси аниқ меъёрга солинмагани ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хизматчиларига юксак талаблар қўйшдан олдин уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя тизими билан мустаҳкамлаш даркор.<sup>1</sup>

Бунинг учун Япония тажрибаси бўйича давлат хизматчилари имтиҳон асосида ишга олиниб, хизматчилар даражасига қараб ранг ва разрядлар берилиши мақсадга мувофиқ. Японияда яна бир тажриба борки, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолаш натижаларига қараб, ушбу худуднинг бошқарув органлари хизматчилари моддий рағбатлантирилади ёки жарима қилинади.

---

<sup>1</sup>Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъиятбилан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т: «ЎЗБЕКИСТОН» 2017. 58. Б.

Худди шу тажрибани Ўзбекистонда қўллаб-қувватлаш давлат хизматида самарага эришишда муҳим омил бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифни тадқиқотимизда илгари сурмоқчимиз.

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига, республика бюджетидан ташқари, маҳаллий бюджетнинг харажатларидан ортиб қолган даромад қисмига қараб, худуддаги бошқарув органлари, айниқса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хизматчиларининг моддий рағбатини кучайтиришга сарфлаш худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, турмуш даражасининг ошишига олиб келиши мумкин.

Сингапур давлатидаги давлат хизматининг ташкил этилиши тажрибаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, Сингапурдаги давлат хизмати Осиёдаги энг самарали давлат хизматларидан биридир. Сингапур давлатида 1959 йилда қабул қилинган Конституцияси 9-қисмининг 102-119-моддаларида давлат хизматининг ҳуқуқий мақоми ёритилган. Сингапур давлатидаги давлат кафолатларига эътибор берадиган бўлсак, хизмат бўйича юқори поғонага фақат инсоннинг салоҳияти асосида кўтариш механизми яхши шакллантирилган. Бундай хизмат фаолияти замонавий моддий-техник таъминот билан, раҳбар кадрларнинг интизомга қатъий риоя этиш ва меҳнатсевар бўлишлари учун кучли мотивацияланганлиги, давлат хизматининг тўғри ташкил этилиши билан уларнинг мукамалликка, ғайратли, ташаббускор ва доимий инновацияларга интилишлари учун яхши замин яратиб бериш орқали эришилган. Давлат хизматчилари ҳар йилда 100 соат ўқиб, малака оширишга мажбурдирлар.<sup>1</sup>

Сингапур давлат хизматчиларига иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда бозор усуллари қўлланиладиган мамлакатлардан биридир. Шунинг учун иш ҳақининг ҳажми ҳам анчагина катта. 1985 йили аппаратни таъминлаш харажатларини оқлаш тўғрисида парламент олдида ҳисоб берган бош вазир “Мен энг юқори маош тўланадиган, ва эҳтимол, учинчи дунё мамлакатлари бош вазирларининг энг

---

<sup>1</sup> Сингапур Конституцияси 1959 йил.

қашшоқларидан бири бўлсам керак. Бу масалани ҳал қилишнинг турлича йўллари мавжуд. Мен ҳалол, ошкора, ўзини оқлайдиган ҳамда амалга оширилиши мумкин бўлган бозор иқтисодиёти доираларидаги ўз йўлимизни таклиф этаман. Агар сиз бу йўлдан кўра риёкорликни афзал кўрсангиз, иккиюзламачилик ва коррупцияга дуч келасиз. Қайси бирини танлаш сизнинг ишингиз” деган эди.<sup>1</sup>

Бу дастурнинг таклиф этилиши оқибатида давлат хизматчиларининг маоши кескин кўтарилди, бу эса ушбу давлатда коррупция даражасининг пасайишига эришилган. Ҳозирги кунда юқори лавозимдаги давлат хизматчиларининг иш ҳақи тадбиркорликдаги ўртача иш ҳақиға боғлиқ ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва уларнинг 1 ойлик иш ҳақлари 20 000–25 000 долларни ташкил этади.

Молдавия Республикаси ривожланган давлатлар қаторида кўринмаса ҳам, лекин давлат хизмати қонунчилигида жуда яхши ташкил этилган. Ушбу давлатнинг давлат хизмати Молдавия Республикаси Конституцияси ва 1995 йил 4 майда қабул қилинган “Молдавия Республикаси давлат хизмати тўғрисида” ги Қонунга асосан тартибга солинади. Ушбу Қонун судьялар, прокурор ва уларнинг ёрдамчилари, ҳарбий хизматчилар, божхона хизматчилари, Ички ишлар, молиявий гвардия, солиқ хизмати учун жорий қилинади. Республика Президенти, Парламент депутатлари, ҳукумат аъзолари, Олий магистрат кенгаши аъзолари, жамоат бошқарувининг маҳаллий органлари маслаҳатчилари, Олий суд палатаси аъзолари, Конституциявий суд судьялари учун жорий қилинмайди. Ушбу қонунга асосан давлат хизматчилари 3 даражага бўлинган.

Ушбу давлатда ҳар бир даражалардаги давлат хизматчиси камида 2 йил ишлаши лозим. Бу даражалар бутун умрга берилади. Ҳар бир даражанинг кийим формаси, нишонлари мавжуд. Давлат хизматчиларининг иш ҳақлари уларнинг лавозим даражалари, шунингдек, мажбуриятларининг қийинлиги ва жавобгарлигига қараб белгиланади. Бизнинг давлатимизга жорий этилиши мумкин

---

<sup>1</sup> Осипова М. Сингапур в интернетях финансовых рынков. Азия и Африка сегодня. - 2002. - № 6. 32-бет.

бўлган айрим ушбу давлатнинг давлат хизматчиларига давлат кафолатларини эътиборга олинди.

Яъни: давлат хизматчиси ва унинг оила аъзоларига давлат профилактик даволаш муассасаларида бепул тиббий хизмат кўрсатилиши, қонунларда кўрсатилганидек, уларни яшаш жойи билан таъминланиши белгиланган.

□□ Яшаш жойидан бошқа жойда хизмат қилаётган бўлса, транспорт чиқимлари учун компенсация тўланиши, бошқа қонунларга асосан яшаш жойи билан таъминланиши ёки 15 йилга уй қуриш учун фоизсиз кредитлар берилиши белгиланган.

Иш стажи 15 йилдан кам бўлмаган давлат хизматчиларига коммунал хизматлар ва яшаш жойи учун тўловларга имтиёзлар берилади. Пенсияга чиққан давлат хизматчисига берилган барча ижтимоий кафолатлар ва компенсациялар сақланади. Шунингдек, ҳар бир хизматчи лавозимга тайинланганидан 10 кун ичида ўз жамоа ва давлат символлари олдида қасамёд қабул қилади. Лекин бошқа ишга ўтганида қасамёд қабул қилмайди. Ушбу қасамёд тагига имзо чекади (15-модда). Давлат хизматчисининг синов муддати 6 ойдан ошмаслиги лозим. Давлат хизматчиларининг лавозим даражаларида ўсиш ҳолати, албатта, Марказий ва маҳаллий давлат томонидан тузилган аттестация комиссияси томонидан ҳар 3 йилда бир маротаба ўтказилиб келинадиган аттестация орқали амалга оширилади. Ушбу аттестация жавобларига асосан ушбу давлат хизматчисининг иш ҳақи ва лавозим даражаси оширилиши, кўшимча иш ҳақи оширилиши, камайтирилиши ёки олиб ташланиши ва унга малака ошириш ўқув курсларига йўлланма берилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омил сифатида қаралаётган давлат кафолатларини ташкил этиш бўйича қуйидагича таклифлар беришимиз мумкин:

- давлат хизматчиларининг лавозим даражалари уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари оғирлигига қараб бир-биридан ажратилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси давлат кафолатлари умумий тарзда белгиланган. Шунинг учун ҳар бир органлар давлат хизматчилари учун давлат кафолатлари аниқ ва батафсил, давлат хизматчиларининг лавозим даражаларига қараб белгиланиши;

- давлат хизматчиларининг давлат хизматидаги меҳнат стажи, маълумоти, тажрибасига қараб унга қўшимча иш ҳақи тўланишини ошириб борилиши;

- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига қараб, республика бюджетидан ташқари, маҳаллий бюджетнинг харажатлардан ортиб қолган даромад қисмига қараб, ҳудуддаги бошқарув органлари, айниқса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хизматчиларини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш ва шу орқали уларни моддий рағбатлантиришни ташкил этиш мумкин бўлади. Натижада ушбу органлар давлат хизматчиларининг фаолияти самарадолиги ошади ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, турмуш даражасининг юксалишига олиб келади;

- давлат хизматчиси ва унинг оила аъзоларининг даволанишида дори-дармонлар энг кам миқдорини белгилаш;

- Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш тенденцияси тобора ривожланиб бормоқда, шунини ҳисобга олиб, давлат хизматчиларининг иш ҳақларини бозор усулларида (яъни тадбиркорликнинг ўртача иш ҳақига нисбатан) фойдаланган ҳолда ҳисоблаш зарур;

- яшаш жойидан узоқда фаолият кўрсатаётган давлат хизматчиларига маълум имтиёзлар берилишини белгилаб ўтиш;

- давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича аттестация комиссияси тузилиб, барча давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш яқка тартиби белгиланиши лозим.

Масалан, Япония тадбиркорлари доимо истиқбол учун мақсадни белгилайдилар. Улар беш - ўн йилдан кейин натижа берувчи илмий-тадқиқот ишлари ва меҳнат унумдорлиги дастурларини маблағ билан таъминлайдилар. Ривожланган давлатлардан Америка, Германия ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасига



эътибор қаратадиган бўлсак, уларда бундай ёндашувларни ташкил этиш борасида ниҳоятда катта тажрибалар орттирилганлигини кўришимиз мумкин. Президент Честер А.Артур даврида тузилган “Ходимларни бошқариш идораси” 114 йилдан бу фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу боис АҚШ нинг бугунги риқожи бевосита ХБИ хизматлари билан ҳам таъминланди, деб айтиш мумкин. “Ходимларни бошқариш идораси”, АҚШ бўйича уч миллиондан ортиқ. Ҳукумат мансаларига мкносиб ходимларни саралаб олиш учун рақобат имтиҳонларини ташкил қилади, ўтказди. Шунингдек, ҳукумат ишига ёлланувчилар фаолиятининг самарадрлигини ошириш ниятида раҳбар кадрларни маънавий ва касбий тайёрлаш, тарбиялашга қаратилган таълим-тарбия дастурларига ҳомийлик қилади. Жумладан, 1949 йили АҚШнинг “Давлат хизматчилари лавозимлари таснифи ҳақида ” қонуни қабул қилинган.

У давлат хизматининг 18 даражасини ва тоифасини аниқлаб берди. Бирон бир лавозимга ўтказиш, қабул қилиш имтиҳон орқали амалга оширила бошланди ва синовлар, асосан, талабгорнинг лавозим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган малакасини ўлчашга хизмат қилади.<sup>1</sup>

Албатта, шу тартибдаги кадрлар сиёсати доимий равишда такомиллаштирилиб, замонга ҳамнафас равишда тўлдириб борилган.

Давлат хизматчилари фаолиятини ахлоқий вадриятлар талабларига мувофиқлаштириш борасида ривожланган демократик давлатларнинг катта тажрибага эга эканлигини эътироф этиш лозим. Ушбу мамлакатларда эътибор сиёсий ҳокимият фаолиятини ахлоқий қоидалар негизида қуришга қаратилган тизимий ёндашувлар ва механизмларнинг шаклланганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Франция, Англия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Аргентина, Чнхия, Польша ва бошқа кўплаб Лотин Америкаси мамлакатларида давлат хизматчилари фаолиятининг ахлоқий нормалари бевосита сиёсий ҳокимият тизимига киритилган. Масалан, Англияда Парламент аъзоларининг “Ахлоқий кодекси” парламентнинг халқ ичидаги

---

<sup>1</sup> А.Болиев. Раҳбар маънавияти. – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 71.

обрўсини, ишончини сақлашга қаратилади. Унинг шаънига доғ туширадиган ҳеч қандай ҳаракат бўлмаслиги расмий тартбда белгиланган.

“Ахлоқий кодекс” бир қанча талабларни мезон сифатида тизимлаштирган.

**Биринчидан**, депутатнинг молиявий даромади декларациясини тўлдириш тақазо этилади. **Иккинчидан**, манфаатлар ихтилофи мавжуд бўлган шароитда депутат овоз беришга иштирок этмайди ва бу масалани кўришдан аввал ёзма равишда маълумот бериши лозим. **Учинчидан**, депутатлик даври мобайнида давлат хизмати вазифаларида ишламаслиги кўзда тутилган. Бундай тартиб Ўзбекистонда ҳам мавжуд. **Тўртинчидан**, депутат ёки вазир ваколати муддати якунидан сунг давлат идораларида, давлат компанияларида, фирма ва банкларда белгиланган муддатгача (АҚШ да 1 йил, Жанубий Коеяда 2 йил) ҳокимият имкониятларидан шахсий манқаатларда фойдаланиши учун ишлаши мумкин эмас. Бешинчидан, депутатнинг совғалар олиши масаласи тартибга солинган. Масалан, АҚШ да 50 доллардан ортиқ қийматдаги совғаларни олиш тақиқланади. **Олтинчидан**, ОАВ давлат хизматчилари томонидан ахлоқий нормаларнинг бажарилишини назорат этиб турувчи механизм сифатида шакллантирилган.

Албатта, ахлоқий нормаларнинг таъсири ва унинг самарадорлиги маълум механизмлар асосида ташкил этилади. Бундай механизм кўплпб давлатларда мустақил давлат органи ваколатда “Этика масалалари бўйича комиссиялар” деб юритилади. Масалан, Тайванда “Ахлоқий тартиб назорати”, Ҳиндистонда “Коррупцияга қарши кураш”, Аргентинада “Жамоатчилик ахлоқи миллий бошқармаси”, Англияда “Ахлоқий масалалар бўйича вакиллик”, АҚШда “Этика бўйича қўмита” ташкилотлари сиёсат ва сиёсий арбоб фаолияти ахлоқийлигини назорат қилади. Ушбу комиссияда турли хил тартибда тушган ариза ва шикоятларни ўрганади ҳамда тегишли тартибда чоралар бнлгилайди. Чоралар ҳайфсандан тортиб, жарима, депутатлик ваколатидан маҳрум қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш масалаларигача белгиланган. Айни пайтда,

давлат хизматчиларининг ахлоқий нормалари билан таништириш, уларнинг моҳиятини тушунтириш, туғилиши мумкин бўлган бухтон ва можароларнинг олдини олиш мақсадида маслаҳат кўмиталари ташкил этилган. Масалан, хусусий фирма вакили томонидан меҳмонга таклиф этилган конгрессмен дастурхон қиймати 50 доллардан ошса, тартибга кўра уни меҳмон тўлаши лозим. Акси ҳолда конгрессмен “Ахлоқий кодекс”ни бузган ҳисобланади ва жавобгарликка тортилади.<sup>1</sup>

Шу ўринда масаланинг айрим жиҳатларини ойдинлаштириб кетиш зарурати мавжуд. Жумладан, ахлоқий кодекс билан жиноий кодекснинг функциялари икки хил. Яъни, ахлоқий кодексни бузган давлат хизматчисига нисбатан у ёки бу тартибда маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади. Агар унинг таркибида жиноят аломатлари бўлса комиссия таклифи ва парламент розилиги билан жиноий жавобгарликка тортилишига изн берилади. Албатта, ахлоқий қоидаорни ишлаб чиқишда давлатларнинг миллий хусусиятлари инобатга олинади. Айрим давлатларда совға беришнинг рамзий хусусиятлари бор. Аммо, агар миллий хусусиятлари ахлоқий тамойилларга зид келадиган бўлса, айти пайтда, сиёсий ҳокимият фаоли\тига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, мамлакатда коррупциянинг ўсишига олиб келса, унда бундай иллатни сиёсат воситаси билан маърифийлаштириш лозим бўлади.<sup>2</sup>

Бундай тажрибаларнинг биз учун муҳимлиги шундаки, асосий масала мутахассисларнинг хизмат пиллапояларида кўтарилиб боришининг ахлоқий меъёрларини ташкил этиш, ишдан бўшатишда субъективизмдан сақланиш, уруғ-аймоқчилик негизида етказилиши мумкин бўлган зиённинг олдини олиш, давлат органлари томонидан товар ва хизматдан фойдаланишнинг юқори даражасини регламентациялаш, тузилган шартномаларнинг асосланганлигини қайта-қайта текшириш ва назоратда тутиб туриш каби вазифаларни амалда

---

<sup>1</sup> [http://www.ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parliaent\\_Ethic/Parl\\_Ethic\\_1.shtml](http://www.ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parliaent_Ethic/Parl_Ethic_1.shtml). 06.03.06

<sup>2</sup> Т.Алимардонов. Сиёсат ва ахлоқ мувозанати. – Т.: “Янги аср нашриёти”, 2011. –Б. 277.

жорий этиш мумкин.<sup>1</sup>

Юқорида биз томономиздан танлаб олинган, таҳлиллари келтириб ўтилган давлатлар тажрибалари мисол тариқасида келтирилган, қолверса, барча учун таниш ва таниқли бўлган мамлакатлар сифатида олинди. Албатта, бунга монанд давлатлар тажрибасидан, уларнинг бошқарув усуллари ва давлат хизматчиларининг ижтимоий мавқейлари хусусида кўплаб намунавий мисолларни келтиришимиз мумкин эди. Аммо, бир диссертация тадқиқотининг ҳажми ва унинг қамраб олиш салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу таҳлиллар доирасини бирозгина бўлсада ихчамлаштиришга ҳамда соддалаштиришга ҳаракат қилдик.

Таъкидлаш лозимки, бундай муносабатларнинг амалга ошуви жараёнида бошқарув фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш масаласи давлат ва жамият бошқарувида давлат хизматчиларининг муҳим омил сифатидаги аҳамиятини таъминлаш амалиёти билан боғлиқ. Муаммонинг моҳияти, энг аввало, давлат бошқарув механизмларининг нечоғли даражада миллий, диний ва умуминсоний кадриятлар асосида инсон манфаатларига мос тарзда шакллантирилиши билан боғлиқ бўлади. Яъни, бошқарув механизмлари халқнинг ижтимоий-сиёсий манфаатларига ва ҳокимият бошқарувида иштирокини таъминлаш даражаси билан белгиланганлиги инобатга олинади. Бунда фуқаролар ўз эркинлиги ва манфаатларига эришишларининг реал имкониятларини шакллантиради.

Улар ўз салоҳиятлари даражасида ижтимоий-сиёсий муносабатларда иштирок этиш ваколатларини қўлга киритадилар. Айнан шу омиллар мамлакатда давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятига нисбатан биринчи навбатда, ахлоқий ва маънавий, қолаверса, сиёсий жиҳатдан баҳо бериш имконини беради. Халқаро тажриба мезонлари билан миллий бошқарув тизимини мувофиқлаштириш кўп жиҳатдан ўзимизнинг давлатчилик тарихимизни акс эттирувчи миллий бошқарув тизимимизни тарихий ва сиёсий нуқтаи назардан мукаммал ўрганиш, тадқиқ этиш сиёсий хатоларимиз

---

<sup>1</sup> Ф.Равшанов. Давлат хизмати хх асрда. // Жамият ва бошқарув. 1999. № 1-2. –Б. 16.

оқибатидан сабоқ чиқариш, муносибларини тақдим этиш масаласи билан боғли бўлади.

Эътироф этиш керакки, бизнинг миллий бошқарув меросимиз узок давлатчилигимиз тарихи билан ўлчанади. Бебаҳо маънавий меросимиз бўлган “Авесто”да илгари сурилган ғоялар, бугун миллий ғоямизнинг бош йўналиши - адолатпарвар, демократик давлат барпо этиш вазифалари билан ҳамоҳанг эканлигини кузатамиз. Шунингдек, “Авесто”нинг асосий мазмун моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган эзгу ғоялар асосида ҳозирги замон учун ҳам, келажак замон учун ҳам беҳад идрокли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, не чоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани муҳим эътиборга лойиқдир. Шунингдек, Ислом дини ва фалсафасида асосий ўринни эгаллаган “Шариат”, “Ижмоъ” ва “Қиёс” ва шу каби диний мезонлар асосида давлатни идора этиш кўп жиҳатдан ҳукмдорга нисбатан қаътийликни, кучли тартиб-интизомни ва мустаҳкам сиёсий иродага эга бўлишлигини талаб этганлигини кўришимиз мумкин. Узок асрлар мобайнида кўплаб давлатлар, салтанатлар ушбу мезонлар асосида давлатни идора этиб келдилар. Бу бошқарув усулларига чуқурроқ ёндлшадиган бўлсак, унинг моҳиятида диний, ахлоқий, маънавий ва энг муҳими инсоний омиллар уйғунлашганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг давлатни идора этишларида ушбу муҳим дастурий омилларни асос қилиб олишлари билан бир қаторда – Адолат мезонини куч қудратнинг манбаи сифатида идрок этганликлари бунинг ёрқин иботидир. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган бошқарувга хос ислохотлар ва давлатни идора этиш усуллари бевосита ана шу миллий бошқарувимизга хос бўлган андозанинг кўринишидир. Зеро, бунда кўпроқ фалсафанинг табиий қонунлари бўлмиш – инкорни инкор этиш қонуни қоидаларига, ёки – миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши

қонунларининг “ворисийлик”, “диалектика”, “сифат”, “сақраш” каби мезонлари амалиётда намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган давлатларнинг бошқарув фаолиятига дахлдор бўлган тажрибаларини ўрганиш, уни таҳлил ва тадқиқ этган ҳолда манфаатли ва муносиб томонларини танлаб олиш ва ундан андоза сифатида фойдаланиш амалиёти бутун башариятга хос ҳолатдир. Чунки, бошқарувга хос бўлган хусусиятлар, қонун-қоидалар, усул ва воситалар ўз-ўзидан тараққиё этган жараён эмас. Бу юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, давлатлар ўртасидаги интеграциянинг кучайиши, ижтимоий муносабатлар ва турли маданий-иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилиши ҳамда шу каби ўзаро фаолиятларнинг мувофиқлиги билан юзага келадиган жарён.

Замонавий давлат хизматчиси ва халқаро тажриба мезонлари ва мувофиқлик даражаси номли мавзумизга бағишланган фикр ва мулоҳазаларимиз, таҳлил ва тадқиқларимиз мавзу юзасидан қўйидаги хулосаларни келтириб чиқариш имконини беради:

**Биринчидан,** жаҳон ҳамжамиятида умумий эътироф этилган ва мазмун-моҳиятга эга бўлган давлат хизматчиси ҳамда давлат хизмати фаолиятларини ягона мақсад сари ички имкониятлар асосида мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг самарали фаолияти учун етарли шарт ва шароитлар яратиб бериш миллий бошқарув учун ҳам халқаро тажриба учун ҳам зарурий аҳамият касб этади. Чунки, идеал бошқарувнинг реал имкониятларини яратиш барча минтақалар учун умумий хусусият касб этади.

**Икинчидан,** бугун дунё талаби ва эҳтиёжларининг асосий мақсадини ҳар томонлама мукамалликка эга бўлган замонавий давлат хизматчиларини тарбиялаш ва сифатли давлат хизматини йўлга қўйиш ташкил этади. Бу истак ва ҳошиш миллий чегаралардан бошланишини эътиборга оладиган бўлсак, энг аввало, миллат манфаатларини, халқ манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши талаб этилади. Зеро, халқимизнинг розилиги бизнинг

фаолиятимизга берилган – энг олий баҳодир.<sup>1</sup>

**Учинчидан,** миллий бошқарувни амалга ошириш ва уни жорий ҳолатига нисбатан янада юксалтириш масаласи халқаро тажриба мезонларини таҳлил ва тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Масаланинг моҳияти шундаки, миллий бошқарув тизимини мунтазам равишда халқаро бошқарув тажрибалари, мезонлари ва муносиб жиҳатлари билан мувофиқлаштириб бориш мақсадини илгари суради.

**Тўртинчидан,** давлат томонидан мамлакат тараққиётининг таъминланишида, фуқаролар манфаатининг ҳимоя қилинишида, умуман ўз вазифасининг муваффақиятли бажарилишида давлат хизматининг тўғри йўлга қўйилиши муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам давлат хизматини тўғри ташкил этиш, ундан самарали фойдаланиш мақсадида уни ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принципларини белгилаб берадиган назарий ғояларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш, унинг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб олиш муҳим омил ҳисобланади.

**Бешинчидан,** узоқ давлатчилик бошқарув тарихига таянган миллий бошқарув меросимизни ворисийлик нуқтаи назаридан чуқур ўрганиш, унинг сиёсий фожиалари оқибатидан хулоса чиқариш орқали давлат бошқарувида эришган мувофақиятларимизни янада янги босқичларга кўтариш мақсадида давлат хизматчиларининг янги авлодини тарбиялаб бориш зарурий аҳамият касб этади. Бундай ҳолат миллатимизнинг давлат бошқаруви соҳасида эришган ютуқларидан муносибларини янги бошқарув тизимимизга тақдим этиш, шунга монанд таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, соҳага оид янги қонун ҳужжатларини яратиш, мавжудларини қайта такомиллаштириш эҳтиёжини юзага келтиради.

---

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т.: “Ўзбекистон”. 2018. –Б. 31.

### 3.3. МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МЕНТАЛИТЕТДА РАҲБАР БОШҚАРУВИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Миллий бошқарув тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай мамлакатда сиёсий бошқарув маданияти ва салоҳияти демократик давлатларга мос бўлиши талаб этилади. Албатта, мамлакатимиз-даги сиёсий бошқарув маданияти ва салоҳияти Ғарб мамлакатлари бошқарув маданиятидан тубдан фарқ қилади. Халқаро муносабатларда раҳбар бошқаруви классификация (таснифлаш, туркумдаш) га хос бўлган асосий мезонлар, энг аввало, миллий бошқарув негизида шаклланишини таъкидлаган ҳолда, раҳбардаги сиёсий-ахлоқий фаолликка миллий ва халқаро демократик тараққиёт мезони сифатида қараш миллий ва халқаро муносабатларда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Халқаро муносабатлардаги ислохотларнинг ташаббускори миллий хусусиятга эга бўлган давлатлар бўлса-да, уларни инсон омили, турли миллатларни ўзида акс эттирган халқларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги реал ҳаётий воқеликка айлантиради. Миллий ва халқаро муносабатларда юксак сиёсий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган давлат хизматчилари – раҳбар кадрлар, етакчи лидерлар ҳамма вақт ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келган. Улар фаолиятига хос бўлган раҳбарлик мезонлари ўз халқларининг миллий манфаатларини халқаро муносабатлар даражасида ҳимоя қилиш, миллий хусусиятга хос бўлган глобал муаммоларни дунё ҳамжамияти олдига миллий ва халқаро муаммо сифатида қўя олиш, мамлакат мавқеини жаҳон ҳамжамияти талаблари асосида кўтара олиш, қолаверса, мамлакатнинг сиёсий позициясини мустаҳкамлаш орқали уни жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини таъминлай олиш иродаси орқали памоён бўлади. Бу вазифа шубҳасиз, ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Бу миллатнинг ички иродаси, хоҳиш ва истаги, энг муҳими, ушбу хоҳиш-истакни руёбга чиқариш мақсадида ўзининг илмий, маданий ҳамда ижодий потенциалларга бой бўлган салоҳиятини жаҳон ареналарида нмоён эта олиши орқали намоён бўлади. Бундай жараёнда миллатнинг миллат сифатидаги



вазифаси, халқнинг халқ сифатида буюк иродаси давлат бошқарувидаги раҳбарни қўллаб-қувватлаши, синовли дамларда ҳам унинг ёнида тура олиши, мустаҳкам иродаси, иймон-этиқодига содиқ тура олиши раҳбар эса, ўз навбатида ушбу муносабатларни ҳис қолган ҳолда ундан руҳ олиб, бошқарув тажрибаси ва малакасини ошириш натижасида миллатнинг орзу-умидларини, идеал қарашларини реалликка айлантира олиши унинг асосий бурчи ҳамда масъулиятидир.

Бугун дунё ҳамжамиятида халқаро муносабатларнинг барқарор истиқболини таъминлаш мақсадида қўйидаги талабларни амалга ошириш тақозо этилмоқда:

**биринчидан**, халқаро умумэтироф этилган нуфузли ташкилотлар фаолиятини инсонпарварлаштириш, сиёсий муносабатларни умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан уйғунлаштириш;

**иккинчидан**, халқаро сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларни миллатларнинг миллий ва ахлоқий қадриятлари устуворлиги асосида олиб бориш ва ташкил этиш талаби барча миллатлар учун ягона мақсад ҳамда мувозанатни юзага келтиради.

Халқаро сиёсий институтлар фаолиятида гуманизм ғоялари устуворлигини таъминлаш фақат сиёсий етакчилар ёки раҳбарларнинг фаолияти эмас, бунда турли давлат ва миллат вакилларининг ҳам сиёсий оптимистлиги инобатга олинади. Зеро, дунё халқлари ҳеч қачон ўзининг миллий менталитети ва қадриятларига зид бўлган агрессор ғояларни қўллаб-қувватламайди. Аксинча, ўзлари ҳар қандай умуминсоний қадриятларни миллий анъана, ўрф-одатлари ва қадриятлари билан тўлдиришга ҳаракат қилади ва бунга интилади.

“Маданий ўзгаришлар муайян ғоя, жумладан, мақсад ва режаларсиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун республикамизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб маданий ўзгаришлар, хусусан, иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий тартибга солиш биринчи

даражали аҳамият касб этади.”<sup>1</sup> Халқаро менталитет ва муносабатлар ёхуд жараёнлар моҳияти хусусида мулоҳаза қилинганида, ундаги воқеа ва ҳодисаларнинг асосида инсоннинг хатти-ҳаракати ёки у билан боғлиқ бўлган манфаатлари ва интилишлари замирида миллий менталитет ва ахлоқнинг ўрнига кўп эътибор бермаймиз. Зеро, халқаро менталитет негизида адолат, тенглик, эзгулик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, диний бағрикенглик каби ахлоқий қадриятлар ташкил этилиши лозим. Инсонларнинг айнан ана шу қадриятларга қай даражада амал қилиб яшай олишлари билан олам яхлитлиги, давлатлар мавқеи ҳамда халқаро муносабатлар муаммоси ўз ечимини топиб боради. Халқаро менталитет ва миллий муносабатларда раҳбар бошқаруви билан боғлиқ бўлган муаммолар ечими доимо мураккаб ҳодиса сифатида этироф этиб келинган ва бу айни ҳақиқат. Муаммонининг мураккаблиги шундаки, турли диний эътиқодга, мафкуралар, маданиятлар, қадриятлар хилма-хиллигига эга бўлган миллатлар, элатлар, ирқлар ва халқлар таркибидан ташкил топган давлатлар ўртасида юз бераётган ўзаро манфаатлар тўқнашуви, ҳудудлараро етакчиликка интилиш ҳирси глобал дунёда тобора турли зиддият ва таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Бу – **биринчи** омил сифатида эътироф этилса, **иккинчидан**, ҳудудлараро етакчиликка интилиш ҳисси борган сари қитъалар ва минтақалараро ҳукмдорлик нафсининг ҳакалак отиб боришига сабаб бўлмоқда. **Учинчидан**, масаланинг энг ёмон томони давлатлараро етакчиликка интилиш ва бошқаларни бошқаришга интилиш халқаро муносабатлар тизгинида дунёнинг турли томонларга қараб қутблашувига олиб келмоқда. **Бешинчидан**, вазиятнинг қалтислиги шундаки, ана шундай манфаатлар тўқнашуви жараёнида диний эътиқод, этник бирлик, миллий ҳамжиҳатлик, қолаверса, маданият ва қадриятларнинг яхлитлигидан кўра кўпроқ чексиз манфаатларга эгаллик қилиш, жаҳон ҳамжамиятида юқори обрўй ва муносиб мавқега эга бўлиш орзусидаги ғайриахлоқий мақсад ва интилишлар сабаб бўлмоқда. Масаланинг асл моҳияти бошқарув соҳиби бўлган

---

<sup>1</sup> М.Х.Рустамбоев, С.О. Абдухолиқов. Ҳуқуқ методологияси, тарих ва ҳуқуқни диалектиу маданий тушуниш асослари. 2-китоб.-Т.: 2005.54-бет.

рахбар - етакчи мамлакатни шу ва шу каби таҳдид ва таъзйиқлардан холи сақлаши, тараққиётнинг истиқбол дастурларини ярата олиш хусусияти билан халқ тасаввурида шаклланиши керак.

Эътибор қиладиган бўлсак, бундай аёвсиз курашлар таҳдид ва таъзйиқлар инсоният тарихининг ибтидосидан мавжуд. Бироқ у курашда юксак ҳарбий маҳоратга эга бўлган енгилмас қўшин, молиявий барқарорлик, такомиллашган қурола аслаҳага эгалик қилиш билан бир қаторда ҳукмдорнинг ақл-заковати, зукколиги катта аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам тарихнинг ҳал қилувчи палласида ҳукмдорлар ва саркардаларнинг ўрни беқиёс, бунга олис ва яқин тарихда яшаб ўтган ҳукмронлик билган давлатлар, сулолалар, империялар, қиролликлар тарихи ва ҳаёти мисол бўла олиши мумкин. Бундай мураккаб ва заддиятли жараёнларда миллатнинг, халқнинг муносиб етакчиси сифатида саҳнага чиққан давлат хизматчилари – вазирлар, амирлар, саркардаларнинг ақл-заковати, мардлиги ва фидойилиги ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Муаммога нисбатан бугунги кун нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, турли тизимлар, маданиятлар, қадриятлар, мафкуралар асосида мавжуд бўлган бошқарув бевосита раҳбарнинг ахлоқий фаолиятида намоён бўлади. масаланинг асрий муаммоси, унинг халқаро муносабатларда уйғунлаштириш билан боғлиқдир. Мавжуд муаммонинг моҳиятига чуқурроқ назар соладиган бўлсак, аслида ана шу умумийликни ўзида зиддиятли қарама-қаршиликлар мавжуд эканлигига амин бўламиз. Ўз маданиятлари ва манфаатлари доирасидан ташқарига кўтарила олмаган давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатлардаги мавжуд можароларнинг сақланиб келишига сабаб бўлмоқда. Муаммо шундаки, давлатлар олдида кўпроқ миллий, социал гуруҳларнинг ёки алоҳида жамоа манфаатлари ҳимоя қилиниши лозимми ёки унинг олдида ахлоқий масъуллиги мавҳум бўлган умумдемократик, умуминсоний, халқаро ҳудудий манфаатларни ҳимоя этиш лозимми? Улар бир-бирларига қарама-қарши ва зид келса-чи? Аслида бири иккинчисини тўлдириши лозим. Яъни, ички сиёсат халқчил ахлоқий муносабатлар асосида қурилса, бундай натижа ташқи алоқаларда ҳам ўз

самарасини беради. Ёки ташқи сиёсатда изчиллик бўлса, унда жамият унинг неъматларидан баҳраманд бўлади. Аммо, афсуски, маълум бир жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган айрим давлатлар сиёсати халқаро муносабатларда икки стандарт ҳолатда халқаро алоқаларни ўрнатишга интилиши реал сиёсатнинг негизларини ташкил этар эмиш.

Кўриниб турибдики, халқаро муносабатлардаги мавжуд ахлоқий муаммолар давлатларнинг маданий алоқа имкониятлари даражаси торлигида намоён бўлмоқда. Бунда давлатлар ўртаси-даги милитаризм, шовинизм каби кайфиятлар устуворлик қилаётган бўлса, иккинчидан, ахлоқ ва адолат тамойилларига асосланишдан кўра кўпроқ уруш ва унга тайёрланишни хавфсизликни таъминлаш омиллари сифатида қараб келмоқдалар. Бундй ёндашув, шубҳасиз, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг зўравонлик тамойилларига асосланишига олиб келмоқда. Фожа шундаки, бу борада халқаро муносабатлар умумманфаатларни уйғунлаштириши мумкин бўлган ахлоқнинг назарий асосларини аниқлаш ниҳоятда долзарб муаммо сифатида қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат бошқарувининг асосий йўналиши умумэтироф этилган тамойил-лар, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда демократик стандартлар асосида ҳуқуқий давлат қуришни белгилаб олди. Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва жамият бошқарувининг такомилла-шуви ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кучайиб бораётган ҳамда эркин фуқаро маънавияти ва озод шахсни шакллантириш масаласи олдимиздаги муҳим вазифага айланиб бораётган ҳозирги пайтда давлат бошқаруви қатъий қонунлар асосида амалга ошишини тақозо этмоқда. Албатта, миллий бошқарувчилик тизимини пухта ва мукамал асосда шакллантиришда, бошқарув механизмини миллий бошқарув тизимига чуқур сингдириш, бу борада халқаро тажрибани ўрганиш унинг миллий хусусиятларимизга мос келадиган жиҳатларини, механизмларини ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон бошқарув тизимида бир томондан миллий, миллий давлатчилик анъаналари кўзга ташланса, иккинчи томондан, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини, демократияни ҳимоя қилишга

қаратилган ёндашувларлар уйғунлашиб келади. Тажрибамизда янги давлат ва жамият барпо этиш учун қонунга, миллий шароитга ва ўтмиш маънавий меросига асосланиш муҳим ўрин тутди. Бу уч муҳим асос Ўзбекистон давлатчилиги ва бош-қаруви тарихида мутлақо янги ғоялар, асослар ва йўналишларни юзага келтирди.

Шу маънода миллий ва халқаро менталитетда раҳбар бош-қарувининг классификацияси хусусида фикрларимизни билдираган бўлсак, энг аввало, раҳбар классификацияси тушунча-си мазмунини моҳиятини ёритиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Хўш?! Классификация нима? Раҳбар классификацияси, деганда нимани тушуниш керак? Каби саволлар жавобини ойдинлаштириб олсак мавзумизнинг моҳиятини ёритиб олиш учун янада яхши имконият бўлар эди. Классификация асли русча сўздан олинган бўлиб, ўзбекчада - “тасниф”, “туркум” каби маъноларни англатади. Шу мазмунда “тасниф” сўзининг ўзига ҳам чуқурроқ эътибор қаратадиган бўлсак, тасниф (араб. – саралаш, тартибга солиш), классификация – илм ёки инсон фаолиятининг бирор соҳасига оид ўзаро бир хил тушунчалар системаси. Тасниф ҳар бир фанга, соҳага хос бўлган муҳим мантикий амал бўлиб, унинг воситасида шу соҳа доирасида тўпланган билимлар, эгалланган тажрибалар қай тартибга солинади. Муаммони ўрганишда бундай тасниф қулайлик туғдиради. Шу мақсадда раҳбар бошқарувига хос бўлган бошқарув таснифларини таҳлил этадиган бўлсак, булар авторитар, демократик ва либерал усуллари дир. Галдаги вазифа ушбу усуллариининг қай бири бошқарув жараёнларини ва у билан боғлиқ бўлган муаммоларни тартибга солишда амалий жиҳатдан қўл келади. Биз бу хусусида тадқиқотимизнинг юқори қисмларида тўлалигича тўхталиб таҳлил этиб ўтган эдик. Масалага бошқа томондан ёндошадиган бўлсак миллий ва халқаро менталитетда ушбу бошқарув типларидан қайси бири амалиётда кўпроқ кўзга ташланади. Қолаверса, таҳлилимининг асосий мақсад ва муддаоси ҳам шу каби муаммоларга етарлича ечим топишдан иборат.

Миллий менталитетимизга хос бўлган миллий бошқаруви-мизнинг шаклланиш ва такомиллашиб бориш жараёнларини юқоридаги

қисмларда илмий асослашга ҳаракат қилдик. Халқаро муносабатларда халқаро менталитетнинг амалиётда руёбга келиши бу барча миллатларга хос бўлган умумий менталитетнинг йиғиндиси асосида юзага келади.

Бу хусусида миллатпарвар, маърифатпарвар жаид бобомиз Махмудхўжа Бехбудийнинг давлат бошқаруви хусусидаги фикр мулоҳазалари, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан ўртоқлашишни ўринли, деб топдик. Бехбудий ҳазратларининг давлат, давлат бошқаруви, Туркистон муҳторияти ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари, лойиҳаларини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш бугунги кун учун назарий ва амалий жиҳатдан аҳамиятлидир. Зотан бу сиймонинг она Ватан келажаги ҳақидаги орзу ниятлари ва дунёқараши бугунги давлатимиз миллий истиқлол мафкураси билан ҳамроҳдир.

Бехбудийнинг сиёсий-ижтимоий қарашларининг шаклланишида саёҳат, айниқса катта роль ўйнайди. У қаерга борган бўлмасин, ўша ерда идора усули билан, жамиятнинг демократик жараёнлари билан қизиққан. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ойна” журналининг 1914-1915 йиллардаги бир қанча сонларида босилган Бехбудийнинг “Саёҳат хотиралари”га назар ташлаш адиб ва унинг дунёқараши тўғрисида муаян тасаввур ҳосил қилишимизга имкон туғдиради. Жумладан, немис олимаси Ингебор Балдауфнинг орифона кузатувиға ҳам қўшилиш жоиз. У ҳам ушбу масала тўғрисида сўз юритиб, агар “Ойна” Париждан то Японияга қадар бўлган дунёни Ўрта Осиё буржуазиясига кўрсатган бўлса, “Саёҳат хотиралари” Туркистон қаршисидаги мусулмон Шарқини кашф этиб берди”, деб ёзган.<sup>1</sup> Шубҳасиз, Бехбудий ўз халқининг келажагини фақат маърифат масалалари билангина боғлаб қўймаган. Ҳар тарафлама маълумотга эга бўлган аллома ўз халқининг келажаги қандай кечиши лозимлиги масаласи билан ҳам қизиқиб, бошқа давлатларнинг сиёсий тузумини ўрганган ва қайси давлат тузумидан андоза олиш мумкинлиги борасида бош қотирган. У ўз халқи

---

<sup>1</sup> Балдауф Ингеборг. Махмудхўжа Бехбудий Фаластинда, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”.-1993, 21 май.

тарақиётини нафақат маърифати, балки унинг сиёсий мақомининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишда деб билди. Мустақилликка эришиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири, М.Бехбудийнинг фикрича, ёшлар ва кекса авлод вакилларининг бирлашувидир. Ёш авлод ўзидаги шошқалоқлик иллатидан қутулиб, масалаларни ҳал қилишда илмий асосларга суяниб иш кўриши ва мустаҳкам ирода намоён этиши кераклигини таъкидлаган. Афсуски, тан олади Бехбудий, ўзим тез ва шошилиш чора-тадбирлар кўриш тарафдори эдим, лекин ҳаммаси режа асосида амалга оширилиши ва кекса авлод ёшларини миллат равнақи йўлида меҳнат қилиб курашиш имкониятларидан маҳрум қилмаслиги керак, деб фикрлаган. Бехбудийнинг 1905 йил нашр этилган “Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Умумий жуғрофиядан сайланма китоб”) деган асарининг маълум қисми дунё кишиларинг маиший ҳаётларига, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалаларга бағишланган. “Ер юзидаги бадавий (маданиятдан узокроқ) ва маданий халқларни ҳукмдор ва сардорлари бўладурки,- деб бошланади “Ҳукумат ва ҳукмронлар” фасли, бек, амир, шоҳ ва бошқа исм ва луғатлар ила атайдурлар. Ҳар бир тилда ҳукумдорларни луғати бошқадур. Оврупо халқи императўр, қирол, дўқа, принс, президент, кназ, тсар (царь) ва бошқа луғатлар ила аталган ҳар бир ҳукумдорни мартаба ва ҳукумати бошқа навъдур”.<sup>1</sup>

Бехбудий замонасидаги мавжуд идора усуллари ҳақида фикр юритиб, уларни уч гуруҳга бўлади:

**1. Идораи мустақалла (давлат бошқарувининг монархия кўриниши).**    **2. Идораи маршрута (конституцияли парламентли ҳокимият).**

**3. Идораи жумҳурият (Республика).**

Бехбудий бу идора усуллари шундай изоҳлаган:

1. “Ани устидан қарагувчи подшоҳ соҳиби ихтиёр ва ҳар бир ройи ва амри закун ва низом бўладур. Амри, ҳукми маслаҳатхоналарни иттифоқи, хоҳиши, ҳукму ўшал императорни мустаҳкам

---

<sup>1</sup> М. Бехбудий. Бизга ислоҳ керак. // Нажот 1917. №18. 7-ноябрь, (17 апрель).

қилиш имзосига мавкуфдур. Шундай императорларни янгидан мансуб бўлиши ҳар бир давлат ва ҳукуматда муқаррарий қонун ва одатлар бўйча мерос ёинки валиаҳдлик қоидалари ва ўшал ҳукуматни қўйган “тартиб ва тадбирға мувофиқ бўладур”.<sup>1</sup> Демак, ХХ аср бошларидаги Европа давлатларида ҳаракатда бўлган уч сиёсий тузумдан бири монархия бўлиб, унда салтанат эгаси бўлган кишининг хусусий қарашлари устувор аҳамиятга эгадир.

**2.** Идораи машрута – “... бу ҳукуматға тобеъ одамлар аксар аҳли илм ва ҳунардурлар. Элу уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишлариға тараққий қилгандурки, шу тариқа фуқаролар ўз ароларидан инсонлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни ўзлариға катта ва бошқарғувчи вакил сайлайдурлар ва шул тариқа сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларга мамлакатдорлик ишлариға аралашиб, машварат ила тузатилмоқ ва муҳофазат қилинмоқиға кўз бўлмоқлари учун қарор берадурки, аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларни “Миллат мажлиси”, “маслаҳатхона”, “парламенту”, “Эл мажлиси” деган исмлар ила ёд қилинадур. Яна баъзи маслаҳатхоналар борки, маслаҳатбоши-ларни, ҳукумдорларни (подшоҳнинг) ўзи тайин қиладур. Ушбу миллат мажлисини (нг) чилон (аъзо)лари машварат ила мамлакатдорлик ишлариға аралашадур. Подшоҳ бу мажлис амриға тобеъдур. Мажлис маъбусон (депутатлар)ни(нг) ройи бўлмагунча катта ишларнин бошланмоқиға амр ва ҳукум қилолмайдур. Хулоса, император соҳиб ихтиёр бўлмай, дурустроқ ишларға қонун ва низомларни чиқарилмоқиға бутун эл мажлисиға тобеъ бўлиб турадур”.<sup>2</sup>

Беҳбудий таснифидаги иккинчи давлат тузуми, бугунги атама билан айтганда, парламентар республикадир. Давлат қурулиши-нинг бу турдаги подшоҳ ё салтанат раҳбарининг мавжуд бўлишига қармай, парламент ё “миллат мажлиси” унинг раъйига эмас, аксинча, у

---

<sup>1</sup> Ўша асар.

<sup>2</sup> М.Беҳбудий. Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий. Сочинитель издатель Самаркандец. 1905 г. – Б. 42.



шу ташкилот аъзоларининг раъйига қарайди ва унинг қонунларига бўйсинади.

3. “Идораи жумҳурият” аксар фуқароси аҳли илм бўлиб, бу аҳли дониш аҳолини сайлаган вакиллари, яъни ҳукуматга етти йилгача ўз мамлакат ва ҳукуматларини бошқармоғи учун ўз орала-ридан бир нафар донишманд одамни бошлиқ сайлайдурларки, “раиси жумҳурият”, “садрнишини миллат”, “президент” аталадур. Бу раис гўё бир оризий (вақтинча), омонат подшоҳдир. Ҳар бир ҳукм ва амру тартибни, мамлакат ва кўйга тааллуқ ишни, Миллат мажлисини(нг) қилиб берган дастурламал, яъни қонун ва низом номалариға мувофиқ қилиб, бутун элга тобеъ, аларни(нг) ҳукму талабларини ўрниға келтирувчидур. Бу икки тоифани(нг) подшоҳи баъзи мамлакатдорлик мутасадиларини тафтиш қилмоқға, терговға бермоқға, ҳатто, ўшал соатда бирдан бекор қилдурмоқға баъзи Миллат мажлисларини(нг) ихтиёри бордур. Ҳозирги Оврупо ҳукуматларини(нг) рафтори, одати шу уч усулни(нг) бирига дохил, тобеъ ва мувофиқдур. Бу икки тоифани подшоҳи баъзи мамлакатга “Элга тобе бўлубтурарман”, деб қасам ичиб, баъд мансабға чиқадур. Мустақил ҳукумдорларни(нг) кўл остида ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордур. Илмсиз ҳукуматлардек неча милйўн халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам (подшо) ни(нг) ихтиёр ё ройи ва ҳукмиға йўқдур. Бир нафарни(нг) ақли, фикри ила ўн нафар аросида на қадар фарқ бордур? Ушбу сабаблардан-дурки, озгина Оврупо халқи бутун курраи арзга ҳоким ва мутасарриф (эга) дурлар. Сабаб: ҳукумат, илм ва дароят, қонун, мусовот (тенглик), машварат (маслаҳат) ва тадбирдур”.<sup>1</sup>

Европа мамлакатларидаги давлат бошқарув тузумини Беҳбудий уч гуруҳга ажратади. Бу давлат тузумлари ўртасидаги фарқни ҳам шу давлатлар тасарруфидаги халқнинг илмли-илмсизлиги, маърифатли-маърифатсизлиги билан боғлайди. Халқ қандай маданият ва маърифат босқичига кўтарилган бўлса, уни идора этаётган сиёсий

---

<sup>1</sup> М.Беҳбудий. Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий. Сочинитель издатель Самаркандец. 1905 г. – Б. 244 -245.

тузумнинг ҳам шу халқ даражасини акс эттириши мумкинлигига эътиборини қаратади.

Хулоса қилиб айтганда, Бехбудий ўзи яшаган даврдаги Туркистондаги рус чоризми ва вақтли ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилади ва уша даврдаги қонунларни танқид қилади. Ўзининг китоб ва мақолаларида Туркистоннинг сиёсий ва ижтимоий аҳволига эътиборни қаратади ҳамда озодлик ва мустақиллик учун халқнинг ижтимоий ва сиёсий онгини ошириш орқали эришишни таъкидлайди.

XX аср бошларидаги Европа давлатларида ҳаракатда бўлган уч сиёсий тузумни чуқур ўрганган, унинг салбий ва ижобий томонларини кўрсатиб очиб берган ва улардан керак бўлса андоза олиш лозимлигини таъкидлаган... Бехбудийнинг дунёқараши ўз даврида мавжуд фикр, ғоя ва сиёсий таълимотлар орасидан шарқий таълимотларга мос келадиган, лекин Европа сиёсий таълимотларининг қимматли томонларини қамраб олган ҳолда шаклланди. У жаид эди, шу дунёқарашни бойитди ва тинмай уни жамиятга тадбиқ этиш йўлини излади.

XX асрнинг сўнги инсонлар, миллатлар ва халқлар тақдирда қанчалик суронли бошланган бўлса, унинг якуни ва XXI асрнинг бошланиши ҳам мамлакатлар ва халқлар тарихида катта сиёсий ўзгаришларни юзага келтирди. Дунё харитасида ўзининг миллий менталитетига эга сиёсий бошқарув тизимига, социал, иқтисодий, ижтимоий ва маданий асосларига эга бўлган янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Шу тариқа миллатлар ўртасидаги миллий муносабатлар, менталитетлар тизimini ўз-ўзидан турли хил ўзгаришлар касб этди, яъни қачонлардир сиёсий томондан мустамлака бўлган, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан қарам бўлган давлатлар энди ўз миллий тараққиёт йўлини, миллий маданий ўзгаришларини ўзлари янгича танлаш, белгилаш ва ривожлантириш имконига эга бўлдилар. Бу эса дунё саҳнасида миллий муносабатларнинг, маданий ўзгаришларнинг, умуминсоний ахлоқий муносабатларнинг тубдан ўзгаришига ва янгиланишига олиб келди. Бундай шароит ўз навбатида давлатлар ўртасидаги

хавфсизлик муаммолари ва улар кўламининг ортиб боришига сабаб яратди. Сабаб кўлами, аввало, миллий чегаралар дахлсизлигини сақлаш, миллий қадриятлар бардавомлиги ва барқарорлигини таъминлаш, уларнинг яхлитлигини асрашга қаратилган муаммоларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бунда халқаро хавфсизлик унга дахлдор бўлган барча субъектларнинг хоҳиш иродаси, ҳуққ-атвори ва истиқбол мақсадларига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг миллий маънавий мезонлари, уларнинг давлатлараро бошқарув муносабатлардаги ифо-даси энг мураккаб ҳамда карама-қарши мунозараларга, турли зиддиятларга сабаб бўлиб келаётган муаммолар қаторига киради. Давлатлар бошқарувидаги ташқи сиёсати билан боғлиқ фаолиятлари ва бунда уларнинг турли воситалар асосида бир-бирига нисбатан амалга оширилиб келинаётган баъзан пинҳона, баъзан ошкора тажовузи, афсуски, ҳар сафар миллатлар маданияти, халқларнинг қадрияти ва ҳуқуқларини поймол этиш билан, этник ва миллий масалаларда ён босиш орқали ёки “демократия хавф остида” деган важлар билан халқаро сиёсий фаолиятларнинг ахлоқийлигини асослашга ўриниб келмоқдалар. Бундай ҳолларда табиийки, кимнинг имкониятлари юқори бўлса, “ахлоқ” ҳам унинг хизматига бўйсундирилиб келинаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бошқача қилиб айтганда, ҳеч бир давлат ўз халқи ва халқаро ҳамжамият кўзгусида агрессор бўлишни истамайди. Амо, ўз ташқи сиёсати асосларини мустаҳкамлаш йўлида унинг амал ва воситаларидан фойдаланади.<sup>1</sup> Эътибор қиладиган бўлсак, Осий минтақаси ва мусулмон Шарқидаги бошқарувга хос бўлган қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар ва анъаналарга эга. Шарқда бошқарув тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизда бошқарув жараёнлари халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Шу жиҳатдан ҳам маънавий-ахлоқий қадриятлар сиёсий

---

<sup>1</sup> Т.Алимардонов. Сиёсат ва ахлоқ мувозанати. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2011. – 175.

муносабат-ларда ҳам устунлик қилиши даркор. Халқаро муносабатларда бошқарув билан боғлиқ жараёнларда нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг фаолияти ҳам муҳим ўрин тутали. Масалан, АҚШ да 1 миллион 140 та ННТ рўйхатга олинган. Бу дунё бўйича энг катта кўрсаткичлардандир. Эътибор қиладиган бўлсак қўшма штатларда нодавлат-нотижорат ташкилотлари тузилган дастлабки йилларда фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларига эътибор қилинганлигини кўришимиз мумкин. Шу тариқа океанorti мамлакатада ННТ фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жисмоний муҳофаза борасидаги вазифаларни ҳукуматдан босқичма-босқич ўз зиммасига ола бошлади. Айна пайтда ҳам АҚШ даги нодавлат нотижорат ташкилотлари бу икки йўналишда мавқеи баланд бўлиб, улар етакчи ўрин тутди. Буюк Британияда асримизнинг бошларида 250 мингдан зиёд нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолият юритганлигини кўришимиз мумкин. Ривожланган хусусиятлари кўп масалаларда АҚШ га мувофиқ келадиган Буюк Британияда ҳам нодавлат-нотижорат ташкилотлари биринчи навбатда, худди Америка Қўшма Штатларидаги каби, ижтимоий ҳимоя дастурлари ва фуқаролик ҳуқуқлари борасидаги дастурларга алоҳида эътибор қаратди. Пировардида ҳукумат бу борадаги амлий дастурларни уларга ишониб топширди.

Ғарбнинг яна бир ривожлан мамлаката Францияда нодавлат-нотижорат ташкилотлари иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этгани кузатилди. Мамлакат Иккинчи жаҳон урушини катта йўқотишлар билан якунлади – иқтисодиёт бутунлай издан чиққан, ишсизлик, қашшоқлик даражаси ошиб кетган эди. Ана шундай мураккаб бир шароитда нодавлат-нотижорат ташкилот-лари мамлакатда қашшоқликни тугатиш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича ташаббус дастурлари билан чиқди ва ҳукуматга катта амалий ёрдам кўрсатди. Ўша йиллари 65 дан зиёд ННТ фаолияти Германияда ҳам мазкур муассасалар Франциядаги каби иқтисодий тараққиёт дастурларида фаол қатнашди. Кўпгина мутахассислар Германиянинг ҳозирги мувофаққиятга эришувида нодавлат-

нотижорат ташкилотлари улкан ҳисса қўшганликларини бот-бот таъкидлашади.

Дунёнинг илғор мамлакатларидан бири бўлган Швецияда ҳам нодавлат-нотижорат ташкилотлари иқтисодий-сиёсий жараёнлар ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки билан ажралиб туради. Бу скандинавия мамлакатада улар инсон ҳуқуқлари, хусусан, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашга қаратилган кўплаб ижтимоий дастурларни амалга оширди. Ана шу ҳаракатлар самараси ўлароқ, Швеция айни пайтда дунёдаги оммавий ахборот воситалари эркинлиги нисбатан таъминланган санокли давлатлардан бири саналади. Аслида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўрин-лари очиш бу ташкилотларнинг мақсад вазифаларига кирмайди. Шунга қарамасдан халқаро ҳамжамиятда ҳам юртимизда ҳам “учинчи секторга” банд бўлган аҳоли сони ошиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Жон Хопкинс институти таҳлилларига қараганда, АҚШда нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятида банд бўлган аҳоли сони 10 миллиондан ошади (бу иш билан банд бўлган қатламнинг 6.9 фоизи демакдир). Нодавлат-нотижорат ташкилотларида кўнгилли равишда иш олиб борганлар сони эса 93 миллиондан ошади. Кўриниб турибдики, “учинчи сектор” фуқароларни иш билан таъминлаш борасида ҳам етакчи ўринни тутмоқда. Хўш, бу изоҳларни келтиришдан мақсад нима? Нодавлат-нотижорат ташкилотлари давлат ва жамиятни бошқариш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ривожлантиришда қандай аҳамиятли вазифаларни бажаради? Қолаверса, мамлакатимизда бундай фуқаролик институтлари имкониятларидан фойдаланиш керакли даражада йўлга қўйилганми? Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини ўрганиш уларнинг давлат ва жамият бошқаруви жараёнларидаги саъйи ҳаракатлари қўйидаги йўналишларда изоҳланади:

- бозор иқтисодиёти механизмларини жорий этиш ва эркин фаолият олиб боришни қўллаб-қувватлаш;

- бошқарув органлари, уларнинг қонунларга амал қилиши, фуқароларнинг ҳуқуқларини жойига қўйилишини назорат қилиш;

- аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;
- миллий-маданий меросни ўрганиш ва уни тарғиб қилиш;
- иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бу борада давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

- мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, уларга ижодий кучларни сафарбар этиш;

- давлат ва жамият бошқарув органлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш институтлари билан бирга оммавий маданий тадбирларни уюштириш;

- бўлажак, юксак интеллектуал салоҳиятга ва ахлоқий маданиятга эга бўлган бошқарув кадрларни тайёрлашга қаратилган миллий дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этиш.

Бугун миллий ва халқаро муносабатлар бошқарув тизимида “ўз-ўзини бошқариш” тушунчаси тобора истеъмолга чуқур сингиб бормоқда бунинг мазмуни шундаки, ҳар қандай демократик институт ўз фаолиятини, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзига ҳисоб бериш орқали йўлга қўйишлигини англатади. Аммо, бу давлатни, профессинол бошқарув тизимини рад этмайди. Ўз-ўзини бошқариш моҳиятига кўра давлат, профессионал бошқарув объектив ва субъектив сабаблар боис амалга оширилмаётган вазифаларни ўз зиммасига олади. Ўз-ўзини ташкил этиш эса:

**биринчидан**, халқаро ҳамжамиятда фуқароларнинг бурч ва вазифаларини белгилаб берадиган;

**иккинчидан**, халқаро муносабатларда қонунлар доирасида фаолият юритиш учун зарур ижтимоий, сиёсий ва маданий шарт-шароитни яратиб берадиган;

**учинчидан**, расмий ҳокимият органи томонидан қўллаб-қувватланадиган;

**тўртинчидан**, халқаро ҳамжамиятга молик муайян ижтимоий вазифаларни бажаришга ёрдам берадиган;

**бешинчидан**, халқаро менталитет ва муносабатлар доирасида фуқароларнинг ҳуқуқларини руёбга чиқарадиган, эҳтиёжларини қондирадиган механизмларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Ушбу механизмларга эга бўлиш халқаро муносабатларда, бир томондан, фуқаролик институтларининг ихтиёрийлик асосида фаолият кўрсатишини таъминласа, иккинчи томондан, уларни боюрократик, моҳиятан, инсонга хизмат қилишга йўналтирилган воситалар билан бошқарувчи халқаро инсонпарвар органга айлантиради. Шу тариқа халқаро муносабатларда фуқаролик институтлари демократик тамойилларни ижтимоий бошқарувга жорий этади ва уларни тараққиёт учун зарур кадриятларга айлантиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, халқаро муносабатларда ўз-ўзини бошқариш ҳамиша бир макон (мамлакат, меҳнат жамоаси, маҳалла, қишлоқ кабилар) билан боғлиқ. Ушбу маконга тааллуқли бўлган аниқ муаммоларни, вазифаларни бажариш фуқаролик институтларига хосдир ва ушбу хислат миллатлар ҳаётига, халқлар эҳтиёжларига, интилишларига яқин қилади. Ҳатто айтиш мумкинки, фуқаролик институтлари халқаро муносабатларда бошқарув ҳокимиятининг аниқ бир кўриниши, шакли сифатида унинг кундалик буюртмаларини бажаради. Шу нуқта назардан ҳам у, халқаро муносабатларда бошқарув ҳокимиятининг халққа энг яқин бўғини сифатида эътироф этилади. Масаланинг бошқача томони шундаки, ўз-ўзини бошқариш органларига мустақиллик бериб, уларни сиёсий бошқарув тизимини эгалловчи, ҳатто профессионал бошқарув ўрнига келиб, давлат функцияларини қисқартирувчи ташкилотлар сифатида талқин қилиб бўлмайди. Бунга нисбатан қандай эътирозлар билдириш мумкин? Биринчидан, ўз-ўзини бошқариш-нинг ривожланишини “носиёсий, давлатсиз, жамоа бошқаувиға” олиб келишини тасаввур қилиш қийин. Бу аслида давлат ҳам, давлат бошқаруви ҳам бўлмайди, дегани. Муайян олинган алоҳида бир жамоа, ҳудуд миқёсида давлатсиз жамоа бошқаруви бўлиши мумкиндир, лекин бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб жамоа бошқарувиға ўтиш хомҳаёлликдан бошқа нарса эмас. Иккинчидан, профессионал бошқарувнинг барҳам топишини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Ижтимоий ҳаёт мураккабланиши сари ҳар бир соҳани профессионал салоҳиятга эга бўлган кадрлар

бошқариши талаб этилади. Акс ҳолда ҳозирнинг ўзидаёқ юқори малакали кадрлар тайёрловчи ўқув юртларини қисқартиришга тўғри келар эди. Ваҳолангки, жамиятнинг бундай кадрларга эҳтиёжи йилдан йилга ортиб бормоқда. Учинчидан, “барча бошқарув тизимини давлатлар миқёсида халққа бериш” ҳам ғайритабиий иддао ҳисобланади. Тўғри, халқ давлат бошқарувини бевосита амалга оширувчи субъектларни, институтларни сайловлар, референдумлар орқали шакллантириши мумкин. Лекин, бу “барча бошқарув функциялари халққа берилади”, деган фикрни англамайди. Акс ҳолда собиқ тузум даврида бўлганидек, “ҳамма бошқаради, бироқ ҳеч ким масъул эмас” тамойили юзага келади. Демак, бошқарув, айниқса, давлатни бошқариш ҳамиша масъу-лиятни зиммасига оладиган шахсларга, субъектларга, институт-ларга муҳтож бўлиб қолаверади. бу ўринда ҳамма гап “барча бошқарув функцияларини халққа берилишида” эмас, балки бу функцияларни амалга оширувчиларнинг халқ ҳошиш иродасига мувофиқ сайланиши ва уларнинг ўз сайловчилари, халқ манфаатларига хизмат қилишидир. Масаланинг энг муҳим ва мураккаб бўлган жиҳатлари шундан иборатки, ахлоқий қарашларни мутлоқлаштириш, айниқса, хал-қаро миқёсда унинг монополлашувига олиб келади. Маданиятлар ранг-баранглигига салбий таъсир кўрсатади. Унинг оқибатларини биз турди тузумлар, сўнгра вайронкор ғоялар кўринишида намоён бўлганлигининг гувоҳи бўлдик. Албатта, халқаро ахлоқий муносабатларнинг мезонини белгилашда Г.Моргентау томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар давлатларнинг ташқи сиёсатидаги фаолиятини маърифий жиҳатдан мустаҳкамлашга ёрдам беради. У вақт ва конкрет шароитдан келиб чиққан ҳолда умуминсоний ахлоқ тамойилларини белгилашни таклиф этади. Айни пайтда, ахлоқий сиёсат тарафдорлари эҳтиёткорлик, вазминлик ва меъёрни аниқ тасаввур этишлари лозимлиги кўрсатилади. Айниқса, давлат ва миллатларнинг миллий менталитет ва ахлоқий талабларидан келиб чиқиб мавжуд муаммони муҳокама қилиш тўғри хулосаларни бермаслиги хусусида огоҳлантирилади. Бирон бир давлатнинг



манфаати билан белгиланган ахлоқ бошқалар учун андоза бўла олмайди. Агар биз бошқалар манфаатини билсак ва бунда ўзимизнинг манфаатларимизни уйғунлаштира олсак ёки ана шундай масъулият ташқи сиёсатда устуворлик қилса, ахлоқнинг умумназарий тамойилларига амал қилиш имкониятлари вужудга келади.<sup>1</sup>

Халқаро муносабатларда умумий ахлоқий қадриятларнинг сиёсат даражасида шаклланиш жараёнлари оғир кечса-да, аммо, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий адолатсизликка қарши кураш, демографик, қашшоқлик, инсон ҳуқуқлари, болалар, аёллар, сиёсий маҳбуслар, қочоқлар, терроризм ва шу каби бошқа муаммоларни ҳал этиш борасида ижобий натижаларни кузатиш мумкин. Энг муҳими ахлоқий фаолият турларидан бири – бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини мустаҳкалашдир. Бу борада халқаро журналистлар томонидан тегишли маълумотларни олиш имкониятларининг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши муҳим омил ҳисобланади. Зеро, журналистлар ЮАР ёрдами, Ироқдами, қаерда бўлмасин, давлатлар томонидан амалга оширилаётган зўравонликка ва улар ўртасидаги можароларга нисбатан қарши ижтимоий фикрларнинг салмоғи ҳамда таъсирининг ортиб боришига хизмат қилади. Шу тариқа ижтимоий фикрларнинг ташқи сиёсатга таъсири аслида давлатлар ўртасида тузилган Хельсинки шартномаларининг амал қилиш талабларини оширишга олиб келади.

Давлатлараро муносабатлар тизимида ҳозирги янги бошқарув санъати мазмуни, шакли-шамойили жиҳатидан катта ўзгаришлар юз берган бўлса-да, ҳокимият учун кураш моҳиятан ўзгарган эмас. Халқаро муносабатлар ва уларнинг мавқеи даражаси кўпроқ жаҳон бозори тизимида намоён бўлади. Шу ҳисобда йирик субъектлар ҳал қувчи рольни ўйнайдик, рақобат нисбий кўринишга эга бўлиб қолади. Яъни, бозорда ҳам тенглик, адолат масалалари субъект таъсир даражасининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Айниқса, шундай давлатлар ўз манфаатларига мос халқаро тизим

---

<sup>1</sup> Morgenthau J. Politics among nations. – New York. 1961. 10 p.

структурасини белгилайдилар ва қолган кичик давлатларни мавжуд ташкил этилган қолипга мослашиш кераклигини уқтирадилар. Чунки, уларнинг имкониятларида ҳаётий муҳим бўлган ресурслар мавжуд бўлиб истаган пайтда бундай ваколатдан бошқага нисбатан таъзйиқ ўтказишда фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолат анча “маърифий” кўринишларда бизгача сақланиб келинмоқда. Белгиланган ҳукмрон қоида ва тартибларга мослашмаган давлатларнинг халқаро сиёсий бошқарув тизимида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таъқибга ўчраш хавфи сақланиб қолади. Баъзан эса давлатларнинг суверенитетлик масалалари ҳам таҳдид остида қолиши мумкин. Шу тариқа бир давлатнинг халқаро тизимдаги нуфузининг ортиб бориши иккинчи бир давлат нуфузининг камайиши эвазига амалга оширилади. Шунинг учун давлатлар доимо ташқи таҳдид таъсири билан яшайди. Айни пайтда кўшни давлатларнинг ҳукмронлиги остида қолмасликлари учун ўз ҳарбий имкониятларини кенгайтириб боришга ўринадилар. Аммо барча ҳам бунинг уддасидан чиқа олмайди. Халқаро муносабатларнинг зиддияти ҳам шу ердан бошланади.

Шу ўринда халқаро муносабатларнинг ахлоқий тамойилларини қандай назарий тамойиллар асосида ишлаб чиқиш ижобий самара бера олади, деган ўринли савол туғилади. Халқаро муносабатларнинг ахлоқий уйғунлигига эришиш, аввало, социал-маданий умумийликда ифодаланади. Шу жиҳатдан масалага нисбатан теран ёндашилганда унинг ахлоқий тамойиллари маълум. Айни пайтда, унинг амалий ифодаси мавжуд социал-сиёсий шароит билан боғлиқ бўлиб миллатларнинг маданий хусусиятлари, уларнинг иқтисодий, сиёсий имкониятларидан келиб чиқади. Шунинг учун нафақат маданий интеграция, балки, барча соҳалар-даги фаолиятлар умумлашуви ҳам назарда тутилади. Бундай жараён аслида, глобаллашувнинг моҳиятида табиий эҳтиёж сифадида кенгайиб келмоқда. Аммо, бундай эҳтиёжни англаш ва унинг талабларига мувофиқлашув амалиёти ниҳоятда оғир кечмоқда. Албатта, бугунги глобал муаммолар олиб келаётган таҳдидлар кўламига ҳамоҳанг тарзда қаршилик кўрсатмаслик давлатларнинг нафақат ташқи

сиёсатига, балки, ички сиёсатига ҳам салбий таъсир ўтказди. Улар, аввало, ривожланган давлатларда хомашё танқислиги, ишлаб чиқариш молларининг янги бозорга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши, ишсиз, касаллик, қашшоқлик, очарчилик, қочоқлар муаммосининг кучайиши, гиёҳвандлик, иркчилик, диний фанатизм, шовинизм, халқаро жинойатчилик ва терроризм, экологик муаммолар, иқтисодий аҳволи заиф ёки ривожланёйган давлатларнинг чет эл инвест-циясига бўлган эҳтиёжларида намоён бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, ана шундай синовли ва оғир дамларда раҳбар маҳорати, унинг етакчилик қобилияти халқаро муносабат-лардаги сиёсий вазиятларни тўғри баҳолай олиши, миллат ва мамлакат манфаатларини ўта зукколик ҳамда зийраклик билан халқаро майдонга олиб чиқиш масаласида намоён бўлади. Шу жиҳатдан ҳам халқаро миқёсдаги муаммолар кўлами ва уларнинг ечимини топиш бугун давлатларни бир-бирига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ боғлаб қўйиши билан бир қаторда раҳбарлардан юксак даражадаги сиёсий дипломатияни ва ахлоқий маданиятни талаб қилмоқда. Айни пайтда, ҳеч бир давлат ёки унинг маданияти айри ҳолда ўз манфаатларини алоҳида ҳал этиш имкониятига эга бўлолмайди. Шу тариқа ташқи сиёсатда ва халқаро муносабат-ларда маданий-ахлоқий жиҳатдан умумий манфаатларга асосланишга мажбур бўладилар. Бундай қонунийларни сиёсатда суйиистеъмол қилиш табиий равишда халқаро зиддиятларни келтириб чиқараверади. Гегельнинг ушбу фикрлари эса алоҳида диққатга саовордир: “Ҳар бир давлат маълум халқининг миллий-маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий онглилик тараққиётининг пиллапоясидир. Бу тараққиёт зинапояси қадам-бақадам босиб, бир меъёрдаги ҳаракатни, вақтдан ўзиб кетмасликни тақозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир, унга тафаккур, фалсафа, ҳамма нарса мужассам.”<sup>1</sup> Дарҳақиқат, шундай экан, у ёки бу давлатнинг вақтдан ўзиб кетиши, айни пайтда, вақтдан ортда қолиб кетиши ҳам тараққиёт қонунларига ҳам зид келади. Шунинг учун

---

<sup>1</sup> Гегель. Философия и право. – М.: 1990. С. 469.

иккинчи ёхуд учинчи даражали миллат ёки давлат бўлиши ҳам мумкин эмас. Халқлар ўз истиқболи ривожига ҳамда улар билан боғлиқ бўлган муаммоларида бир-бирлари билан боғлиқдирлар. Чунки, дунё ранг-баранглиги билан гўзал бўлса, миллатлар ҳам ўз хусусиятлари билан бетакрордир. Ана шу бетакрорликда уйғунлик мавжуд. Айнан ана шу умумийликни англаш халқаро муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асосларини ташкил қилади.

Бу борадаги илмий таҳлилий хулосаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, **биринчидан**, ҳамкорлик қилишнинг устунлигини тан олмаслик ва муносабатларда ишончсизлик ҳукмрон бўлаётганлиги билан белгиланади. Шунинг учун олимлар томонидан томонларнинг эркин ташаббуси, етакчи давлатлар томонидан биринчи ўринга қўйиш лозимлигига ишора қилинмоқда. Халқаро ва миллий менталитет муносабатларини ахлоқий нуқтада бирлаштириш нафақат сиёсий жиҳатдан, балки иқтисодий-маданий жиҳатдан ҳам халқаро муносабатларни кафолатлашга имкон беради. Бу борада халқаро ҳамкорлик қанчалик чуқурлашса, халқлар ўртасида тинчлик шунчалик реал воқеликка айланади.

**Иккинчидан**, миллий ва халқаро менталитет уйғунлигини замонавий раҳбар кадрлар, етакчилар белгилаб бериши билан бир қаторда улар ўз миллати, халқи ва давлатининг мустақиллиги ҳамда истиқбол тараққиётининг ривожига учун мунтазам кураш олиб борадилар. Бугун ўз мустақиллиги учун курашаётган халқлар (курдлар, уйғурлар) алоҳида субъект сифатида эътироф этилмоқдалар. Чунки, мазкур халқлар ҳам давлатчилиги ва миллий менталитетидан қаъти назар, ўзларига хос маданий муҳитга, урф одатларга, қолаверса, ўзининг тарихий-тадрижий цивилизация-сига, ривожланишнинг ўзига хос кўринишларига эга. Шундай экан, ҳар бир элат, миллат мустақил давлатчилик бошқарув асосларини яратишга ҳақлидирлар. Зеро, миллатларнинг тарқоқлиги турли таҳдидларни ўз бағрида сақлаб келади. Давлатчилик бошқарувининг муносиб даражада шакллантирилганлиги эса миллатнинг уюшишига, халқаро субъектларнинг муносиб иштирокчиси сифатида намоён бўлишига имконият беради.

**Учинчидан,** тобора ўзгариб бораётган халқаро ҳамжамиятда етакчи давлатлар томонидан бирор минтақадаги мамлакатлар алоқалар тизимини шакллантириш ёки янада ривожлантириш масалаларида икки томонлама муносабатлар ўрнатиш асосида объектнинг қайси маданий цивилизацияга мансублигига, унинг давлат манфаатларида нечоғли аҳамиятга эга бўлиши сингари жиҳатларига эътибор қаратилмоқда. Бундай муносабат ўз-ўзидан қарама-қарши томонларнинг вужудга келишига олиб келади. Аксинча, реал халқаро муносабатларда ҳамкорликнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий тамойиллари қаторида алоқалар кўламининг умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ миллий менталитетига катта эътибор берилиши миллат ва халқларни ягона ғоя – умуминсоний қадриятлар атрофида бирлаштирилишига олиб келади.

**Тўртинчидан,** адолатли жамият ва бунда раҳбар камолоти ривожланган давлатчилик заминида шаклланиб боради. Бундай давлатчилик бошқаруви миллатнинг ягона ғоя атрофида ўзаро келишуви, миллий бирлигига эга бўлиши натижасида амалда вужудга келади. Албатта, бугунги даврга келиб инсонлар томонидан яратилган бу каби ахлоқий тафаккур маҳсулларини янада тўлдириш мумкин. Айни пайтда, инсон мавжуд қадриятларни англаш ёхуд англамаслик ҳолатлари билан ижтимоий субъектга айланади. Миллий ва халқаро менталитет давлатлараро ҳамкорликдан ташқари, ўша давлатда истиқомат қилаётган миллий-этниқ ва маданий гуруҳлар ўртасидаги мулоқотга ҳам алоҳида назар билан қарайдилар.

**Бешинчидан,** барқарор сиёсий бошқарув тизими миллатнинг миллий менталитети билан боғлиқ бўлган маънавий салоҳиятини белгилайди. Маънавийт эзгуликка қаратилган куч сифатида нафақат давлат бошқаруви яхлитлигини, балки давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларни ҳам мустаҳкамлайди. Ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорликни ривожлантиради. Давлатлар, миллатлар хавфсизлик даражаси ва имкониятини кафолатловчи омил бўлиб хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва унинг негизида қонун устуворлиги асосида миллат манфаатлари давлат манфаатларидан устувор бўлган адолатли, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни олиб борилаётган тадрижий ислохотларнинг бош мезони қилиб олди. Бу жараён, энг аввало, жамиятда демократик тамойилларнинг аста-секинлик билан киритилиши ва амалда жорий қилиниши ҳамда мамлакатда янгиланиш жараёнида барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш билан бир вазиятда олиб борила бшланди. Мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида аҳоли онги-тафаккурини, улар дунёқарашини тубдан ислоҳ қилиш, фикр қарамлигидан, тафаккур қуллигидан, лоқайдлик ва боқимандалик гирдобидан халос этиш бажарилиши шарт бўлган бирламчи мақсад сифатида олинди.

Эътибор қиладиган бўлсак, давлат ва жамиятни бошқариш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини ҳал этиш ва бошқарув жараёнларини демократлаштириш муносабатида кенг маънода тарғиб этилиши такомилида, ушбу функционал вазифани амалга оширувчи давлат хизматчилари юксак ахлоқий маданиятга ва маънавиятга эга бўлишлари талаб этилади. Натижада, жамиятда барқарор бошқарув механизмига асосланган демократик тамойиллар юзага келишини истаган давлат, уни давлат хизматчиларига ахлоқий эркинлик бериш йўли билан ҳамоҳангликда амалга оширади. Шу тариқа, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, янгилаш ва янгиланишга оид ислохотлар амалга оширилиши изчил равишда ривожланади. Акс ҳолда, давлат хизматини амалга оширувчи хизматчиларга ахлоқий эркинлик берилмасдан, унинг эркинлиги поймол қилинса, жамиятда ихтилофлар кучайиши юз беради, ислохотлар бунёдкорликка эмас, аксинчв, таназзулга, вайронкорликка хизмат қилади. мамлакат тараққиёти эса догма ҳолатига келиб қолади яъни, жамиятда

догмалашув — қотиб қолиш жараёни, анархия юзага келади.

Бугунги кунда мамлакатда турли соҳаларда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнлари билан боғлиқ бўлган ривожланиш омилларини жадаллаштириш муносабатида мамлакатни модернизация қилиш каби ислоҳотларнинг чуқурлашиб бораётганлиги гувоҳи бўлиб турибмиз. Айни пайтда, бундай муаммолар, ўтмишдан мерос бўлиб қолган сиёсий тизим асоратларини, маъмурий бўйруқбозлик бошқарув услубларини бартараф этиш баробарида жамиятда маънавий ва ахлоқий кадриятларни нафақат шакллантириш балки, уйғунлаштириш билан бир қаторда шарқона демократик тамойилларни қарор топтиришга қаратилган тубдан янги сиёсий тизимнинг ахлоқий асосларини яратиш асосида намоён бўлади. Жамиятда ижтимоий-ахлоқий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш эса диний, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан реал таъсирида ўз ифодасини топади. Миллатимизга хос бўлган бағрикенглик, меҳнатсеварлик, босиқлик, вазминлик, сермулоҳазалилик, сабрлилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч каби фазилатлар мамлакат олдида турган улкан, айни пайтда, мураккаб истиқбол вазифаларни амалга оширишда маънавий кучқудрат, ахлоқий восита бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, бугунги кунда демократик жараёнларни чуқурлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг самарали таъсири ва ривожини мустаҳкамлаш мақсадида давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятида маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга қаратилган муаммолар таҳлилини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва унинг илмий асосларини шакллантириб бориш муҳим зарурий аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини ижтимоий-сиёсий муносабатлар даражасига олиб чиқиш, унга амал қилишнинг оммавий мезонларини ишлаб чиқиш миллий-анъанавий тартиботлар ривожланишини жадаллаштиради. Адолат, эзгулик, меҳр-мурувват, фидоийлик, жасорат, ватанпарварлик каби инсоний фазилатлар шахсий фаолият туридан ижтимоий-ахлоқий хусусият касб эта бошлайди. Одамларда ушбу сифат ва хусусиятлар билан намуна кўрсатиш, ибрат бўлиш рағбати

ортиб боради. Эзгулик йўлида амалга оширилган ишлар самарасидан баҳра олишнинг ахлоқий мезонлари вужудга келади. Шунинг учун ҳам бошқарув жараёнларини демократлаштириш, эркинлаштириш, керак бўлса, кадриятларни кадрлаш жараёнларининг амалий аҳамиятини ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан ўрганиш, давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий мезонлар асосида фаолият олиб боришини таъминлаш, раҳбар кадрлар маънавий-ахлоқий қиёфасини яратиш муҳим илмий изланишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Кўришиб турибдики, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш жараёнида давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий тамойилларининг мувофиқлик томонлари, уйғунлиги ўзаро ҳамкорликда, боғлиқликда вужудга келади. Давлат ва жамият бошқарув жараёнларини мувофиқлаштириш мақсадида инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, инсоний кадриятларини қонунан қафолатлайди ва инсонлар ўз навбатида, жамиятда демократик тамойилар, ислоҳотлар жараёнининг амалга ошишида ўзларининг эркин интеллектуал салоҳияти билан кўмаклашади. Яъни, бунда диалектик муносабатларнинг амалга ошуви илмий жиҳатдан шаклланади. Шу тариқа, Ўзбекистонда бошқарув жараёнларини демократлаштиришга оид олиб борилаётган тадрижий ислоҳотлар пировардида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатланиши мамлакатда қонун устуворлиги ўрнатилганидан далолат беради. Маълумки, қонун ва адолат бор жойда тинчлик ва тартиб, барқарорлик ҳукмрон бўлиши табиий ҳол. Шунга биноан, ҳар қандай ислоҳотнинг сифатли даражада амалга оширилиши, унда аҳолининг иштироки муносиб таъминланиши лозим. Агар жамиятда демократик тартиботлар ривожини инсонлар манфаатини ҳимоя қилишга эмас, балки, сиёсат талаби билан зўравонликка асосланса, демократик жараёнлар интиҳоси, шубҳасиз, инқирозга, ахлоқсизликка, анархияга олиб келади. Шунинг учун ҳам демократик тамойиллар барқарор ривожланиши жамиятда инсонлар манфаати ва эркинлигини ахлоқий мезонлар ва меъёрлар билан таъминлаш орқали вужудга келади. Албатта, бу ниҳоятда мураккаб жараён ва тизим ҳисобланади. Бундай ҳолатда эътибор ва эътироф



инсонларга давлат хизматини кўрсатувчи давлат хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқдир. Фаолиятнинг мақсади ва муддаоси манфаатлар оқимини ўзининг “томорқаси”га эмас, балки, халқнинг манфаатига йўналтириш билан белгиланади. Яъни, давлат хизматчиларининг олиб бораётган фаолияти ахлоқий муносабатлар назоратида ушлаб турилиши лозим. Масаланинг моҳияти шундаки, давлат хизматчиларининг бошқарув мезонлари жамиятни мавжуд ҳолати талабига мувофиқ ташкил этилиб борилиши зарур. Агар жамиятда шаклланаётган демократик тамойиллар бошқарув фаолиятига мос келмаса, талаб ва эҳтиёжларига жавоб бермаса, унда ижтимоий зиддият кучайиш хавфи ортади.

Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар тарихидан бизга маълумки, давлат бошқаруви, ҳокимиятга интилиш манфаат ва эҳтиёжни қондириш масалалари инсоният ибтидоси илк шаклланиш давридаёқ вужудга келган. Мавжуд ижтимоий-ахлоқий тенденциялар бир томондан, дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қатламларни муросага келтиришга ҳамда қарама-қаршиликларни бартараф этишга хизмат қилган. Тадқиқотда ушбу йўналиш бўйича давлат хизматчиси ахлоқий категориясининг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш муносабатларини янада чуқурлаштириш, илмий тамойилларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш каби тақлифлар билан асосланди.

Бугун биз барпо этаётган янги Ўзбекистон давлатида халқимизнинг бугунги мақсадли ва манфаатли ислохотлардан рози эканликларини таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимлар салоҳиятини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаолиятларини маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий қадрият ва ўрф-одатларимиз, энг муҳими миллий менталитетимиз руҳияти билан шакллантириб бориш бирламчи вазифа сифатида олинди. Айни пайтда, ушбу вазифаларни давлат ва жамият бошқарувида

муҳим омил сифатидаги аҳамиятини таъминлаш масаласига доир қўйидаги *назарий хулосалар* таклиф қилинди: **биринчидан**, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш жараёнида давлат хизматчиларининг бошқарув фаолиятида маънавий-ахлоқий қиёфасини демократия тамойиллари талаб даражасида мувофиқлаштириш ва жамиятнинг барча жабҳаларида такомиллик билан сингдириш бирламчи вазифа сифатида олинди; **иккинчидан**, қотиб қолган догматик, бир хил бошқарувга хос бўлган ислохотлардан воз кечиш орқали аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қиладиган ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун, деган тамойилни қонун билан кафолатлаган ҳолда амалга оширишни мақсад қилиб олиш назарда тутилади; **учинчидан**, давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган мақсадли ислохотларнинг туб моҳияти кишилар манфаатларини, эркинликларини кўзлаб аниқ мақсадлар сари йўналтирилмоқда. Жумладан, бу борада кадрлар сиёсатини ташкил этишда уларнинг турли ижтимоий-ахлоқий ҳамда маънавий-психологик омилларини қамраб олиш зарур. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш механизминини мукаммаллаштириш, индивиднинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш келажагимизнинг истиқболли имкониятларга эга бўлишини кафолатлайди; **тўртинчидан**, юқоридаги мақсадларнинг бирини олдин ва бошқасини кейин амалга оширишга ўриниш самара бермайди. Аввало, муаммонинг мураккаблиги бундай тизимни ташкил этишда намоён бўлса, иккинчидан, унга амал қилиш, ёки амалий самарадорлигини мустаҳкамлаш масаласидир. Аммо, давлат ва жамият бошқарув жараёнида давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга йўналтирилган адолатпарвар, ҳуқуқий демократик давлат қуриш асосларини мустаҳкамлашга қаратилган интилишларимизни ривожланган давлатлар тажрибаси билан ҳамоҳанг, уйғун ҳолда ташкил этиш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз; **бешинчидан**, мамлакат маънавий истиқболи юксак бўлиши учун хизмат қиладиган диний, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғи-

бот билан эмас, балки, унга амал қилишнинг ахлоқий мезонларини шакллантириш орқали қарор топади. Жамиятда бундай кадриятларнинг ахлоқий ва ташкилий тизимини шакллантирмаслик умумижтимоий ахлоқсизликни келтириб чиқаради. Бунда фуқаро ва амалдор шахслар томонидан ўз мажбуриятларини сўйиистеъмол қилиш имкониятлари сақланиб қолади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда манфатларига, кадр-қимматига эътибор берилмайди. Натижада, давлат ва аҳоли ўртасида оқибатсизлик, зиддият, ишончсизлик каби салбий иллатлар вужудга келиши мумкин; **олтинчидан**, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришнинг миллий ва халқаро муаммоларини илмий ўрганишда аввало, мукаммал ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатдан шаклланган салоҳиятли, соғлом тафаккурга эга бўлган эркин шахсларни тарбиялаш шарт-шароитларини яратиш зарур бўлади. Яъни, баркамол авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, улар эришиши керак бўлган ютуқлар учун ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиб, Ватан равнақида хизмат қилишларига муносиб имконият яратиб бериш бугунги ислоҳотларимизнинг тадрижий асосини ташкил қилади.

Мазкур мулоҳазаларимизни умумлаштирган ҳолда мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш асосларини мустаҳкамлаш жараёнида давлат хизматчиларининг бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириб бориш масалаларини илмий ўрганишни қўйидаги *амалий тақлиф ва тавсиялар* билан яқунлаймиз.

1. Замонавий жамиятда бошқарув жараёнида давлат хизматчиларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яратиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимини ижтимоий-сиёсий билимлар қамро-вида ўрганиш, демократик тамойиллар ривожига ворисийлик, мантиқийлик, тадрижийлик асосида таҳлил қилиш маънавий меросимизни фалсафа фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиб бориш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Яъни, тарихий нуқтаи назардан бошқарув механизмларига

ретроспектив жиҳатдан ёндашув ўтмиш, бугунда истиқболга интилаётган халқнинг ахлоқий мезонларига амал қилиш назарий ва амалий тизимини ташкил этишни вужудга келтиришни тақозо этади. Ушбу мавзуда яратилган асарларни сиёсий-фалсафий фанлар дарсликлари мазмунига киритиш ва улар моҳиятини ёшлар дунёқарашига сингдиришни миллий-мафкуравий вазифа-лардан бири деб ҳисоблаймиз.

2. Давлат хизматчиси ахлоқий маданияти категорияси виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги ва диний эркинлик каби қадриятлар шаклланишининг ахлоқий асоси бўлиб хизмат қилади. Бундай мезоний тушунчаларнинг нечоғли даражада миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида шаклланганлиги манфаатлар муштараклигининг амалий ифодаси сифатида давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий қиёфасининг моҳиятини ташкил этади.

3. Давлатчилик бошқаруви билан боғлиқ бўлган тараққиёт ривожини бевосита миллий маданият, инсоннинг эзгу ахлоқий фазилатлари салоҳияти даражаси билан боғлиқ бўлган омил ҳисобланади. Агар миллат ўз истиқболи ривожини англаб етса, ўзининг эркини, хурлигини, фикр эркинлигини ҳис этган ҳолда унга амал қилиб яшаса, эл-юрт юксалади. Унинг бугунги куни кечагидан яхшиликка, эзгуликка қараб ўзгаради. Мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда тарихий ривожимизда шарқона демократия бошқарувида мавжуд ижтимоий иллатларга нисбатан кураши ва бунда диний, миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар қамровида ушбу иллатларга қарши кураш хусусиятлари таҳлил қилинди.

4. Давлат ва жамият бошқарувинини демократлаштиришда маъна-вий-ахлоқий мезонлар устуворлигини таъминлаш муаммоларини илмий ўрганиш ҳамда у билан боғлиқ бўлган вазифаларимиз ижтимоий-фалсафий ечимини англаш, мамлакат тараққиёти учун тўсиқ бўлаётган иллатларга қарши маърифий кураш олиб бориш, илмли-ижодкор, ташаббускор давлат хизматчиларини

тарбиялашга қаратилган шарқона демократия тамойилларини шаклланишидаги энг муҳим жиҳатлар тадқиқ этилди.

5. Ҳуқуқий демократик давлатда бошқарув билан боғлиқ бўлган сиёсий муносабатлар амалга ошуви жараёнида ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлаш, унинг ижтимоий назоратини ўрнатиш жамиятда дунёвий ва диний қадриятлар мустаҳкамланишини талаб этади. Бундай тартиб, энг аввало давлат бошқаруви механизмларида шаклланган бўлиши керак. Зеро, адолатли давлат қабул қилган қонунларнинг амалда жорий этилиши давлат хизматчиларининг амалий фаолиятида намоён бўлади.

6. Давлат хизматчилари бошқарув фаолиятида манавий-ахлоқий мезонларнинг муҳим омил сифатидаги аҳамиятини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш муносабатида улар ўртасидаги мувозанат алоқадорлигини, муносабатлар мувофиқлигини шакллантириш борасида кўзда тутилган мақсад ва воситалар маълум маънода зиддиятли ва ҳамон олимлар ўртасида баҳсталаб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай жараёнда муаммога фақат юзаки назар билан эмас, балки унинг ички қирраларига, моҳиятига эътибор берган ҳолда амалий ҳаёт билан солиштириш талаб этилади. Шунда муаммонинг бундан кейин ҳам баҳсталаб, янгиликларга бой жабҳалари мавжудлиги намоён бўлишини ҳисобга олишимиз лозим.

Мазкур тадқиқотимизда давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш жараёнида давлат хизматчилари маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни илмий ўрганишнинг таъсир доирасини шакллантириш, назарий-методологик асосларини ишлаб чиқишдан ташқари фалсафий-амалий хулосалар, услуб ва воситалар тавсия этилди. Давлатчилик бошқаруви, фуқаролик институтлари, давлат хизматчиси бошқарув фаолияти ва маънавияти билан боғлиқ бўлган миллий ахлоқий мезонлар ўрганилди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 104. – Б.

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 48. – Б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488. – Б.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592. – Б.

5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. “Ўзбекистон”. 2-жилд. – Т.: 2018.

6. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг – иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”. 2019.

7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”. 2020.

8. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2021. – 464. – Б.

9. Ш.М.Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва муррабийлар кунига бағиланган тантанали маросимда “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” мавзусида сўзлаган нутқи. 2020 йил. 30 сентябрь.

10. Абу Наср Форобий. Фозил одам лар шаҳри. -Тошкент.: “Халқ мероси”, 1993.

11. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2 т. – Тошкент, 1965. – 373 б.

12. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2010 й. 311 бет.

13. Алимасов. В. Конфуций. Шарқ юлдузи. 2005 й. 2-3 сон. 178-бет.
14. Алимасов. В. Адолат фалсафаси. “Ҳаёт ва қонун” журнали. 4-сон. Т.: 2005. 60-бет.
15. Абдуллаева М ва бошқалар. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабон лўғат. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 1996. –Б. 19.
16. Абдурашидхонов М. Хотираларим. -Тошкент: “Шарқ”, 2001.
17. Авлоний А. Танланган асарлар. 1, 2 жилдлар. -Тошкент: “Маънавият”. 1998;
18. Алимарданов Т. “Ўчмас шараф” Ш.Рашидов ҳаёти ва фаолияти тарих кўзгусида. –Тошкент, Янги аср авлоди, 2017. – 38 б.
19. Алимардонов. Т. Амир Темур давлат бошқарувининг фалсафий-ахлоқий асослари. –Т.: 2007.-Б. -6.
20. Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ муозанати. –Т.: “Янги аср авлоди”, нашриёти. 2011. 296. Б.
21. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. -Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1983.
22. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси (1-китоб). - Тошкент: “Шарқ”, 2003. -13-бет.
23. Allaire, Y., and M. E. Firsirotu (1984) ‘Theories of organizational culture’ *Organization Studies* 5 (3): 213.
24. Алехин А.П., Козлов Ю.М., Кармолицкий А.А. Административное право Российской Федерации. Москва, Зерцало, 1996.
25. Аристотель. Политика. Ахлоқий Кабир. Маҳкам Маҳмуд таржимаси ва шарҳлари. -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004.липп.
- Франция: государственная система. – Москва, 1994. – 261 с.
26. Асмус Ф. Послесловие. В кн. «Платон». Сочинения в 3-х томах. – М.: 1971. – С. 599-600.
27. Атамуратов М. Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни. Сиёсий фанлар номзоди

илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. 2018. – 43 б.

28. Аҳмедов Х. «Ислоҳ Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоийсиёсий масалалари». Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, ДЖҚА, 2008. – 46 б.

29. Аиҳамахова А.А. Социально-философский анализ менталитета: общее и особенное. Автореф. дис. Док. филос. наук. Нальчик: 2006.- 24 с.

30. Балдауф Ингеборг. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”.-1993, 21 май.

31. Бахрах Д. Н. Административное право. – М.,1993.

32. Бегматов А. Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг технологик тизими. Раҳбар ва ходим (тўплам). – Тошкент, Академия, 1998. – 124 б.

33. Бегматов.А. Давлат хизмати одоби. Жамият ва бошқарув. № 3. 2004 й. Б. 8.

34. Бекмуродов М. Миллий менталитет ва бошқарув. // Жамият ва бошқарув. –Т.: 1998. №4 –Б. 13.; Ўзбек менталитети: жамоавийлик ва индивидуаллик нисбати. // “Хуррият” газетаси, 2002 йил. 17 апркль.

35. Бекмуродов. М. Миллий менталитет ва бошқарув. // Жамият ва бошқарув. 1998. № 4. Б. 15.

36. Бердияев.Н.А. Самопознание. М., ДЭМ. 1990. 134-бет.

37. Бергер Я.М. Модернизация и традиция в современном Китае. // Полис. 1995. №5. – 60 с.

38. Бехбудий. Танланган асарлар. Тошкент: “Маънавият”, 1999; Фитрат. Танланган асарлар. 1,2,3 жилдлар, -Тошкент: 2000;

39. Бехбудий М. Туристон маданий мухторияти лойиҳаси // Жаҳон адабиёти. -Тошкент: 2009. -146-бет.

40. Бехбудий М. Туристон маданий мухторияти лойиҳаси // Жаҳон адабиёти. -Тошкент: 2009. -146-бет.

41. Болиев.А. Раҳбар маънавияти. – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 71.



42. Братерский М.В. Теория модернизации: обзор американских концепций // США: экономика, политика, идеология. 1990. №9. – 26-29 с.

43. Брюйн П.Де. Управление по результатам в государственном секторе. –Москва: ИКСИ, 2005. – 192 с.

44. Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя”. -Тошкент: “Адолат”, 2000. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент: “Фан”, 1971.

45. Гвоздева М., Васильева Е. Трансформация государственной службы в условиях административной реформы: социологический анализ. Диссертация на соискание ученой степени доктора социологических наук. – Санкт-Петербург: 2015. – 32 с.

46. Гегель. Философия и право. – М.: 1990. С. 469.

47. Горький М. Собрание сочинений в 30 томах. Том 2. – М.: Художественная литература, 1949. – Б. 535.

48. Давид Битэм. Кевин Бойл, демократия: 80 саволга 80 жавоб. -Тошкенто.: 2001. -110-бет.

49. Ёқубов. А. Қутадғу билигда давлатчилик концепцияси. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашириёти. 1997 й. 32-33 бетлар.

50. Жакбаров. М. Комил инсон гоёиси: тарихий-фалсафий таҳлил. -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002.

51. Женевьев Г. Организация административной власти Франции. – Москва, 1994.

52. Черепанов.В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. –М.: ЮНИТИ-ДАНА. Закон и право. 2008. С. 514-515.

53. Чуқай Мустафо. Хўқанд мухторияти. // Шарқ юлдузи, 2002, 2-сон. 129-бет.

54. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Тошкент: “Юлдузча”, 1989.

55. Зенков З. Зарубежный опыт управления: Государственная служба: Учебное пособие. – Новосибирск: НГАУ, 2004. С. – 48.

56. Инглхарт Р. Пост модерн: меняющиеся ценности и изменяющиеся общества // Полис. – 1997. – №4. – 7-29 с.
57. Исломов З.М. Проблемы власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. – Т.: ТГЮИ, 2003. – 175-176-бетлар.
58. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. “Маънавият”, -Тошкент.: 2008. -51-бет.
59. Красильщиков В.А. Модернизация и Россия на пороге XXI века // Вопросы философии. 1993. № 7. – 144 с.
60. Ковалёв А. Влияние личности руководителя и стиля его работы на социально – психологический климат коллектива. // Социально – психологический климат коллектива и личность. – Т.: “Мысль”, 1983. С. 139-140.
61. Лизина Н.В. Управленческая культура как качественный показатель управленческой деятельности / «Ползуновский вестник», 2006, №1. – Б. 231-234.
62. Купряшин Г.Л. Политическая модернизация. – Москва: Общество «Знание» РСФСР, 1991. – 9 с.
63. Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993, с.5-6.
64. Ланцов С.А. Российский исторический опыт в свете концепций политической модернизации. // Полис. 2001. №3. – 93 с.
65. Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лўғати. -Тошкент: “Академия”, 2007. -298-бет.
66. Муҳаммад Ғаззолий. Насиҳат ул-мулук. Душанбе. Ирфон, 1993, -Б 86.
67. Материалист Древней Греции. - М.: 1955. - С. 217-218.
68. Макиавелли Н. Ҳукмдор //Жаҳон адабиёти. -Тошкент.: 2002. -№ 9. –Б. 133.
69. Манохин В.М. Государственная служба. Москва, 1966, с.5
70. Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. – Тошкент, Академия, 2005. – 144 б.
71. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришининг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. -173-б.

72. *Маънавият асосий тушунчалар изохли луФати.* - Т.: Фафур Фулом номидаги наириёт-матбаа ижодий уйи, 2013. -40-41-б.
73. *Маҳмудов Р. Маънавият юлдузлари.* -Тошкент: “Халқ мероси”, 1999. -227-бет.
74. *Назаров.Қ. Қадриятлар фалсафаси.* Т.: 2004. –Б. 12.
75. *Назаров Қ., Эргашев И. ва бошқалар. Миллий зоя ва раҳбар масъулияти.* – Тошкент, Ғ.Фулом наириёти, 2007. – 776 б.
76. *Назаров Қ. Ва блиқалар. Фалсафа қомусий лўғат.* –Т.: “Шарқ” наириёти, 2004. – Б. 257.
77. *Неру Ж. Открытие Индии. Книга первая.* - М.: 1989. – С. 37.
78. *Низомулмулк. Сиёсатнома.* -Тошкент: “Адолат”, 2004.
79. *Ницше Ф. Сочинения в 2 т. т. 1.* - М., Мысль, 1990. - С. 73
80. *Обара Сусуму. О системе прохождения службы в государственных и общественных учреждениях Японии (Система назначения на должности: с момента принятия на службу и до ухода в отставку. Материалы лекции в АГОС при Президенте РУз. Сентябрь, 1999. – 142 с.*
81. *Осипова М. Сингапур в интересах финансовых рынков. Азия и Африка сегодня.* - 2002. - № 6. 32-бет.
82. *Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси.* -Тошкент: “Академия”, 2005.
83. *Отамуродов С. “Авесто” миллий зоямиз манбаи // Жамият ва бошқарув.* -Тошкент: 2002. - № 2. -Б. 34.
84. *Пахрутдинов Ш. Жамоат минбари. Фуқаролик жамияти.* 2007 йил, 1-сон. – 32 б. Паркинсон С.Н., Рустомджи К. Искусство управления. – Москва, Форм-пресс, 2001. – 272 с.
85. *Платон. Собрание сочинений.* -Т. 1. Общ. Ред. А.Ф. Лосеева и др; Авт. Вступит. Статьи А.Ф.Лосев; Примеч. А.А.Тахо-Годи; Пер. с древнегреч. –М.: “Мысль”, 1990.
86. *Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба.* – Тошкент, Академия, 2007. – 262 б.

87. *Равшанов.Ф. Миллий раҳбаришунослик: тарих ва тажриба. - Тошкент, Akademiya, 2007 й. 47-бет.*
88. *Рахимова Д., Бекмуродов М. Лидерлик ва ташиқлот маданияти. – Тошкент, Академия, 2002. – 104 б.*
89. *Рахманов А. Давлат қурилиши ва бошқаруви. – Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 45,24 б.т. 2007. – 575 б.*
90. *Рустамбоев. М.Х. Абдухолиқов. С.О. Ҳуқуқ методологияси, тарих ва ҳуқуқни диалектиқ маданий тушуниш асослари. 2-қитоб.-Т.: 2005.54-бет.*
91. *Сағдуллаев А. Аминов Б. Мавлонов Ў. Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. -Тошкент: “Академия”, 2000. -31-бет.*
92. *Сингапур Конституцияси 1959 йил.*
93. *Соифназаров И. Маънавий барқамоллик ва сиёсий маданият. -Тошкент: “Шарқ”, 2001.*
94. *Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – Москва, Издательство политической литературы, 1989.*
95. *Термизий Хожя Самандар. Дастур ул мулк: подшоҳларга қўлланма. Таржима, сўз боши, изоҳлар муаллифи Ж.Эсонов. - Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1997.*
96. *Темур. Темур тузуклари. -Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1996.*
97. *Тугон.З.В. Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи. Истанбул. 1981. 357-бет.*
98. *Турғунов Ф. Меҳнат менталитети: янгилик ва тараққиёт диалектикаси. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”. 2004. –Б. 13-14.*
99. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., Ўзбекистон, 2023 й.*
100. *Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 6-бет.*
101. *Ўзбекистоннинг янги тарихи (2-қитоб). -Тошкент: “Шарқ”, 2000. -343-бет.*

102. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент – 2003. 635 б.
103. Федорова М.М. Традиционализм как антимодернизм // Полис. 1996. №2. – 144 с.
104. Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Тошкент.: “ТДЮИ” нашриёти, 2005.
105. Қосимов Б. Миллий ўйғониш. -Тошкент: “Маънавият”, 2002. -8-бет.
106. Қуранбоев Қ. Ўзбекистонда янги раҳбар кадрлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2007. – 164 б.
107. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимийёи саодат. Адолат; Тошкент, 2005; -322 б.
108. Хайек. Ф. Общество свободных. Лондон. 1990. 76-бет.
109. Ҳайитов У., Умарова Н. Бошқарув психологиясидан қисқача изоҳли лўғат. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2001. 24-бет.
110. Хентце Й., Метцнер Й. Теория управления кадрами в рыночной экономике. – Москва: “Международные отношения”, 1998. – 210 с.
111. Холбеков А. Касбларнинг касби ёхуд раҳбар кадрларни ўқитиши ва касбий маҳоратини ошириши муаммолари. Жамият ва бошқарув. 2006, 2-сон. – 16-20 б.
112. Холбеков А., Ижиров У. Социология (изоҳли лўғат - маълумотнома). –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1999. – Б. 83.
113. Ҳусанбоев.О. Захриддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Т.: 2005. 43-44 бетлар.
114. Юсуф Хос Хожиб. Қудатғу билиг. Т.: “Фан”. 1971 й. 329-бет.
115. Цицерон М.Т. Диалоги. (Перевод с латинского и комментарии В. О. Горенштейна.) – М., Научно-издательский центр «Ладомир» - «Наука», 1994.

116. Dwivedi, O. P. 1999. *Administrative Culture and Values: Approaches. From Bureaucracy to Public Management: The Administrative Culture of the Government of Canada*. Peterborough, Canada: Broadview Press. Chapter 1. – P. 19 - 30.

117. Singer, Milton. 1968. "The concept of Culture". In *International Encyclopedia of the Social Sciences*. New York: Macmillan Press.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I. БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b>	
<b>1.1.</b> Давлат хизматчиси тушунчасида ахлоқий қадриятларнинг сиёсий фалсафаси.....	14
<b>1.2.</b> Давлат хизматчиси маънавий-ахлоқий тамойилларининг ретроспектив негизлари ва уларни ўрганиш аҳамияти.....	38
<b>1.3.</b> Замонавий жамиятда давлат хизматчиси бошқарув фаолиятининг маънавий-ахлоқий тенденциялари.....	54
<b>II. БОБ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРИШ МУАММОЛАРИ</b>	
<b>2.1.</b> Давлат ва жамият бошқаруви тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.....	75
<b>2.2.</b> Давлат хизматчисининг бошқарув фаолиятида ахлоқий маданиятнинг устуворлиги.....	96
<b>2.3.</b> Бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси диалектик алоқадорлигининг ахлоқий хусусиятлари.....	119
<b>III. БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЛҚИНЛАРИДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА</b>	
<b>3.1.</b> Давлат хизматчиси бошқарув фаолиятида миллий менталитетнинг устувор бўлиш асослари.....	141
<b>3.2.</b> Замонавий давлат хизматчиси ва халқаро тажриба мезонлари ва мувофиқлик даражаси.....	161
<b>3.3.</b> Миллий ва халқаро менталитетда раҳбар бошқарувининг классификацияси.....	184
<b>ХУЛОСА</b> .....	207
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	213

ШОНАЗАРОВ ЖАМШИД ШУХРАТОВИЧ

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ  
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИ**  
(М о н о г р а ф и я)

Muharrir: B. Musayev

Musahhih: I. Tog‘ayev

Texnik muharrir: M. Tog‘ayev

Kompyuterda sahifalovchi: F. Akramova

*Tasdiqnoma. 5165, 02.03.2021.*

Terishga berildi: 30.05.2023 y.

Bosishga ruxsat etildi: 10.08.2023 y.

Ofset qog‘oz. Qog‘oz bichimi: 60x84 1/16.

“Cambria” gar. Ofset bosma.

Hisob nashriyot t.: 13,14. Shartli b. t.: 13,22.

Adadi: 30 nusxa. Buyurtma №79

---

«Intellekt» nashriyotida tayyorlandi.

QarMII kichik bosmaxonasida chop etildi.

180100. Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 225 – uy.

Telefon 91-466-80-32.